

# ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МИНТАҚАВИЙ МАРКАЗИ

**Топилдиев В.Р.**

# ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

**Қайта ишланган ва тўлдирилган иккинчи нашри**

**Тошкент 2015**

Ушбу услубий қўлланмада таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари сифатида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг буйруқлари мазмуни ёритиб берилган.

**Тақризчилар:** ю.ф.д., проф. Ю.С.Пулатов

ю.ф.д., проф. Р. Ж. Рўзиев

**Маъсул муҳаррир:** ю.ф.д., проф. О.Оқюлов

Ушбу услубий қўлланма Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Бош илмий методик марказнинг Илмий Кенгашида кўриб чиқилган ва нашрга тавсия этилган. № 5 сонли баённома.

# КИРИШ

Жамиятнинг ривожланиши унда яшовчи фуқароларнинг иқтисодий, маданий, сиёсий ва маънавий эҳтиёжларини қай даражада қондирилишига боғлиқдир. Хозирги глобаллашув шароитида аҳолининг юқори билим даражаси мамлакатнинг турли соҳалардаги мустақиллигини таъминлашда муҳим ўрин эгаллайди. Чунки ҳар соҳада етакчиликни қўлга олиш, ўзга мамлакатларга у ёки бу даражада қарамликдан холос бўлишда аҳолининг илмий ва касбий салоҳияти асосий омиллардан бири сифатида баҳоланади. Аҳолининг саводхонлик даражаси юқори бўлган мамлакатда ишлаб чиқаришни ривожлантириш, иш ўринларини ташкил этиш борасида имкониятлар кенг ва уларда ишсизлик ва ўзга давлатларга иш излаб кетиш даражаси ҳам нисбатан паст бўлади. Зеро ўқимишли кишини саводсизларга нисбатан иш топиши осонроқдир. Мамлакатнинг билимли аҳолисини иқтисодиётга самарали йўналтириш эса муҳим аҳамият касб этади. Чунончи, таълим даражасининг ошиши мамлакат ялпи ички маҳсулотнинг ортишига ҳам сабаб бўлади ҳамда мамлакатда товар, иш ва хизмат бозори жадаллик билан ривожланади.

Инсон цивилизацияси давомида таълим ва илм-фанни юқори даражада ривожлантириш ижтимоий, техник ҳамда иқтисодий тараққиётнинг муҳим "двигатели" саналади. Мамлакатларнинг турли даврларда эришган мувофаққиятлари ўз даврида илм-фан, санъат ва маданиятни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратганлиги билан белгиланиши хеч кимга сир эмас. Қадимда Миср, Хитой, Юнонистон, Рим, Марказий осиё тарихи инсоният ривожланишида нафақат буюк, хатто хозирги кунда хавас қилса арзигулик давридир. Айни кунларда эса Япония, ривожланган Европа давлатлари АҚШ, Сингапур каби бир қатор мамлакатларнинг ўз фаровонлиги ҳамда ривожланишига илмий кашфиёт ва ихтиролар катта таъсир кўрсатганидан далолат берувчи тажрибасидан сабоқ олса бўлади. Бу ютуқлар жамиятда таълим ва илм-фанга, шунингдек, улар асосида шаклланадиган маданият ҳамда санъатга бўлган эътиборли муносабат натижасидир.

Маълумки мамлакатимиз аҳоли саводхонлиги, илмий ва касбий салоҳияти бўйича хеч шубҳасиз дунё мамлакатлари орасида етакчилардан бирига айланган. Статистик маълумотларга қараганда

Ўзбекистонда таълим кўрсаткичи 0,99 ни ташкил этади[1]. Эътибор учун айни вақтда бу кўрсаткич дунё мамлакатларида 0,77 ни ташкил этмоқда[2].

Буларнинг барчаси Мамлакатимиз Президенти ва Ҳукумати томонидан таълим соҳасидаги ислоҳотларни ўз вақтида асосий мақсад сифатида амалга ошираётганликларининг мевасидир.

Маълумки мамлакатимиз мустақиллиги миллий таълим соҳасида ислоҳотлар амалга ошириш учун замин яратди. Зеро бу давргача республикамиз Собиқ Иттифоқ таркибига кирар ва унинг таълим соҳасидаги марказлаштирилган, худуд имкониятлари ва минталитети эътиборга олинмаган, мафкуралашган, зарур касбий йўналтиришга эътибор берилмайдиган ҳолатлари амалда эди. Мустақилликнинг илк даврларида мавжуд таълим соҳасидаги ижобий натижаларни сақлаб қолиш ва ўтмишдан қолган мероснинг салбий жиҳатларини ҳамда ўтиш даври билан боғлиқ қийинчиликларни бартараф этиш учун жиддий чоралар кўриш зарур эди.

Зеро, юртбошимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, "таълим-тарбия тизимини ўзгартирмасдан туриб, биз кўзлаган олий мақсад – озод ва обод жамиятни барпо этиб бўлмас"[3] эди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан МДҲ давлатларида биринчи бўлиб Ўзбекистон Республикаси таълим соҳасида қатъий ислоҳотлар амалга оширила бошланди. Айникса "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва "Кадрлар тайёрлаш" Миллий дастурининг амалга киритилиши янги босқични бошлаб берди. Натижада таълим тизими ва мазмун - моҳияти бозор муносабатлари шароитидан келиб чиқиб такомиллаштирилди. Зеро, Собиқ Иттифоқ даврида "таълим – бир умрга" тамойили "бешикдан қабргача илм изла" мақолидан келиб чиққан ҳолда "бир умр таълим" тамойилига алмаштирилди ҳамда узлуксиз таълим концепцияси ва касб-хунар таълимининг ислоҳати самараси ўлароқ меҳнат бозорини муайян касбий кўникмаларга эга шахслар билан таъминлаш имконини берди.

Бундан ташқари таълим соҳаси ҳам бозор муносабатларига мослаштирила бошланди. Зеро таълим соҳасини 100 фоиз давлат бюджетидан амалга оширилган ажратмалар эвазига ташкил этиш бозор қонунияти талабларига зид эди. Мактабгача таълимда хусусий муассасаларнинг фаолият юритиши, кўп бўлмаса-да айрим хусусий ўрта таълим мактабларининг очилиши, олий ўқув юртларида

---

[1] Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотномаси. 2008.

[2] Инсон тараққиёти тўғрисидаги маъруза. Ўзбекистонда таълим: талаб ва таклиф мутаносиблиги. – Тошкент: 2008. -27 б.

[3] Каримов И. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Т.7. –Тошкент: Ўзбекистон, 1999. Б. 94.

контракт тўловлари асосида таълимнинг жорий этилиши, касбий ва малака ошириш таълимининг ҳақ эвазига амалга оширилиши соҳада ўзини ўзи молиялаш тизимини вужудга келтириш учун асос бўлди. Зеро, таълим соҳасида кўрсатиладиган пулли хизматлар таълим берувчиларнинг молиявий қўллаб-кувватланишига, муассасанинг моддий-техника базасини ривожланишига ва соҳада рақобат муҳитини вужудга келишида муҳим омил бўлди.

Республикамизда таълим-тарбия тизимини тубдан ўзгартириш йўлида олиб борилаётган ислоҳотларни амалга ошириш ва бу борада қабул қилинган хужжатлар моҳиятини кенг жамоатчилик томонидан чуқур англаб олинишига ҳар томонлама шароит яратиш - давлат бошқаруви идоралари, таълим-тарбия муассасалари ходимларининг энг долзарб вазифаларидан бири хисобланади.

Маълумки Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 12.06.2015 йилдаги № 4732-сонли Фармонида олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштиришнинг муҳим йўналишлари жумладан, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларининг педагогик ва касб даражасини мунтазам ошириш асосида уларнинг қонунчилик нормалари, назария, илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқитилаётган фанлар бўйича инновациялар, шунингдек, ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари соҳасидаги сўнгги ютуқларни чуқур ўрганиш белгилаб қўйилди.

Ушбу услубий қўлланмада таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этишнинг қонунчилик асослари жумладан: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, фармойиш-лари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкама-сининг қарорлари хамда олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг буйруқлари тўғрисида фикр ва мулохазалар баён этилган.

Ушбу услубий қўлланмада баъзи камчиликлар учраши ва айрим масалалар тўла ёритилмаган бўлиши мумкин. Таълим-тарбия муассасаларининг жонкуярлари ушбу услубий қўлланманинг сифатини яхшилаш борасида ўз фикр ва мулоҳазаларини билдириб, унинг кейинги нашрлари янада мукаммал бўлиб чиқишига ёрдам берадилар, деган умиддамиз.

Ушбу услубий қўлланма олий таълим муассасаларининг рахбар кадрлари, профессор-ўқитувчилари ва таълим сохасининг ходимларига мўлжалланган. Услубий қўлланма юзасидан билдирилган барча танқидий фикрлар ҳамда таклифлар учун олдиндан ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз

**У.Ш. Бегимкулов**
**педагогика фанлари доктори,**
**профессор**

## I-модул. Таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этишнинг қонун хужжатлари.

1-§.Меъёрий-ҳуқуқий хужжатлар тушунчаси ва турлари.

2-§.Ўзбекистон Республикаси Конституцияси таълим ва тарбия жараёнларининг асосий қонун хужжати сифатида.

3-§. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни.

4-§. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури.

5-§.Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари.

### 1-§.Меъёрий-ҳуқуқий хужжатлар тушунчаси ва турлари.

Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат[1] деб норматив хужжатлар тўғрисидаги Қонунга мувофиқ қабул қилинган, умум мажбурий давлат кўрсатмалари сифатида ҳуқуқий нормаларни белгилашга, ўзгартиришга ёки бекор қилишга қаратилган расмий ҳужжатга айтилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари, Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган органлар ёки мансабдор шахслар ҳисобланади.

**Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг турларига қуйидагилар киради:**

1.Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси;

2.Ўзбекистон Республикасининг қонунлари;

3.Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари;

4.Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари;

5.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари;

6.Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари;

7.Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари.

Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қонун ҳужжатларидир ва улар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари мажмуини ташкил қилади.

---

[1] Норматив – ҳуқуқий хужжат

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари қонунлардир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари қонуности ҳужжатларидир.

Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг устуворлиги сўзсиз тан олинади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси олий юридик кучга эга ва Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси асосида ва уни ижро этиш учун қабул қилинади ҳамда унинг нормалари ва принципларига зид келиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари энг муҳим ва барқарор ижтимоий муносабатларни тартибга солади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан ёки референдум ўтказиш йўли билан қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари конституциявий қонунлар тарзида қабул қилиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари асосида ҳамда уларни ижро этиш учун қарорлар тарзида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари асосида ҳамда уларни ижро этиш учун фармонлар, қарорлар ва фармойишлар тарзида меъёрий -ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари асосида ҳамда уларни ижро этиш учун қарорлар тарзида меъёрий - ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар ўз ваколати доирасида буйруқлар ҳамда қарорлар тарзида меъёрий - ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари асосида ҳамда уларни ижро этиш учун қабул қилинади.

Буйруқлар вазирлар томонидан ёки идора номидан қарорлар қабул қилиш якка тартибда амалга ошириладиган идоралар раҳбарлари томонидан қабул қилинади.

Қарорлар давлат қўмиталари томонидан ёки идора номидан қарорлар қабул қилишни мазкур идоранинг коллегиал органи амалга оширадиган идоралар томонидан қабул қилинади.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари бошқа вазирликлар, давлат қўмиталари ёки идоралар билан келишилган ҳолда қабул қилиниши мумкин.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар томонидан қўшма қарорлар тарзида меъёрий - ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши мумкин.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг таркибий бўлинмалари ҳамда ҳудудий органлари меъёрий - ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилишга ҳақли эмас.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўз ваколати доирасида қарорлар тарзида меъёрий - ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти юқори турувчи органларининг қарорлари асосида ва уларни ижро этиш учун қабул қилинади.

Турли меъёрий - ҳуқуқий ҳужжатларнинг юридик кучи бўйича ўзаро нисбати Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилган органларнинг ваколатига ва мақомига, ушбу ҳужжатларнинг турларига, шунингдек, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган санага мувофиқ белгиланади.

Меъёрий - ҳуқуқий ҳужжат ўзига нисбатан юқори юридик кучга эга бўлган меъёрий -ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ бўлиши шарт.

Меъёрий - ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасида тафовут бўлган тақдирда, юқори юридик кучга эга бўлган меъёрий - ҳуқуқий ҳужжат қўлланилади.

Тенг юридик кучга эга бўлган меъёрий - ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасида тафовут бўлган тақдирда, кейинроқ қабул қилинган ҳужжат қоидалари амал қилади.

Агар меъёрий - ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилган вазирликнинг, давлат қўмитасининг ёки идоранинг ижтимоий муносабатларнинг муайян соҳасини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш учун махсус ваколати бўлса, ушбу орган қабул қилган ҳужжат бир хил даражадаги бошқа вазирлик, давлат қўмитаси ёки идора томонидан қабул қилинган меъёрий - ҳуқуқий ҳужжатга нисбатан юқори юридик кучга эга бўлади.

## 2-§. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси таълим ва тарбия жараёнларининг асосий қонун хужжати сифатида.

Ҳар бир суверен давлатнинг бош ҳуқуқий асоси бу унинг Конституциясидир. Конституциямизнинг яратилиши ўзига хос ривожланиш йўлини босиб ўтганлиги билан тавсифланади. Ўтиш давридаги мураккаб замонда яратилган ушбу бебахо ва беназир хужжат асосий қонун шаклида жамиятнинг, халқнинг манфаати хамда келажагига умид ва ишонч уйғотди, ижтимоий тараққиётга мўлжал олувчи йўлчи юлдуз бўлиб хизмат килиб келмокда.

Конституциямизнинг ишлаб чиқилиши ва қабул килиниши Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов номи билан боғлиқ. Маълумки Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қизғин мухокамалар натижасида суверен демократик давлатнинг Конституцияси сифатида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинди. Конституциямиз муқаддима, 6 бўлим, 26-боб ва 128 та моддадан иборат.

1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг кириш қисми – муқаддимасида Ўзбекистон халқини ташкил этувчи барча инсонлар номидан ваколатли орган бўлган парламент – Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг депутатлари томонидан мазкур Конституциянинг қабул қилингани эълон этилади.

Зеро, умум эътироф этилган талабларга мувофиқ, истиқлолга эришган ҳар бир халқ, миллат ўз мустақил тараққиёт йўлини излашга, янги жамият ва давлат бунёд этишнинг ўзига мақбул конституциявий андозасини ишлаб чиқишга ҳаракат қилиш ҳуқуқига эга.

Айнан, Конституциянинг мукаддима қисмида истиқлолга эришган Ўзбекистон ўзининг қандай тараққиёт йўлини танлаб олганини, яъни мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб умрини ўтаб бўлган мустабид совет тузумидан воз кечиб, мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган очиқ демократик давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришга азму қарор қилганини билдиради. Миллий манфаатлар ва тарихий анъаналарни инобатга олган ҳолда, очиқ фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат қуриш, иқтисодиётда бозор муносабатларига ўтиш, мустақил давлат ва халқ манфаатларининг устунлигига ва халқаро муносабатларда тенг ҳуқуқли ҳамкорликка асосланган ташқи сиёсатнинг аниқ принциплари ва йўналишларини белгилаб олди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўзига хос хусусиятларини қуйидагиларда:

**биринчидан,** ушбу хужжатда ҳуқуқий ва сиёсий онгнинг энг юксак ютуқларини, хозирги замон, конституциявийлик илмини ўзига жалб этгани, ўзбек халқи маданияти ва миллий анъаналарининг чуқур илдизларига суянилганлиги;

**иккинчидан,** бу хужжат, Ўзбекистон Республикасидаги аввалги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий тизимни амалда бошқа тизимга айланганлигини, тубдан ўзгариш рўй берганини Конституциявий мустаҳкамлаганлигини кўриш мумкин.

Бир сўз билан айтганда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мазмунан янги сиёсий хужжатдир. Унда ижтимоий-сиёсий хусусият, уни ривожлантиришнинг асосий ғоялари, республика ички ва ташқи сиёсатининг энг муҳим йўналишлари белгилаб берилди. Асосий қонун дунё сиёсий харитасида янги суверен давлат - Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлганлигини мустаҳкамлаб қўйди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қоидалари хамиша устивор, бирламчи кучга эгадир. Бошқа қонунларнинг барчаси у ёки бу тарзда конституциявий меъёрлар асосида яратилади, уни ривожлантиради ва рўёбга чиқаради. Унинг асосида норматив ҳуқуқий-хужжатлар ишлаб чиқилади. Мамлакатимиз Конституцияси кучли ахлоқий заминга эгадир. Унда аввало инсонпарварлик, адолат ғоялари мустаҳкамлаб қўйилган. Конституциянинг “инсонга қаратилганлиги” хусусиятини алоҳида ажратиб кўрсатиш лозим. Конституциянинг марказида инсон, фуқаро, унинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари туради. Президентимиз И.А.Каримов

таъкидлаганидек "Эндиликда инсон, унинг ҳаёти, эрки, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқ ҳамда эркинликлари муқаддас саналиб, улар давлат томонидан кафолатланади".

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг бевосита иштирокида тайёрланган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ўз мақоми, тузилиши, йўналиши ҳамда асосий тамойиллари, яхлит мундарижасига, яъни Муқаддимасидан бошлаб сўнгги моддасига қадар мустақиллик ва истиқлол руҳи, демократик тамаддун мазмуни билан ажралиб туради. Шу ўринда айтиш ўринлики, демократик ҳуқуқий давлат қуриш ҳамда жамиятни умуминсоний қадриятлар асосида ташкил этишда, шубҳасиз Конституциянинг тутган ўрни ва аҳамияти беқиёс эканлигини эътибордан қолдирмаслик зарур. Мазмун моҳияти билан ҳуқуқий демократик давлатда ҳеч бир фуқаро ҳеч бир одам ўз ижтимоий-шахсий ҳаётини, ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни Конституциясиз тасаввур қила олмайди. Шунинг учун ҳам биз Конституциямиз мазмун-моҳиятини чуқур билишимиз, олдимизда турган муаммоларни ечишда Асосий Қонунимиздан жавоб топишга интилишимиз лозим.

Мустақил давлатимизнинг Конституцияси келажаги буюк давлатнинг ишончли ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлайди. У бизга инсон ҳуқуқлари, демократия, эркинлик, барқарорлик ва тараққиёт тамойиллари йиғиндисини ифодалайдиган ҳуқуқий ва адолатли давлат қуриш йўлларини аниқ ифода этган ва халқ манфаатларини ҳимоя қилувчи энг олий қонун сифатида доимий йўлчи юлдуз бўлиб халқимиз бораётган йўлни ёритиб боради.

Мухтарам Президентимиз И.А.Каримов Конституциянинг 8-йиллигига бағишланган тантанали маросимда шундай деган эди **"Мен Конституцияни болалар боғчасидан бошлаб ўрганишни, мактабларда дарслик тариқасида ўқитишни, олий ўқув юртларида махсус бир дарс сифатида ўргаиишни бугун барча мутассадди раҳбар ва ташкилотларимизга топшириқ тариқасида айтмоқчиман. Токи униб ўсиб келаётган ёш авлодимиз Конституциянинг мазмун-моҳиятини, у халқимизнинг истиқлол йилларида эришган улкан тарихий ютуқ эканини теран англаб етсин".**

Асосий Қонунимизнинг олдинги қонунлардан ва бошқа давлатларнинг Конституцияларидан ажралиб турадиган ўзига хос жиҳатлари қуйидагилардан иборат:

**Биринчидан**, 1992 йилги Конституциямиз ўзининг туб моҳияти ва фалсафаси, мақсадлари ва ғояларига кўра янги ҳужжатдир.

**Иккинчидан**, Конституциямиз ўзининг ички тузилиши ва янги конституциявий институтлари билан ажралиб туради.

**Учинчидан**, Асосий Қонун бошқа конституциялардан фарқли ўлароқ, ўта мафкуралаштириш ва сиёсатлаштириш руҳи билан суғорилмаган. Унда коммунистик мафкура, синфийлик, партиявийликдан асар ҳам йўқ.

**Тўртинчидан,** Конституциямиз жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилган халқаро ҳуқуқ талаб ва қоидаларига жавоб берадиган тарзда тайёрланган.

**Бешинчидан**, Конституциямиз жаҳон конституциявий тажрибасига кенг таяниши ва ижобий томонлардан атрофлича фойдаланганлиги билан ҳам ажралиб туради. Конституциямиз энг тараққий этган мамлакатлар, хусусан, АҚШ, Туркия, Франция, Германия Швеция, Италия каби Ғарб давлатлари, руҳияти ва этник жиҳатлардан бизга яқин бўлган Япония, Миср, Ҳиндистон ва бошқа Шарқ давлатларининг бой тажрибасидан энг демократик жиҳатларини, инсонпарварлик ғояларини тараннум этувчи халқаро хужжатларнинг талабларини ўзида жамлаган.

**Олтинчидан**, Конституциямизни мустақил давлатимиз равнақининг ҳуқуқий кафолати даражасига кўтарувчи энг муҳим белги унда жаҳоннинг илғор конституциявий тажрибасини миллий-маънавий ва ҳуқуқ қадриятларимизга, ўзбек халқининг бой тарихига уйғунлаштирилиб қўлланилганидадир.

Мустақил давлатимизнинг 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституцияси аввалги Конституциялардан ўзининг юридик мазмун ва моҳияти жиҳатидан фарқ қилиб, бу Конституцияда давлатнинг мустақиллиги мустаҳкамланди. Конституциямизнинг асосий моҳияти унинг халқ манфаатлари учун хизмат қиладиган, ҳуқуқий демократик давлат қуриш асослари белгилаб берилганлигидадир.

**Конституциянинг юридик хусусиятига:**

1. Конституция норматив-ҳуқуқий актлар жумласига кириб, қонунларга хос бўлган ҳамма белгиларга эга бўлади. Конституция бу Олий Мажлис томонидан қабул қилинадиган ва ҳамма учун умуммажбурий кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий акт бўлиб, жамият қурилиши халқ ҳокимиятчилиги билан боғлиқ бўлган ҳамма ижтимоий муносабатларни тартибга солади.

2. Конституция олий юридик кучга эга, яъни барча оддий қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий актларга нисбатан устунликка

эга, чунки қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий актлар Конституция нормаларига мувофиқ бўлиши шарт.

3. Конституция жорий қонунчилик учун асос бўлиб ҳисобланади ва уларнинг характерини белгилаб беради ва айни вақтда унинг нормаларини такомиллаштирувчи норматив актлар қабул қилиш зарурлигини назарда тутади.

4. Конституция яна уни қабул қилиш ва ўзгартиришнинг алоҳида тартибларини белгилайди.

**Конституциянинг асосий юридик белгилари қуйидагилардан иборат:**

1. Конституция бошқа норматив-ҳуқуқий актлар учун асос бўлиб ҳисобланади. У жамият ҳаётидаги энг муҳим ижтимоий муносабатларни тартибга солади.

2. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг халқчиллиги шунда намоён бўладики, бу Конституция мутахассислар томонидан ишлаб чиқилиши билан бирга ҳаёт тақазоси билан вужудга келган Конституциядир.

3. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ҳаётийлиги шундаки, Конституция жамиятда мавжуд ижтимоий муносабатларга ва жамиятнинг ривожланиш қонуниятларига, демократик тамойилларига тўла мос келади.

4. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг барқарорлиги, унда мужжасамлашган нормалар узоқ вақтлар давомида ўзгартиришларсиз ҳаракатда бўлишида намоён бўлади.

Ўзбекистон Республикаси демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш учун харакат қилар экан, хар томонлама ривожланган, эркин шахсни шакллантиришни ўзининг асосий вазифаларидан бири деб билади. Таълим сохасида мақсадга йўналтирилган давлат сиёсатини олиб бориш ва бу вазифани ечишда асосий воситалардан биридир.

Таълим олиш ҳуқуқи шахснинг асосий ҳуқуқларидан биридир. Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари умумжахон декларациясига (1948 йил) асосланиб берилган ҳуқуқни амалга оширишнинг фаолият кўрсатаётган механизмини яратди.

Таълим олиш ҳуқуқига тегишли ҳалқаро хужжатлар (1960 йил 14 декабрдаги Таълим сохасидаги камситишларга қарши кураш тўғрисидаги Конвенция) шуни эътироф этадики, “таълим” ибораси ўқитишнинг барча турларини ва босқичларини қамраб олади ва таълим олиш имконига эга бўлиш, таълимнинг даражаси ва сифати, шунингдек, таълим бериш шароитларини ўз ичига олади.

Халқаро ҳуқуқ нормалари бошланғич таълимнинг мажбурий ва бепул қилишни, ўрта таълимни унинг барча турларида умум эришадиган қилишни ва ундан ҳамманинг фойдаланишини таъминлашни, олий таълимни тўла тенглик асосида ва ҳар бир кишининг қобилиятидан келиб чиқиб барча эриша оладиган қилишни, қонунда белгиланган ўқишнинг мажбурийлигини таъминлашни тавсия этади.

Ўзбекистон Республикаси ўзи олган мажбуриятларга амал қилиб узлуксиз таълимнинг барқарор тизимини яратди, шахснинг таълим олиш ҳуқуқини амалга ошириш механизмини мустахкамлаб қўйди. Таълимнинг ягона тизими қуйидагиларни ўз ичига олади:

- мактабгача таълим;
- умумий ўрта таълим;
- ўрта махсус, касб-ҳунар таълими;
- олий таълим;
- олий ўқув юртидан кейинги таълим;
- кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш;
- мактабдан ташқари таълим.

Таълим шакли ва босқичларининг кўп хиллилиги шахснинг эхтиёжлари ва қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда унинг таълим олиш ҳуқуқини иложи борича тўларок амалга оширишга имкон беради.

Таълим олиш ҳуқуқининг мазмуни шундан иборатки, у Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқароси учун таълим ва тарбиянинг барча шаклларидан тенг фойдаланиш имкониятини беради.

Таълим олиш ҳуқуқини амалга ошириш қуйидагилар орқали таъминланади:

- таълим олиш учун зарур ижтимоий-иқтисодий шароитларни яратиш;
- давлат ва нодавлат таълим муассасаларининг тармогини яратиш;
- давлат таълим стандартлари доирасида таълим олишнинг барча учун имконияти борлиги;
- давлат таълим муассасаларидаги таълимнинг бепуллиги;
- таянч маълумоти олишнинг мажбурийлиги;
- таълимнинг турли шаклларини қўллаш;
- таълим муассасаларининг сиёсий партиялар ва ижтимоий-сиёсий харакатларга қарам эмаслиги.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддасида "Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир" деб кўрсатилган.

Давлат фақат таълим олиш ҳуқуқини амалга ошириш учун шароитлар яратибгина қолмай, мамлакатдаги мактаб ишларини назорат ҳам қилиб туради.

Хозирги вақтда Ўзбекистонда ҳар бир кишининг эҳтиёжига кўра таълим олиш ҳуқуқини таъминлашнинг ишчан механизми шаклланган бўлиб, у тегишли моддий - техник шарт - шароитлар билан мустаҳкамланган.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини мухофаза қилишга бағишланган барча қонунлар ва ҳуқуқий хужжатлар негизида Конституцияда назарда тутилган демократик рух билан суғорилган асосий ғоя ва қоидалар ётади. Конституция асосида ишлаб чиқилган ва қабул қилинган барча қонунлар Конституциявий тамойилларни ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида жорий этилиши учун муҳим восита вазифасини бажаради.

## 3-§. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни.

Мамлакатимизда мустақилликнинг биринчи йилларидан бошлаб таълим соҳасида эски ёндашувлардан бутунлай воз кечилиб, янгича тамойилларга, миллий қадрият ва анъаналаримизга, илғор жаҳон тажрибасига асосланиб, ҳаётимизни тубдан янгилаш, узоқ ва давомли мақсадларимизни амалга ошириш учун таълим ва тарбия соҳасига устувор аҳамият қаратилиб, бор куч ва имкониятлар шу йўлда сафарбар этилиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни 1997 йил 29 августда қабул қилинган бўлиб ушбу қонун 5 бўлим ва 34 моддадан иборат.

Ушбу Қонун фуқароларга таълим, тарбия бериш, касб-ҳунар ўргатишнинг ҳуқуқий асосларини белгилайди ҳамда ҳар кимнинг билим олишдан иборат конституциявий ҳуқуқини таъминлашга қаратилган.

**Билим олиш ҳуқуқи:**

1. Давлат ва нодавлат таълим муассасаларини ривожлантириш;
2. Ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган ҳолда таълим олишни ташкил этиш;

3. Таълим ва кадрлар тайёрлаш давлат дастурлари асосида бепул ўқитиш, шунингдек таълим муассасаларида шартнома асосида тўлов эвазига касб-ҳунар ўргатиш;

4. Барча турдаги таълим муассасаларининг битирувчилари кейинги босқичдаги ўқув юртларига киришда тенг ҳуқуқларга эга бўлиши;

5. Оилада ёки ўзи мустақил равишда билим олган фуқароларга аккредитациядан ўтган таълим муассасаларида экстернат тартибида аттестациядан ўтиш ҳуқуқини бериш орқали таъминланади.

"Таълим тўғрисида"ги Қонунга асосан таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг **асосий принциплари қуйидагилардан иборат:**

1. Таълим ва тарбиянинг инсонпарвар, демократик характерда эканлиги;
2. Таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги;
3. Умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг мажбурийлиги;
4. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишини: академик лицейда ёки касб-ҳунар коллежида ўқишни танлашнинг ихтиёрийлиги;
5. Таълим тизимининг дунёвий характерда эканлиги;
6. Давлат таълим стандартлари доирасида таълим олишнинг ҳамма учун очиқлиги;
7. Таълим дастурларини танлашга ягона ва табақалаштирилган ёндашув;
8. Билимли бўлишни ва истеъдодни рағбатлантириш;
9. Таълим тизимида давлат ва жамоат бошқарувини уйғунлаштириш.

Ушбу қонунда тегишли маълумоти, касб тайёргарлиги бор ва юксак ахлокий фазилатларга эга бўлган шахслар педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга эканлиги хамда педагогик фаолият билан шуғулланиш суд хукмига асосан ман этилган шахсларнинг таълим муассасаларида бу фаолият билан шуғулланишига йўл қўйилмаслиги алохида таъкидлаб ўтилган.

"Таълим тўғрисида"ги қонуннинг 6-моддасида таълим муассасасининг ҳуқуқий мақоми назарда тутилган. Унга асосан, таълим муассасаси юридик шахс бўлиб, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ташкил этилади. Нодавлат таълим муассасаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тартибда давлат аккредитациясидан ўтган пайтдан бошлаб юридик шахс ҳуқуқлари ва таълим фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга

бўлади. Таълим муассасасини аккредитациялаш ваколатли давлат органи томонидан аттестацияга асосан амалга оширилади.

Таълим муассасаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган устав асосида фаолият кўрсатади. Таълим муассасаси аттестация натижаларига биноан давлат аккредитациясидан маҳрум этилиши мумкин. Таълим муассасалари ўқув-тарбия мажмуиларига ҳамда ўқув-илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари ва уюшмаларига бирлашишга ҳақли.

“Таълим тўғрисида”ги қонуннинг 7-моддасида Давлат таълим стандартлари умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим мазмунига ҳамда сифатига қўйиладиган талабларни белгилайди деб кўрсатилган.

Давлат таълим стандартларини бажариш Ўзбекистон Республикасининг барча таълим муассасалари учун мажбурий хисобланади.

Таълим муассасаларида таълим бериш тилидан фойдаланиш тартиби Давлат тили тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тартибга солиниши алохида қайд этилган.

**Ўзбекистон Республикасининг таълим тизими ўз ичига қуйидагиларни олади:**

-давлат стандартларига мувофиқ таълим дастурларини амалга оширувчи давлат ва нодавлат таълим муассасалари;

-таълим тизимининг фаолият кўрсатиши ва ривожланишини таъминлаш учун зарур бўлган тадқиқот ишларини бажарувчи илмий-педагогик муассасалар;

-таълим соҳасидаги давлат бошқарув органлари, шунингдек уларга қарашли корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар.

Ўзбекистон Республикасида таълим мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, олий таълим, олий ўқув юртидан кейинги таълим, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш, мактабдан ташқари таълим турларида амалга оширилади.

**Мактабгача таълим** одатда давлат ва нодавлат мактабгача таълим муассасаси, қисқа муддатли гурухлар тузиш орқали амалга оширилади. Бу таълим олти-етти ёшгача оилада, болалар боғчасида ва мулк шаклидан қатъи назар бошқа таълим муассасаларида олиб борилади хамда у бола шахсини соғлом ва етук, мактабда ўқишга тайёрланган тарзда шакллантириш мақсадини кўзлайди.

**Умумий ўрта таълим** одатда умумий ўрта таълим олиш учун зарур бўлган саводхонлик, билим ва кўникма асосларини

шакллантириш, билимларнинг зарур ҳажмини бериш, мустақил фикрлаш, ташкилотчилик қобилияти ва амалий тажриба кўникмаларини ривожлантириш, дастлабки тарзда касбга йўналтириш ва таълимнинг навбатдаги босқичини танлаш мақсадини кўзлайди.

**Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими** академик лицей ёки касб-ҳунар коллежида амалга оширилади. Унинг асосий мақсади ўқувчиларнинг интеллектуал қобилиятларини жадал ўстиришни, уларнинг чуқур, табақалаштирилган ва касб-ҳунарга йўналтирилган билим олишларини таъминлаш, ўқувчининг касб-ҳунарга мойиллиги, маҳорат ва малакасини чуқур ривожлантириш, танланган касблар бўйича бир ёки бир неча ихтисос олишни таъминлаш ҳисобланади.

**Олий таълим** олий ўқув юртларида (университетлар, академиялар, институтлар ва олий мактабнинг бошқа таълим муассасаларида) кўрсатилади. Олий таълимнинг асосий мақсади олий таълим йўналишларидан бири (бакалавриат) ёки аниқ мутахассислик бўйича (магистратура) бўйича пухта билим бериш ҳисобланади.

**Олий ўқув юртидан кейинги таълим** жамиятнинг илмий ва илмий-педагогик кадрларга бўлган эҳтиёжларини таъминлашга қаратилиб, у олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот муассасаларида (докторантура, мустақил тадқиқотчилик) амалга оширилади.

**Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш** ОТМларда, махсус таълим муассасаларида, Олий мактабларда, қисқа муддатли ўқув курсларида ёки бошқа ташкилотларда амалга оширилиши мумкин бўлиб, унинг асосий мақсади касб билим ва кўникмаларни чуқурлаштириш ҳамда янгилашни таъминлашга қаратилади.

**Мактабдан ташқари таълим** болалар ва ўсмирларнинг якка тартибдаги эҳтиёжларини қондириш, уларнинг бўш вақти ва дам олишини ташкил этиш, маданий-эстетик, илмий, техникавий, спорт ва бошқа йўналишларда кўрсатилади. Бу таълим болалар, ўсмирлар ижодиёти саройлари, уйлари, клублари ва марказлари, болалар-ўсмирлар спорт мактаблари, санъат мактаблари, мусиқа мактаблари, студиялар, кутубхоналар, соғломлаштириш муассасалари ва бошқа муассасалар томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонунининг 19-моддасида Аккредитация қилинган таълим муассасаларининг битирувчиларига давлат томонидан тасдиқланган намунадаги маълумот тўғрисидаги ҳужжат (шаҳодатнома, диплом, сертификат, гувоҳнома) берилади деб кўрсатилган. Давлат томонидан тасдиқланган намунадаги маълумот тўғрисидаги ҳужжат оилада

таълим олган ёки мустақил равишда билим олган ва аккредитация қилинган таълим муассасаларининг тегишли таълим дастурлари бўйича экстерн тартибида имтиҳонлар топширган шахсларга ҳам берилади.

Тегишли босқичдаги таълимни тугалламаган шахсларга белгиланган намунадаги маълумотнома берилади.

Давлат тасдиқлаган намунадаги маълумот тўғрисидаги ҳужжат навбатдаги босқич таълим муассасаларида таълим олишни давом эттириш ёки тегишли ихтисослик бўйича ишлаш ҳуқуқини беради.

Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонунининг 20-моддасида таълим олувчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш, яъни норматив ҳужжатларга мувофиқ имтиёзлар, стипендия ва ётоқхонада жой билан таъминлаш, 21-моддасида таълим муассасалари ходимларига иш вақтининг қисқартирилган муддати белгиланиши, ҳақи тўланадиган йиллик узайтирилган таътиллар ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар, таълим муассасалари иш ҳақига мўлжалланган мавжуд маблағлар доирасида мустақил равишда ставкалар, мансаб окладларига табақалаштирилган устама белгилашга ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш ва уни рағбатлантиришнинг турли шаклларини қўллашга ҳақлилиги, 22-моддасида етим болаларни ва ота-оналарининг ёки бошқа қонуний вакилларининг васийлигисиз қолган болаларни ўқитиш ва уларни боқиш давлатнинг тўла таъминоти асосида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши, 23-моддасида эса жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсони бўлган, шунингдек, узоқ вақт даволанишга муҳтож бўлган болалар ва ўсмирларни ўқитиш, қисман ёки тўла давлат таъминотида бўлиши белгиланган.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таълим соҳасидаги ваколатларига:**

- таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;
- таълим соҳасидаги давлат бошқаруви органларига раҳбарлик қилиш;
- таълимни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- таълим муассасаларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартибини белгилаш;
- таълим муассасаларини аккредитациядан, педагог, илмий кадрларни аттестациядан ўтказиш тартибини белгилаш;

- Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида бошқа давлатларнинг таълим муассасаларига таълим фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи рухсатномалар бериш;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ хорижий давлатларнинг таълим тўғрисидаги ҳужжатларини тан олиш ва ҳужжатларнинг эквивалент эканлигини қайд этиш тартибини белгилаш;
- давлат таълим стандартларини тасдиқлаш;
- давлат томонидан тасдиқланган намунадаги маълумот тўғрисидаги ҳужжатларни тасдиқлаш ва уларни бериш тартибини белгилаш;
- давлат грантлари миқдори ва таълим муассасаларига қабул қилиш тартибини белгилаш;
- давлат олий таълим муассасасининг ректорларини тайинлаш;
- таълим олувчиларни аккредитация қилинган бир таълим муассасасидан бошқасига ўтказиш тартибини белгилаш;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлар киради.

**Таълимни бошқариш бўйича махсус ваколат берилган давлат органлари:**

- таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини рўёбга чиқариш;
- таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш ва услуб масалаларида уларга раҳбарлик қилиш;
- давлат таълим стандартлари, мутахассисларнинг билим савияси ва касб тайёргарлигига бўлган талаблар бажарилишини таъминлаш;
- ўқитишнинг илғор шакллари ва янги педагогик технологияларни, таълимнинг техник ва ахборот воситаларини ўқув жараёнига жорий этиш;
- ўқув ва ўқув-услубий адабиётларни нашр этишни ташкил қилиш;
- таълим олувчиларнинг якуний давлат аттестацияси ва давлат таълим муассасаларида экстернат тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш;
- давлат олий таълим муассасасининг ректорини тайинлаш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш;
- педагог ходимларни тайёрлашни, уларнинг малакасини оширишни ва қайта тайёрлашни ташкил этиш;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлар киради.

**Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг таълим соҳасида:**

- таълим муассасалари фаолиятининг минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш эҳтиёжларига мувофиқлигини таъминлайдилар;
- таълим муассасаларини ташкил этадилар, қайта ташкил этадилар ва тугатадилар, уларнинг уставларини рўйхатга оладилар;
- ўз ҳудудларидаги таълим муассасаларини ваколат доирасида молиялаш миқдорларини ва имтиёзларни белгилайдилар;
- таълим сифати ва даражасига, шунингдек, педагог ходимларнинг касб фаолиятига бўлган давлат талабларига риоя этилишини таъминлайдилар;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга оширадилар.

"Таълим тўғрисида"ги қонуннинг 28-моддасида таълим муассасасини бошқариш масаласи ёритиб берилган бўлиб унда таълим муассасасини унинг раҳбари бошқариши, таълим муассасаларида қонун ҳужжатларига мувофиқ фаолият кўрсатадиган жамоат бошқаруви органлари ташкил этилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Қонуннинг 29-моддасида таълим соҳасидаги давлат бошқаруви органлари билан нодавлат таълим муассасалари ўртасидаги ўзаро муносабатлари кўрсатиб ўтилган бўлиб унда:

-таълим соҳасидаги давлат бошқаруви органлари нодавлат таълим муассасаларида таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилади;

-нодавлат таълим муассасалари таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузган тақдирда, аккредитация қилган органлар уларнинг фаолиятини қонун ҳужжатларига мувофиқ тўхтатиб қўйишга ҳақли эканлиги;

-нодавлат таълим муассасаларига қабул давлат ўқув юртлари учун белгиланган тартибда ва муддатларда амалга оширилиши қайд этилган.

Шунингдек, қонунда:

1. Вояга етмаган болаларнинг ота-оналари ёки қонуний вакиллари боланинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишлари шарт эканлиги ҳамда уларнинг тарбияси, мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими олишлари учун жавобгарлиги;

2. Давлат таълим муассасаларини молиялаш республика ва маҳаллий бюджетлар маблағлари, бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан амалга оширилиши;

3.Таълимни ривожлантириш фондлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда юридик ва жисмоний шахсларнинг шу жумладан чет эллик юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий бадаллари ҳисобидан ташкил этилиши мумкинлиги;

4.Таълим муассасалари таълим муаммолари юзасидан халқаро ҳамкорликда иштирок этишлари, хорижий мамлакатларнинг тегишли ўқув юртлари билан бевосита алоқалар ўрнатиши, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда улар билан қўшма ўқув юртлари ташкил этиш ҳуқуқига эга эканлиги;

5. Таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузишда айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлиши ёритиб берилган.

## 4-§. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни қоидаларига, миллий тажрибанинг таҳлили ва таълим тизимидаги жаҳон миқёсидаги ютуқлар асосида тайёрланган ҳамда юксак умумий ва касб-ҳунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил равишда мўлжални тўғри ола билиш маҳоратига эга бўлган, истиқбол вазифаларини илгари суриш ва ҳал этишга қодир кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга йўналтирилгандир.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришиб, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг ўзига хос йўлини танлаши кадрлар тайёрлаш тузилмаси ва мазмунини қайта ташкил этишни зарур қилиб қўйди ва қатор чора-тадбирлар кўришни: Давлат таълим стандартларини жорий этишни, янги ўқув режалари, дастурлари, дарсликларни жорий этишни, замонавий дидактик таъминотни ишлаб чиқишни, ўқув юртларини аттестациядан ўтказиш ва аккредитациялашни, янги типдаги таълим муассасаларини ташкил этишни тақозо этди.

Кадрлар тайёрлаш тизимининг демократик ўзгаришлар ва бозор ислоҳотлари талабларига мувофиқ эмаслиги, ўқув жараёнининг моддий-техника ва ахборот базаси етарли эмаслиги, юқори малакали педагог кадрларнинг етишмаслиги, сифатли ўқув-услубий ва илмий адабиёт ҳамда дидактик материалларнинг камлиги, таълим тизими,

фан ва ишлаб чиқариш ўртасида пухта ўзаро ҳамкорлик ва ўзаро фойдали интеграциянинг йўқлиги кадрлар тайёрлашнинг мавжуд тизимидаги жиддий камчиликлар сирасига киради.

**Кадрлар тайёрлаш тизимининг ислох қилиш омиллари:**

1. Республиканинг демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуриш йўлидан бораётганлиги;

2. Давлат ижтимоий сиёсатида шахс манфаати ва таълим устуворлиги қарор топганлиги;

3.Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграцияси, республиканинг жаҳондаги мавқеи ва обрў-эътиборининг мустаҳкамланиб бораётганлиги.

**Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг мақсади** - таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш Миллий тизимини яратишдир.

**Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг вазифалари:**

-таълим тизимини ислоҳ қилиш, давлат ва нодавлат таълим муассасалари ҳамда таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида рақобат муҳитини шакллантириш негизида таълим тизимини ягона ўқув-илмий-ишлаб чиқариш мажмуи сифатида изчил ривожлантиришни таъминлаш;

-кадрлар тайёрлаш тизими муассасаларини юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш, педагогик фаолиятнинг нуфузи ва ижтимоий мақомини кўтариш;

-таълим олувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг ва маърифий ишларнинг самарали шакллари ҳамда услубларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

-янги ижтимоий-иқтисодий шароитларда таълимнинг талаб қилинадиган даражаси ва сифатини, кадрлар тайёрлаш тизимининг амалда фаолият кўрсатиши ва барқарор ривожланишининг кафолатларини, устуворлигини таъминловчи норматив, моддий-техника ва ахборот базасини яратиш;

-узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимига бюджетдан ташқари маблағлар, шу жумладан чет эл инвестициялари жалб этишнинг реал механизмларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этишдан иборат.

Узлуксиз таълим кадрлар тайёрлаш тизимининг асоси, Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини

таъминловчи, шахс, жамият ва давлатнинг иқтисодий, ижтимоий, илмий-техникавий ва маданий эҳтиёжларини қондирувчи устувор соҳадир.

**Узлуксиз таълимни ташкил этиш ва ривожлантириш принциплари:**

таълимнинг устуворлиги унинг ривожланишининг биринчи даражали аҳамиятга эга эканлиги, билим, таълим ва юксак интеллектнинг нуфузи;

таълимнинг инсонпарварлашуви инсон қобилиятларининг очилиши ва унинг таълимга нисбатан бўлган турли-туман эҳтиёжларининг қондирилиши, миллий ва умумбашарий қадриятлар устуворлигининг таъминланиши, инсон, жамият ва атроф-муҳит ўзаро муносабатларининг уйғунлашуви;

таълимнинг миллий йўналтирилганлиги таълимнинг миллий тарих, халқ анъаналари ва урф-одатлари билан узвий уйғунлиги, Ўзбекистон халқларининг маданиятини сақлаб қолиш ва бойитиш, таълимни миллий тараққиётнинг ўта муҳим омили сифатида эътироф этиш, бошқа халқларнинг тарихи ва маданиятини ҳурматлаш;

иқтидорли ёшларни аниқлаш, уларга таълимнинг энг юқори даражасида, изчил равишда фундаментал ва махсус билим олишлари учун шарт-шароитлар яратиш.

**Узлуксиз таълим соҳасидаги ислоҳотлар қуйидагиларни назарда тутади:**

-давлат ва нодавлат таълим муассасаларининг ҳар хил турларини ривожлантириш;

-мажбурий умумий ўрта таълимдан ўрта махсус, касб-ҳунар таълимига ўтилишини таъминлаш;

-илғор технологияларни кенг ўзлаштириш, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар, чет эл инвестициялари кўламларининг кенгайиши, тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнесни ривожлантириш билан боғлиқ янги касб-ҳунар ва мутахассисликлар бўйича кадрлар, шу жумладан бошқарув тизими кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

-таълимни бошқариш тизимини такомиллаштириш, жамоат бошқаруви шаклларини ривожлантириш, таълим муассасаларини минтақалаштириш;

-таълим жараёни ва кадрлар тайёрлаш сифатига холис баҳо бериш тизимини яратиш ва жорий этиш;

-узлуксиз таълимни фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциялаштиришнинг пухта механизмларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

-туб ерли миллатга мансуб бўлмаган шахслар зич яшайдиган жойларда улар ўз она тилларида таълим олишлари учун ташкилий ва педагогик шарт-шароитлар яратиш;

**Узлуксиз таълим тизими ва турлари:**

- мактабгача таълим;
- умумий ўрта таълим;
- ўрта махсус, касб-ҳунар таълими;
- олий таълим;
- олий ўқув юртидан кейинги таълим;
- кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш;
- мактабдан ташқари таълимни ўз ичига олади.

**Мактабгача тарбияни ривожлантириш учун қуйидагиларни амалга ошириш:**

-малакали тарбиячи ва педагог кадрларни устувор равишда тайёрлаш;

-мактабгача таълимнинг самарали психологик-педагогик услубларини излаш ва жорий этиш;

-болаларни оилада тарбиялашни ташкилий, психологик, педагогик ва услубий жиҳатдан таъминлаш;

-замонавий ўқув-услубий қўлланмалар, техник воситалар, ўйинчоқлар ва ўйинлар яратиш ҳамда уларни ишлаб чиқариш;

-мактабгача ёшдаги болаларни халқнинг бой маданий-тарихий мероси ва умумбашарий қадриятлар асосида маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш учун шарт-шароитлар яратиш;

-мактабгача муассасаларнинг ҳар хил турлари учун турли вариантлардаги дастурларни танлаб олиш, мактабгача тарбиянинг барча масалалари бўйича малакали консультация хизмати кўрсатиш имкониятини яратиш;

-мактабгача тарбия ва соғломлаштириш муассасалари тармоғини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш механизмини ишлаб чиқиш.

**Умумий ўрта таълимнинг янгича тизими ва мазмунини шакллантириш учун қуйидагилар зарур:**

-мактабнинг I-IX синфлари доирасида сифатли умумий ўрта таълим олишни таъминловчи давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, бунда академик лицейлар ва касб-ҳунар

коллежларидан кейин олинадиган таълим дастурлари билан мантиқий боғлиқлик ҳисобга олиниши лозим;

-юқори малакали педагог кадрлар тайёрлаш;

-ҳудудларнинг жуғрофий ва демографик хусусиятларига, шахс, жамият ва давлатнинг эҳтиёжларига мувофиқ равишда таълим муассасалари тармоқларини ривожлантириш;

-ўқувчиларнинг қобилиятлари ва имкониятларига мувофиқ равишда таълимга табақалаштирилган ёндашувини жорий этиш;

-таълим беришнинг илғор педагогик технологияларини, замонавий ўқув-услубий мажмуаларни яратиш ва ўқув-тарбия жараёнини дидактик жиҳатдан таъминлаш;

-ўқувчилар касб-ҳунар танлайдиган ва психологик-педагогик жиҳатдан маслаҳатлар оладиган марказлар тармоқларини ташкил этиш.

**Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ташкил этиш ва ривожлантириш учун:**

-академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари фаолият кўрсатишининг норматив базаларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

-соҳа учун олий таълим муассасаларининг, ишлаб чиқариш, фан ва маданият соҳасининг мутахассисларини жалб этган ҳолда юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни, шу жумладан чет элларда тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил этиш;

-ўрта махсус, касб-ҳунар таълими давлат стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқув муассасалари учун таълим ва касб-ҳунар дастурлари, ўқув-услубий мажмуалар ишлаб чиқиш;

-академик лицейларнинг ўқувчилари меҳнат фаолияти кўникмаларини эгаллашлари учун ихтисослаштирилган дастурлар ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

-касб-ҳунар коллежларида тайёрланадиган мутахассисларга нисбатан ихтисос ва касб-ҳунар, малака талабларининг рўйхатини ишлаб чиқиш;

-ҳудудларнинг демографик шарт-шароитларини ва тегишли соҳадаги мутахассисларга бўлган маҳаллий эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими таълим муассасаларининг ташкил этилишини ва улар оқилона жойлаштирилишини таъминлаш, уларга ўқувчиларни имкон қадар оиласидан ажратмаган ҳолда қамраб олиш;

-академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг моддий-техника ва ахборот базаларини мустаҳкамлаш зарур.

**Олий таълим тизимини ташкил этиш ва ривожлантириш учун:**

-бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

-олий таълим муассасалари учун профессор-ўқитувчи кадрлар тайёрлаш, шу жумладан чет эллардаги етакчи ўқув ва илмий марказларда тайёрлаш;

-олий таълим муассасаларида таркибий ўзгартишлар ўтказиш;

-олий таълим муассасалари бошқарувини такомиллаштириш, муассасаларнинг мустақиллигини кучайтириш, муассислар, васийлар кенгашлари, жамоат назорат кенгашлари шаклидаги жамоат бошқарувини жорий этиш;

-таълимнинг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграцияси таъсирчан механизмларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

-ўқишни, мустақил билим олишни индивидуаллаштириш ҳамда дистанцион таълим тизими технологияси ва воситаларини ишлаб чиқиш ва ўзлаштириш;

-янги педагогик ва ахборот технологиялари, тайёргарликнинг модул тизимидан фойдаланган ҳолда талабаларни ўқитишни жадаллаштириш;

-халқнинг бой маънавий ва интеллектуал мероси ва умумбашарий қадриятлар асосида таълимнинг инсонпарварлик йўналишини таъминлаш зарур.

**Олий ўқув юртидан кейинги таълимни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш қуйидагиларни ўз ичига олади:**

- “Таълим тўғрисида”ги Қонунга ҳамда мамлакатни ижтимоий ва иқтисодий ривожлантириш истиқболларига мувофиқ олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш;

-касб таълими тизими учун олий малакали илмий-педагог кадрларни ҳамда илғор педагогик технологиялар соҳасида илмий кадрларни устувор равишда тайёрлаш;

-ривожланган мамлакатларнинг илғор таълим муассасалари ва илмий марказларида устувор йўналишлар бўйича олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрланиши учун шароитлар яратиб бериш;

-фан, технология ва таълим соҳасида ривожланган мамлакатлар билан халқаро ҳамкорликни чуқурлаштириш.

**Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимини ташкил этиш ва ривожлантириш учун:**

-кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизими фаолиятида янгича таркиб, мазмун ҳамда бу тизимни бошқаришни шакллантириш;

-юқори малакали ўқитувчи-мутахассис кадрлар тайёрлаш ва соҳани улар билан тўлдириб боришни таъминлаш;

-кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимининг бу соҳада рақобатга асосланган муҳитни шакллантиришни ва самарали фаолият олиб боришни таъминловчи норматив базасини яратиш;

-кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш таълим муассасаларини давлат аттестацияси ва аккредитациясидан ўтказиш тизимини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

-иқтисодиётнинг давлат ва нодавлат секторлари, мулкчиликнинг турли шаклидаги ташкилот ва муассасаларнинг талаб-эҳтиёжларига мувофиқ кадрлар ва мутахассисларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни таъминловчи давлат ва нодавлат таълим муассасаларини ташкил этиш ва ривожлантиришга кўмаклашиш;

-профессионал тренинг илғор технология ва ускуналарни, шунингдек, мураккаб, фан ютуқларини талаб қилувчи технология жараёнлари имитаторларини ишлаб чиқиш, яратиш ва амалий ўзлаштириб олиш зарур.

**Мактабдан ташқари таълимни ривожлантириш вазифаларини ҳал этиш учун:**

-таълим бериш ва камол топтиришга йўналтирилган хизматлар кўрсатувчи муассасалар тармоғини кенгайтириш ва бундай хизматлар турларини кўпайтириш;

-миллий педагогик қадриятларга асосланган ва жаҳондаги илғор тажрибани инобатга олувчи дастурлар ва услубий материаллар ишлаб чиқиш;

-ўқувчиларнинг бўш вақтини ташкил этишнинг, шу жумладан оммавий спорт ва жисмоний тарбия-соғломлаштириш тадбирларининг, болалар туризмининг, халқ ҳунармандчилигининг мавжуд турлари ва шаклларини такомиллаштириш, миллий турлари ва шаклларини тиклаш ҳамда амалиётга жорий этиш керак.

**Кадрлар тайёрлаш Миллий тизимини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари:**

1.Таълимнинг узлуксизлигини таъминлаш;

2.Педагог ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

3.Таълим жараёнини мазмунан ислоҳ қилиш;

4.Маънавий-ахлоқий тарбия ва маърифий ишлар;

5.Иқтидорли болалар ва истеъдодли ёшлар;

6.Таълим тизимини бошқариш;

7.Касб-ҳунар таълими сифатини назорат қилиш тизимини шакллантириш;

8.Таълим тизимини молиялаш;

9.Моддий-техника таъминоти;

10.Таълим тизимининг яхлит ахборот маконини вужудга келтириш;

11.Таълим хизмати кўрсатиш бозорини ривожлантириш;

12.Таълим соҳасида ижтимоий кафолатларни таъминлаш ҳамда бу соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш;

13. Фан билан таълим жараёни алоқаларини ривожлантириш;

14.Ишлаб чиқариш ва таълим тизими интеграциялашувини ривожлантириш;

15. Таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини рўёбга чиқариш қуйидаги уч босқичга бўлинган эди.

**БИРИНЧИ БОСҚИЧ** (1997 - 2001 йиллар) мавжуд кадрлар тайёрлаш тизимининг ижобий салоҳиятини сақлаб қолиш асосида ушбу тизимни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш учун ҳуқуқий, кадрлар жиҳатидан, илмий-услубий, молиявий-моддий шарт-шароитлар яратиш.

**ИККИНЧИ БОСҚИЧ** (2001 - 2005 йиллар) Миллий дастурни тўлиқ рўёбга чиқариш, меҳнат бозорининг ривожланиши ва реал ижтимоий-иқтисодий шароитларни ҳисобга олган ҳолда унга аниқликлар киритиш.

**УЧИНЧИ БОСҚИЧ** (2005 ва ундан кейинги йиллар) тўпланган тажрибани таҳлил этиш ва умумлаштириш асосида, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларига мувофиқ кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва янада ривожлантириш.

Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий таркибий қисмлари сифатида шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан ва ишлаб чиқариш белгиланган.

Мазкур андозада шахс - кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва объекти сифатида, узлуксиз таълим тизимида таҳсил олиш орқали баркамол, юксак маънавиятли, касб-ҳунарли ва илмли бўлиши натижасида Ватан равнақига муносиб улуш қўшадиган, халқ фаровонлиги йўлида хизмат қиладиган, миллатлараро тотувлик ва юрт тинчлигини сақлайдиган, дунё ҳамжамиятидаги касбдошлари билан ижтимоий ҳамкорликни амалга оширадиган, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат орқали мустақиллик принципларига содиқлигини таъминлаш назарда тутилган.

Давлат ва жамият – узлуксиз таълим тизими олдига давлат ва ижтимоий буюртмаларни қўйиш ва уларни амалга ошириш учун зарур бўлган моддий-техника базасини яхшилаш баробарида, кадрлар тайёрлаш тизимининг фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш, аттестация ва аккредитациядан ўтказиш, эҳтиёжга мувофиқ кадрлар тайёрлаш ва уларни иш билан таъминлашни амалга оширади;

Узлуксиз таълим тизими ўз олдига қўйилган давлат ва ижтимоий буюртмаларга мувофиқ малакали, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш асоси саналиб, таълимнинг барча турлари учун давлат таълим стандартлари, таълим-тарбия жараёнини ташкил этишнинг услубий-методик асосларини ишлаб чиқиш, кадрлар тайёрлаш тизими меъёрий асослари ва фаолият кўрсатиш муҳитини яратади.

Кадрлар тайёрлаш миллий моделида фаннинг ўрни беқиёс бўлиб, юқори малакали мутахассислар тайёрлаш, таълим самарадорлигини орттиришга замин тайёрлайдиган илғор педагогик ва ахборот технологияларини ишлаб чиқиш, уларни таълим-тарбия жараёни ва ишлаб чиқаришга татбиқ этишни таъминлаши зарур.

Ишлаб чиқариш кадрларга бўлган эҳтиёжни шакллантирувчи, шунингдек, уларнинг тайёргарлик сифати ва савиясига нисбатан қўйиладиган талабларни белгиловчи асосий буюртмачи сифатида кадрлар тайёрлаш тизимини молия ва моддий-техника жиҳатидан таъминлаш жараёнининг қатнашчиси саналади.

Давлат ва жамият Республикамиздаги барча фуқароларнинг узлуксиз таълим тизими бўйича таҳсил олиши, кадрлар тайёрлаш тизимида ташкил этиладиган таълим-тарбия жараёнининг замон талабларига мос равишда ташкил этилиши, ҳаёт ўзгаришларига мослашувчанлигини таъминлайди.

Бугунги кунда дастурда белгиланган босқичлар ва кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари бўйича ўтган даврда амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилиш ва келгусидаги вазифаларни белгилаш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири саналади.

Ўзбекистон Республикасида узлуксиз таълим тизими, кадрлар тайёрлаш миллий моделини жорий этишнинг меъёрий, шу билан бир қаторда илмий-назарий асоси бўлган “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўгрисида”ги Қонунининг қабул қилинганлигига ҳам 18 йил бўлди.

Миллий моделга мувофиқ Республикамизда олий таълим ўрта махсус, касб-ҳунар таълими негизига асосида икки босқичли: бакалавриат ва магистратура босқичида ташкил этилди.

Бакалавриат таълим йўналиши бўйича талабалар фундаментал ва амалий билим, кўникма ва малакаларни эгаллашини таъминлайдиган, таянч олий таълим саналади.

Миллий моделда магистратура бакалавриат негизида ташкил этилиб, магистрантларга аниқ мутахассислик бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган олий таълим босқичи сифатида белгиланган.

Республикамизда икки босқичли олий таълим тизимини ташкил этиш ва ривожлантириш учун салмоқли ишлар амалга оширилди, жумладан, бакалавриат ва магистратура босқичларида ўқитиладиган фанлар бўйича давлат таълим стандартлари, ўқув методик мажмуалар ишлаб чиқилди, жаҳон андозаларига мос дарсликларнинг янги авлоди яратилди, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг ҳорижий мамлакатларда малакасини ошириш, улар билан кадрлар тайёрлаш соҳасида ҳамкорликда иш олиб борадиган, етакчи ўқув ва илмий марказларда ташкил этилди.

Олий таълим муассасалари, илмий-тадқиқот институтлари ва ишлаб чиқариш корхоналари билан инновацион интеграциясини таъминлаш мақсадида корпоратив ҳамкорлик амалга оширилди.

Корпоратив ҳамкорлик олий таълимнинг илмий-инновацион салоҳиятини жонлантириш, унинг натижаларини апробация қилиш, экспертизадан ўтказиш ва натижада реал амалиётга татбиқ этишга эришишни ҳамда кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, ўқув режалари ва амалиёт дастурларини мос ҳолда мунтазам янгилаб боришни белгилаб беради. Корпоратив ҳамкорлик ўз хусусиятига кўра ўзаро манфаатли ҳамкорлик ҳисобланиб, бир томондан, олий таълимнинг мутахассислар тайёрлаш ва илмий-тадқиқот олиб бориш салоҳиятини реал амалиёт эҳтиёжларига бўйсундирса, иккинчи

томондан, соҳа корхоналари ахборот - коммуникация ва моддий-техника ресурсларини сифати ва самарасини оширишга ҳамда молиявий, иқтисодий, ижтимоий ва экологик мухитларни яхшилашга ва жонлантиришга олиб келади.

Ўтган давр мобайнида таълимнинг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциясини кучайтириш мақсадида олий таълим талабаларининг ўқув, ишлаб чиқариш амалиёти йўналишга мос келадиган илмий-тадқиқот институтлари ва ишлаб чиқариш корхоналарида ўтказиш амалиётга жорий этилди, мазкур ҳамкорлик кадрлар тайёрлаш мазмунини бойитиш, замон талабларига мослигини таъминлаш, кадрларнинг касбий тайёргарлик даражасини орттириш орқали уларнинг рақобатбардошлигини таъминлашга замин тайёрлади.

Олий таълим муассасаларида талабаларнинг мустақил билим олишини таъминлаш мақсадида ўқув режада мустақил таълим юкламалари кўпайтирилди, мустақил таълимни ташкил этиш мазмуни, метод ва воситалари уйғун равишда ишлаб чиқилди, ўқитишни табақалаштириш ва индивидуаллаштириш борасида муайян ишлар амалга оширилди, масофавий таълим тизими мазмуни ишлаб чиқилган ва уларни амалга ошириш технологияларини амалга ошириш борасида ишлар давом эттирилмоқда

Таълим-тарбия жараёнини педагогик ва ахборот технологиялари талаблари асосида ташкил этиш юзасидан салмоқли ишлар ташкил этилган, кўпгина олий ўқув юртлари тайёргарликнинг модул тизимидан фойдаланган ҳолда талабаларнинг касбий тайёргарлиги амалга оширилмоқда.

Олий таълим муассасаларида талаба шахсига нисбатан педагогик муносабатларни инсонпарварлаштириш, шахсга йўналтирилган технологияларни жорий этиш, шунингдек, таълим мазмунини халқнинг бой маънавий ва интеллектуал мероси ва умумбашарий қадриятлар билан бойитиш асносида уларнинг баркамоллигини таъминлаш назарда тутилган.

Таълим сохасидаги ислоҳотларни изчил давом эттириш, меҳнат бозорида юқори касбий малакага эга кадрлар тайёрлашга бўлган эҳтиёжни қондиришда олий ўқув юртлари алоҳида ўрни тутади. 1997 йилдан буён ўтган давр мобайнида уларнинг сони икки баробар ортди. Бугунги кунга келиб республикамизда фаолият олиб бораётган жами 59 та олий ўқув юртида 230 мингдан зиёд талаба таҳсил олмоқда.

Жами университет ва институтлар сони-59



Жаҳоннинг етакчи олий ўқув юртлари билан тузилган шартномага кўра республикамизда уларнинг филиаллари ташкил этилганлиги ҳам кувонарли ҳол, албатта. Айни вақтда Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган:

Халқаро Вестминстер университети, Турин политехника университети, Сингапур менежментни ривожлантириш институти, Кореянинг Инха университети, М.Ломоносов номидаги Москва давлат университети, Г.Плеханов номидаги Россия давлат иқтисодиёт университети, И.Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университетининг филиалларида талабалар жаҳон таълими стандартлари бўйича таълим олмоқдалар.

Ўзбекистон Миллий университети, Республика Фанлар академияси билан биргаликда Буюк Британиядаги етакчи олий ўқув юрти – Кембриж университети ҳамкорлигида “Юксак технологиялар” ўқув-тажриба марказини ташкил этиш режалаштирилган бўлиб, бу йўлида амалий ишлар олиб борилмоқда. Марказда иқтидорли талабалар ва ёш олимлар томонидан кимё, биокимё, физика, биофизика, биология, геология ва геодезия соҳаларида амалий инновацион илмий тадқиқотларнинг олиб борилиши, амалий

ишланмаларнинг ишлаб чиқаришга изчил татбиқ этилиши йўлга қўйилади.

Мамлакатимизда таълим ислоҳотлари юзасидан амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 5 январдаги Р-3777 сонли фармойишига мувофиқ Тошкент шаҳрида 2012 йил 16-17 февраль кунлари "Билимли ва ақл-заковатли етук авлодни тайёрлаш – мамлакатни барқарор ривожлантириш ва модернизациялашнинг муҳим шарти" мавзусидаги халқаро анжуман ташкил этилди.

Анжуманни ташкил этишдан асосий мақсад Ўзбекистонда узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш соҳасида ўтказилаётган ислоҳотларнинг ютуқ ва натижаларини халқаро жамоатчиликка таништириш, баркамол авлодни тайёрлашда давлатнинг ўрни ва аҳамиятини ўрганиш ва тўпланган тажрибаларни тарғиб қилишдан иборат эди. Конференцияда иштирок этиш учун 50 дан ортиқ хорижий давлатлардан 332 нафар вакиллар, 150 та дипломатик корпус ходимлари ташриф буюрдилар. Иштирокчиларнинг асосий таркибини халқаро ташкилот вакиллари, соҳа вазирлари, университет ректорлари, илмий тадқиқот муассасалари раҳбарлари ва мутахассис олимлар ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги "Олий таълим муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори олий таълим муассасаларини модернизациялаш, уларни замонавий ўқув ва илмий лаборатория жиҳозлари билан таъминлаш, таълим жараёнини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, илғор педагогик технологиялар, ўқитиш шаклларини жорий қилиш, педагоглар меҳнатини рағбатлантиришни кучайтириш борасида янада самарали ишларни амалга ошириш имкониятини яратди.

Олий таълим муассасаларида илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш жараёнида профессор-ўқитувчилар, талабаларнинг замонавий билимлар билан изчил танишиб боришларини таъминлаш, ишлаб чиқариш соҳаси, Фанлар академияси ва бошқа турдош илмий муассасалар билан ҳамкорликларини кучайтириш мақсадида 15 та илмий-тадқиқот лабораториялари ташкил этилди. Шунингдек, республикада ахборот коммуникация технологиялари бўйича ягона миллий тармоқнинг ишга туширилиши таълим тизимининг турлари ва йўналишлари бўйича ахборот ресурслари билан таъминланишига олиб келди. Республика олий таълим муассасалари моддий-техник

базасини модернизация қилиш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича 2011-2016 йилларга мўлжалланган дастур талабларини амалга оширишга 277 миллион сўмдан ортиқ маблағнинг йўналтирилаётганлигини алоҳида қайд этиб ўтиш зарур.

Кадрлар тайёрлаш миллий моделини амалиётга оғишмай татбиқ этишда узлуксиз таълим тизимининг барча босқичларида ўқитувчи-педагоглар таркибини тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини қайта ташкил этиш, ўқув муассасаларининг ўқув-методик базасини бутунлай қайта кўриб чиқиш асосида замонавий талабларга жавоб берадиган янги стандартлар, дарслик ва ўқув-услубий қўлланмаларни яратиш, тасдиқлаш бўйича ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилди, таълим соҳаси ходимлари фаолиятини холис баҳолаш ва рағбатлантириш имкониятини яратувчи мезонлар тизими и шлаб чиқилди. Айни вақтда уларнинг касбий фаолиятлари самараси, билим, малака ва маҳорат даражаси кўп балли тизим асосида баҳолаб келинмоқда.

Миллий моделнинг амалиётга изчил татбиқини таъминлашда таълимнинг молиялаштирилиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бугунги кунда республикамизда таълим соҳасини ривожлантириш, ислоҳ қилиш учун сарфланаётган йиллик харажатлар миқдори ялпи ички маҳсулотнинг 10-12 фоизини ташкил этмоқда. Тизимнинг Давлат бюджети харажатларидаги улуши эса 35 фоиздан ортиқ маблағни ташкил этади.

Миллий таълим тизимини ривожлантиришга йўналтирилган хорижий техник ёрдам ҳажми, кредит маблағлари миқдорининг ошиб бораётганлигини ҳам алоҳида қайд этиб ўтиш жоиз. Ўтган йиллар ичида хорижий мамлакатлар томонидан бу борада кўрсатилган ёрдам миқдори 500 миллион доллар маблағни ташкил этди. Бу ўринда Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, ОПЕК фонди, Саудия фонди, Ислом тараққиёти банки, Жанубий Корея ҳукумати, Германия ҳукумати "КФВ" банкининг миллий таълим тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга кўрсатаётган ёрдамини алоҳида кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Уларнинг миллий таълим тизимини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси куйидагича: Осиё тараққиёт банки – 290 миллион доллар; Жаҳон банки – 33 миллион; ОПЕК фонди, Саудия фонди ва Ислом тараққиёти банки – 42 миллион; Жанубий Корея ҳукумати – 110 миллион; Германия ҳукумати "КФВ" банкининг – 20 миллион; бошқа донорлар – 100 миллион.

Бугунги кунда мамлакатимизда таълим, фан ва маданият йўналишларида фаолият кўрсатаётган барча ўқув муассасалари

Таълим портали ва Интернет халқаро алоқа тармоғига уланган. Шу сабабли педагог ва ўқитувчилар таълим жараёнида масофадан туриб ўқитиш (масофавий таълим)ни самарали ташкил этиш имкониятига эгалар.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ўрни ва аҳамиятини қуйидаги ҳолатлар билан изоҳлаш мумкин:

1.Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва унинг моделини амалга ошириш миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида таълим-тарбия жараёнини замонавий босқичга кўтаришга қаратилган.

2.Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалиётга татбиқ этиш Ўзбекистоннинг халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

3.Кадрлар тайёрлаш миллий дастури миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойилларига ҳамоҳанг бўлиб, уларнинг ҳар иккаласи баркамол авлодни шакллантиришга қаратилган.

4.Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг амалга оширилиши мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгилаб берилган устувор вазифалар ижросини тўла таъминлашга хизмат қилади.

5.Мамлакатимизда таълим олувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг ва маърифий ишларнинг самарали шакллари ҳамда услублари ишлаб чиқилиб жорий этилмоқда.

6.Таълим ва кадрлар тайёрлаш борасида таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш, аккредитация қилишнинг самарали тизими юзага келди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, юқорида қайд этилган ҳолатларнинг барчаси кадрлар тайёрлаш миллий моделининг пухта ўйланган, самарали модел эканлигини тасдиқлайди.

## 5-§.Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари.

Мустақилликнинг илк кунлариданоқ давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ёшлар таълим-тарбияси, уларнинг маънавиятини юксалтириш соҳасидаги ислоҳотларнинг ҳаётимизнинг бошқа соҳалари билан ўзаро чамбарчас боғланган ҳолда, тизимли, босқичма-босқич амалга ошириладиган стратегияси белгилаб олинди.

Унга асосан, ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг қуйидаги устувор йўналишларида ислоҳотлар амалга оширилмоқда:

- ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кафолатловчи қонунчилик асосларини яратиш ва такомиллаштириб бориш;
- ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ зарур институционал тузилмаларни қўллаб-қувватлаш;
- ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларга таълим бериш сифатини ошириш;
- ёшларда соғлом турмуш тарзига интилишни шакллантириш, ёшлар спортини оммавий ривожлантириш тизимини яратиш;
- ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган вояга етмаганлар ва ёшларга давлат томонидан ғамхўрлик кўрсатиш;
- вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш;
- баркамол авлодни тарбиялаш мақсадида зарур ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларни вужудга келтириш.

Маълумки, бугунги кунда мамлакатимизда 18 ёшгача бўлган ёшлар умумий аҳолининг тахминан 40 фоизини, 30 ёшгача бўлганлар эса 64 фоизини ташкил этади. Юртбошимиз Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида "Шаркда азал-азалдан 17 ёш балоғат ва етуклик рамзи ҳисобланади. Истиклолимизнинг биринчи йилида туғилган фарзандларимиз бугун умрнинг ана шундай гўзал ва беғубор фаслига қадам қўймокда. Бугунги кунда мамлакатимизда ўн етти ёшга тўлган навқирон ўғил-қизларимизнинг сони олти юз етмиш уч минг кишини ташкил этмокда", деб қайд этди. Шу маънода, аҳолимизнинг аксарият қисмини ташкил этадиган вояга етмаганлар ва ёшларнинг ҳуқуқларини ҳимоя килишга эътиборни жалб этиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, "Биз фарзандларимизнинг баркамол руҳий дунёси учун, уларнинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук, жисмонан соғлом бўлиши учун доимо қайғуришимиз, курашмоғимиз зарур". Шу жиҳатдан, маънавий ва жисмоний баркамол авлодни вояга етказиш масаласи, мамлакатимиз учун умуммиллий миқёсдаги вазифа бўлиб, бу эзгу мақсад йўлидаги ишларни изчил амалга ошириш давлат сиёсатининг асосини ташкил этади.

Мамлакатимизда вояга етмаганлар ва ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида тегишли ташкилий-ҳуқуқий асослар, қонуний негизлар тўла шакллантирилди.Бунинг асосий йўналишлари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида аниқ белгилаб берилди.

Конституциямизнинг 45-моддасида вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида эканлиги мустаҳкамланган бўлса, унинг 64-моддаси билан ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбур эканликлари, давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлаши, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларини рағбатлантириши белгиланган. Асосий Қонунимизнинг 65-моддасида фарзандлар ота-оналарнинг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенглиги, оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилиниши мустаҳкамланган. Кейинги йилларда ёшларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини янада тўлиқ таъминлаш йўлида янги қонунлар қабул қилиниб, амалдаги қонун ҳужжатлари изчил такомиллаштирилиб борилаётгани диққатга сазовордир.

Юртбошимиз ташаббуси билан мустақилликнинг дастлабки ойларида – 1991 йилнинг 20 ноябрида "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди. Унда ёшларга оид давлат сиёсатининг мақсади ва вазифалари қатъий белгилаб қўйилди.

Мазкур Қонунга 01.05.1998 йилдаги 621-I-сонли Қонуни, 30.04.2004 йилдаги 621-II-сонли Қонуни, 03.12.2004 йилдаги 714-II-сонли Қонуни, 31.12.2008 йилдаги 197-сонли Қонунларига мувофиқ ўзгартиришлар киритилган.

Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсати:

**биринчидан,** миллати, ирқи, тили, дини, ижтимоий мавқеи, жинси, маълумоти ва эътиқодидан қатъи назар, ёшлар тўғрисида ғамхўрлик қилиш;

**иккинчидан,** ёшларни ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш;

**учинчидан,** ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари доирасида ўз манфаатларини амалга ошириш йўлларини эркин танлаб олишларига кафолат бериш;

**тўртинчидан,** жамиятни ривожлантиришда, айниқса, республика ёшлари ҳаётига оид сиёсат ва дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда ёшларнинг бевосита иштирок этиши;

**бешинчидан,** ҳуқуқ ва бурчларнинг, эркинлик ва фуқаролик масъулиятининг бирлиги қоидаларига асосланади.

Қонуннинг мақсади ёшларнинг ижтимоий шаклланиши ва камол топиши, ижодий иқтидори жамият манфаатлари йўлида имкони

борича тўла-тўкис рўёбга чиқиши учун ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан шарт-шароит яратиш ҳамда уларни кафолатлашдан иборат.

"Таълим тўғрисида"ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, "Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури"нинг ҳаётимизга чуқур татбиқ этилаётгани эса ёшларимизга таълим-тарбия бериш, касб-ҳунар ўргатишнинг ҳуқуқий асосларини белгилаш ҳамда ҳар кимнинг билим олишдан иборат конституциявий ҳуқуқини таъминлашга хизмат қилмоқда. Натижада умумтаълим мактабларидаги тўққиз йиллик ўрта таълимни, академик лицей ва коллежлардаги уч йиллик махсус касбга тайёрлаш тизимини ўз ичига олган 12 йиллик узлуксиз таълимнинг яхлит тизими яратилди. Олий таълим тизимида ҳам туб ислоҳотлар амалга оширилди бакалавр ва магистрлар тайёрлашнинг жаҳон андозаларига ўтилди.

Энг муҳими, ўз Ватанининг тақдири, унинг бугуни ва келажаги учун масъулиятни чуқур ҳис этадиган, мустақил ва янгича фикрлайдиган кадрлар тайёрлаш йўлида амалга оширилган залворли ишлар ўз самарасини бермоқда.

Ёшлар манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид амалдаги норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш мақсадида уни инвентаризациядан ўтказиш жараёни Конституция ва кодекслардан ташқари, бу соҳада 22 - Қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 15-Фармони ва 11 - Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 41-Қарори, 32- идоравий-меъёрий ҳужжат мавжуд эканлигини кўрсатди.

**Ўзбекистон Республикасининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ваколатларига қуйидагилар киради:**

- республика ҳудудида ёшларга оид давлат сиёсатининг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий асосларини белгилаш;
- ёшларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва таъминлаш;
- ёшларга оид давлат сиёсати бошқарув идораларини тузиш;
- ёшларга оид давлат сиёсати соҳасида республика комплекс ва аниқ мақсадли дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;
- ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга мўлжалланган молиявий маблағларни тасарруф этиш;
- республика ёшларининг манфаатларини Ўзбекистоннинг республикалараро ва халқаро мажбуриятлари доирасида ифодалаш;
- республика ҳудудида ёшларнинг ва улар бирлашмаларининг ижтимоий муносабатларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш;

- республика ёшларининг, ёшлар жамоат уюшмаларининг ташаббусларини иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш;
- ҳамма ҳуқуқ субъектларининг Ўзбекистон Республикаси қонунларида ёшларга нисбатан белгилаб қўйилган мажбуриятларига риоя этишларини назорат қилиш;
- Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид сиёсатни шакллантириш ҳамда амалга оширишнинг бошқа масалалари.

Мазкур қонуннинг 8-моддасига асосан ёшларнинг таълим соҳасидаги ҳуқуқлари кўрсатилган.

Ўқувчилар ва талабаларнинг ўқув-тарбия муассасалари маъмурияти билан ўзаро муносабатлардаги ҳуқуқ ва бурчлари Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида, шунингдек, тегишли муассасалар ўзини ўзи бошқариш идораларининг қарорларида белгиланади. Ўқувчилар, талабалар ёки уларнинг қонуний вакиллари ўқув юртларининг маъмурияти билан тегишли қоидалар, шартномалар (битимлар) ишлаб чиқишда иштирок этадилар.

Ўқувчилар ва талабаларни ўқув жараёни вақтида ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этишга йўл қўйилмайди, бундай иш улар танлаган мутахассисликка мос бўлиб, ўқув-ишлаб чиқариш амалиётининг шакли ҳисобланган, ёхуд ўқувчилар ва талабалар ўқишдан бўш вақтларида ихтиёрий равишда жамоа бўлиб ёки якка тартибда меҳнат қилган ҳоллар бундан мустаснодир. Мазкур меҳнат фаолиятига меҳнат ёки фуқаролик қонунларига мувофиқ тегишлича расмийлаштирилган шартнома бўлган тақдирда йўл қўйилади.

Ўқувчилар ва ўқув юртларининг талабаларига ўқув ашёлари, дарсликлари ва мактаб кийимларини имтиёзли нархларда сотиб олиш ҳуқуқи берилади. Моллар рўйхати ва уларни реализация қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади

Давлат истеъдодли ёшларни алоҳида қўллаб-қувватлайди. Ўзбекистон Республикасида давлат ташкилотлари ҳамда жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар истеъдодли ёшларни аниқлашда ва уларнинг ижодий камол топишида кўмаклашишлари шарт. Ана шу мақсадда Ўзбекистон Республикасида фан ва техника, иқтисодиёт, бошқарув, санъат соҳаларида истеъдодли ёшларни қидириб топишни, уларни муҳофаза қилиш ва қўллаб-қувватлашни амалга оширишда моддий-техника базалари билан таъминланган давлат муассасалари, жамоат бирлашмалари ва комиссиялар фаолият кўрсатади.

Истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари республика ва маҳаллий бюджетлар, ҳамда бошқа манбалардан пул билан таъминланади.

Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ишлаб чиқади. Ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқариш Ўзбекистон Республикасининг Ёшлар ишлари бўйича давлат Кенгаши ва бошқа давлат идоралари, жойларда эса халқ депутатлари Кенгашлари ижроия идоралари зиммасига юклатилади

Ушбу Қонуннинг барча давлат ва жамоат идоралари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, мансабдор шахслар, шунингдек, фуқаролар томонидан аниқ ва бир тахлитда ижро этилиши устидан олий назорат ўрнатиш “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунга асосан Ўзбекистон Республикасининг Бош Прокурори зиммасига юклатилган.

## II-модул. Таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этишнинг қонун ости хужжатлари.

1-§.Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари.

2-§.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари.

### 1-§. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари.

Юртбошимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек "Бугун ўтган давр мобайнида амалга оширган ишларимизни холисона баҳолар эканмиз, таълим-тарбия соҳасида ҳали қиладиган кўпгина вазифаларимиз борлигини, ўз ечимини кутаётган долзарб муаммоларни ҳал қилиш, энг муҳими, бу борада бошлаган ислоҳотларни мантиқий якунига етказиш, уларнинг ярим йўлда қолиб кетишига, ўзибўларчиликка йўл қўймаслик зарурлигини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Авваламбор, барча таълим муассасалари, хусусан, умумтаълим мактаблари ва академ лицей ва касб хунар коллежларини давр талабларига мос ҳолда ривожлантириш, замонавий жиҳоз ва ускуналар, ўқув лабораториялари ва устахоналар билан таъминлашни давом эттириш, янги таълим стандартлари, дастур ва қўлланмаларни жорий этиш масаласини энг муҳим вазифамиз сифатида кўришимиз даркор".

Мамлакатимизда шаклланган узлуксиз таълим тизимининг юқори босқичи бўлмиш олий ўқув юртларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, юқори малакали мутахассис ва кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш мақсадида уларнинг фаолиятини такомиллаштириш эҳтиёжини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Шу борада кўзланган режаларни амалга ошириш ва уларни молиялаштириш учун Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантириш фонди ташкил этилгани, ҳар йили давлат бюджетидан айни шу йўналишларга катта ҳажмдаги маблағлар ажратилаётгани алоҳида эътиборга лойиқ.

Таълим муасасаларини фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқий ҳужжатлар тизимида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва жорий қонунлар билан бир қаторда, Президент фармонлари, фармойишлари ва қарорлари алоҳида аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти давлат ва ижроия ҳокимиятнинг бошлиғи сифатида республика ҳудудида мажбурий тарзда амал қилувчи фармонлар фармойишлар ва қарорлар чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан мустақилликнинг илк кунларидан яъни, 1991 йилдан бошлаб шу кунга қадар таълим ва тарбия жараёнларини янада такомиллаштириш учун бир қатор норматив - ҳуқуқий хужжатлар қабул қилинди.

**1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислох қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида"ги 06.10.1997 йилдаги № 1869 - сонли Фармони.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 6 октябрдаги "Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди. Унда мавжуд таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уни замон талаблари даражасига кўтариш, миллий кадрлар тайёрлашнинг янги тизимини барпо этиш, келажак учун баркамол, салоҳиятли авлодни тарбиялаш мақсадида ушбу фармон билан "Таълим тўғрисида" ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурни ҳаётга татбиқ этиш ишлари давлат сиёсатининг устувор йўналиши этиб белгиланди.

Ушбу Фармонга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 03.04.2000 йилдаги ПФ-2570-сонли ва 01.07.2003 йилдаги ПФ-3272-сонли Фармонлари билан ўзгартиришлар киритилган.

Ушбу фармонда мавжуд таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уни замон талаблари даражасига кўтариш, миллий кадрлар тайёрлашнинг янги тизимини барпо этиш, келажак учун баркамол, салоҳиятли авлодни тарбиялаш мақсад қилиб белгиланган. Шунингдек,"Таълим тўғрисида"ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурни ҳаётга татбиқ этиш ишлари давлат сиёсатининг устувор йўналиши деб ҳисобланиши белгилаб қўйилган.

Республикада таълим-тарбия тизимини тубдан ўзгартириш йўлида олиб борилаётган ислоҳотларни амалга ошириш ва бу борада қабул қилинган ҳужжатлар моҳиятини кенг жамоатчилик томонидан чуқур англаб олинишига ҳар томонлама шароит яратиш - давлат бошқаруви, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, таълим-тарбия муассасалари ходимларининг энг долзарб вазифалари этиб белгиланган.

Фармонда Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурни амалга ошириш Республика комиссияси иловага мувофиқ тузилиши кўрсатилган.

**Комиссиянинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланган:**

- "Таълим тўғрисида"ги Қонунни амалга ошириш ишларини мувофиқлаштириш, таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш соҳасида давлат сиёсати тамойилларини ҳаётга татбиқ этиш;
- республика вазирликлари, идоралари ва муассасалари ҳамда мулкчилик шаклидан қатъи назар барча ташкилотларнинг таълим - тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини ислоҳ этиш билан боғлиқ фаолиятини мувофиқлаштириш;
- кадрлар тайёрлаш тизими ҳуқуқий-меъёрий асосини Миллий дастур талабларига мос равишда қайта кўриб чиқишни ташкил қилиш;
- узлуксиз таълимнинг барча босқичлари учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва амалиётга татбиқ этишни таъминлаш;
- узлуксиз таълим тизимининг Миллий моделини амалга оширишни таъминлаш;
- кадрларга бўлган талаб ва таклифни ўрганиш асосида таълим тизимининг истиқболли йўналишларини белгилаш;
- уч йиллик академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари, олий таълим муассасалари тизимини Миллий дастур талаблари асосида ташкил этиш ва такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш;
- халқаро донорлар, хорижий инвесторлар, жамғарма ва жамоат ташкилотларининг маблағларини жалб этиш ва улардан унумли фойдаланишга шароит яратиш;
- Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг мониторингини олиб бориш;
- Миллий дастурнинг бажарилиши ҳақида оммавий ахборот воситалари орқали мунтазам маълумот бериб боришни ташкил этиш.

Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг устувор вазифалари бўйича Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари лойиҳалари ва улар учун масъул ишчи гуруҳлари таркиби тасдиқланиши кўрсатилган.

Ишчи гуруҳлар фаолиятига юқори малакали мутахассислар ва олимлар ҳамда хорижий экспертларни кенг жалб этиш назарда тутилган.

Мазкур Фармонда белгиланган вазифалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тегишли қарорлар қабул қилиши ва уларни ижросини таъминлаши лозимлиги кўрсатилган.

## 2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги 2012 йил 24 июлдаги № 4456-сонли Фармони.

Ушбу фармонда Ўзбекистонда мустақиллик йилларида таълим тизимининг барча турларини, жумладан, олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш бўйича аниқ мақсадли кенг миқёсдаги ишлар амалга оширилганлиги жумладан: Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Мактаб таълимини ривожлантиришнинг умуммиллий давлат дастурини муваффақиятли амалга ошириш натижасида таълим жараёнининг барча босқичларини қамраб олувчи, замонавий ўқув-лаборатория ускуналари ва компьютер техникаси билан жиҳозланган умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар, олий таълим муассасаларидан иборат, юқори талабларга жавоб берувчи узлуксиз таълимнинг яхлит тизими яратилганлиги кўрсатиб ўтилган.

Шунингдек, замонавий халқаро стандартларга жавоб берадиган олий таълимнинг икки босқичли тизими - бакалавриат ва магистратура яратилганлиги, Стажёр-тадкиқотчи-изланувчилар ва катта илмий ходим-изланувчилар институтлари жорий қилинганлиги, уларни моддий рағбатлантириш шароитлари сезиларли даражада яхшиланганлиги, шунинг билан бирга, амалдаги олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини Кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида амалга оширилаётган таълим тизимидаги ўзгаришларнинг мантиқий давоми сифатида тубдан ислоҳ қилиш объектив зарурияти бугунги кунда яққол намоён бўлаётганлиги кўрсатиб ўтилди.

Фармонда таъкидланганидек илмий кадрларни аттестациядан ўтказишнинг амалдаги икки босқичли тизими (фан номзоди ва фан доктори) иқтисодий ривожланган демократик мамлакатларда қабул қилинган олий малакали илмий кадрлар тайёрлашнинг замонавий, халқаро тан олинган талабларига мос келмайди.

Номзодлик диссертациясини ҳимоя қилиш ва фан номзоди илмий даражасини тасдиқловчи дипломни олиш кўп ҳолларда фан ва илмий-техникавий ривожланиш манфаатларидан йироқ бирдан-бир мақсад бўлиб қолган ҳамда диссертацияни тайёрлаш ва ҳимоя

қилишнинг турли босқичларида суиистеъмолчилик ҳолатларига олиб келмоқда.

Бугунги кунда амал қилаётган олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизими таълим жараёни бакалавриат ва магистратура стандартларига ўтказилгандан сўнг номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилиш моҳиятан ортиқча эканлигини кўрсатмоқда ҳамда фан доктори илмий даражасини олиш учун тўғридан-тўғри диссертацияни ҳимоя қилишни назарда тутувчи олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг бир босқичли тизимини жорий қилиш зарурлигини тақозо этмоқда.

Фармонда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг устувор вазифаларини ва мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий ва демократик ислоҳотларни, илғор жаҳон тажрибаси ва илмий кадрларни аттестациядан ўтказишнинг халқаро стандартларини ҳисобга олган ҳолда олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, шунингдек, диссертация тадқиқотларининг сифатини, илмий ва амалий аҳамиятини ошириш, ёшларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини намоён этишига шароитлар яратиш мақсадида қуйидагилар белгиланди:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси, Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, тасарруфида олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари мавжуд бўлган бошқа вазирлик ва идораларнинг 2013-йилнинг 1 январидан бошлаб:

умум қабул қилинган халқаро талаблар ва стандартларга мувофиқ диссертация ҳимоя қилиш ва фан доктори илмий даражасини бериш бўйича олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг бир босқичли тизимини жорий қилиш;

стажёр-тадқиқотчи-изланувчилар институтини бекор қилиш, унда таълим олаётган шахсларни олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимининг янги талабларига мувофиқ, уларни аттестациядан ўтказиш ва диссертация тадқиқотлари мавзуларини танқидий қайта кўриб чиқиш асосида катта илмий ходим-изланувчилар институтига ўтказиш тўғрисидаги таклифларини қабул қилиш;

2. Шунингдек:

фан доктори илмий даражаси «магистр» даражаси билан олий маълумотга эга бўлган, катта илмий ходим-изланувчилар институтида илмий изланишлар натижаларига кўра докторлик диссертациясини

ҳимоя қилган шахсларга тегишли фан йўналиши бўйича фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашлар томонидан берилиши;

катта илмий ходим-изланувчилар институтига «магистр» даражаси бўлган, илмий ва илмий-педагогик фаолият стажига (2-йилдан кам бўлмаган), шунингдек, фан номзоди илмий даражасига эга бўлган, фан доктори илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқоти асос бўлиши мумкин бўлган, маълум бир илмий натижаларни қўлга киритган (илмий мақолалар нашр этиш, илмий анжуманлар, семинарлар ва давра суҳбатларида иштирок этиш ва бошқалар) шахслар қабул қилиниши;

ўрнатилган тартибда мустақил тадқиқотчи сифатида расмийлаштирилган, «бакалавр» ёки «магистр» даражаси билан олий маълумотга, 5-йилдан кам бўлмаган амалий иш стажига эга бўлган, илмий изланишларга лаёқати мавжуд, белгиланган талабларга мос келадиган маълум бир илмий ютуқларга (ихтиро учун патентлар, илмий мақолалар, илмий-технологик ишланмаларда қатнашиш ва бошқалар) эга бўлган шахсларга ҳам докторлик диссертациясини ҳимоя қилишга рухсат берилиши.

3. Амалда мавжуд бўлган норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ илмий даражалар бериш бўйича мавжуд ихтисослашган кенгашларга 2012-йилнинг охирига қадар 2012-йил 1 июлгача ОАК веб-сайтида диссертация ишлари ҳимоялари ҳақида эълон қилинган тадқикотчиларга фан номзоди ва фан доктори илмий даражаларини бериш бўйича ишларни кўриб чиқишга рухсат берилиши.

4. Қуйидагилар:

фан номзоди илмий даражасига эга бўлган барча шахслар учун тегишли имтиёзлар ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ўрнатилган молиявий тўловлар миқдори;

профессор, доцент ва катта илмий ходим илмий унвонларини бериш сақлаб қолиниши.

Бунда, аттестация ишларини кўриб чиқиш учун 2012-йилнинг 1 июлигача ОАКга тақдим этилган шахсларга илмий унвонлар амалда мавжуд бўлган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқ берилиши белгилаб қўйилди.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Олий аттестация комиссияси, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Фанлар академияси ва бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар:

икки ой муддатда, халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда, олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш бўйича фан

йўналишлари ва ихтисосликлар шифрларининг янги рўйхатини ўрнатилган тартибда тасдиқлаш;

2012-йилнинг 1 ноябригача илмий даражалар бериш бўйича амалдаги ихтисослашган кенгашларни чуқур таҳлил қилиб, фан йўналишлари ва ихтисосликларнинг янги рўйхатини ҳисобга олган ҳолда мамлакатнинг етакчи олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот институтлари ҳузурида тегишли фан йўналишлари бўйича фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашлар тузишга оид тегишли қарор қабул қилиш;

2012-йилнинг 1 ноябригача фан доктори илмий даражасини бериш бўйича илмий кенгаш тўғрисидаги Низом ва фан доктори илмий даражасини бериш тартиби тўғрисидаги Низом ўрнатилган тартибда ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси уч ой муддат ичида мазкур Фармоннинг ижроси бўйича тегишли Ҳукумат қарорини қабул қилиши:

умум қабул қилинган халқаро стандартларга мувофиқ «магистр» даражасини бериш бўйича диссертация иши мазмуни ва сифатига қўйиладиган янги мезонлар ва талаблар ишлаб чиқиш;

халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда, олий ўқув юртидан кейинги таълимни ташкил этиш, докторлик диссертациясини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш, профессор, доцент ва катта илмий ходим илмий унвонларини олиш учун қўйиладиган янги талаблар ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, ҳимоя қилинаётган диссертациялар, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти ҳақида оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилиш амалиётини жорий этиш;

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг фаолиятида очиқлик ва шаффофликни таъминлаб, ортиқча бюрократик жараёнларни йўқотиш, янги талабларни ҳисобга олган ҳолда унинг тузилмасини оптималлаштириш ва фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш бўйича чоралар кўриш.

7. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси икки ой муддат ичида талабгорнинг илмий ва илмий-педагогик фаолиятга лаёқатини аниқлаш бўйича тест ўтказишни назарда тутган ҳолда, фан доктори илмий даражасини олиш учун тадқиқотлари илмий мавзуларини рўйхатдан ўтказиш талабларини кучайтириш мақсадида амалдаги барча меъёрларни қайта кўриб чиқиш.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Фанлар академияси ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан

биргаликда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига амалдаги қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар бўйича таклифлар киритиш ва бошқалар.

### 3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 12.06. 2015 йилдаги № 4732 - сонли Фармони.

Ушбу Фармонда олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларининг касб даражаси ва малакасини муттасил ошириб бориш, уларни замонавий талабларга мувофиқ мунтазам қайта тайёрлашнинг такомиллаштирилган тизимини жорий этиш асосида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан ошириш мақсадида: қуйидагилар олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштиришнинг муҳим йўналишлари деб белгилаб қўйилди:

-олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларининг педагогик ва касб даражасини мунтазам ошириш асосида уларнинг қонунчилик нормалари, назария, илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқитилаётган фанлар бўйича инновациялар, шунингдек, ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари соҳасидаги сўнгги ютуқларни чуқур ўрганиш;

-юқори самарали замонавий таълим ва инновация технологиялари, илғор хорижий тажрибани кенг жорий этган ҳолда, олий ўқув юртларининг педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича малака талаблари, ўқув режалари, дастур ва услубларини тубдан янгилаш;

-олий ўқув юртлари ўқитувчиларининг глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларидан фойдаланган ҳолда, замонавий инновацион педагогика, ахборот-коммуникация технологияларини эгаллаши ва уларни ўқув жараёнига фаол татбиқ этиши;

-олий ўқув юртлари педагог кадрларининг чет тилини амалий ўзлаштириш даражасини ошириш ва ундан ўз касб маҳорати, педагогик ва илмий фаолиятини муттасил ошириб бориши учун кенг фойдаланиши.

Фармонда зарур услубий, ўқув-лаборатория ва ахборот-коммуникация воситалари билан жиҳозланган замонавий моддий-техник базага эга 15 та етакчи олий ўқув юрти олий таълим муассасалари раҳбар ва педагогик кадрларини қайта тайёрлашни ташкил этиш бўйича Таянч олий ўқув юртлари сифатида белгиланди.

Қуйидагилар Таянч олий ўқув юртларининг асосий вазифа ва фаолият йўналишлари этиб белгиланди:

-қайта тайёрлашнинг тегишли йўналишлари бўйича доимий фаолият кўрсатадиган олий ўқув юртларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларини ташкил этиш;

-ушбу курсларда машғулотларни сифат жиҳатидан юқори ташкилий ва профессионал даражада ўтказиш учун зарур ўқув-услубий ва моддий-техник базани шакллантириш;

-олий ўқув юртининг етакчи ўқитувчиларини ва Докторлик диссертацияларини ҳимоя қилиш бўйича илмий кенгаш аъзоларини, шунингдек, мамлакатимиздаги бошқа олий ўқув юртларининг юқори малакали ўқитувчилари, хорижий мутахассислар, ўқув-услубий ходимлар ва амалиётчи мутахассисларни шартнома асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқув машғулотларини олиб бориш учун кенг жалб этиш;

-қайта тайёрлаш йўналишлари бўйича зарур ахборот-маълумот базасини шакллантириш, замонавий инновацион педагогика, мультимедиа ва ахборот-коммуникация технологияларини ишлаб чиқиш ва қайта тайёрлаш жараёнига татбиқ этиш;

-қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқиётган тингловчилар учун уларнинг очиқ маърузалар ва амалий машғулотлар ўтказиши, ўтилган дарсларнинг муҳокама қилиниши ва танқидий таҳлил этилишига асосланган педагогик амалиётни ташкил этиш;

-курсларнинг вилоятлардан келган тингловчиларига қайта тайёрлаш ва малака ошириш даврида олий ўқув юртлари турар-жойларидан жой ажратиш бўйича чоралар кўриш.

Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича Таянч олий ўқув юртлари сифатида белгиланган олий ўқув юртлари ректорлари зиммасига қайта тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан юксак савияда ташкил этиш учун шахсий жавобгарлик юкланди.

Фармонда идоравий мансублигидан қатъи назар, мамлакатимиз олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрлари уч йилда камида бир марта доимий асосда Таянч олий ўқув юртларининг

доимий фаолият кўрсатадиган курсларида қайта тайёрлашнинг тегишли йўналишлари бўйича қайта тайёрланиши ва малакасини ошириши шартлиги;

-қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқиш Олий ўқув юртларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш курси ўқув режасининг янгиланган намунали тузилмаси асосида ишлаб чиқилган 288 соатлик махсус дастурлар бўйича икки ой давомида ишдан ажраган ҳолда амалга оширилиши;

-курслар якунида тингловчилар ҳар бир Таянч олий ўқув юртида ташкил этиладиган олий ўқув юрти ректори ёки фан доктори илмий даражасини бериш бўйича илмий кенгаш раиси раҳбарлигидаги илмий кенгаш аъзолари, ўқув-услубий ишлар соҳасидаги йирик мутахассислардан ташкил топган камида 7 кишидан иборат Аттестация комиссиялари томонидан ўтказиладиган аттестациядан ўтиши;

-аттестациядан муваффақиятли ўтган курс тингловчиларига давлат намунасидаги қатъий ҳисобдорлик ҳужжати ҳисобланган малакавий аттестат берилиши;

-қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқиш якунлари бўйича аттестациядан ўтолмаган олий ўқув юртларининг раҳбар ва педагог кадрлари белгиланган муддатда такрорий қайта тайёрлаш ва аттестациядан ўтиши шартлиги;

-олий ўқув юртларининг раҳбар ва педагог кадрлари такрорий аттестациядан ўтолмаган тақдирда, олий таълим муассасаларида ўқитувчилик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини йўқотади ва улар билан асосий иш жойи бўйича меҳнат шартномаси бекор қилиниши;

-қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқиш якунларига кўра, аттестациядан муваффақиятли ўтган педагог кадрлар тегишли йўналиш бўйича бўш педагог лавозимини эгаллаш танловидан ўтишда имтиёзли ҳуқуққа эга бўлиши;

-таянч олий ўқув юртларида қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқиётган тингловчиларнинг асосий иш жойида эгаллаб турган лавозими ва ўртача иш ҳақи ўқиш даврида сақлаб қолиши;

-олий ўқув юртларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича доимий фаолият кўрсатадиган курслар фаолияти 2015 йилнинг 1 сентябридан ташкил этилиши белгилаб қўйилди.

Ушбу Фармон билан иловада олий таълим муассасалари рахбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларининг ўқув режасининг намунавий тузилмаси тасдиқланди.

| № | Ўқув модуллари | Ўқув юклама хажми |
|---|---|---|
| I. | Олий таълимнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари | 5% |
| II. | Илгор таълим технологиялари ва педагогик махорат | 15% |
| III. | Таълим жараёнида ахборот-коммуникацион технологияларнинг қўлланилиши | 10% |
| IV. | Амалий хорижий тил | 15% |
| V. | Тизимли тахлил асослари ва қарорлар қабул қилиш | 10% |
| VI. | Махсус фанлар | 30% |
| VII. | Педагогик амалиёт | 10% |
| VIII. | Малакавий аттестация | 5% |

**4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2010 йил 28 июлдаги Фармони.**

Ушбу Фармонга кўра “Баркамол авлод йили” давлат дастурига мувофиқ ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни янада рағбатлантириш, ёшларни, авваламбор касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва олий таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига кенг жорий этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш белгиланди.

Шу боисдан ҳам бугунги кунда микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан республиканинг касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлари ва олий таълим муассасалари битирувчилари билан меҳнат шартномалари тузилганда, банд ходимларнинг ўртача йиллик сони қонун ҳужжатларида белгиланган чекланган меъёрдан кўпи билан 50 фоиз оширилган ҳолларда микрофирмалар ва кичик корхоналар учун назарда тутилган имтиёзлар, кафолатлар ва ҳуқуқлар сақланиб қолмоқда.

Бунда ходимлар сонининг оширилишига Ўзбекистон Республикаси касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларининг ўқишни якунлаган кунидан бошлаб 3 йилдан ортиқ вақт ўтмаган тақдирдагина йўл қўйилади.

## 5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2011 йил 20 майдаги №1533-сонли Қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ушбу Қарори ўз моҳиятига кўра олий таълим тизимидаги ислоҳотларнинг янги босқичини ифода этади. Бу қарор олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва модернизациялаш, уларни замонавий ўкув ва илмий-лаборатория жиҳозлари билан таъминлаш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш йўналишлари ва мутахассисликларини мақбуллаштириш, таълим стандартларини такомиллаштириш ҳисобига таълим жараёнини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, илғор педагогик технологиялар ва ўқитиш шаклларини жорий этиш, ўқитувчи кадрлар меҳнатини рағбатлантиришни кучайтириш асосида иқтисодиёт соҳа ва тармоқларида талаб қилинадиган олий маълумотга эга мутахассисларни тайёрлаш сифатини тубдан яхшилашга қаратилган.

Қарорда қуйидаги иловалар тасдиқланган:

1. 2011-2016 йилларда Олий таълим муасасаларини моддий-техник базасини мустахкамлаш ва ривожлантириш комплекс чора тадбирлари. (1 – илова)

2. 2011-2016 йилларда юқори малакали кадрлар тайёрлаш таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларини оптималлаштириш ва таълим стандартларини такомиллаштириш комплекс чора тадбирлари. (2- Илова)

3.Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини модернизациялаш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш дастурларини амалга оширишни молиявий харажатлар хисоби параметрлари. (3-илова)

4.Олий таълим муассасаларини 2011-2016 йилларга мўлжалланган хар йиллик қурилиш, капитал таъмирлаш, реконструкция қилиш ва техника воситалари билан таъминлаш дастурлари рўйхати. (4-илова)

5.Олий таълим муассасаларида ташкил этиладиган замонавий илмий - тадқиқот лабораториялари. (5-илова)

6.Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш ва модернизациялаш дастурини амалга ошириш махсус комиссияси таркиби.(6-илова)

2011-2016 йилларда Олий таълим муассасаларини моддий-техник базасини мустахкамлаш ва ривожлантиришнинг комплекс чора – тадбирларида юқори малакали кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш масаласига алоҳида эътибор берилган. Бу йўналишда чора-тадбирлар мажмуи ишлаб чиқилган бўлиб, унда юқори малакали кадрларни тайёрлаш йўналишлари ва мутахассисликларини мақбуллаштириш ҳамда давлат таълим стандартлари (ДТС)ни янада такомиллаштириш назарда тутилган.

Шунга кўра, мазмуни бўйича турдош мутахассисликларни қўшиб юбориш, шунингдек, иқтисодиёт тармоқлари ҳамда ижтимоий соҳаларда эҳтиёжи қолмаган мутахассисликларни ёпиш ҳисобига 2016 йилга қадар олий таълим бакалавриат босқичи йўналишларининг сони 228 тадан 165 тага, магистратура босқичининг мутахассисликлари эса 1200 тадан 500 тагача камайтирилиши назарда тутилган.

Дастур ижроси доирасида инженеринг, ишлаб чиқариш ва қурилиш соҳалари бўйича қабул квотаси босқичма-босқич оширилиб, бу йўналишларда таълим олаётган талабаларнинг умумий сони амалдаги 23 фоиздан 2015-2016 ўқув йилида 36 фоизга етказиш кўзда тутилган.

Бу йўналишларга ажратилган давлат гранти ўринлари эса ўртача 5-10 фоизга кўпаяди. Шунга тенг равишда “таълим” “иқтисодиёт ва бизнес”, “ҳуқуқ” ҳамда ижтимоий-гуманитар соҳаларга тегишли таълим йўналишларида қабул квотаси ва грант ўринлари, аксинча, камаяди.

## 6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Юридик кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2013 йил 28 июндаги №1990-сонли Қарори.

Мамлакатда ўтказилаётган демократик ва ҳуқуқий ислоҳотлар, фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг юксак талаблари ва замонавий халқаро стандартларига жавоб берадиган юқори малакали юридик кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида ушбу қарор билан:

Тошкент давлат юридик институти Тошкент давлат юридик университети этиб қайта ташкил этилди. Хамда Тошкент давлат юридик университети "Юриспруденция" таълим йўналиши ва мутахассисликлари бўйича юридик кадрларни тайёрлаш, қайта

тайёрлаш бўйича таянч давлат олий таълим ва илмий-методик муассасаси этиб белгиланди.

Ушбу қарорда Тошкент давлат юридик университетининг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари этиб қуйидагилар белгиланди:

-давлат ҳуқуқи ва бошқаруви, жиноят ҳуқуқи ва процесси, фуқаролик ҳуқуқи ва процесси, тадбиркорлик ҳуқуқи (бизнес ҳуқуқи), халқаро, халқаро тижорат (хусусий) ҳуқуқи ва юридик таълимнинг бошқа устувор йўналишлари бўйича талабаларнинг фундаментал базавий, шунингдек, амалий касбий тайёргарлигини таъминлайдиган дастур ва ўқув режалари асосида бакалаврлар, магистрлар тайёрлаш;

-ўқув жараёнини назарий тайёргарликнинг ҳуқуқни қўллаш фаолияти билан узвий боғлиқлигини, талабаларда таҳлилий фикрлаш, янги билимларни мустақил равишда эгаллаш ва улардан фойдаланиш кўникмасини шакллантиришни таъминлайдиган ўқитишнинг замонавий шакл ва методлари, педагогик, ахборот-коммуникация, инновацион технологиялар асосида ташкил этиш;

-давлат қурилиши ва бошқаруви, суд-ҳуқук тизимини модернизация қилиш, бозор ислоҳотларини чуқурлаштиришнинг ҳуқуқий асосларини ривожлантиришнинг долзарб ҳуқукий муаммолари бўйича комплекс илмий тадқиқотлар ўтказиш, ушбу соҳадаги халқаро тажрибани ўрганиш;

-ҳуқуқни қўллаш амалиётига, ўқув жараёнига илмий ишланмалар натижаларини самарали жорий этишни таъминлаш;

-мамлакатдаги ўрта махсус, касб-ҳунар, шунингдек, олий юридик таълим муассасаларида ҳуқуқий фанлар бўйича дарс бераётган педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, улар учун замонавий талаб ва стандартларга жавоб берадиган ўқув адабиётлар, ўқув-методик материаллар яратиш;

-талабаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш, ҳуқуқий, сиёсий маданиятини ва ҳуқуқий онгини ошириш бўйича самарали тизимни яратиш, уларда ватанпарварлик, юксак маънавий-ахлокий фазилатларни шакллантириш ҳамда ривожлантириш;

университетнинг ўқув ва илмий бўлинмаларини ўқитишнинг замонавий шакллари ва методларини эгаллаган, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органларида, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг юридик бўлинмаларида амалий иш тажрибасига эга бўлган юқори малакали илмий, педагогик кадрлар билан таъминлаш, уларнинг малакасини оширишнинг самарали тизимини яратиш;

- шартнома асосида хорижий мамлакатларнинг етакчи таълим, тадқиқот муассасаларининг юқори малакали мутахассисларини ўқув, илмий-методик ишларни ташкил этиш ва ўтказиш учун жалб этиш.

### 7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Чет тилини ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2012 йил 10 декабрдаги №1875-сонли Қарори.

Ушбк қарорда замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг илғор услубларини жорий этиш йўли билан, ўсиб келаётган ёш авлодни чет тилларга ўқитиш, шу тилларда эркин сўзлаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ҳамда бунинг негизида, уларнинг жаҳон цивилизацияси ютуқлари ҳамда дунё ахборот ресурсларидан кенг кўламда фойдаланишлари, халқаро ҳамкорлик ва мулоқотни ривожлантиришлари учун шарт-шароит ва имкониятлар яратиш мақсадида:

биринчидан, 2013/2014 ўқув йилидан бошлаб: республиканинг барча ҳудудида чет тилларни, асосан, инглиз тилини ўрганиш умумтаълим мактабларининг биринчи синфларидан ўйин тарзидаги дарслар ва оғзаки нутқ дарслари шаклида, иккинчи синфдан бошлаб эса, алифбо, ўқиш ва грамматикани ўзлаштиришдан босқичма-босқич бошланиши;

иккинчидан, олий ўқув юртларида айрим махсус фанларни, хусусан, техник ва халқаро мутахассисликлар бўйича ўқитиш чет тилларда олиб борилиши;

учинчидан, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг ўқувчилари ва ўқитувчиларини чет тиллар бўйича дарсликлар ва ўқув-услубий комплекслар билан таъминлаш, уларни белгиланган муддатларга риоя этилган ҳолда қайта нашр этиш, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика мақсадли китоб жамғармасининг айланма маблағлари ҳисобидан бепул амалга оширилиши белгилаб қўйилди..

Ўзбекистон Республикаси таълим тизимининг барча босқичларида чет тилларни ўрганишни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисидаги дастури иловага мувофиқ тасдиқланди.

Дастурга киритилган чора-тадбирлар белгиланган муддатларга мувофиқ сифатли ва ўз вақтида бажарилиши юзасидан шахсий жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, бошқа вазирликлар, идора ва ижрочи-ташкилотлар раҳбарлари зиммасига юклатилди.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Давлат алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари қўмитаси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, болалар ва ёшларнинг манфаатлари ҳамда қизиқишларини инобатга олган ҳолда, қуйидагиларни:

-телевидение, шу жумладан маҳаллий телеканаллар орқали болалар ва ўсмирларни хорижий тилларга ўргатиш бўйича кўрсатувлар тайёрлаш ҳамда уларни трансляция қилиш;

-бошқа халқларнинг тарихи ва маданияти, жаҳон илми ва техникасиға бағишланган илмий-оммабоп хорижий бадиий ҳамда мультипликациявий фильмларни ўзбек тилидаги субтитр ёрдамида, мунтазам кўрсатиб боришни амалга ошириш;

- "ZiyoNet" тармоғи орқали таълим муассасаларининг халқаро таълим ва билим олиш манбаларига кириш имкониятларини сезиларли орттириш, унинг ресурс марказини мультимедия ресурслари, шахсий компьютерлар ва мобиль ускуналар учун иловалар билан бойитиш;

- инглиз тилида ўқув ва бадиий адабиётлар, ихтисослаштирилган расмлар билан безатилган газеталар ва журналларни чоп этиш, уларга махсус рукнлар ҳамда иловаларни ташкил қилиш учун 2013 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги мазкур қарорда назарда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш учун асосланган ҳисоб-китоблар бўйича ҳар йили бюджет маблағлари ажратилишини назарда тутиши белгилаб қўйилди.

## 2-§. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари.

Ҳар бир норматив ҳуқуқий ҳужжатни қўллаш ҳуқуқни қўлловчининг мантиқ, ҳуқуқий онг ва профессионал билимининг юқори даражасига асосланган мураккаб фикрий жараёндир. Кўпинча, қонун тўғридан-тўғри, қўшимча тушунтириш ва талқинларсиз қўлланиши лозим деб ҳисобланади.

Аммо ҳаёт шуни кўрсатмоқдаки қонун нормалари билан барча нарсалар ҳал бўлмайди ва унинг воситасида вужудга келаётган ҳамма ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг имкони йўқ. Шунинг учун қонунни тўлдирувчи, аниқлаштирувчи қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари зарур. Ана шундай қонуности норматив-ҳуқуқий хужжатлардан бири Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари хисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан олий ва ўрта маҳсус таълим муассасаларида таълим ва тарбия жараёнларини тартибга солишга қаратилган бир қатор норматив хужжатлар қабул қилинган бўлиб улар жумласига:

1.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг "Узлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида"ги 05.01.1998 йилдаги № 4 сонли Қарори.

2.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида" 1998 йил 5 январдаги № 5-сонли Қарори.

3.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти Асосий қоидалар" Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификаторини тасдиқлаш тўғрисидаги 2001 йил 16 августдаги № 343-сонли Қарори.

4.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 мартдаги "Нодавлат таълим муассасалари фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида"ги Низомни тасдиқлаш тўғрисидаги № 100-сонли Қарори.

5.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Олий таълим муассасасига педагогларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида"ги Низоми 2006 йил 10 февралдаги №20-сонли Қарори.

6.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга қўйиладиган давлат талабларини тасдиқлаш тўғрисида"ги 2006 йил 16 февралдаги №25-сонли Қарори.

7.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 18 июндаги "Олий таълим муассасалари талабалари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисида"ги Низом тасдиқлаш хусусидаги № 118-сонли Қарори.

8.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўриндошлик асосида ҳамда бир неча касбда ва лавозимда ишлаш тартиби тўгрисида"ги Низоми 18.10.2012 й. № 297-сонли Қарори.

9.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий педагогик кадрларни тайёрлаш аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида"ги 2012 йил 28 декабрдаги № 365-сонли Қарори.

10.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги № 242-сонли Қарори ва бошқалар киради.

Биз қуйида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг айрим қарорларини кўриб чиқамиз.

**1.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг “Узлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида”ги 05.01.1998 йилдаги № 4 - сонли Қарори.**

Ушбу Қарорда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида“ги Фармонига мувофиқ, узлуксиз таълим тизимини замонавий талабларга жавоб берадиган ўқув-услубий адабиётлар мажмуи билан таъминлашни такомиллаштириш, бу муҳим ишга етук олимларни, юқори малакали мутахассисларни жалб этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан Халқ таълими вазирлиги ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига:

1. Бир ой муддат ичида узлуксиз таълим тизими турларида қўлланиладиган ўқув-услубий адабиётлар мажмуи ва бошқа ўқув воситаларига қўйиладиган талаблар ҳамда уларни баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш;

2. Давлат матбуот қўмитаси билан биргаликда 1998 йил 1 февралга қадар ўқув дастурлари, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини қатъий буюртмалар, шартномалар ва танлов асосида яратиш, муҳокамадан ўтказиш ва нашр этиш тартибини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

3. 1998 йил 1 мартга қадар амалда қўлланилаётган ўқув дастурлари, дарсликлар ва ўқув-услубий адабиётлар ҳамда бошқа ўқув воситаларини ишлаб чиқилган янги мезонлар асосида экспертизадан ўтказиш вазифалари юклатилди.

Шунингдек, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш Республика комиссияси экспертиза натижаларини кўриб чикиб, 1998 йил 15 мартга қадар, қўлланилаётган ўқув дастурлари, дарсликлар ва ўқув-услубий адабиётлардан фойдаланишни давом эттириш мумкинлиги тўғрисида хулоса чиқариши. Давлат матбуот қўмитаси, Соғликни сақлаш вазирлиги ва Давлат стандартлаш,

метрология ва сертификация маркази 1998 йил 1 февралга қадар янги ўқув-услубий адабиётлар мажмуининг ўқувчилар ёши ва ривожланиши хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг нашр сифатини яхшилаш мақсадида санитария-гигиеник ва матбаа стандартларига мос келишини таъминлаш учун норматив ҳужжатларни амалга киритиши белгилаб қўйилди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги тасарруфида таълим муассасалари бўлган вазирликлар, идоралар ва "Устоз" жамғармаси билан биргаликда "Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи" танловини таъсис этиши ва мукофотлаш мезонини амалга киритишлари;

-бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан дарсликлар ва ўқув адабиётлари яратиш учун грантлар ва "Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи" танлови ғолибларига мукофотлар ажратишни ташкил этишлари белгилаб қўйилди.

Давлат матбуот қўмитаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда, дарсликлар ва ўқув адабиётларига қўйиладиган талаблар ҳамда уларни баҳолаш мезонлари асосида экспертизадан ўтказилган дарсликлар ва ўқув адабиётларига муаллифлик қалам ҳақи миқдорини шартнома асосида эркин белгилаш Низомини ишлаб чиқиш ва амалга киритиши белгиланди.

1998-1999 ўқув йили (1 сентябрь)дан бошлаб ўрта умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлашнинг пулли шакли жорий этилиши белгилаб қўйилди. Шунингдек, барча мактабларнинг 1-синф ўқувчилари, меҳрибонлик уйлари, ақлан ва жисмонан заиф болалар учун ихтисослаштирилган мактаблар ва мактаб-интернат ўқувчилари дарсликлар билан тўлалигича бепул таъминланиши кўрсатиб ўтилди.

## 2.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида" 1998 йил 5 январдаги № 5-сонли Қарори.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида" 1998 йил 5 январдаги № 5-сон Қарори билан 1-иловада **“Давлат таълим стандартлари тўғрисида”ги Низом тасдиқланган.**

"Таълим тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддасига, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қоидаларига мувофиқ республикада идоравий бўйсуниши ва мулкчилик шаклларидан қатъи назар таълим муассасаларининг барча турлари учун мажбурий бўлган давлат таълим стандартлари (ДТС) белгиланади.

ДТС - стандартлаштириш объектига нисбатан меъёрлар ва талабларни белгилайди ҳамда Ўзбекистон Республикасининг "Стандартлаштириш тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ тасдиқланади.

ДТС кадрлар тайёрлаш сифатига, таълим мазмунига нисбатан қўйиладиган талабларни;

Таълим олувчилар тайёргарлигининг зарур ва етарлича даражасини ҳамда таълим муассасаларини битирувчиларга нисбатан қўйиладиган малака талабларини;

Ўқув юкламасининг зарур ҳажмини;

Таълим муассасалари фаолиятини ва кадрлар тайёрлаш сифатини баҳолаш тартиби ва механизмини белгилайди.

ДТС таълим жараёнини ва таълим муассасалари фаолиятини баҳолашни тартибга солувчи бошқа меъёрий ҳужжатларни яратиш учун асос ҳисобланади.

Давлат таълим стандартлари жорий этилиши қуйидаги мақсадлар амалга оширилишини назарда тутади:

1.Таълимнинг юксак сифатини ҳамда мамлакатда амалга оширилаётган чуқур иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотлар, ривожланган демократик давлат барпо этиш талабларига жавоб берувчи кадрлар тайёрланишини таъминлаш;

2.Мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиёти истиқболларидан, жамият эҳтиёжларидан, фан, техника ва технологиянинг замонавий ютуқларидан келиб чиқиб кадрлар тайёрлаш мазмунини тартибга солиш;

3.Таълимнинг демократиялашуви, инсонпарварлашуви ва ижтимоийлашуви, таълим олувчиларнинг ҳуқуқий ва иқтисодий билимлари даражасини, шунингдек таълим жараёни самарадорлигини ошириш;

4.Сифатли таълим хизматлари кўрсатиш, таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида шахснинг, жамият ва давлатнинг манфаатларини ҳимоя қилиш;

5.Кадрлар тайёрлаш сифатини ва таълим фаолиятини баҳолаш мезонларини ва тартибини белгилаш;

6.Таълим жараёни ва кадрлар тайёрлашнинг изчиллиги ва узлуксизлигини таъминлаш, таълимнинг барча турлари ва босқичларида ўқув-тарбия жараёнини мақбуллаштириш;

7.Меҳнат ва таълим хизматлари бозорида рақобатбардошлиликни таъминлаш.

**Давлат таълим стандартларининг вазифалари:**

- таълим сифатига ва кадрлар тайёрлашга, кўрсатиладиган таълим хизматлари номенклатурасига нисбатан қўйиладиган мақбул талабларни белгилаш;

- таълимга ва унинг пировард натижаларига, таълим олувчиларнинг билими ва касб-кор малакаси даражасини вақти-вақти билан баҳолаш тартиби ва тартиботига, шунингдек таълим фаолияти сифати устидан назорат қилишга нисбатан қўйиладиган тегишли талабларни белгиловчи меъёрий базани яратиш;

- халқнинг бой интеллектуал мероси ва умуминсоний қадриятлар асосида таълим олувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг самарали шакллари ва усулларини жорий этиш;

- таълимнинг барча турлари мазмунини, таълим ва тарбияни келишиш ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги, узлуксиз таълим тизимида ва кадрлар тайёрлашда изчилликни таъминлаш;

- ўқув-тарбия ва таълим жараёнига, узлуксиз таълим тизимининг педагогик технологияларига ва ахборот билан таъминланишига, таълим даражасини назорат қилишга, таълим муассасаларида таълим олувчилар ва уларни битирувчиларнинг малакасига нисбатан меъёрлар ва талабларни белгилаш;

- таълим ва кадрлар тайёрлаш сифатига баҳо беришнинг холис тизимини, таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш ва аккредитация қилишни жорий этиш;

- кадрларни мақсадли ва сифатли тайёрлаш учун таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциясини таъминлаш;

-миллий стандартлар талабларининг таълим сифати ва кадрлар тайёрлашга нисбатан халқаро талабларга мувофиқлигини таъминлаш.

ДТС таълимнинг қуйидаги турлари учун белгиланади:

- умумий ўрта таълим, шу жумладан бошланғич таълим;

-ўрта махсус, касб-ҳунар таълими (академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари);

- олий таълим (бакалавриат, магистратура).

Мактабгача, мактабдан ташқари, олий ўқув юртидан кейинги таълим, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш учун

давлат бошқарувининг ваколатли органлари томонидан давлат талаблари белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида" 1998 йил 5 январдаги 5-сонли Қарори билан 3-иловада **“Таълим муассасалари уставини ишлаб чиқиш тартиби” тасдиқланди.**

Мазкур тартиб идоравий бўйсунишидан ва мулкчилик шаклларидан қатъи назар таълимнинг барча турлари таълим муассасалари уставларини ишлаб чиқишда амал қилиш учун қўлланилади ҳамда "Таълим тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-моддаси қоидаларига ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг 4.6-бандига асосланади.

Ҳар бир таълим муассасаси Уставга эга бўлиши керак. Устав таълим тури хусусиятлари ва таълим муассасасида кадрлар тайёрлашнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилади.

Устав қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим.

**Умумий қоидалар.** Ушбу бўлимга таълим муассасасининг тўлиқ ва қисқартирилган номи; таълим турига тегишлилик, таълим фаолияти йўналиши; ўқиш шакли (кундузги, сиртқи); мулкчилик шакли; муассис; таълим муассасасининг юридик манзили киради. Таълим муассасаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонларига, республика Ҳукуматининг қарорларига, Ўзбекистон Республикасининг бошқа меъёрий ҳужжатларига ва Уставга амал қилиши кўрсатилади.

**Таълим муассасасининг мақсад ва вазифалари.** Таълим тури тўғрисидаги Низомга мувофиқ мазкур таълим муассасасининг мақсади ва таълим, тарбиявий, ривожлантирувчи, соғломлаштирувчи асосий вазифалари ҳамда унга хос бўлган вазифалар саналади. Фаолиятнинг асосий йўналишлари ва вазифаларни амалга ошириш шакллари қайд этилади.

Бўлимга шунингдек, таълимнинг тегишли тури тўғрисидаги Низомга мувофиқ таълим муассасасининг мажбуриятлари ва ҳуқуқлари ҳам киритилади.

**Таълим олувчилар.** Таълим олувчилар (тарбияланувчилар, ўқувчилар, талабалар, тингловчилар)ни қабул қилиш, танлаш, тўлдириш тартиби баён этилади.

Таълим олувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари кўрсатилади.

**Ўқув-тарбиявий ва илмий-услубий иш.** Ушбу бўлимга таълим жараёнининг мақсад ва вазифалари, давлат таълим стандартлари ва давлат талабларини амалга ошириш таъминланиши киритилади.

Билимларни назорат қилиш ва баҳолаш шакллари ва тартиботи, таълим олувчиларнинг тайёргарлик даражаси;

-таълим муассасаси ишини ташкил этиш ва унинг иш тартиби; санитария-гигиена меъёрлари ва қоидаларига риоя этиш;

-ўқув (факультатив, қўшимча) ва амалий машғулотлар шартлари ва шакллари;

-ўқув йили (унинг даврлари, босқичлари, чораклари, семестрлари)нинг қанча давом этиши ва бўлиниши;

-экстернат, ўқув-тарбия жараёнини ташкил этишнинг бошқа жиҳатлари акс эттирилиши зарур.

Таълим бериладиган тил, таълим муассасасининг тарбиявий, илмий-услубий ва илмий-тадқиқот иши кўрсатилади.

**Таълим муассасасининг тузилиши.** Таркибий бўлинмалар, уларнинг фаолият кўрсатиш тартиби ва шартлари саналади.

**Педагог ходимлар, ўқув-тарбиявий ходимлар.** Ўқитувчилар (илмий-педагог ходимлар) нинг ва ўқув-тарбиявий ходимларнинг лавозим ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ишга қабул қилиш тартиби, штатдаги тегишли лавозимларга қўйиладиган талаблар; лавозимга тайинлаш ва бўшатиш тартиби белгиланади.

**Таълим муассасасига раҳбарлик қилиш.** Раҳбарият ва бошқарувнинг юқори органи кўрсатилади. Раҳбар (ректор, директор, мудир)нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уни ишга тайинлаш ва ишдан бўшатиш тартиби саналади. Таълим муассасасида қандай хайъат органлари ташкил этилиши қайд этилади. Хайъат органини шакллантириш тартиби, унинг ваколатлари, функциялари, ҳуқуқлари, хайъат органи ва унинг аъзоларининг жавобгарлиги, унинг иш тартиби (мажлислар ўтказиш муддатлари, қарорлар қабул қилиш тартиби, қабул қилинадиган қарорларнинг қонунийлиги шартлари) белгиланади.

**Жамоат ташкилотлари.** Таълим муассасасининг таълим олувчиларни, ўқитувчиларни, маъмурий ходимларни ва ўқув-тарбиявий таркибга кирувчи ходимларни бирлаштирувчи жамоат ташкилотлари қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этилиши ва фаолият кўрсатиши қайд этилади.

**Мол-мулки ва маблағлари.** Таълим фаолиятини юритиш учун зарур бўлган маблағлар манбалари, мулкий ҳуқуқлар кўрсатилади.

**Қайта ташкил этиш ва тугатиш.** Таълим муассасасини қўшиб юбориш, бирлаштириш, бўлиш, ажратиш ва қайта ўзгартириш, шунингдек уни тугатиш тартиби белгиланади.

**Намунавий уставлар:**

- мактабгача таълим, мактабдан ташқари таълим, умумий ўрта таълим муассасалари учун - Халқ таълими вазирлиги;

- ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасалари учун - Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

**Устав:**

- олий таълимнинг таълим муассасалари, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш республика институтлари, республика бўйсунишидаги таълим муассасалари учун - вазирликлар, идораларнинг буйруқлари;

- кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш вилоят таълим муассасалари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари учун - вилоят таълим бошқармасининг буйруқлари;

- умумий таълим мактаблари, мактабгача таълим ва мактабдан ташқари таълим муассасалари учун - халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимининг буйруқлари билан тасдиқланади.

Устав ижро этувчи ҳокимият маҳаллий органларида рўйхатдан ўтказилади.

Уставга уни тасдиқлаш учун белгиланган тартибга мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилади.

## 3. Олий таълимнинг давлат таълим стандарти Асосий қоидалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги №343-сонли Қарори.

Олий таълимнинг давлат таълим стандарти Асосий қоидалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги №343-сонли қарори билан тасдиқланган.

Олий таълимнинг давлат таълим стандарти:

Кадрлар тайёрлаш сифати, таълим мазмунига қўйилган умумий талабларни;

Таълим олувчилар тайёргарлигининг зарурий ва етарли билим даражаси ҳамда олий таълим муассасалари битирувчиларига қўйиладиган умумий малакавий талабларни;

Ўқув юкламасининг ҳажмини;

Таълим муассасалари фаолияти ва кадрлар тайёрлаш сифатини баҳолаш тартиблари ҳамда механизмини белгилайди.

ДТС ўқув жараёнини, таълим муассасалари фаолиятини, кадрлар, дарслик ва ўқув қўлланмалари сифатини баҳолашни тартибга солувчи тегишли норматив ҳужжатлар (таълим соҳалари давлат таълим стандартлари бакалавриат таълим йўналишлари, магистратура мутахассисликлари учун малака талаблари, ўқув режалари, фанларнинг ўқув дастурлари ва бошқалар) яратиш учун асос ҳисобланади.

ДТС олий маълумотли кадрлар тайёрлашида идоравий бўйсинишидан ва мулкчилик шаклларидан қатъи назар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган барча таълим муассасалари учун мажбурийдир.

ДТС Кадрлар тайёрлаш миллий дастури босқичларини амалга ошириш жараёнида, шунингдек мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг истиқболлари, жамият эҳтиёжи, фан, техника, технология ва маданият ютуқлари, кадрлар тайёрлаш борасида жаҳон тенденцияларидан келиб чиққан ҳолда тузатишлар ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

Олий таълим стандартлари қуйидаги тоифаларга бўлинади.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган олий таълим стандартлари:**

- Олий таълимнинг давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар;
- Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори.

**Олий таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланадиган олий таълим стандартлари:**

- Таълим соҳаларининг давлат таълим стандартлари.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январда Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги №343-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида **№3-сонли Қарори** қабул қилинди.

Унда мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг истиқболлари, жамият эҳтиёжи, фан, техника, технология ва маданият ютуқлари, кадрлар тайёрлаш борасида жаҳон тенденцияларидан келиб чиқиб, иқтисодиёт соҳаларининг модернизациялашув шароитида кадрлар истеъмолчиларининг талабларини олий таълим мазмунига тезкор жорий этилишига тегишли шароитлар яратиш, олий таълим давлат таълим стандартларини халқаро амалиётдаги академик

стандартлар билан уйғунлаштириш ҳамда уларнинг узвийлигини таъминлаш учун бир қатор қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди. Жумладан: унда

**Муайян таълим соҳасининг давлат таълим стандарти қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:**

**Бакалавриат:**

- зарварақ (титул);
- мундарижа;
- муайян таълим соҳаси (соҳа таркиби)нинг умумий таснифи;
- битирувчиларнинг соҳа бўйича тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар;
- ўқув режа тузилмаси;
- кадрлар тайёрлаш сифатини баҳолаш.

Таълим соҳасининг давлат таълим стандарти иккита (бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари) қисмдан иборат бўлади".

**Ўқув даврининг умумий хажми қуйидагича тақсимланади:**

Назарий таълим 63-70 %
Аттестация 8-10 %
Таътил 12-16 %
Малака амалиёти 6-12 %
Битирув малакавий иши 2-3 %

Назарий таълим ҳажми билим соҳаларига қараб фанлар блоклари бўйича қуйидаги жадвалга мувофиқ тақсимланади:

| **Блоклар номи** | **Билим соҳалари бўйича % хисобида** | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | **Гуманитар соҳа** | **Ижтимоий соҳа, иқтисод** | **Ишлаб чиқариш ва техник** | **Қишлоқ ва сув хўжали-ги** | **Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий** | **Хизматлар соҳаси** |
| Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар | 23 - 25 | 15 - 20 | 15 - 17 | 15 - 17 | 15 - 20 | 15 - 20 |
| Математик ва табиий-илмий фанлар | 8 - 25 | 10 - 15 | 20 - 25 | 20 - 25 | 10 - 15 | 10 - 15 |
| Умумкасбий фанлар | 33 - 50 | 50 - 55 | 35 - 50 | 35 - 50 | 45 - 50 | 45 - 50 |
| Ихтисослик фанлар | 9-10 | 10 - 15 | 10 - 15 | 10 - 15 | 10 - 15 | 10 - 15 |
| Қўшимча фанлар | 5 - 7 | 5 - 7 | 5 - 7 | 5 - 7 | 5 - 7 | 5 - 7 |

Таълим йўналишининг "Умумкасбий фанлар" ёки "Ихтисослик фанлар" блоки таркибидаги фанларга мос бўлган "Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар" ва "Математика ва табиий-илмий фанлар" блоки фанлари учун ажратилган ўқув юклама ҳажми мазкур таълим йўналиши ўқув режасининг "Умумкасбий фанлар" ёки "Ихтисослик фанлар" блоки таркибига ўтказилиши мумкин.

Ўқув йилида таътил даврининг умумий ҳажми 6 - 10 ҳафта қилиб белгиланади. Бакалавриат таълим йўналишлари талабаларининг малака амалиётини ўташ тартиби ва битирув малакавий ишини бажариш тартиби олий таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланади ва хоказолар.

**Магистратура:**

Ўқиш даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланади:

- назарий таълим - 25 - 30%;
- аттестация - 4 - 7%;
- таътиллар -13 - 16%;
- илмий фаолият -50 - 55%.

Илмий фаолият магистратура талабасининг якка тартибдаги календарь иш режаси асосида амалга оширилади ва қуйидагиларга бўлинади:

- илмий тадқиқот иши ва магистрлик диссертациясини тайёрлаш - 70 - 75%;
- илмий-педагогик иш ва малака амалиёти - 25 - 30%.
- Назарий таълим ҳажми магистратура мутахассислигига қараб қуйидаги тарзда фанлар блоклари бўйича тақсимланади:
- умумметодологик фанлар - 30 - 35%;
- мутахассислик фанлари - 40 - 50%;
- танлов фанлари - 13 - 30%.

Магистратура мутахассисликлари талабаларининг илмий тадқиқот иши ва магистрлик диссертациясини тайёрлаш тартиби ва малака амалиёти (стажировка)ни ўташ тартиби олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар асосида тасдиқланади.

**4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим муассасасига педагогларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги Низоми 2006 йил 10 февралдаги № 20-сонли Қарори.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг **“Олий таълим муассасасига педагогларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги Низом** 2006 йил 10 февралда қабул қилинган бўлиб у олий таълим муассасаларига профессор-ўқитувчилар таркибини танлов асосида ишга қабул қилиш тартибини белгилайди. Мазкур Низомга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 25.08.2015 йилдаги №246-сонли Қарорига мувофиқ ўзгартиришлар киритилган.

Ушбу низомда лавозимлари танлов бўйича эгалланадиган педагог ходимлар ва танлов қатнашчиларига қўйиладиган малака талаблари берилган. ОТМларда педагог ходимлар тоифасига кафедра мудири, профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент), ўқитувчи-стажёр лавозимини эгаллаб турган шахслар киради

Олий таълим муассасасининг кафедра мудири, профессори, доценти, катта ўқитувчиси, ўқитувчи (ассистент), ўқитувчи-стажёр лавозими беш йил муддатга танлов бўйича эгалланади.

Беш йиллик муддат тамом бўлгандан кейин кўрсатиб ўтилган лавозимлар мазкур Низомга мувофиқ танлов асосида эгалланади.

Икки ва ундан ортиқ тенг лавозимларга бир вақтда танлов ўтказилмайди.

Педагог ходимлар лавозимларини эгаллашнинг беш йиллик муддати даврида ректорнинг буйруғи билан тасдиқланадиган олий таълим муассасасининг комиссияси томонидан ҳар бир ўқув йили якунлари бўйича ушбу Низомга иловага мувофиқ мезонларга биноан педагог ходимлар фаолияти ҳар томонлама ўрганиб чиқилади. Педагог ходимлар фаолиятини ўрганиш тартиби олий таълим муассасасининг илмий кенгаши томонидан тасдиқланади. Педагог ходимлар фаолиятини ўрганиш натижалари олий таълим муассасасининг илмий кенгашида кўриб чиқилади.

Ўқишни тугаллаш йилида олий таълим муассасаси магистратурасининг битирувчиси бўш лавозимлар мавжуд бўлган тақдирда тақсимот бўйича 3 йил муддатга танловдан ташқари ўқитувчилик лавозимига тайинланади. Ушбу муддат фақат давлат гранти асосида ўқишни тамомлаган магистратура битирувчилари учун қўлланади.

Олий таълим муассасаси сайланиш муддати мазкур ўқув йилида тугайдиган кафедра мудирлари, профессорлар, доцентлар, катта ўқитувчилар, ўқитувчи ассистент, ўқитувчи-стажёрлар лавозимларини эгаллаш учун, шунингдек, бўш лавозимларга танлов эълон қилади.

Танлов бўйича сайлов олий таълим муассасаларининг илмий кенгашларида ёки факультетларнинг илмий кенгашларида ўтказилади. Олий таълим муассасасининг илмий кенгашида ёки факультетнинг илмий кенгашида сайланадиган лавозимларни белгилаш ҳуқуқи олий таълим муассасасининг ректорига тегишли бўлади.

Кафедра мудирлари ва профессорлар олий таълим муассасаларининг илмий кенгашларида танлов бўйича ўтадилар.

Танловлар вақтли матбуотда ёки бошқа оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан, олий таълим муассасасининг кўп нусхали газетасида эълон қилинади. Танловда қатнашиш учун аризалар эълон чиққан кундан бошлаб бир ойдан кечикмай берилиши керак.

Танловда қатнашишни хоҳловчилар олий таълим муассасаси ректори номига ариза берадилар, аризага кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа ва олий маълумот тўғрисидаги дипломлар нусхаси илова қилинади.

Қатнашувчиларда илмий даража, илмий унвон, шунингдек, илмий ишлар ва ихтиролар мавжуд бўлган тақдирда улар тегишли дипломлар, аттестатлар нусхаларини ва илмий ишлар рўйхатини, малака ошириш тўғрисидаги гувоҳномаларни тақдим этишлари керак.

Танловга тушган барча ҳужжатлар олдиндан кафедра мажлисида кўриб чиқилади. Илгари кафедрада ишламаган шахсларнинг ҳужжатларини кўриб чиқишдан олдин улар томонидан синов лекциялари (мазкур олий таълим муассасаси ўқитувчилари учун - очиқ машғулотлар) ўтказилади. Синов лекциялари ва очиқ машғулотлар мавзулари кафедра предметлари бўйича ўқув дастури талабларига мувофиқ бўлиши керак. Танлов қатнашчиларини тест синовларидан ўтказишга йўл қўйилади. Кафедра мудири лавозимига номзодларни муҳокама қилиш бўйича мажлисни факультет декани (олий таълим муассасалари умумий кафедраларида - проректор ўтказади).

Илгари ўзи эгаллаб келган лавозим учун танловда қатнашувчи шахслар кафедра мажлисида танловдан олдинги даврдаги илмий-

педагогик, методик, тарбиявий ва бошқа ишлари тўғрисида ҳисобот беради.

Кафедра илгари эгаллаб келган лавозими учун танловда қатнашувчи ҳар қайси номзод бўйича материалларни кўриб чиқиш натижаларига кўра, очиқ ёки яширин овоз берган ҳолда, кафедранинг штатдаги ўқитувчиларининг (шу жумладан, ўриндошлик тартибида ишлаётган ўқитувчиларининг) ва илмий ходимларининг оддий кўпчилик овози билан тавсиянома қабул қилади ва уни ўқитувчининг ҳисоботи билан бирга олий таълим муассасаси (факультет) илмий кенгашига жўнатади.

Ҳар қайси номзод бўйича илмий кенгаш мажлисида яширин овоз беришни ўтказишдан олдин кафедранинг тавсияномаси ўқиб эшиттирилади.

Мазкур лавозим учун танловда қатнашувчи барча шахсларнинг фамилияси яширин овоз бериш учун битта бюллетенга киритилади.

Овоз бериш бюллетенда овоз берилаётган номзоднинг фамилияси рўпарасига тегишли белги қўйиш йўли билан амалга оширилади. Фақат битта номзод учун овоз беришга йўл қўйилади.

Агар бюллетенда овоз бериш учун бирорта ҳам белги қўйилмаган бўлса ёхуд белги икки ёки ундан кўп фамилиялар рўпарасига қўйилган бўлса, у ҳолда бундай бюллетень бузилган ҳисобланади ва овозларни ҳисоблашда ҳисобга олинмайди.

Овозларни ҳисоблаш учун илмий кенгаш овоз бериш бошланишидан олдин таркибида илмий кенгашнинг камида уч нафар аъзоси бўлган саноқ комиссиясини сайлайди. Саноқ комиссияси ҳар қайси номзод бўйича овоз бериш натижаларини эълон қилади.

Саноқ комиссияси протоколи илмий кенгаш томонидан тасдиқланади ва танлов материалларига қўшиб қўйилади.

Танловни ўтказишда илмий кенгаш қарори, агар овоз беришда илмий кенгашнинг тасдиқланган (рўйхатдаги) таркибидаги аъзоларининг камида учдан икки қисми қатнашган бўлса ваколатли ҳисобланади. Илмий кенгашнинг овоз беришда қатнашган аъзоларининг кўпчилик овозини, бироқ камида 50 фоиз овозини олган номзод танловдан ўтган ҳисобланади.

Бирортаси ҳам талаб қилинган миқдорда овоз ололмаган икки нафардан кўп номзодлар қатнашган тақдирда илмий кенгашнинг айнан шу мажлисида дастлабки икки талабгор ўртасида такрорий овоз бериш ўтказилади. Агар икки номзод қатнашган танловни ўтказишда овозлар сони тенг бўлиб қолса, раиснинг овози ҳал қилувчи

ҳисобланади. Илмий кенгаш қарори олий таълим муассасаси ректорининг буйруғи билан тасдиқланади.

Танловда қатнашиш учун аризалар мавжуд бўлмаган тақдирда, танлов ўтказилмаган ҳисобланади.

Лавозимларни эгаллаш учун ўқитувчиларни танлаш бўйича кафедра ва илмий кенгаш мажлислари очиқ тартибда ўтади. Танловда қатнашувчиларга уларнинг номзодлари муҳокама қилинадиган кафедра ва илмий кенгаш мажлисларида қатнашиш ёки уларнинг хоҳишига кўра кафедра ёки илмий кенгаш қарори билан танишиш ҳуқуқи берилади.

Илмий кенгаш котиби танлов натижалари тўғрисида ўн кун муддатда унда қатнашган шахсларни ёзма равишда хабардор қилади.

Лавозимга танловдан ўтган профессор-ўқитувчилар билан белгиланган тартибда меҳнат шартномалари тузилади, меҳнат шартномалари асосида уларни 5 йил муддатга ишга қабул қилиш тўғрисида буйруқ чиқарилади.

Меҳнат шартномаларида иш берувчи томонидан ҳар 5 йилда ходим эгаллаб келган лавозим учун танлов ўтказилиши белгилаб қўйилади.

Олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилар таркибидаги шахслар билан тузилган меҳнат шартномасини тўхтатиш масалаларига доир меҳнат низолари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

Ушбу низомга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан 25.08.2015 йилда №246-сонли Қарорига мувофиқ куйидаги илова киритилди.

Педагог ходимлар лавозимларини эгаллашнинг беш йиллик муддати даврида ректорнинг буйруғи билан тасдиқланадиган олий таълим муассасасининг комиссияси томонидан ҳар бир ўқув йили якунлари бўйича ушбу Низомдаги иловага мувофиқ мезонларга биноан педагог ходимлар фаолияти ҳар томонлама ўрганиб чиқилади.

Педагог ходимлар фаолиятини ўрганиш тартиби олий таълим муассасасининг Илмий Кенгаши томонидан тасдиқланади. Педагог ходимлар фаолиятини ўрганиш натижалари олий таълим муассасасининг Илмий Кенгашида кўриб чиқилади

**Илова:**

**Олий таълим муассасаларининг педагог ходимлари фаолиятини ўрганиш**
**МЕЗОНЛАРИ**

| Т/р | Кўрсаткичлар | Баҳо |
|---|---|---|
| | **Ўқув-методик фаолияти (40 балл)** | |
| 1. | Ўқитувчилик фаолияти (**20 балл**): | |
| 1.1. | Назарий билимларни, амалий кўникмаларни ва ўқитиладиган фаннинг замонавий тенденцияларини эгаллаганлик даражаси (очиқ машғулотлар натижалари бўйича) | |
| 1.2. | Ўқитиш сифати даражаси (талабалардан сўраб чиқиш натижалари бўйича) | |
| 1.3. | Талабаларнинг ўқитувчининг йўлланмаси (фани) бўйича олимпиадаларда, ҳар хил танловлар ва илмий грантлардаги иштироки | |
| 2. | Методик ишлар (**20 балл**): | |
| 2.1. | Йил мобайнида олий таълим муассасаси ўқитувчиси томонидан нашр этилган дарсликлар ва ўқув қўлланмалари сони | |
| 2.2. | Ўқитишда компьютер ва ахборот технологияларидан фойдаланиш даражаси, ўқув курсини ва ўқув-тақдимот материалларини ишлаб чиқиш | |
| 2.3. | Ўқув жараёнида замонавий таълим технологиялари ва талабалар билимларини баҳолашнинг илғор усуллари қўлланилиши даражаси | |
| | **Тарбиявий фаолияти (20 балл)** | |
| 3. | Талабалар билан тарбиявий иш бўйича тадбирларда иштирок этиш: маънавий-маърифий ишлар, спорт клублари, илмий, ижодий тўгараклар, маданий тадбирлар ва шу кабилар | |
| 4. | Талабаларнинг академик гуруҳларида кураторлик | |
| 5. | Талабаларнинг ўқишдан ташқари бўш вақтларини мазмунли ўтказишни ташкил этишдаги иштироки | |
| 6. | Идора, минтақа доирасида бажариладиган жамоатчилик ишлари ва олий таълимдан ташқари ишлар | |
| | **Илмий фаолияти (30 балл)** | |
| 7. | Илмий конференциялар ишида иштирок этиш | |

| | | |
|---|---|---|
| 8. | Илмий нашрларда (шу жумладан хорижий илмий нашрларда) материаллар, монографиялар эълон қилиш | |
| 9. | Халқаро, илмий лойиҳаларга, хўжалик шартномаларига раҳбарлик қилиш ёки уларда иштирок этиш | |
| 10. | Патентлар ва ихтиролар сони | |
| 11. | Катта илмий ходимлар - изланувчиларнинг диссертация тадқиқотларига илмий раҳбарлик қилиш | |
| 12. | Докторлик диссертацияси доирасида илмий тадкиқот олиб бориш | |
| **Олий таълим муассасасини ривожлантиришга қўшган улуши (10 балл)** | | |
| 13. | Бошқа таълим муассасалари: олий таълим муассасалари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлашда иштирок этиш (ўқитувчилик фаолияти ва улар учун билимлар даражасини ошириш тренингларини ташкил этиш) | |
| 14. | Хорижий олий таълим муассасалари билан айирбошлаш дастурларида иштирок этиш ва уларни ташкил этиш | |
| 15. | Янги йўналишни, янги кафедрани, лабораторияни очиш ишида, Ахборот-ресурс марказининг электрон базасини тўлдиришда иштирок этиш | |
| **Шахсий фазилатлари (10 балл)** | | |
| 16. | Илмий даража ва илмий унвон | |
| 17. | Малака ошириш курсларидан ўтиш | |
| 18. | Хорижий тилларни эгаллаганлик, материалларни ишлаб чиқиш ва фанни ўқитишда улардан амалда фойдаланиш | |
| 19. | Хорижий таълим муассасалари ва илмий муассасаларда стажировкадан ўтиш | |
| | **ЖАМИ (энг кўп балл - 110)** | |

***Изоҳ:*** *олий таълим муассасасининг ўзига хослигидан келиб чиқиб, кўрсаткичлар ичида тегишли мезонлар бўйича балларни тақсимлаш олий таълим муассасаси томонидан белгиланади.*

## 5. "Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга қўйиладиган давлат талабларини тасдиқлаш тўғрисида"ги 2006 йил 16 февралдаги №25-сонли Қарор.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг **"Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга қўйиладиган давлат талаблари"** 2006 йил 16 февралда қабул қилинган бўлиб у олий таълим муассасаларида педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимига қўйиладиган мажбурий талабларни белгилайди.

Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга қўйиладиган давлат талаблари ўқув режалари ва дастурларини, шунингдек қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълим муассасаларининг ўқув жараёнини, таълим сифатини назорат қилиш ва баҳолаш тартибини, улар фаолиятини аттестациядан ўтказиш тартиб-қоидаларини тартибга соладиган бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқиш учун асос ҳисобланади.

Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга қўйиладиган давлат талабларининг бажарилиши идоравий мансублиги ва мулкчилик шаклларидан қатъи назар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган барча турдаги таълим муассасалари учун мажбурийдир.

**Ушбу низомда олий таълим муассасалари педагог кадрларига қуйидаги талаблар қўйилган.**

Олий таълим муассасаси ўқитувчиси магистр даражасидан паст бўлмаган олий маълумотга (дипломли мутахассис) эга бўлиши, илмий-тадқиқот фаолиятини олиб бориши, қуйидагиларни билиши ва ижодий қўлланиш кўникмаларига эга бўлиши:

Олий таълим давлат таълим стандарти (Асосий қоидалар), Кадрлар тайёрлашнинг тегишли таълим сохалари давлат таълим стандартлари, бакалавриат таълим йўналиши хамда магистратура мутахассислиги бўйича малака талаблари;

-ўқитилаётган фан бўйича ўқув дастури;

-олий таълим тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ва директив ҳужжатлар;

-бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассислиги бўйича ўқув жараёнини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлашнинг замонавий методлари;

-асосий ўқув режалари ва ўқув фанлари дастурларини такомиллаштириш принциплари;

-ўқув юкламаларини режалаштириш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш методлари;

-ўқув фанлари мазмуни ва уларни ўқитишдаги изчиллик асослари;

-ўқув машғулотларининг ҳар хил турларини (лекциялар, семинарлар, амалий машғулотлар, лаборатория машғулотлари, курс ишлари лойиҳалари, малака бўйича машғулотларни) ўтказиш методикаси;

-талабалар ўртасида миллий мустақиллик ғоялари асосида маънавий-ахлоқий ва тарбиявий ишларни олиб бориш принциплари;

-педагогика ва касб-ҳунар бўйича муомала қилиш назарияси ва амалиёти;

-таълим жараёни қатнашчилари билан ўзаро муносабатларда этика нормалари ва нутқ маданияти;

-чет тиллардан биттасида сўзлашув нутқи асослари;

-мустақил таълим олиш йўли билан ўз билимларини такомиллаштириш методлари;

-талабаларда танқидий фикрлашни шакллантириш принциплари;

-бакалавриат ва магистратура таълим дастурларида изчиллик ва мослашувчанликни ташкилий ва методик таъминлаш;

-кадрлар буюртмачилари ва меҳнат бозори эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режаларини ва фанлар дастурларини шакллантириш асослари;

-талабаларнинг ўз билимини мустақил оширишини ташкилий ва методик таъминлаш;

-талабаларнинг билимлари, маҳоратлари ва кўникмаларини рейтинг бўйича назорат қилишни ташкил этиш ва илмий-методик таъминлаш асослари;

-кадрлар тайёрлаш сифатига таъсир кўрсатадиган омиллар;

-таълим, фан ва ишлаб чиқаришни интеграциялашни ташкил этиш асослари;

-иқтидорли талабаларни қидириб топиш, танлаш ва улар билан ишлаш методлари;

-олий таълимда менежмент ва маркетинг асосларини билиши.

**6. “Олий таълим муассасалари талабалари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисида”ги Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 18 июндаги №118-сонли Қарори.**

“Олий таълим муассасалари талабалари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисида”ги Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил “18” июндаги 118-сон карори билан тасдиқланган.

Ушбу Низом “Таълим тўғрисида”ги, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ олий таълим муассасалари талабалари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартибини белгилайди.

Талабалар ўқишини кўчириш ёки қайта тиклаш, одатда, ёзги таътил даврида, тегишли курс (семестр)да ўқув машғулотлари бошланишига қадар амалга оширилади.

Талабалар сафидан четлаштириш мазкур Низомда белгиланган ҳолларда олий таълим муассасаси ректорининг буйруғи билан амалга оширилади.

**Талабалар ўқишини кўчириш ёки қайта тиклаш:**

- олий таълим муассасалари;
- тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар;

Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул килиш буйича Давлат комиссияси қошидаги Талабалар ўқишини кўчириш ва кайта тиклаш идоралараро комиссияси Қарорлари асосида амалга оширилади.

Олий таълим муассасаси ректорининг қарори асосида талабалар ўқишини шу олий таълим муассасаси доирасида олий таълимнинг мос ва турдош йўналишлари (мутахассисликлари) бўйича кўчириш ва тиклаш амалга оширилади.

Қуйидаги ҳолларда талабалар ўқишини кўчириш ва қайта тиклаш талабани қабул қилаётган олий таълим муассасаси буйсунадиган вазирлик (идора) қарори асосида амалга оширилади:

олий таълимнинг мос ва турдош йўналишлари (мутахассисликлари) бўйича бир вазирлик (идора) доирасида бошқа олий таълим муассасасига;

олий таълимнинг мос ва турдош йўналишлари (мутахассисликлари) бўйича турли вазирлик (идора) доирасида бир

олий таълим муассасасидан бошқа олий таълим муассасасига кўчириш ва қайта тиклаш.

Қуйидаги ҳолларда талабалар ўқишини кўчириш ва қайта тиклаш **Идоралараро комиссия қарори** билан амалга оширилади:

-хорижий давлатларнинг аккредитацияга эга бўлган олий таълим муассасаларидан Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига;

-бир олий таълим, муассасаси доирасида ёки бир вазирлик (идора) ва турли вазирликлар (идоралар) тасарруфидаги олий таълим муассасаларига олий таълимнинг турдош бўлмаган йўналишлари (мутахассисликлари)га.

Биринчи курсга ўқишни кўчириш ва қайта тиклаш ман этилади.

Ўқишнинг барча шакллари бўйича олий таълимнинг мос ва турдош йўналишлари (мутахассислиги) бўйича давлат грантлари ўринларига кўчиришга фақат давлат грантлари асосида тахсил олаётган талабалар аризасига кўра муайян таълим йўналиши (мутахассислик)да олий таълим муассасаларига тегишли ўқув йилидаги қабул қилиш квоталарида белгиланган давлат грантларининг сони доирасида рухсат этилади.

Бошқа ҳолларда ўқишни кўчириш тўлов-контракт асосида амалга оширилади.

Ўқишни кўчириш ёки қайта тиклаш хақидаги аризага талабанинг рейтинг дафтарчаси ёки белгиланган шаклдаги академик маълумотнома нусхалари илова этилади.

Талабаларнинг ўқишини кўчириш ёки қайта тиклашни расмийлаштиришда олий таълим муассасаси ректори белгиланган тартибда ўқув режалари ва дастурлардаги мавжуд академик қарзларни ёки фарқларни топшириш тартиби ва муддатларини, ўқитиш курси ҳамда ўқишга қабул қилишнинг бошқа шартларини белгилайди.

Давлат грантлари асосида таҳсил олаётган талабалар ўқишини ўз таълим йўналишидан бошқа турдош бўлмаган таълим йўналишига кўчириш тўлов-контракт асосида амалга оширилади.

Ўқишни кўчириш ёқи қайта тиклаш хақидаги ариза бир ой муддат ичида кўриб чиқилиши лозим.

Ўқишга қайта тиклаш ҳақидаги ариза бир ой муддатда кўриб чиқилади.

**Қуйидаги холларда талабаликка қайта тиклашни сўраб мурожаат қилган шахсга рад жавоби берилиши мумкин:**

олий таълим муассасасида таълим олувчилар сони доирасида бўш ўринлар мавжуд бўлмаганлиги;

шахснинг академик қарздорлиги ҳамда тегишли мутахассислик бўйича зарур билимларни ўзлаштиришига тўсқинлик қилиш даражасидаги ўқув режалари ва дастурларида фарқ мавжуд бўлганлиги.

Барча ўқув шакллари бўйича талабалар сафига қайта тиклаш тўлов-контракт асосида мазкур Низом талабларига риоя қилинган ҳолда амалга оширилади.

Давлат грантлари бўйича таълим олган етимлар, I ва II гуруҳ ногиронлар, шунингдек, муддатли ҳарбий хизматни ўтаган (захирага бўшаган кунларидан бошлаб уч йил мобайнида), академик таътилдан қайтган шахслар истисно тариқасида, ўқишга давлат грантлари ўринларига қайта тикланиши мумкин.

Ўқишдан четлаштирилган ўқув йилида талабани ўқишга қайта тиклашга йўл қўйилмайди.

**Талаба олий таълим муассасасидан қуйидаги ҳолларда четлаштирилиши мумкин:**

- ўз хоҳишига биноан;
- ўқишнинг бошқа таълим муссасасига кўчирилиши муносабати билан;
- саломатлиги туфайли (тиббий комиссия маълумотномаси асосида);
- академик ўзлаштира олмаганлиги (карздорлиги) учун;
- ўқув интизомини ва олий таълим муассасасининг ички тартиб-қоидаларини бузганлиги учун;
- бир семестр давомида дарсларни узрли сабабларсиз 74 соатдан ортиқ қолдирганлиги сабабли;
- ўқиш учун белгиланган тўлов ўз вақтида амалга оширилмаганлиги сабабли (тўлов - контракт бўйича тахсил олаётганлар учун);
- талаба суд томонидан озодликдан маҳрум этилганлиги муносабати билан;
- вафот этганлиги сабабли.

Талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тўғрисидаги қарорлардан норози бўлганлар белгиланган тартибда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига ёки судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

## 7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги №365-сонли Қарори.

“Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорда қуйидагилар белгилаб қўйилди:

1. Олий ўқув юртидан кейинги таълимга қўйиладиган давлат талаблари;

2. Олий ўқув юртидан кейинги таълим тўғрисидаги низом;

3.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси аппаратининг ходимлари сони;

4.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси тўғрисидаги низом;

5.Олий ўқув юртидан кейинги таълим тўғрисидаги хужжатларнинг – фан доктори дипломининг, профессор, доцент, катта илмий ходим аттестатларининг давлат намуналари иловаларга мувофиқ тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги. Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Фанлар академияси хамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Фан доктори илмий даражасини бериш бўйича “Илмий кенгаш тўғрисида”ги низом хамда “Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисида”ги низом ишлаб чиқилганлиги ва белгиланган тартибда тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилиниши кўрсатиб ўтилди. Шунингдек, фармонда Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси ўз таркибида олий таълим муассасалари ва илмий тадқиқот институтларига эга бўлган вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда ўз норматив хужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштиришни белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги **“Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги** қарори олий ўқув юртидан кейинги таълим мазмунини

тубдан ислоҳ қилиш, хусусан, илмий тадқиқотларнинг сифати ва амалий аҳамиятини ошириш, бу борада ёшларга ўзининг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини намоён этиш имконини яратиб беришга хизмат қилади.

Илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказишнинг амалдаги икки босқичли жараёни (фан номзоди ва фан доктори) ўрнига, фан доктори илмий даражасини олиш учун тўғридан-тўғри диссертация ҳимоя қилишни назарда тутувчи олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг бир босқичли тизими жорий этилди. Олий малакали кадрлар тайёрлашнинг бир босқичли тизими, пировардида, докторлик диссертациясига асос бўла оладиган салмоқли илмий ютуқларга эришиш, илмий тадқиқотларни юксак савияда олиб бора оладиган ва муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга илмий муаммоларни ҳал қилишга қобилиятли, истъедодли ёш кадрларни тарбиялашда долзарб аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда илгариги фан номзоди тайёрлаш босқичи кўпроқ илмий тадқиқот ишларини олиб боришга ўргатар эди. Ҳозирда бу вазифани магистратура босқичи бажаради. Янги тизимнинг яна бир афзаллиги шундаки, унда бакалавр илмий даражасига эга кадрларга ҳам докторлик диссертацияси ҳимоя қилиш имконияти берилади.

Дастлаб илмий консультантлар ва докторлик диссертациялари мавзулари базасининг яратилиши ҳамда экспертизадан ўтказилиши илмий тадқиқотлар тизимининг бир мунча тартибга келтирилишига, мавзуларнинг истиқболли вазифалар ва устувор йўналишларга мос бўлишига хизмат қилади. Етакчи олимлар томонидан тавсия этилган докторлик диссертацияси мавзуларининг илмий экспертизадан ўтказилиши, талабгорнинг илмий ва илмий-педагогик лаёқати баҳоланиши маъсулиятни оширади. Бу илмий тадқиқотлар сифатининг юқори бўлиши, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти кўтарилишида муҳим аҳамиятга эга.

Катта илмий ходим-изланувчилар институти ва мустақил изланувчилар институтларининг шакллантирилиши малакали кадрлар тайёрлашнинг сифат кўрсаткичлари юқори бўлишини таъминлайди. Таълим тизимида ҳаётга татбиқ этилаётган бу ислоҳотлар устоз-шогирд анъаналарини мустаҳкамлаши, илмий тадқиқотларнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлиги ошиши жамиятимизда юқори илмий салоҳиятга эга шижоатли ёшлар сафи кенгайишига олиб келади.

**8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 13 октябрдаги "Ўзбекистон иқтидорли ёшларини тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида" ги № 226-сонли Қарори.**

Қобилиятли ёшларни рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш, уларни фаол яратувчилик фаолиятига кенг жалб этиш, иқтидорли талабаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда муносиб тақдирлаш, мақсадида ушбу Қарор билан:

1.Талабалар учун "Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендиялари ва уларни тайинлаш тартиби тўғрисида"ги Низом 2-иловага мувофиқ;

2."Номли давлат стипендиялари ва уларни тайинлаш тартиби тўғрисида"ги Низом 3-иловага мувофиқ тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендиялари Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлган давлат олий таълим муассасалари (бакалавриат ва магистратура бўйича алоҳида) талабаларига Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ўтказиладиган танлов натижаларига биноан тайинланади.

Талабаларга тайинлаш учун белгиланган Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендияси квотаси (ўн битта) қуйидаги таълим йўналишларидан ҳар бири бўйича биттадан стипендия ҳисобидан бакалавриат ва магистратура учун алоҳида-алоҳида тақсимланади:

- қишлоқ ва сув хўжалиги;
- техника ва информатика;
- соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот;
- ижтимоий-гуманитар ва ижтимоий фанлар;
- табиий фанлар;
- бизнес ва бошқарув;
- педагогика;
- маданият, санъат ва спорт;
- хорижий тиллар;
- ҳуқуқ ва халқаро муносабатлар;
- журналистика.

Ушбу рўйхатга Вазирлар Маҳкамаси томонидан ҳар ўқув йили бошида, таълим йўналишларидаги устуворликларни ўзгартиришнинг мақсадга мувофиқлигидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тавсиясига биноан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

Талабаларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендияларини тайинлаш учун қуйидаги мезонларни бажариш белгиланади:

-умумтаълим тайёргарлигини илмий-тадқиқот (ижодий ишлар) ишлари билан уйғунлаштириш;

-йўналишлар бўйича конференция (танлов)ларда қатнашиш;

-камида иккита эълон қилинган ишлар (асарлар)нинг мавжудлиги;

-тилларни - давлат тилини ва битта хорижий чет тилни билиш, бакалавриатдаги таълим йўналиши ёки магистратурадаги мутахассислик хорижий тил бўлган тақдирда эса қўшимча равишда яна битта хорижий тилни билиш талаб қилинади;

Ўзбекистон тарихини билиш.

Тилларни, ахборот технологияларини, Ўзбекистон тарихини билиш бўйича талаб даражаларини Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендиясига талабгорлар ушбу фанлар бўйича ўз билим даражасини аниқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказида (минтақалар бўйича) махсус тест синовлари топширадилар. Марказ якуний ведомостларни тест синовлари натижалари билан бирга Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендиясига номзодлар кўрсатиш, талабгорлар номзодларининг ўқишдаги ва илмий (ижодий) фаолиятдаги муваффақиятлари оммавий равишда муҳокама қилингандан сўнг, давлат олий таълим муассасаларининг илмий кенгашлари томонидан амалга оширилади.

Талабгорлар дастлабки кўриб чиқиш учун илмий кенгашга қуйидагиларни топширадилар:

- синов дафтарчасидан кўчирма;
- деканат, кафедра тавсияномаси;
- илмий (ижодий) иш аннотацияси;
- раҳбарнинг фикр-мулоҳазалари;
- илмий (ижодий) ишга тақриз;
- илмий ишлар рўйхати ва уларнинг босма нусхалари.

Барча ҳужжатлар икки нусхада тақдим қилинади. Ҳужжатларнинг ҳар бир тўплами жилдга жойланади, ҳар бир жилд муқовасида ишни тақдим қилган муассасанинг номи, талабгорнинг фамилияси, исми ва отасининг исми, ишнинг номи кўрсатилади.

ОТМ кенгашлари яширин овоз бериш орқали, оддий кўпчилик овоз билан Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендияларини тайинлаш учун стипендиатлар номзодларини кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қиладилар.

ОТМ кенгашлари қарорлари вазирликлар ва муассасаларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендияларини тайинлаш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тавсиянома юбориши учун асос ҳисобланади.

**Беруний, Ибн Сино, Навоий, Улуғбек ва Имом ал-Бухорий** номидаги давлат стипендиялари Ўзбекистон Республикаси давлат олий таълим муассасаларининг бакалавриат бўйича ўқиётган охирги икки курс талабаларига тайинланади. Келгуси ўқув йили учун давлат стипендиялари сони жорий ўқув йили охирида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тақдимномасига биноан Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўзбекистон Республикаси давлат олий таълим муассасалари бўйича номли стипендияларни тақсимлашни таълим ихтисослигига ва талабалар сонига мувофиқ амалга оширади.

Стипендияларни тайинлаш учун қуйидаги мезонларни бажариш белгиланади:

-аъло ўқиш ва илмий (ижодий) ишларда иштирок этиш;

-тилларни - давлат тилини ва битта хорижий тилни билиш, бакалавриатдаги таълим йўналиши хорижий тил ҳисобланган алоҳида ҳолларда қўшимча равишда яна битта хорижий тилни билиш;

-Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар учун эса ўқиш олиб бориладиган тилни қўшимча равишда билиш талаб қилинади;

Тилларни билиш бўйича умумий талаблар даражаси Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан, олий таълим муассасаларининг тиллар бўйича ихтисослашмаган мутахассисликлар учун хорижий тилларга бўлган талаблари ҳажмида белгиланади. Номли давлат стипендияларига талабгорлар ушбу тиллар бўйича ўз билимлари даражасини аниқлаш учун ўқиш жойидаги тил кафедраларида махсус суҳбатдан ўтадилар. Номли давлат стипендияларини тайинлаш учун номзодлар кўрсатиш давлат олий таълим муассасалари илмий кенгашлари томонидан, талабгорларнинг ўқув ва илмий фаолиятларини оммавий муҳокама қилиш асосида амалга оширилади.

Номли давлат стипендиясига талабгорлар дастлабки кўриб чиқиш учун ОТМ кенгашига қуйидагиларни тақдим қиладилар:

-синов дафтарчасидан кўчирма;

-деканат, кафедранинг тавсияномаси;

-илмий (ижодий) иш раҳбарининг фикр-мулоҳазаси;

-тиллар кафедрасининг суҳбат натижалари ҳақидаги маълумотномаси.

Барча ҳужжатлар жилдга тикилган ёки папкага жойланган ҳолда тақдим этилади. Муқовада номли давлат стипендиясининг номи, талабгорнинг фамилияси, исми ва отасининг исми, факультети, курси, гуруҳи кўрсатилади. ОТМ кенгашлари яширин овоз бериш орқали оддий кўпчилик овоз билан қарор қабул қиладилар. ОТМ кенгашларининг қарорлари олий таълим муассасалари қарашли бўлган вазирликлар ва идораларнинг Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига номли давлат стипендияларини тайинлаш тўғрисида тавсияномалар жўнатиши учун асос бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги стипендиялар тайинлаш ҳақидаги тавсияномаларни йилига бир марта кўриб чиқади. Кўриб чиқиш муддати 10-25 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг қарори давлат олий таълим муассасаларининг талабаларга номли давлат стипендияларини тайинлаш ва тўлаш ҳақидаги буйруқларни расмийлаштириши учун асос бўлади.

Стипендиялар 1 сентябрдан бошлаб, бир йил муддатга, белгиланган миқдорга қатъий мувофиқ ҳолда тайинланади. Стипендияларни янги муддатга қайтадан тайинлаш ҳам айнан шу тартибда амалга оширилади.

Номли давлат стипендияларига сазовор бўлган талабаларга қуйидаги гувоҳномалар берилади: Беруний давлат стипендиясининг соҳиби; Ибн Сино давлат стипендиясининг соҳиби; Навоий давлат стипендиясининг соҳиби; Улуғбек давлат стипендиясининг соҳиби; Имом ал-Бухорий стипендиясининг соҳиби. Гувоҳномалар талабаларнинг ўқиш жойида тантанали вазиятда топширилади.

Номли давлат стипендияларига сазовор бўлган талабалар бакалавриат босқичини тугатганидан сўнг бир йил мобайнида, тегишли мутахассислик бўйича магистратурага кириш имтиҳонларисиз, грант асосида қабул қилинадилар. Номли давлат стипендияларига сазовор бўлган талабалар ўқишни тугатганларидан сўнг бир йил мобайнида магистратурада ўқишни давом эттириш учун

хорижга юборилаётган ёшлар гуруҳлари таркибига киритилишда устунликка эга бўлиш ҳуқуқини сақлаб қоладилар.

Талабаларни кундалик дарсларни ўзлаштирмаганлик, ўқув интизомини ва илмий одоб-ахлоқни бузганлик учун ўқув йили мобайнида номли давлат стипендияларидан маҳрум қилиш давлат олий таълим муассасалари тақдимномаларига биноан тегишли вазирликлар ва идоралар буйруқлари билан амалга оширилиши мумкин. Талабаларнинг номли давлат стипендияларини тайинлаш бўйича ариза ва шикоятлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

### 9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 27 январдаги "Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузурида Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича Жамоатчилик кенгашини ташкил этиш тўғрисида"ги № 1694-сонли Қарори.

Ушбу қарор билан Ўзбекистон миллий давлатчилигининг вужудга келиши ва тараққий топишининг энг янги тарихи бўйича ўқув-методик, илмий-оммабоп, маърифий адабиётларни ўрганиш, тайёрлаш ва чоп этиш борасида илмий, маданий, таълим, жамоат муассасалари ва ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш ишларининг самарадорлигини ошириш, ёшларда, авваламбор умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ўқувчиларида, олий таълим муассасалари талабаларида мамлакат тарихи ҳақидаги чуқур билимларни шакллантириш мақсадида Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича Жамоатчилик кенгашини ташкил этилди.

Жамоатчилик Кенгашининг асосий вазифалари этиб **қуйидагилар белгиланди:**

1.Ўзбекистоннинг энг янги тарихини тизимли равишда тарихийлик ва холислик принципларига асосланган ҳолда ўрганишни ташкил этиш, шунингдек буюк тарихий-маданий меросга эга бўлган ва жаҳон цивилизациясининг ривожига улкан ҳисса қўшган ўзбек халқининг тарихий ўтмиши ва бугунги кунига баҳо беришда бир ёқлама ёндашувларга, ақидапарастликка йўл қўймаслик;

2.Ўқув, илмий, ўқув-методик адабиётларни тайёрлаш ва янги авлод нашрларини чоп этиш бўйича ишларни мувофиқлаштириш, уларда Ўзбекистоннинг энг янги тарихини умумжаҳон ва минтақавий жараёнлар билан, шунингдек ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида шаклланган халқлар ва давлатлар цивилизациясининг тарихий-

маданий мероси билан узвий боғлиқ ҳолда кўриб чиқишни таъминлаш;

3.Демократик ҳуқуқий давлатни, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини, фуқаролик жамиятининг асосларини шакллантиришда "Ўзбек модели"нинг моҳияти ва мазмунини, инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини таъминлаш, жамиятда барқарорликни, миллатлараро ва динлараро тотувликни сақлаш бўйича кенг кўламли ишларни, ҳозирги дунёда Ўзбекистоннинг роли ва ўрнини чуқур ўрганиш ва яққол кўрсатиб бериш;

4.Илмий ва ўқув-методик адабиётлар, ўқув дастурлари, мамлакатнинг таълим муассасаларида Ўзбекистоннинг энг янги тарихи курсини ўқитиш даражасини тизимли равишда мониторинг қилиш ҳамда экспертизадан ўтказиб бориш, ушбу соҳада илмий-тадқиқот, ўқув-методик ишларнинг сифатини яхшилаш, тарихчи-педагог кадрларнинг малакасини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

5.Фуқароларда тарихий хотира, миллий ўзлигини англаш, юксак маънавият, халқнинг тарихий анъаналари, маданий меросига ҳурмат, мамлакатимиз мустақилликка эришганлигининг буюк тарихий аҳамиятини англаш каби фазилатларни шакллантиришга йўналтирилган маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини, шу жумладан, оммавий ахборот воситалари орқали ошириб бориш;

6.Замонавий чет эл илмий ва ўқув адабиётларида Ўзбекистон тарихини сохталаштириш, бузиб кўрсатиш фактларини аниқлашга йўналтирилган тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш, ҳозирги Ўзбекистоннинг тарихий ўтмиши, социал-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ривожланиши, мамлакатда олиб борилаётган демократик ислоҳотлар тўғрисидаги холис ахборотни кенг халқаро жамоатчиликка етказиш.

## 10. “Магистратура тўғрисида”ги Низом.

“Таълим тўғрисида” ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида" 2012 йил 24 июлдаги ПФ-4456-сонли Фармонига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимида магистратура фаолиятини янада такомиллаштириш, унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2007 йил 10 сентябрдаги №190-сонли қарорига мувофиқ ҳамда олий таълим муассасаларида

магистрлар тайёрлаш самарадорлигини ошириш мақсадида 2015 йил 2 мартдаги №36-сонли қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг **“Магистратура тўғрисида”ги** Низоми тасдиқланди.

Ушбу низом магистратура фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш, кадрлар тайёрлаш сифати ва уларнинг рақобатбардошлигини кучайтириш мақсадида ишлаб чиқилган ва олий таълим муассасаларида магистрлар тайёрлашнинг асосий қоидалари ва тартибини, умумқабул қилинган халқаро стандартларга биноан магистрлик диссертацияси мазмуни ва сифатига қўйиладиган мезонлар ва талабларни белгилайди.

**Низомда:**

I. Умумий қоидалар

II. Магистрлар тайёрлашга қўйиладиган талаблар

III. Магистратура талабаларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

IV. Магистратурада таълим жараёнини ташкил этиш

V. Магистратурада педагогик фаолиятга жалб этиладиган ўқитувчиларга қўйиладиган умумий малака талаблари

VI. Мавзуни танлаш ва илмий раҳбарни тайинлаш

VII. Магистрлик диссертациясининг тузилиши ва унинг мазмунига қўйиладиган талаблар

VIII. Дастлабки ва расмий ҳимояни ўтказиш тартиби

IX. Магистратура талабалари фаолияти мониторинги

X. Якунловчи қоидалар берилган.

Магистратура аниқ мутахассислик бўйича бакалавриат негизида ўқитиш камида икки йил давом этадиган олий таълимдир.

Магистратура дастури якунланиши "магистр" даражасини берувчи якуний давлат аттестацияси ҳисобланади.

Олий таълим муассасаларида магистрларни тайёрлашни мувофиқлаштиришни магистратура бўлимлари амалга оширади, улар кафедралар ва деканатлар билан биргаликда **қуйидагиларни:**

- магистрлар тайёрлаш бўйича ўқув жараёнини ташкил этиш ва амалга оширишга, уларга тақдим этилаётган таълим ва ўқитиш сифатини назорат қилишга кўмаклашишни;
- ўқув-изланиш ва илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилишини;
- олий таълим муассасалари барча бўлинмаларининг магистрлар тайёрлаш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилишни;

• магистрларни ўқитиш ва уларнинг келгусида ишга жойлашиши устидан мунтазам мониторингни амалга оширишни, магистрлар тайёрлаш масалаларини таҳлил қилиш ва улар юзасидан мунтазам равишда ҳисоботлар тайёрлашни таъминлайди.

Магистрлар тайёрлашга қўйиладиган умумий талаблар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида"ги 2001 йил 16 августдаги №343-сонли қарори билан белгиланган.

Аниқ мутахассислик бўйича магистрлар тайёрлашга қўйиладиган талаблар олий таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланган магистратура мутахассисликлари малака талаблари билан белгиланган.

**Магистр:**

• танланган мутахассислиги бўйича илмий-тадқиқот, илмий-педагогик ва касбий фаолиятни мустақил юритишга;

• касбий фаолиятда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишга;

• олий таълим муассасасидан кейинги таълимни магистрлик тайёргарлигига мувофиқ мутахассислик бўйича катта илмий ходим-изланувчилар институтида давом эттиришга;

• кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимида қўшимча касб таълими олишга тайёрланади.

Магистр ўз мутахассислиги, илмий ва илмий-педагогик тайёргарлигига мувофиқ касбий фаолиятининг қуйидаги турлари:

• илмий-педагогик;

• илмий-ижодий;

• илмий-тадқиқот ва тажриба;

• лойиҳа-конструкторлик;

• лойиҳа-технологик;

• ишлаб чиқаришда бошқарув, шунингдек, бакалавриат таълим йўналишига мувофиқ бошқа фаолият турлари бўйича ҳам шуғулланиши мумкин.

**Магистратура талабаларининг ҳуқуқлари:**

• таълим, фан, маданият, техника, иқтисодиётни, ижтимоий ва бошқа соҳаларни ривожлантиришнинг замонавий тенденцияларига мувофиқ билимларни олиш;

• олий таълим муассасаси фаолияти билан боғлиқ муҳим масалаларни кўриб чиқиш ва ҳал қилишда бевосита иштирок этиш;

• олий таълим муассасаси ахборот-ресурс марказлари хизматларидан, шу жумладан, ўқув-методик ва илмий адабиётлардан, шунингдек, олий таълим муассасасининг уставида белгиланган тартибда бошқа турдаги хизматлардан бепул фойдаланиш;

• илмий-тадқиқот ишларида, конференциялар ва симпозиумларда иштирок этиш;

• ўз илмий-тадқиқот ишларини илмий нашрларда чоп этишга тақдим этиш;

• олий таълим муассасаси Илмий кенгаши тавсиясига мувофиқ етакчи хорижий ва республика таълим (илмий) муассасаларида амалиёт ўташ, стажировкада бўлиш ёки магистрлик диссертациясининг тажриба-синов қисмларини бажариш учун ушбу муассасалар билан тегишли келишувлар мавжуд бўлганда уларга йўлланма олиш;

• олий таълим муассасаси раҳбариятининг қарорларидан норози бўлган тақдирда, тегишли идораларга белгиланган тартибда шикоят қилиш;

• талабалар учун қонунчиликда белгиланган тартиб ва миқдорлардаги стипендия, Давлат стипендияси ҳамда ўқишга йўллаган юридик ва жисмоний шахслар томонидан тайинланадиган стипендияларни олиш;

• қонун ҳужжатларида ёки олий таълим муассасаси уставида белгиланган бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши мумкин.

**Магистратура талабаларининг мажбуриятлари:**

• магистратуранинг тегишли мутахассислиги бўйича ўқув режалари ва дастурларида назарда тутилган билимларни эгаллаш ва ўзлаштириш;

• ўқув режасида назарда тутилган барча турдаги топшириқларни белгиланган муддатларда бажариш, шунингдек, магистрлик диссертациясини тайёрлаш;

• олий таълим муассасасининг устави талабларига ва ички тартиб қоидаларига риоя этиш;

• қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юклатилиши мумкин.

## 11. “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги № 242-сонли Қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сон Фармонини бажариш юзасидан ҳамда олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларининг касбий даражасини узлуксиз такомиллаштириш учун шарт-шароитларни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августда № 242-сонли Қарори қабул қилинди.

Унда қуйидагилар:

1. “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари тўғрисида”ги Низом 1-иловага мувофиқ;

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, аттестациядан ўтказиш жараёнларини ташкил этиш ишларини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро комиссия таркиби 2-иловага мувофиқ;

3. Базавий олий таълим муассасаларининг ўқув-методик ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни ўқитишнинг замонавий ахборот-коммуникация техникалари ва техник воситалари билан таъминлаш бўйича тадбирлар комплекси 3-иловага мувофиқ тасдиқланди.

“Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари тўғрисида”ги Низомда олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларининг касбий даражаси ва малакасининг доимий ўсиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш ва ҳар томонлама кўмаклашиш, замонавий талабларга мувофиқ уларни мунтазам равишда қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг такомиллаштирилган тизимини жорий этиш асосида юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш сифатини қуйидаги йўллар орқали тубдан оширишга йўналтирилган:

**биринчидан,** олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг касбий ва педагогик даражасини мунтазам ошириш

асосида уларнинг қонунчилик нормалари, назария, илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқитилаётган фанлар бўйича инновациялар, шунингдек, ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари соҳасидаги сўнгги ютуқларни чуқур ўрганиш;

**иккинчидан,** юқори самарали замонавий таълим ва инновация технологияларини, илғор хорижий тажрибани кенг жорий этган ҳолда, олий таълим муассасаларининг педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича малака талаблари, ўқув режалари, дастур ва услубларини тубдан янгилаш, олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг фаолиятини зарур даражада ташкил этиш ва самарадорлигини таъминлаш;

**учинчидан,** олий таълим муассасалари педагог кадрларининг, шу жумладан глобал интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларидан фойдаланган ҳолда, илғор педагогика, ахборот-коммуникация ва инновация технологияларини эгаллаш ва уларни ўқув жараёнига фаол татбиқ этиш;

**тўртинчидан,** олий таълим муассасалари педагог кадрларининг чет тилини амалий ўзлаштириш даражасини ошириш ва ундан ўз касбий маҳоратини, педагогик ва илмий фаолиятини муттасил ошириб бориш учун кенг фойдаланиш.

Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилган:

**олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курси (қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси)** - янги касбий билимлар, маҳоратлар, замонавий кўникмалар ҳамда бошқарув ва педагогик фаолиятни юритиш учун зарур ҳажмда ва етарли даражада ҳамда давлат таълим стандартларига мувофиқ ўқув-таълим жараёнига талаб қилинадиган сифатни таъминлайдиган даражада ваколатларни назарда тутадиган олий таълимдан кейинги ўқитиш шакли;

**олий таълим муассасаларининг раҳбар кадрлари** - олий таълим муассасаси ректоратида ва деканатида бошқарув функциялари ва вазифаларини бажарувчи шахслар;

**олий таълим муассасаларининг педагог кадрлари** — олий таълим муассасасида педагогик фаолиятни амалга оширувчи ва кафедра мудири, профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент) лавозимидаги шахслар.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларининг мақсади - ўқув-тарбия жараёнини юқори илмий-услубий даражада таъминлаш, малакавий талаблар, ўқув режалари ва дастурлари асосида касбий ва педагогик маҳоратни доимий равишда ривожлантиришга

кўмаклашиш учун зарур бўлган касбий билимлар, кўникмалар ва маҳоратларни мунтазам равишда янгилаб бориш ҳисобланади.

**Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларининг вазифаларига қуйидагилар киради:**

- раҳбар ва педагог кадрларнинг касбий билимлари, кўникмалари ва маҳоратларини узлуксиз янгилаб бориш механизмларини жорий этиш, замонавий талабларга мувофиқ олий таълим сифатини таъминлаш учун зарур даражада касбий тайёргарликни ошириш;
- қайта тайёрлаш ва малака оширишнинг тўғридан-тўғри ва бавосита шаклларини амалиётга жорий этиш;
- олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрлари томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштириш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш;
- қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциясини таъминлаш, педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада ривожлантириш ва модернизация қилиш.

**Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларидан ўтиш тартиби:**

1.Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрлари, идоравий мансублигидан қатъи назар, уч йилда камида бир марта доимий асосда қайта тайёрлаш ва малака оширишнинг тегишли йўналишлари бўйича қайта тайёрланиши ва малакасини ошириши шарт.

2.Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари тегишли йўналишлар бўйича малакавий талаблар, ўқув режалари ва дастурларини ҳисобга олган ҳолда, тингловчиларни сифатли ўқитиш учун моддий-техника базаси, педагоглар таркиби мавжуд бўлганда курслар фаолиятини ва ресурс таъминотини бюджет ва бюджетдан ташқари молиялаштириш асосида ташкил этилади.

3.Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари тингловчилари бепул асосда (такрорий ўқитишдан ташқари) ўқитилади.

4.Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқиш тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар билан келишган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси ўқув режасининг намунавий тузилмаси асосида ишлаб чиқилган 288 соат ҳажмдаги ўқув

дастурлари бўйича икки ой давомида, ишдан ажраган ҳолда амалга оширилади.

5.Бир ҳафтадаги ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми 36 соатни ташкил этади.

6.Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари тингловчилари ўқишни тугатгандан кейин таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, аттестациядан ўтказиш жараёнларини ташкил этиш ишларини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро комиссия томонидан тасдиқланадиган аттестация комиссиялари томонидан ўтказиладиган аттестациядан ўтишлари керак. Аттестация комиссияси тегишли соҳалардаги етакчи олимлар ва мутахассислар, илмий кенгаш аъзолари, ўқув-услубий ишлар соҳасидаги йирик мутахассислар сафидан камида 7 кишидан иборат бўлган олий таълим муассасаси ректори ёки фан доктори илмий унвони бериш бўйича илмий кенгаш раиси бошчилигида шакллантирилади.

7.Аттестациядан муваффақиятли ўтган қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари тингловчиларига қатъий ҳисобда турадиган давлат намунасидаги ҳужжат ҳисобланадиган малака аттестати берилади.

8.Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқиш якунлари бўйича аттестациядан муваффақиятли ўтган олий таълим муассасалари педагог кадрлари тегишли йўналишлар бўйича бўш турган педагог лавозимини танлов бўйича эгаллашда имтиёзли ҳуқуққа эга бўлади.

9.Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқиш якунлари бўйича аттестациядан ўтмаган олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрлари бир йил мобайнида пулли асосда қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсидан такроран ўтиши ҳамда ўқишнинг тегишли йўналиши (мутахассислиги) бўйича кейинги қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсидан ўтиш муддати мобайнида аттестациядан ўтиши шарт.

10.Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларидан такроран ўтиш 288 соат ҳажмида ташкил этилади.

11.Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқиш якунлари бўйича аттестациядан такроран ўтмаган ёки асосий иш жойи бўйича белгиланган муддатда қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларидан такроран ўтмаган тақдирда, ушбу ходимлар билан тузилган меҳнат шартномасининг амал қилиш муддатидан ҳамда бўш турган педагог лавозимини эгаллаш танлови даврининг тугаган

муддатидан қатъи назар, меҳнат шартномаси белгиланган тартибда икки ой мобайнида бекор қилинади. Бунда улар ўз педагогик фаолиятини бошқа таълим муассасаларида (олий таълим муассасаларидан ташқари) давом эттириши ёхуд бошқа ташкилотларда ишлаши ҳамда ўзининг касбий малакасини мустақил равишда ошириши мумкин.

12.Бунда олий таълим муассасаларининг педагог кадрларига қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларидан ўтишга ҳамда улар билан асосий иш жойи бўйича меҳнат шартномаси тўхтатилган кундан 3 йил ўтгандан кейин пулли асосда аттестациядан ўтишга рухсат берилади. Бунинг учун улар тегишли қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълим муассасасига курслардан ва аттестациядан ўтиш тўғрисида ариза билан мурожаат қиладилар.

13.Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларидан, шунингдек, аттестациядан муваффакиятли ўтган педагог кадрлар олий таълим муассасаларидаги бўш турган педагог лавозимларини эгаллаш учун танловда белгиланган тартибда иштирок этиш ҳуқуқига эга.

14.Олий таълим муассасаларининг раҳбар кадрлари аттестациядан такроран ўтмаган тақдирда, муайян раҳбарлик лавозимига тайинлашга ваколатли бошқарув органи (ёки олий таълим муассасаси раҳбари) бундан кейин ушбу шахсларнинг эгаллаб турган раҳбарлик лавозимида бўлишининг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида қарор қабул қилади.

15. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларининг ўқув жараёнларини мониторинг қилиш, шунингдек, тингловчиларнинг касбий фаолияти натижалари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш Бош илмий-методик марказининг ягона электрон тизими орқали амалга оширилади.

16. Ҳар йили 15 ноябрга қадар идоравий олий таълим муассасалари, олий таълим муассасаларига эга бўлган вазирликлар ва идоралар буюртманомалари асосида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан белгиланган қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларидан ўтиш даврийлигига мувофиқ кейинги календарь йил учун ойлар ва ўқиш йўналишлари бўйича қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари тингловчиларининг контингенти шакллантирилади.Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларидан ўтиш жадвали ҳар йили 1 декабрга қадар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим

вазирлиги томонидан тасдиқланади ҳамда олий таълим муассасаларига етказилади. Тасдиқланган режа-жадвалга мувофиқ олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрлари ўқиш йўналиши ва эгаллаб турган лавозимига боғлиқ ҳолда, базавий олий таълим муассасалари, Бош илмий-методик марказ ва бошқа таълим муассасаларидаги доимий ишлайдиган қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларига юборилади.

17. Курсларга тингловчиларни қабул қилиш тасдиқланган ва жўнатувчи томонларнинг буйруғи асосида тегишли қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълим муассасаси раҳбарининг буйруғи билан расмийлаштирилади. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларига тингловчиларни қабул қилиш тўғрисидаги буйруқ курслар бошланиши санасидан бошлаб 3 кун мобайнида расмийлаштирилади.

18. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари бошлангандан кейин икки кун мобайнида келмаган тингловчилар, келмасликнинг сабабларидан қатъи назар, курсларга қўйилмайди.

Тингловчиларнинг қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларига ўз вақтида келмаганликнинг ҳужжат билан тасдиқланган узрли сабаблари бўлганда уларга ўқишнинг тегишли йўналиши (мутахассислиги) бўйича кейинги курсларда қайта тайёрлаш ва малакасини оширишдан ўтиш ҳуқуқи берилади.

Тингловчилар қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларига узрсиз сабаблар бўйича келмаган тақдирда аттестациядан ўтмаган деб ҳисобланади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълим муассасалари тингловчиларнинг қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларига ўз вақтида келмаганлигининг барча ҳолатлари тўғрисида тегишли чоралар кўриш учун жўнатувчи томонга ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига хабар беради.

19. Тингловчиларнинг касаллиги тасдиқланган тақдирда уларнинг қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларидан ҳамда аттестациядан ўтиш муддатлари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишув бўйича тасдиқланган режа-жадвалга мувофиқ энг кеч муддатга кўчирилади.

20. Ўқиш тугалланадиган йилда олий таълим муассасаларига педагог лавозимларига қабул қилинган магистратура битирувчилари педагогик фаолиятнинг учинчи йилида қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларидан ўтадилар.

21. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқишдан ўтадиган тингловчилар учун ўқишнинг барча даврида уларнинг

асосий иш жойи бўйича эгаллаган лавозими ва ўртача иш ҳақи сақланади, уларнинг ўкув юкламаси эса олий таълим муассасаси кафедраларининг бошқа аъзолари ўртасида тақсимланади.

## 12. “Васийлик кенгаши тўғрисида”ги намунавий Низом.

Олий таълим муассасасининг Васийлик Кенгаши тўғрисидаги намунавий Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 23 майдаги №129-сонли қарори билан тасдиқланган.

Олий таълим муассасасининг васийлик кенгаши "Таълим тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этилади ва олий таълим муассасасининг жамоатчилик бошқаруви органларидан бири ҳисобланади.

Васийлик Кенгаши Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир олий таълим муассасасида ташкил этилади. Васийлик Кенгаши юридик шахс ҳисобланмайди у ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширади.

Васийлик Кенгаши ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, олий таълим муассасасининг васийлик кенгаши тўғрисидаги низомга ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади.

Таълим жараёнида ижтимоий шериклик тамойилларини самарали амалга ошириш, таълим сифатини яхшилаш, олий таълим муассасасининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва таълим жараёнини такомиллаштириш Кенгашнинг асосий мақсадлари ҳисобланади.

Кенгаш таркибига давлат органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг вакиллари, ҳомийлар, шунингдек, олий таълим муассасаси фаолиятини такомиллаштириш ва ривожлантиришдан манфаатдор бўлган бошқа юридик ва жисмоний шахслар кириши мумкин.

Кенгашнинг таркиби тасарруфида тегишли олий таълим муассасаси бўлган вазирлик ва идора томонидан тасдиқланади. Кенгаш таркибига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот берадиган давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг

раҳбарлари киритиладиган ҳолатларда Кенгаш таркиби тегишли вазирликлар ва идоралар томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритилади.

Кенгаш таркибига ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва суд органларининг, ҳарбийлаштирилган тузилмаларнинг, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳисобот берадиган давлат бошқаруви органларининг раҳбарлари киритиладиган ҳолатларда тасарруфида тегишли олий таълим муассасаси бўлган вазирлик ва идоранинг тақдимномасига биноан Вазирлар Маҳкамаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентига кўриб чиқиш учун киритилади. Нодавлат олий таълим муассасасининг Кенгаши таркиби унинг муассислари томонидан тасдиқланади.

**Васийлик Кенгашининг асосий вазифаларига қуйидагилар киради:**

- олий таълим муассасаларининг моддий-техника, ўқув-методик базасини мустаҳкамлаш, ижтимоий ва маиший инфратузилмасини яхшилаш, биноларини мувофиқлаштириш ва ҳудудларини ободонлаштириш;
- таълим жараёнини ҳамда талабаларнинг ишлаб чиқариш амалиётини самарали ташкил этиш ва такомиллаштириш, шунингдек олий таълим муассасалари битирувчиларини келгусида ишлаб чиқариш, фан ва таълимни интеграциялашни ривожлантириш орқали ишга жойлаштириш;
- бакалаврлар ва магистрлар тайёрлаш сифатини ҳамда илмий тадқиқотлар самарадорлигини баҳолаш ишларини ташкил этиш;
- таълим жараёни сифати ва натижадорлигини ошириш, келгусида меҳнат бозори ривожланишини ҳисобга олган ҳолда мутахассислар ва илмий-техника кадрларини тайёрлашнинг истиқболли йўналишларини аниқлаш;
- мутахассислар тайёрлаш сифатига кўмаклашадиган истиқболли дастурларни молиялаштириш ва амалга ошириш;
- олий таълим муассасасида илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини ривожлантириш, фундаментал (амалий) илмий-техника ишланмаларини амалга ошириш, ўқув ва илмий жараёнларни оқилона интеграциялаш;
- талабаларнинг бевосита ишлаб чиқаришдаги амалий машғулотларини ўтказишни ташкил этиш;
- ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш соҳасидаги малакали ва тажрибали мутахассисларни таълим жараёнига жалб этиш;

- олий таълим муассасалари педагог кадрларининг меҳнат шароитларини яхшилаш ҳамда уларнинг малака ошириш ва қайта тайёрлашдан ўтишларини ташкил этиш;
- олий таълим муассасалари фаолиятининг изчил ривожлантирилишини таъминлаш учун ҳомийлик эҳсонларини, техникавий кўмаклашиш (грантлар) маблағларини ва бошқа бюджетдан ташқари маблагларни жалб этиш;
- энг аввало, етим болалар жумласидан бўлган талабаларни ижтимоий ҳимоялашни таъминлаш, иқтидорли талабаларга стипендиялар ажратиш, талабаларнинг яшаши учун хонадонларда яшаш ва фойдали ҳордиқ чиқариш шароитларини яхшилаш, шунингдек, таътиллар даврида талабаларнинг дам олишини ташкил этиш;
- ўқитишнинг илғор шакллари ва методларини, компьютер ва ахборот-коммуникация технологияларини, электрон таълим ресурсларини таълим жараёнига жорий этиш, шу жумладан, интернет тармоғидан фойдаланилишини таъминлаш, олий таълим муассасасини замонавий ўқув-лаборатория анжомлари ва ўқув-методик адабиётлар билан таъминлаш, илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, олий таълим муассасасининг замонавий илмий лабораторияларини шакллантириш ва ривожлантириш;
- олий таълим муассасасида соғлом интеллектуал ва маънавий-психологик, педагоглар ва талабалар ўртасида ўзаро ҳамфикрлик муҳитини шакллантиришга, уларда касбий, маънавий, интеллектуал ва жисмоний такомиллашувга доимий интилишни тарбиялашга йўналтирилган тадбирларни амалга ошириш;
- муаллифлик ўқув дастурлари, методик қўлланмалар, тавсияномалар, дидактик материаллар ҳамда бошқа ўқув-методик ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва нашр этиш;
- иқтидорли талабаларни етакчи хорижий таълим муассасаларига тажриба орттиришга юбориш бўйича таклифларни шакллантириш, улар учун махсус стипендиялар таъсис этиш;
- олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилар таркиби, катта илмий ходимлари - изланувчилари ва талабалари учун халқаро тажриба алмашувларни ташкил этиш борасида кўмаклашиш ва бошқалар.

Васийлик Кенгаши ўзига юкланган вазифаларни бажариш мақсадида:

-олий таълим муассасасидан Кенгашга юкланган вазифаларни бажариш учун зарур маълумотлар ва ахборотларни белгиланган тартибда олади;

-Кенгаш тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда киритади;

-олий таълим муассасасининг иш режаларини, тадбирлар режаларини, дастурларини ва бошқа ҳужжатларини муҳокама этишда қатнашади, уларни такомиллаштиришга доир таклифлар киритади;

-олий таълим муассасаси фаолиятини такомиллаштириш ва ривожлантириш, шу жумладан, олий таълим муассасасининг раҳбарлик лавозимларига номзодларни кўриб чиқиш юзасидан давлат органларига мурожаат қилади;

-олий таълим муассасасида кадрлар тайёрлаш сифатини яхшилаш бўйича таклифлар киритади, шунингдек олий таълим муассасасининг ректорига (директорига) олий таълим муассасасининг ходимлари ва талабаларини моддий ва маънавий рағбатлантириш тўғрисида тавсияномалар тақдим этади;

-Кенгашнинг маблағ тушумлари ва маблағларнинг сарфланиши бўйича молиявий режасини тасдиқлайди;

-Кенгаш маблағларидан фойдаланиш тартибини белгилайди;

-Кенгаш маблағлари бўйича молиявий режанинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни кўриб чиқади;

-Кенгаш маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилишини текшириш учун назорат-тафтиш комиссиясини тайинлайди.

-Кенгаш амалдаги қонун ҳужжатларига, ўз Низомига ва олий таълим муассасасининг уставига мувофиқ бошқа ваколатларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Кенгаш иштирок этишнинг ихтиёрийлиги ва Кенгаш ваколатига тегишли масалаларни ҳал этишда унинг барча аъзоларининг тенг ҳуқуқлилиги тамойиллари асосида шакллантирилади.

Кенгаш, қоидага кўра, Кенгаш раиси, раиснинг ўринбосари, котиб ва аъзоларидан иборат таркибда шакллантирилади. Кенгашнинг сон таркиби тартибга солинмайди. Кенгашнинг шахсий таркиби ва раҳбариятидаги ўзгаришлар, қоидага кўра, бир йилда бир марта амалга оширилади.

Олий таълим муассасасининг ректори лавозимига кўра Кенгаш аъзоси ҳисобланади.

Кенгаш раиси ва унинг ўринбосари Кенгашнинг биринчи ташкилий мажлисида сайланади, мажлисда олий таълим

муассасасининг ректори раислик қилади. Кенгаш раиси ва унинг ўринбосари Кенгаш аъзолари орасидан сайланади. Кенгаш ўз ваколатларини олий таълим муассасасининг ректорига бериш ҳуқуқига эга эмас.

Кенгаш томонидан қарорлар қабул қилинади ва уларнинг бажарилиши ташкил этилади. Кенгаш қарори Кенгашнинг мажлисда қатнашган аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган тақдирда Кенгаш раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Тушумлар ва сарфларнинг йиллик молиявий режасини, шунингдек, Кенгаш маблағларидан фойдаланилишини тасдиқлаш масалалари бўйича қарор Кенгашнинг мажлисда қатнашган аъзолари учдан икки қисмининг овозлари билан қабул қилинади.

Кенгаш қарорлари Кенгаш мажлисининг баённомаси билан расмийлаштирилади. Кенгаш мажлисининг баённомаси Кенгаш раиси томонидан тасдиқланади ва бир ҳафта муддатда Кенгаш аъзоларига ва манфаатдор ташкилотларга юборилади.

Кенгаш баённомасининг асл нусхаси ва унинг материаллари олий таълим муассасасида сақланади. Олий таълим муассасасининг ректори Кенгаш ҳужжатларининг сақланиши ва уларнинг сақланишини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратади.

Кенгаш котиби Кенгаш аъзоларининг ёрдамида Кенгаш қарорларининг бажарилишини мунтазам равишда ўрганади ва кўриб чиқади, зарурият бўлганда, Кенгаш раисига тегишли таклифлар киритади.

Кенгаш ўз маблағларига эга бўлади. Кенгаш маблағлари, вакиллари Кенгаш аъзолари ҳисобланадиган ташкилотларнинг, шунингдек, Кенгаш аъзоларининг хайрия эҳсонлари, ихтиёрий бадаллари шаклида Кенгаш томонидан олий таълим муассасасига жалб этиладиган бюджетдан ташқари маблағлар, шунингдек, қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан шакллантирилади.

Кенгаш маблағлари мол-мулк, пул маблағлари, бошқа моддий ва номоддий активлар шаклида киритилади. Кенгаш маблағларидан Кенгашнинг мақсадлари, вазифалари ва ваколатларини амалга ошириш ва уларга эришиш учун фойдаланилиши мумкин.

Кенгаш маблағлари Олий таълим муассасасини ривожлантириш жамғармасининг бюджетдан ташқари шахсий ҳисоб рақамида жамланади, Жамғарманинг даромадлари ва харажатлари сметасига киритилади ва улардан белгиланган тартибда фойдаланилади.

Кенгашнинг назорат-тафтиш комиссияси:

-бир йилда камида бир марта ҳисоб рақамининг тўғрилигини текщиради, Кенгаш маблағлари ҳисобига амалга оширилган сарф-харажатларни тафтиш қилади, йиллик ҳисоботлар ва баланс бўйича хулоса тайёрлайди;

-Кенгашнинг келгуси йилги тушумлари ва маблағлари сарфларининг молиявий режасини уни тузишнинг тўғрилиги ва асосланганлиги юзасидан кўриб чиқади;

-Кенгаш маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилгани юзасидан Кенгаш олдида ҳисобот беради.

Кенгашнинг келгуси йилги тушумлари ва маблағлари сарфларининг молиявий режаси кўриб чиқилгандан ва назорат-тафтиш комиссияси томонидан маъқуллангандан кейин Кенгаш томонидан тасдиқланади. Молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ келишмовчиликлар қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ҳал этилади. Кенгашни фаолиятини тугатиш тасарруфида тегишли олий таълим муассасаси бўлган вазирликлар ва идораларнинг қарорлари асосида амалга оширилади.

## 13. "Олий таълим муассасасининг энг яхши педагоги" танлови тўғрисидаги Низом.

Олий таълим муассасасининг энг яхши педагоги танлови тўғрисидаги Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 февралдаги №32-сонли қарори билан тасдиқланган.

Ушбу Низом олий таълим тизнмидаги педагоглар ўртасида ҳар йили "Олий таълим муассасасининг энг яхши педагоги" танловини ўтказиш тартибини белгилайди.

Танлов ўтказишнинг мақсади юқори малакали педагогларни аниқлаш ва рағбатлантириш, педагогик фаолиятнинг нуфузини янада ошириш, таълим ва тарбия соҳасидаги инновация технологияларини кенг оммалаштириш, педагогик фаолиятда соғлом рақобат ва ижодкорлик муҳитини яратиш, олий таълим тизимидаги профессор-ўқитувчиларнинг касбий ўсиши ва маҳорати ошишини рағбатлантириш ҳисобланади.

"Олий таълим муассасасининг энг яхши педагоги" танлови босқичма-босқич ўтказилади ва қуйидаги босқичлардан иборат бўлади:

а) Танловнинг олий таълим муассасаси босқичи, у ҳар бир олий таълим муассасасида ўтказилади;

б) Танловнинг республика босқичи.

Танловни ўтказишнинг асосий вазифаларига қуйидагилар киради:

**биринчи - олий таълим муассасаси босқичида:**

Танлов иштирокчилари томонидан тақдим этилган ўқув-методик, илмий-тадқиқот, маънавий-маърифий материалларни қабул қилиш ва таҳлил этиш;

Танлов иштирокчилари томонидан очиқ дарслар ўтказилишини ташкил этиш ва уларнинг сифатини баҳолаш;

ғолибларни аниқлаш ва уларга танловнинг республика босқичида қатнашиши учун тавсияномалар бериш;

**иккинчи - республика босқичида:**

олий таълим муассасалари томонидан тақдим этилган тавсия ҳужжатларини ва Танлов иштирокчиларининг тақдимот материалларини қабул қилиш ва таҳлил этиш;

Танлов иштирокчилари томонидан тайёрланган материаллар тақдимотини ташкил этиш ва ўтказиш;

номинациялар бўйича Танлов иштирокчиларини баҳолаш ва ғолибларини аниқлаш;

Танлов ғолибларининг моддий ва маънавий рағбатлантирилишини ташкил қилиш;

Танлов ўтиши ва натижаларининг оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкил этиш.

Танлов ушбу Низомда кўрсатилган қуйидаги: педагогика, гуманитар фанлар, математика, табиий фанлар, санъат, социология ва психология, журналистика ва ахборот, иқтисод, ҳуқуқ, муҳандислик иши, ишлаб чиқаришлар технологиялари, компьютер технологиялари ва информатика, архитектура ва қурилиш, алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги, қишлоқ хўжалигида менежмент, қишлоқ хўжалиги техникаси, ветеринария, ирригация ва мелиорация, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, хизмат кўрсатиш соҳаси, транспорт, атроф-муҳит муҳофазаси, ҳаётий фаолият хавфсизлиги таълим соҳалари бўйича ўтказилади.

Танлов қуйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:

а) Мутахассислиги бўйича энг яхши педагог

б) Энг яхши педагог-тадқиқотчи

в) Инновация ва ахборот технологияларини қўллайдиган энг яхши педагог.

Ҳар бир таълим соҳаси бўйича номинацияларда 1-ўринни эгаллаган Танловнинг республика босқичи ғолиблари 3 йил

мобайнида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясига тегишли лавозимда вазифани бажариб турувчининг бир йиллик муддатини ўтамасдан профессор ёки доцент илмий унвонларини олиш учун ҳужжатларни тақдим этиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Танловнинг республика босқичи ғолибининг фахрий дипломи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан илмий унвонларни белгиланган тартибда бериш учун нашр этилган дарсликларга, ўқув қўлланмаларига, илмий мақолаларга эга бўлиш бўйича талабларнинг бажарилганлигига тенглаштирилади.

## 14. Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом.

Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралдаги №21-сонли Қарори билан тасдиқланган.

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси "Таълим тўғрисида"ги Қонунининг 6 ва 25-моддаларига мувофиқ идоравий мансублиги ва мулкчилик шаклидан қатъи назар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар олий, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартибини белгилайди.

Таълим муассасалари давлат аккредитацияси Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўгрисида"ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Давлат тест маркази таркибида Кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасалари аттестацияси бошқармасини ташкил этиш тўғрисида" 1998 йил 11 мартдаги 109-сонли, "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида" 2004 йил 24 июндаги 293-сонли қарорлари ҳамда "Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби тўғрисида"ги Низом асосида ўтказилади.

Таълим муассасасини аккредитациялаш Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан аттестацияга асосан амалга оширилади.

Аттестация таълим муассасаси фаолиятини баҳолашда давлат назоратининг асосий шакли ҳисобланиб, таълим муассасасида кадрлар тайёрлаш мазмуни, даражаси ва сифатининг давлат таълим стандартлари ҳамда давлат талабларига мувофиқлигини аниқлашдан иборат.

Давлат аккредитацияси таълим муассасаси фаолиятининг давлат таълим стандартлари мезон ва талабларига жавоб беришининг давлат томонидан эътироф этилиши ҳамда унинг битирувчиларига давлат томонидан тасдиқланган намунадаги маълумот тўғрисидаги ҳужжатларни топшириш ҳуқуқини беришдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарори билан ташкил этилган таълим муассасалари биринчи аттестациядан ўтгунга қадар аккредитацияланган деб ҳисобланади.

Лицензияга эга бўлган, давлат аккредитациясидан ўтмаган нодавлат таълим муассасалари битирувчиларига давлат томонидан тасдиқланган намунадаги маълумот тўғрисидаги ҳужжат аккредитация қилинган таълим муассасаларининг тегишли таълим дастурлари бўйича имтиҳонлар топширгандан кейин берилади.

Таълим муассасалари аттестацияси Давлат тест маркази томонидан ташкил этилади ҳамда ўтказилади.

Таълим муассасаси 5 йилда бир марта режа бўйича аттестациядан ўтказилади. Янги ташкил этилган таълим муассасаси аттестацияси биринчи битирув якунларига кўра таълим олувчилар тайёрлаш даври тўла тугагандан сўнг ўтказилади.

Аттестация жараёнида таълим турлари бўйича таълим муассасаларининг охирги уч йиллик фаолиятини комплекс таҳлил этиш асосида қуйидагиларга алоҳида эътибор берилади:

**1. Мактабгача таълим муассасаларида:**

таълим-тарбия жараёнининг давлат талабларига мувофиқ ташкил этилганлиги;

тарбияланувчиларнинг таълим тарбия дастурларини ўзлаштириш даражаси;

тарбиячи-педагог кадрлар салоҳияти;

болалар ривожи учун ўйинчоқлар, услубий қўлланма ва болалар адабиёти билан таъминланганлиги, спорт майдончалари ва зарур шароитларнинг яратилганлиги, овқатланиш ҳамда дам олиш хоналарининг белгиланган санитария-гигиеник ва эстетик талабларга мослиги, шунингдек, фойдаланиш ҳолати;

**2. Умумий ўрта таълим муассасаларида:**

-таълим жараёнига давлат таълим стандартларининг жорий этилганлиги;

-ўқувчилар билим даражаларининг давлат таълим стандартларига мувофиқлиги;

-ўқув-услубий ишларнинг олиб борилиши ва ўқувчиларнинг дарслик ҳамда услубий қўлланмалар билан таъминланганлик даражаси;

-педагог кадрлар салоҳияти;

-таълим жараёнига замонавий ўқитиш услублари ва ахборот технологияларининг жорий этилганлиги;

-моддий-техник салоҳиятни ривожлантириш бўйича давлат дастурининг бажарилиш ҳолати;

-маънавий-маърифий ишларнинг ташкил этилиш сифати;

-ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ишларининг сифати;

-рейтинг баҳолаш тизимининг қўлланилиш сифати;

**3.Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида:**

-ўқув-тарбиявий жараённинг давлат таълим стандартларига мувофиқ ташкил этилганлиги;

-таълим муассасаларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан таъминланганлик даражаси ва уларнинг таълим-тарбия жараёнига жорий этилганлик ҳолати;

-ўқувчиларнинг ўқув режасидаги фанларни ўзлаштириш даражаси (билими);

-педагог, муҳандис-педагог кадрлар билан таъминланганлик даражаси ва уларнинг сифат таркиби;

-ўқув режасидаги фанлар бўйича зарур ўқув адабиётлари (дарслик, ўқув қўлланма, луғат, маърузалар тўплами, услубий қўлланма, электрон дарслик)нинг мавжудлиги ва кутубхона фондининг улар билан тўлдирилганлиги;

-кутубхонанинг ўқитиш тилига мос ҳолда ўқув, услубий, сиёсий-ижтимоий, маънавий-маърифий ва бадиий адабиётлар билан бойитилиши;

-моддий-техник таъминоти, ўқув, лаборатория ва амалиёт хоналари ҳамда устахоналарнинг жиҳозланиши, ахборот коммуникацион технологияларининг жорий этилганлиги, компьютерлаштириш даражаси, моддий-техник базасининг мавжуд таълим йўналишларига мослиги;

-мавжуд ўқув-лаборатория жиҳозлари, дастгоҳ, асбоб-ускуна ва техникаларнинг ўқув жараёнида ишлатилиши;

-замонавий педагогик технологияларнинг ўқув жараёнида қўлланилиши;

-иқтидорли ўқувчилар, республика ва халқаро фан олимпиадалари, кўрик-танловлар ғолиблари салмоғи;

-таълимнинг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграцияси, таълим муассасаларида васийлик кенгашларининг ташкил этилганлиги ҳамда улар фаолиятининг самараси;

-касбга йўналтириш бўйича тарғибот-ташвиқот ишларининг самарадорлиги, таълим муассасасига ўқувчилар қабул қилиш жараёнининг ташкил этилиши ва амалга оширилиши;

-битирувчиларнинг таълимнинг кейинги босқичларига ўқишга кириш ҳамда ишга жойлашиш даражаси;

-маънавий-маърифий ишларнинг режа асосида ташкил этилганлиги ва унинг самараси;

-ўқитувчи ва ўқувчилар учун яратилган ижтимоий-маиший шароитлар ҳамда уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш ҳолати;

**4. Олий таълим муассасаларида:**

-давлат таълим стандартларининг ўқув жараёнига жорий этилиши;

-талабаларнинг фан дастурларини ўзлаштириш даражаси (билими);

-профессор-ўқитувчиларнинг илмий-педагогик салоҳияти;

-илмий-тадқиқот ишларининг истеъмолчилар талабларидан келиб чиқиб олиб борилаётганлиги;

-талабаларнинг дарслик (жумладан, электрон дарсликлар) ва ўқув қўлланмалари билан таъминланганлик даражаси;

-моддий-техник таъминоти, ўқув-лаборатория жиҳозлари, компьютерлаштириш салмоғи, уларнинг замонавий асбоб-ускуналар билан тўлдирилиш ҳолати ва улардан фойдаланилиши ҳамда фойдали ўқув-лаборатория майдони билан таъминланганлик даражаси;

-замонавий педагогик ва ахборот технологияларининг жорий этилиши;

-таълимнинг ишлаб чиқариш ва илм-фан билан интеграцияси;

-катта илмий ходим изланувчилик орқали ҳамда мустақил тадқиқотчилик асосида илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш фаолияти;

-ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари билан ҳамкорлиги;

-маънавий-маърифий фаолияти;

-битирувчиларнинг таълимнинг кейинги босқичларига ўқишга ёки ишга жойлашиши;

-халқаро ҳамкорликнинг йўлга қўйилганлиги;

**5.Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш муассасаларида:**

-давлат талабларининг ўқув жараёнига жорий этилиши;

-моддий-техник, ўқув-лаборатория таъминоти, уларнинг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланиш ҳолати;

-илмий-педагогик кадрлар салоҳияти ва улар фаолиятининг самарадорлиги;

-ўқув-тарбия жараёнига замонавий педагогик ва ахборот технологияларининг жорий этилишига (жумладан, мультимедиа ва бошқа услубларнинг қўлланилиши);

-таълимнинг ишлаб чиқариш билан интеграцияси ҳамда халқаро ҳамкорлик фаолияти.

Таълим муассасалари аттестацияси холислик, тўла ошкоралик, даврийлик ва педагогик этика меъёрларига амал қилинган ҳолда ўтказилади.

Давлат тест маркази Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда тасарруфида таълим муассасалари бўлган бошқа вазирлик ва идоралар билан келишган ҳолда таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш мезонлари ва технологияларини ишлаб чиқади. Давлат тест маркази томонидан ишлаб чиқилган аттестациядан ўтказиш мезонлари ва технологиялари асосида таълим муассасалари аттестациядан ўтказилади.

Тасарруфида таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар аттестация жадвалини ҳамда аттестация текширувига оид ҳужжатларни аттестация бошланишидан 3 ой олдин Давлат тест марказидан оладилар.

Давлат тест марказида аттестация қилинувчи таълим муассасаси учун аттестация билан боғлиқ бўлган ҳужжатлар йиғмажилди расмийлаштирилади.

Ушбу йиғма жилдда:

-Давлат тест маркази директорининг комиссия тузиш ҳақидаги буйруғи;

-таълим муассасасининг комиссияга такдим этган ҳужжатлари нусхалари;

-аттестация натижалари бўйича комиссия хулосаси;

-аттестация натижалари бўйича Давлат тест маркази директорининг буйруғи жамланади.

Ҳужжатлар йиғмажилди навбатдаги аттестация ўтказилгунга қадар Давлат тест марказида сақланади.

## 15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Республика олий таълим муассасаларини рейтингини баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги 29.12.2012 йил № 371- сонли Қарори.

Республика олий таълим муассасаларининг илмий ҳамда педагогик фаолияти даражаси ва сифатини оширишни, улар томонидан юқори, тегишли халқаро мезонлар ва стандартларга, олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилар таркибининг илмий салоҳиятидан фойдаланиш кўрсаткичларига эришишни, ўқитишнинг ҳамда иқтисодиётнинг реал тармоқларида талаб катта бўлган юқори малакали кадрлар тайёрлаш сифатини оширишни рағбатлантириш, шунингдек, таълим соҳасида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, таркибида олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идораларнинг 2013 йилдан бошлаб олий таълим муассасалари рейтингини иловага мувофиқ баҳолаш тизими жорий этилди.

Республика олий таълим муассасалари рейтингини тузиш ва уни баҳолаш функцияси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказига юклатилди.

**Унинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланди:**

-олий ўқув юртларининг илмий-педагогик фаолияти даражаси ва сифатини характерловчи маълумотларни тизимли равишда тўплаш ва маълумотлар базасини шакллантириш;

- олинган кўрсаткичларни ишлаб чиқилган мезонларга мувофиқ баҳолаш асосида республика олий таълим муассасалари рейтингини ҳар йили тузиш;

-экспертлар ва иш берувчилардан сўровлар натижалари асосида, етакчи халқаро рейтинг ташкилотларининг илғор тажрибасини, республиканинг олий таълим тизимини ривожлантириш устуворликларини ҳисобга олган ҳолда олий таълим муассасалари рейтингини тузиш методикасини янада такомиллаштириш;

-рейтинг баҳолари асосида республикада олий таълимни ривожлантиришнинг ҳолати тўғрисида ҳар йилги таҳлилий ахборотни тайёрлаш;

-олий таълим муассасаларининг илмий-педагогик фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштириш, унинг самарадорлигини,

юқори малакали мутахассислар тайёрлаш даражаси ва сифатини ошириш бўйича аниқ таклифлар билан бирга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш;

-олий таълим муассасалари рейтинги натижаларини ҳар йили 1 мартгача чоп этиш ва оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш.

**Илова:**

**Олий таълим муассасалари рейтинги**
**ТУЗИЛМАСИ**

Рейтингни тузувчи - Давлат тест маркази

Рейтингни тузишнинг даврийлиги - ҳар йили, натижаларини оммавий ахборот воситаларида чоп этган ҳолда

| Т/р | Кўрсаткич | Кўрсаткичнинг умумий рейтинг даги |
|---|---|---|
| | **Якуний рейтинг**<br>шу жумладан: | **100%** |
| | **I. Ўқитиш сифати даражасининг индекси** | **35%** |
| 1.1. | Хорижий олий таълим муассасалари даражасига (PhD) эга бўлган, жаҳондаги 300 та энг яхши олий ўқув юртлари жумласига кирадиган профессор-ўқитувчилар таркиби (ПЎТ) улуши (умумий сонига нисбатан % ҳисобида) | 7% |
| 1.2. | Ўқитиш сифати даражаси (олий ўқув юрти талабаларидан сўров натижалари бўйича) | 7% |
| 1.3. | Йил мобайнида олий ўқув юртлари ўқитувчилари томонидан нашр этилган дарсликлар ва ўқув қўлланмалари сони (100 нафар ПЎТ ҳисобига) | 5% |
| 1.4. | Хорижий ўқитувчилар ва хорижий талабалар улуши (тегишли равишда умумий сонига нисбатан % ҳисобида) | 4% |
| 1.5. | Хорижий олий ўқув юртлари билан алмашиш дастурлари сони | 4% |
| 1.6. | Хорижий тилда ўқитиладиган таълим (мутахассисликлар) йўналишлари бўйича сони (умумий сонига нисбатан % ҳисобида) | 3% |
| 1.7. | ПЎТнинг хорижий тилларни ва ахборот-коммуникация технологияларини билиш даражаси | 3% |

| | | |
|---|---|---|
| 1.8. | Ўқув жараёнида лаборатория ва ёрдамчи ускуналардан фойдаланиш | 2% |
| | **II. Талабалар ва битирувчилар малакасининг индекси** | **20%** |
| 2.1. | Битирувчилар малакасини иш берувчилардан сўров натижалари бўйича баҳолаш | 10% |
| 2.2. | Халқаро ва республика олимпиадаларида ва нуфузли танловларда мукофотлар (дипломлар) ва совринли ўринлар билан тақдирланган талабалар сони | 5% |
| 2.3. | Ўқишни тугатгандан кейин 6 ой мобайнида мутахассислик бўйича ишга жойлашган битирувчилар улуши | 5% |
| | **III. Олий ўқув юртининг илмий салоҳияти** | **35%** |
| 3.1. | Халқаро индекслар маълумотлари бўйича олий ўқув юртининг ПЎТ томонидан чоп этилган материаллардан иқтибослар даражаси | 8% |
| 3.2. | Йил мобайнида хорижий рефератияланадиган илмий журналларда чоп этилган мақолалар ва интеллектуал мулк объектларига олинган сертификатлар (патентлар) сони (1 нафар ПЎТ ҳисобига) | 7% |
| 3.3. | Олий ўқув юрти ходимлари томонидан ҳимоя қилинган докторлик диссертациялари ва чоп этилган монографиялар сони (100 нафар ПЎТ ҳисобига) | 4% |
| 3.4. | Илмий-тадқиқот фаолиятидан олинган маблағлар (1 нафар ПЎТ ҳисобига), шу жумладан: | 16% |
| | хорижий илмий фондлар ва тадқиқот марказларининг грантлари ва буюртмалари ҳисобига олинган маблағлар (1 нафар ПЎТ ҳисобига); | 7% |
| | иқтисодиёт тармоқлари буюртмалари бўйича ўтказилган тадқиқотлардан, шунингдек давлат грантлари ҳисобига олинган маблағлар (1 нафар ПЎТ ҳисобига) | 9% |
| | **IV. Бошқа кўрсаткичлар** | **10%** |
| 4.1. | Ахборот-ресурс марказининг ўқув адабиётлари, шу жумладан, электрон китоблар билан | 4% |

- таълим соҳаси бакалавриат таълим йўналишлари битирувчилари касбий фаолиятининг асосий турлари бўйича қўйиладиган умумий малака талаблар;
- таълим соҳаси бакалавриат таълим йўналишлари талабалари учун амалиёт объектлари ва уларга қўйиладиган талаблар;
- таълим соҳаси бакалавриат таълим йўналишлари бўйича ўқув режаларнинг тузилмаси;
- олий таълим соҳаси бакалавриат таълим йўналишлари ўқув режалари ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар;
- олий таълим соҳаси бакалавриат таълим йўналишлари ўқув юкламаларининг ҳажми;

**Стандартнинг иккинчи қисмида:**

- таълим соҳаси магистратура мутахассисликлари битирувчилари учун соҳа бўйича тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар;
- таълим соҳаси магистратура мутахассисликлари битирувчиларига қўйиладиган умумий малака талаблари;
- таълим соҳаси магистратура мутахассисликлари битирувчиларига қўйиладиган умумий малака талаблар;
- таълим соҳаси магистратура мутахассисликлари талабалари учун амалиёт объектлари ва уларга қўйиладиган умумий талаблар;
- таълим соҳаси магистратура мутахассисликлари бўйича ўқув режаларнинг тузилмаси;
- олий таълим соҳаси магистратура мутахассисликлари ўқув режалари ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар;
- олий таълим соҳаси магистратура мутахассисликлари ўқув юкламаларининг ҳажми;
- таълим соҳаси бўйича кадрлар тайёрлайдиган олий таълим муассасаси педагог кадрларига ва моддий-техник базасига қўйиладиган умумий талаблар;
- таълим соҳаси бўйича кадрлар тайёрлаш сифатини баҳолаш берилади.

Олий таълимнинг давлат таълим стандарти таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича олий маълумотли бакалавр ва магистрлар тайёрлашнинг асосий таълим дастурлари ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон

Республикаси ҳудудидаги барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

Таълим соҳаси учун давлат таълим стандартлари камида 5 йил амалда бўлади.

## 2-§. Бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари.

Олий таълимнинг бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлаш, ўқув режа ва фан дастурларининг ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

Олий таълим муассасаси муайян бакалавриат таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда малака талаб асосида ўқув режа ва фан дастурларини амалга ошириш ҳуқуқига эга деб ҳисобланади.

**Малака талабининг асосий фойдаланувчилари:**

- мазкур таълим йўналиш бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул олий таълим муассасаларининг профессор - ўқитувчилари;
- таълим йўналишининг ўқув режа ва фан дастурларини ўзлаштириш бўйича ўқув-тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талабалари;
- ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари);
- битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;
- олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;
- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;
- таълим йўналишини ихтиёрий танлаш ҳуқуқига эга бўлган абитуриентлар ва бошқа манфаатдорлар.

**Муайян таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари:**

- илмий-тадқиқот;
- ташкилий-бошқарув;

• лойиҳа – изланиш;

• ишлаб чиқариш, технологик;

• умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида педагогик фаолият;

• турли хизматлар кўрсатиш кабиларни ўз ичига олади.

Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият турларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

**Таълим йўналиши учун малака талабларида:**

1. Бакалавриат таълим йўналишининг умумий таснифи;
2. Қўлланиш соҳаси;
3. Таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг таснифи;
4. Таълим йўналиши бўйича бакалаврлариинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар;
5. Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар;
6. Таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари;
7. Таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар;
8. Таълим йўналиши ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар;
9. Малакавий амалиётга қўйиладиган талаблар;
10. Таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми;
11. Малака талабларининг амал қилиш муддати ўз мужассамини топади.

## 3-§. Магистратура мутахассислигининг малака талаблари.

Олий таълимнинг малака талаблари магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрлаш, ўқув режа ва фан дастурларининг ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

Олий таълим муассасаси магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда ушбу малака талаблари асосида тайёрланган ўқув режа ва фан дастурларини амалга ошириш ҳуқуқига эга деб ҳисобланади.

**Малака талабининг асосий фойдаланувчилари:**

– мазкур таълим соҳасининг магистратура мутахассисликлари бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари;

– таълим соҳаси магистратура мутахассисликларнинг ўқув режа ва фан дастурларини ўзлаштириш бўйича ўқув-тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талабалари;

– ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари);

– битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

– олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

– олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;

– таълим соҳасининг магистратура мутахассисликлардан бирини ихтиёрий танлаш ҳуқуқига эга бўлган бакалаврлар, ота-оналар ва бошқа манфаатдорлар.

**Мутахассислик бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари:**

- Илмий-тадқиқот фаолияти;
- Ишлаб чиқариш фаолияти;
- Ташкилий-бошқарув фаолияти;
- Олий, малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълим муассасаларида илмий-педагогик ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида педагогик фаолият;
- Консалтинг хизмати фаолияти ва шу кабиларни ўз ичига олади.

Мутахассислик бўйича тайёрланган магистрлар касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

**Мутахассислик бўйича малака талабларида:**

1. Магистратура мутахассислигининг умумий таснифи;
2. Қўлланиш соҳаси;

| | | |
|---|---|---|
| | таъминланганлиги, электрон ресурслардан масофадан фойдаланишнинг мавжудлиги (1 нафар талаба ва 1 нафар ПЎТ ҳисобига фондлар сони) | |
| 4.2. | Ўқув жараёнида ва илмий-тадқиқот ишида ахборот-коммуникация технологиялари воситаларидан фойдаланиш даражаси (компьютер техникаси, мультимедиа ускунаси, Интернетдан фойдаланиш) | 3% |
| 4.3. | Интернетда олий ўқув юрти тўғрисидаги ахборотдан фойдаланиш (олий ўқув юрти веб-сайтининг сифати, олий ўқув юрти тўғрисида зарур ахборотнинг чоп этилган мақолалар ва материалларнинг, фойдаланувчиларнинг электрон сўровлари учун боғланиш маълумотларининг мавжудлиги, сайтнинг янгилаб борилиши) | 2% |
| 4.4. | Олий ўқув юртининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази муассасаларида ўқув машғулотларини ўтказаётган ПЎТ сони) | 1% |

**Изоҳ:** олий ўқув юртлари фаолиятини баҳолаш мезонлари олий таълимни ривожлантириш устувор йўналишларини ҳисобга олган ҳолда қайта кўриб чиқилиши мумкин.

## III–модул. Таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этиш бўйича олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг буйруқлари.

1-§. Таълим соҳасининг Давлат таълим стандартлари.
2-§. Бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари.
3-§. Магистратура мутахассислигининг малака талаблари.
4-§. Ўқув режалар ва уларни шакллантириш тартиби.
5-§. Фан дастурлари ва уларни тузиш тартиби.
6-§. Буйруқлар ва низомлар.

### 1-§. Таълим соҳасининг Давлат таълим стандартлари.

Таълим сохасининг Давлат таълим стандартлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги №343 - сонли қарори билан тасдиқланган ҳамда 2013 йил 10 июлдаги 199-сонли, 2015 йил 10 январдаги №3-сонли қарорлари билан қўшимча ва ўзгартиришлар киритилган "Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар" талабларига қатъий риоя этилган холда таянч олий таълим муассасалари томонидан "Таълим тўғрисида"ги, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида" 1997 йил 6 октябрдаги ПФ-1869-сонли ва "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида" 1998 йил 10 ноябрдаги ПФ-2107-сон фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида" 1998 йил 5 январдаги 5-сонли, "Давлат тест маркази таркибида Кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасалари аттестацияси бошқармасини ташкил этиш тўғрисида" 1998 йил 11 мартдаги 109-сонли, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги "Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида" 343-сонли, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида" 2004 йил 24 июндаги 293-сонли қарорлари ва олий таълим соҳасини тартибга солувчи бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилади.

**Таълим соҳаси учун давлат таълим стандартини ишлаб чиқишда қуйидаги ҳужжатларга асосланилади:**

10. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни. Тошкент, 1997 й., 29 август №463-1.

11. Ўзбекистон Республикасининг "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури". Тошкент, 1997 й., 29 август №463-1.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги "Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида"ги №5 – сонли Қарори.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги "Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида" №343-сонли қарори.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги 2004 йил 20 июлидаги №341-сонли Қарори.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги "Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-1533-сонли Қарори.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2012 йил 24 июлдаги ПФ-4456-сон Фармони.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора - тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-1875-сонли Қарори.

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрь "Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги №365-сонли Қарори

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 26 мартдаги "Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-1942-сонли Қарори.

**Таълим соҳаси учун давлат таълим стандартини қўлланиш соҳаси.**

Олий таълимнинг давлат таълим стандарти муайян таълим соҳаси бўйича олий маълумотли бакалавр (магистр)лар ўқув режа ва фан дастурларининг ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

Олий таълим муассасаси мазкур таълим соҳаси бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда ушбу ДТС ҳамда малака талаблари асосида ўқув режа ва фан дастурларини амалга ошириш ҳуқуқига эга деб ҳисобланади.

**Давлат таълим стандартининг асосий фойдаланувчилари:**

- олий таълим муассасаларининг профессор – ўқитувчилари, талабалари;
- таълим соҳасининг ўқув режа ва фан дастурларини ўзлаштириш бўйича ўқув-тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари;
- ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари;
- Давлат аттестация комиссиялари;
- олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;
- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;
- абитуриентлар, ота-оналар ва бошқа манфаатдорлар.

**Таълим соҳаси учун Давлат таълим стандартларида:**

- Қўлланилиш соҳаси
- Давлат таълим стандартини ишлаб чиқиш асослари
- Атамалар, таърифлар, қисқартмалар
- Таълим соҳаси битирувчиларининг касбий фаолиятларининг таснифи

**Стандартнинг биринчи қисмида:**

- таълим соҳаси бакалавриат таълим йўналишлари битирувчилари учун соҳа бўйича тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар;
- таълим соҳаси бакалавриат таълим йўналишлари битирувчиларига қўйиладиган умумий малака талаблари;

3. Магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг таснифи;

4. Магистратура мутахассислиги бўйича магистрларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар;

5. Магистрларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар;

6. Магистратура мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари;

7. Магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар;

8. Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар;

9. Илмий фаолиятга қўйиладиган талаблар;

10. Магистратура мутахассислиги ўқув режасидаги юклама ҳажми;

11. Магистратура асосий таълим дастурларини ўзлаштириш сифатини баҳолаш;

12. Малака талабларининг амал қилиш муддати ўз мужассамини топади.

### 4-§. Ўқув режалар ва уларни шакллантириш тартиби.

Ўқув режаси – олий таълимнинг муайян йўналиши ёки мутахассислиги бўйича ўқув фаолияти турлари, ўқув фанлари, курсларининг таркиби, уларни ўрганишнинг изчиллиги ва соатлардаги ҳажмини белгилайдиган норматив ҳужжат хисобланади.

Олий таълим тизимида ўқув режа норматив хужжат бўлиб у иккига бўлинади.

**Ўқув режа** - олий таълим муассасаларининг аниқ бир таълим йўналиши ёки магистратура мутахассислиги учун ўрнатилган тартибда Давлат таълим стандартларига асосан таянч олий таълим муассасаларининг тегишли кафедрасининг етук профессор-ўқитувчилари томонидан, шунингдек, турдош олий таълим муассасаларининг шу соха бўйича юқори малакали мутахассисларини хамда кадрларни буюртмачиларини жалб этган ҳолда ишлаб чиқиладиган - норматив ҳуқуқий хужжат хисобланади.

Ўқув режа ўқув жараёнини аниқлаштирадиган энг асосий хужжат бўлиб унда блокларнинг номлари, ўқув фанларининг номлари, хажми, фанларнинг ўқитиш кетма-кетлиги, ўтиладиган дарс машғулотларининг (маъруза, семинар, амалий машғулот, лаборатория) турлари, жорий аттестациялар, малакавий амалиётлар,

таътиллар, давлат аттестациялари ва малакавий битирув ишларининг химояси кўрсатилади.

**Ишчи ўқув режа** олий таълим муассасасининг аниқ бир таълим йўналиши ёки магистратура мутахассислиги учун намунавий ўқув режага асосан хар ўқув йили учун ишлаб чиқиладиган ва ўрнатилган тартибда ОТМнинг ректори (ўқув ишлари бўйича проректори) томонидан тасдикланадиган ўқув жараёнининг норматив хужжати хисобланади.

Тегишли таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг ишчи ўқув режалари Олий таълим муассасаларида ўқув жараёни графигини тузиш учун асос бўлиб хисобланади. ОТМ ўқув жараёни графигида тегишли белгилар асосида хар бир курс учун хафта кунлари ойлари, назарий таълим, амалиёт, якуний назорат, таътиллар кўрсатилади.

Ишчи ўқув режалар ўқув режаларга асосан аниқ бир бакалавриат таълим йўналиши ёки магистратура мутахассислиги бўйича хар ўқув йили учун таълим дастурлари, ўқув курслари, фанлари ва ўқув йиллари бўйича ихтисослик, танлов ва қўшимча фанларни шакллантирган холда ишлаб чиқилади ва ўрнатилган тартибда тасдиқланади.

**Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар** намунавий ўқув режага асосан ишчи ўқув режаларда шакллантирилади. Улар

- умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими негизида олинган билимларни тўлдириши ва ривожлантириши;
- миллий истиқлол ғояси ва демократия, миллий ва умуминсоний қадриятлар негизида илмий ва гуманитар дунёқарашни, юксак маънавият ва демократик маданиятни, иқтисодий, ҳуқуқий ва ижодий тафаккурни, эътиқод ва ижтимоий-сиёсий фаолликни шакллантириши;
- таълимнинг тарих, фалсафа, халқ анъаналари, урф-одатлари билан узвий бирлигини, Ўзбекистон халқлари маданиятини асраш ва бойитишни, бошқа халқлар тарихи ва маданиятига ҳурмат билан муносабатда бўлишини таъминлаши;
- инсонпарварлик, ватанпарварлик ва байналминалчилик руҳини ривожлантириши;
- таълим ва тарбия жараёнининг мустақил фикрлайдиган, қарорлар қабул қилишга қодир, ҳар томонлама ривожланган, баркамол шахсни шакллантиришга йўналтирилганлигини таъминлаши лозим.

**Математик ва табиий илмий фанлар** ўрнатилган тартибда намунавий ўқув режаларга асосан шакллантирилади. Ушбу блок:

- умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими билан узвийлик ҳамда узлуксизликни инобатга олган ҳолда билишнинг математик усуллари, информатика ҳамда ахборот тўплаш, уларни қайта ишлаш ва узатиш усулларининг жамиятдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида олий даражадаги тасаввурни шакллантириши;

- коинотнинг физик объект эканлиги ва унинг эволюцияси, табиий фанларнинг ўзаро фундаментал бирлиги, замонавий табиий ҳодисаларни тадқиқ этиш концепцияси, табиатдан оқилона фойдаланиш ва инсон фаолиятининг экологик тамойиллари, табиатни бузмайдиган технологиялар яратиш истиқболлари ҳақида илмий тасаввурларни шакллантириши;

- муайян билимлар соҳаси учун зарур бўлган фундаментал фанларни чуқур ўрганишнинг илмий ва назарий асосларини таъминлаши лозим.

**Умумкасбий фанлар** юқори малакали кадрларни тайёрлаш нуқтаи назаридан келиб чиққан холда намунавий ўқув режаларга асосан ва унга мос холда шакллантирилади. Ушбу блок:

- математик ва табиий-илмий фанлар билан махсус фанлар ўртасида илмий ва назарий боғлиқликни таъминлаши;

- махсус фанларни ўрганиш ва чуқур эгаллаш учун зарур бўлган фундаментал умумкасбий билимларни, амалий кўникма ва укувларни шакллантириши;

- моделли тасаввурларни тажриба усуллари ва олинган натижаларни қайта ишлаш йўриқларига оид билимларни амалда қўллаш кўникмаларини таъминлаши лозим.

**Ихтисослик фанлари** юқори малакали кадрлар тайёрлашни ажралмас қисми бўлиб, талабалар томонидан танланган мутахассисликни турли сохаларида янада чуқуррок билим ва кўникмаларни эгаллаш, шунингдек, магистратура босқичида ўқишини давом эттиришни назарда тутган холда шакллантирилади. Ушбу блок:

- бакалавриат таълим йўналиши бўйича мувофиқ касб фаолияти соҳаларида эришилган асосий ютуқлар, муаммолар ва уларнинг ривожланиш истиқболлари ҳақида тасаввур ҳосил қилиши;

- тегишли бакалавриат йўналиши бўйича махсус билимларни касб фаолияти кўникмалар ва уқувларни шакллантириши;

- талабанинг муайян магистратура мутахассислиги бўйича келгусида таълимни давом эттиришга онгли муносабатда бўлишига кўмаклашиши лозим.

ОТМлардаги мутахассис чиқарувчи хар бир кафедра ўзининг ихтисослик фанлари рўйхатини шакллантиради. Ихтисослик фанлари ишчи ўқув режасининг ихтисослик фанлари блокида кўрсатилади.

**Қўшимча фанлар блоки** талабаларнинг таълим фанлари бўйича қўшимча равишда билим олишга бўлган эҳтиёжини қондириш, таълим сифатига қўйилаётган талаблар ва меҳнат бозори канъюктураси тез ўзгараётган шароитида бакалавриат йўналишлари бўйича таълим дастурларининг сафарбарлиги ва мослашувчан бўлишини таъминлашни инобатга олган холда шакллантирилади.

## ОТМларда ишчи ўқув режаларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тартиби!

| № | Тадбирлар | Муддатлар |
|---|---|---|
| 1. | Олий таълим муассасасининг мутахассис чиқарувчи кафедралар томонидан ишчи ўқув режаларни ишлаб чиқиш ва бошқа кафедралар билан келишиш. | Март |
| 2. | Ишчи ўқув режаларни мантиқий кетма-кетлик асосида тузилганлигини факультет ўқув-услубий кенгашида кўриб чиқиш ва факультет деканига келишиш учун тақдим этиш. | Март |
| 3. | Ишчи ўқув режаларни ОТМ ўқув-услубий бошқармасига экспертизага тақдим этиш. | Апрель |
| 4. | Ишчи ўқув режаларни ОТМ ўқув ишлари бўйича проректорига келишиш учун тақдим этиш. | Апрель |
| 5. | ОТМ ўқув-услубий кенгаши котибига ишчи ўқув режани тақдим этиш. | Май |
| 6. | Ишчи ўқув режани ОТМ ўқув-услубий кенгашида кўриб чиқиш. | Май |
| 7. | Ишчи ўқув режани ОТМ ўқув-услубий кенгашида кўриб чиқиб маъқулланганлиги тўғрисида баённома кўчирмасини кенгаш котиби томонидан тайёрлаш. | Июн |
| 8. | Ишчи ўқув режани тасдиқлаш тўғрисидаги ОТМ ректорини буйруғини тайёрлаш. | Июн |
| 9. | Ишчи ўқув режани канцелярияга тақдим этиш. | Июн |
| 10. | Ўқув жараёнида қатнашадиган барча тузилмаларга ишчи ўқув режаларни етказиш. | 1- Июлгача |

## 5-§. Фан дастурлари ва уларни тузиш тартиби.

Олий таълим муассасаларида фанлар бўйича ўқув дастурларини тузишда методик кўрсатмалар ва йўриқномаларнинг мавжуд эмаслиги хозирги кунда ўз ечимини кутаётган долзарб муаммолардан бири хисобланади. "Фан дастури нима", "Фан дастурининг қандай турлари мавжуд", "Фан дастурининг тузилиши ва мазмуни қандай бўлиши керак", "Фан дастури ким томонидан ишлаб чиқилади", "Фан дастури ким томонидан тасдиқланади", "Ўқув ва ишчи ўқув дастурларининг фарқи нималардан иборат" деган ўринли саволлар туғилади.

Фан дастури меъёрий хужжат сифатида Олий таълим муассасаларида таълим фаолиятининг асоси бўлиб хисобланади. Унда ўқув фанлари бўйича талабалар томонидан ўзлаштириладиган асосий билим ва зарурий кўникмалар назарда тутилади.

Фан дастури икки турга бўлинади:

- Ўқув дастури
- Ишчи ўқув дастури.

**Ўқув дастури** - ўқув режадаги аниқ фанлар бўйича давлат таълим стандартларига асосан таянч ОТМларининг тегишли кафедралари томонидан ишлаб чиқиладиган, ўқув материалларни ўзлаштиришга ва ўқитиш мазмунига қўйиладиган мажбурий талабларни ўз ичига оладиган Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланадиган, ОТМлари бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари талабалари учун тавсия этиладиган меъёрий хужжат хисобланади.

Ўқув дастури Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг буйруғи билан таянч этиб белгиланган олий таълим муассасалари кафедраларида тегишли фан соҳасидаги етук олимлар, мутахассислар ва тажрибали профессор-ўқитувчилардан ташкил топган ижодий гуруҳ томонидан тузилади.

Ўқув дастури қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Кириш
- Асосий қисм
- Амалий машғулот мавзулари
- Семинар мавзулари
- Мустақил таълим мавзулари
- Тавсия этиладиган дарсликлар ва ўқув қўлланмалар рўйхати.

Давлат таълим стандартлари талабларидан келиб чиқиб, маълум фанлардан чизма-ҳисоб, курс ишлари, лойиҳалари ва уларнинг мавзу ва йўналишлари ҳам келтирилиши мумкин.

Ўқув дастури тасдиқланган ўқув режаларига киритилган муайян фан учун ажратилган энг кўп вақт бюджетига мослаб, ҳар 20-соатлик материал учун тахминан бир бет ҳажмда тузилади.

Дастур фан, техника, технологиянинг сўнги ютуқлари, олий таълим ривожланишининг жаҳон тенденциясини ҳисобга олиш Республикада жорий этилган узлуксиз таълим тизимининг таълим турлари ўртасидаги узвийлик ва узлуксизликни таъминлаши, айниқса умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва олий таълимда узлуксиз ўқитиладиган фанларда мавзуларнинг мантиқий кетма-кетлиги, оддийдан мураккабликка, ҳусусийдан умумийликка ўтиб бориш тамойилларига амал қилиши шарт. Дастурда таълим олувчиларнинг мустақил билим излаш ва уни ўзлаштириш, ўқитиш жараёнини интерактив педагогика асосида ташкил этишга мавзуларнинг бир хил талқинида такрорланмаслигига эътибор берилиши зарур.

Ўқув дастури таянч олий таълим муассасасининг тегишли кафедраси, факультет ёки ОТМ услубий (илмий) кенгашида муҳокама қилинади.

Ўқув дастурига камида 2 та ташқи тақриз олинади.

Ижтимоий, гуманитар ва иқтисодий фанлар бўйича тузилган ўқув дастурлари махсус методологик комиссиясига муҳокама қилиш учун топширилади.

Барча фанлар бўйича тузилган ўқув дастурлари олий ўқув юртлариаро илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Кенгаш экспертизасидан ўтиши шарт ва унинг тавсияси билан вазирлик томонидан рўйхатга олинади ва амалга киритилади.

Ўқув дастурлари вазирликнинг тегишли бошқармаси томонидан тасдиқга тавсия этилади ва рўйхатга олинади. Бу ҳақда ўқув дастурнинг бош варогига белги қўйилади.

Ўқув дастурнинг эталон нусхаси вазирликда сақланади. Ўқув дастури тасдиқланган ва рўйхатга олинган кундан бошлаб амалга киритилади.

Ўқув дастур давлат таълим стандартларига ўзгартиришлар киритилган тақдирда ёки ўзга холларда 5 йилда бир марта қайта ишлаб чиқилиши ва ушбу тартибга асосан қайта экспертиза ва тасдиқдан ўтиши зарур.

Ўқув дастурларини кўпайтириш ва тарқатиш ҳуқуки таянч олий таълим муассасалари ва ОЎМТВ хузуридаги ривожлантириш

марказига берилади. Нашр этиш ёки кўпайтириш билан боғлиқ харажатларни инобатга олиб дастурга нарх белгиланиши мумкин.

**Ишчи ўқув дастури** - ОТМнинг аниқ бир бакалавриат таълим йўналиши ёки магистратура мутахассислиги талабалари учун ўқув режадаги аниқ бир фан бўйича ўқув дастурига асосан профессор-ўқитувчилар томонидан ишлаб чиқиладиган, фаннинг мазмунига қўшимча ва ўзгартиришлар киритилган, мавзуларнинг ўқитиш кетма-кетлигига риоя қилинган холда фанга ажратилган соатлар аниқ кўрсатилган меъёрий хужжат хисобланади.

Ишчи ўқув дастури тегишли таълим стандартларини конкретлаштиради, ўқув жараёнини услубий, информацион ва техник жихатидан таъминланишини назарда тутади. ОТМларда талабаларни тайёрлаш ва ўқитиш хусусиятларини акс эттиради.

Ишчи ўқув дастури олий таълим муассасаси таълим дастурини асосий қисми сифатида талабалар томонидан махаллий шарт шароитларни хусусиятларни хисобга олган ҳолда давлат таълим стандартига асосан мажбурий минимум талабларни олинишини кафолатлайди.

Ўқув дастури асосида тузилган ишчи ўқув дастурида аниқ мавзулар, уларга ажратилган соатлар, мавзулар бўйича қўлланилувчи дидактик ва техник воситалар, мавзулар ва бўлимлар бўйича билимни назорат қилиш турлари ҳамда тегишли услубий тавсиялар аниқ кўрсатилади шунинг учун унинг ҳажми чекланмайди.

**Ишчи ўқув дастурида қуйидагилар ўз аксини топиши лозим:**

- ДТС талаблари;
- Ўқув дастурларини мазмунига қўйиладиган мажбурий талаблар;
-Талабалар учун бериладиган ўқув материалларининг максимал хажми;
- Битирувчиларни тайёргарлигига қўйиладиган талаблар;
- ОТМ томонидан ўқув режага асосан белгиланган ўқув юкламасининг хажми;
- Таълим дастурларини мақсади ва вазифалари;

Юқорида келтирилган компонентлар асосида ишчи ўқув дастурининг тузилиши ишлаб чиқилади ва қоидага асосан унинг таркиби қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Титул варағи
- Кириш сўзи
- Фаннинг мақсади ва вазифалари
- Фанни ўқитиш жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

• Талабаларнинг билими, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар;

• Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги, услубий жиҳатидан узвийлиги ва кетма-кетлиги;

• Фаннинг илм-фан ва ишлаб чиқаришдаги ўрни;

• Фанни ўқитишда фойдаланиладиган замонавий ахборот ва педагогик технологиялар;

• Фан бўйича соатлар тақсимоти;

• Назарий машғулотлар мавзулари мазмуни;

• Амалий, семинар ва лабаратория машғулотлари мавзулари ва режалари;

• Мустақил таълим мавзулари;

• Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати.

**Ишчи ўқув дастурларини тузиш ва тасдиққа киритиш тартиби:**

1.Ишчи ўқув дастурлари ОТМларининг тегишли кафедраларини профессор-ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилади.

2. Ишчи ўқув дастурларини ДТС талаблари ва ўқув дастурларга мос ҳолда ишлаб чиқилишига тегишли кафедра мудири ва профессор-ўқитувчилар масъул ҳисобланади.

3. Ишчи ўқув дастурининг кириш қисмида ўқитиладиган фаннинг долзарблиги, соҳанинг тарихи, жамиятни демократлаштириш ва иқтисодиётни бозор тамойиллари асосида ислоҳ қилишдаги аҳамияти ва ўрни очиб берилади. Шунигдек, фанни ўқитишнинг асосий мақсади ва вазифалари, бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги кўрсатилади.

4. Ишчи ўқув дастурида услубий жиҳатдан узвий кетма-кетликлиги ҳамда ўқитиш турлари ўқитишнинг интерактив услублари ва воситалари хамда фанни ўқитишда замонавий педагогик технологияларни қўллаш, таълим жараёнини оптиималлаштириш учун омил бўладиган механизмлар кўрсатилади.

5. Ишчи ўқув дастурларида ўқув жараёни учун зарур техник воситалар, ахборот-ресурс марказидаги тегишли ўқув адабиётлари, дидактик воситалар, ашёлар ва бошқа моддий-техник база тўғрисида маълумотлар киритилиши мақсадга мувофиқ.

6. Ишчи ўқув дастурининг титулида амалдаги Классификатор бўйича тегишли билим, таълим соҳалари ва таълим йўналиш (мутахассислик) ларнинг шифри ва номлари ҳамда ишчи ўқув режага мувофиқ фаннинг тўла номи кўрсатилади.

7. Ишчи ўқув дастурининг яратилишига масъул кафедранинг номи, муаллифлар ва тақризчилар тўғрисида маълумотлар (фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими, илмий даражаси ва унвони), тасдиққа тавсия этувчи илмий-услубий Кенгашларнинг баённомаси рақами ва санаси кўрсатилади.

8. Ишчи ўқув дастурининг фойдаланиладиган манбалар рўйхатига асосий адабиётлар ва қўшимча адабиётлар киритилади.

9. Ишчи ўқув дастурининг матни А-4 формат, Times New Roman шрифтида, 14-чи ўлчамда, чап томонидан - 3 см, пастидан - 2 см, юқоридан - 2 см, ўнг томонидан - 1,5 см ўлчамида ҳошияланади. Бетларни рақамлаш – пастки қисмининг марказида жойлаштирилади.

10. Ишчи ўқув дастури хар ўқув йили кафедра йиғилишида кўриб чиқиб мухокама қилинади ва тегишли ўқув – услубий кенгашида кўриб чиқиб маъқулланади хамда ОТМнинг рухсат этилган кенгаши қарори билан тасдиқланади.

11.ОТМ ўқув ишлари бўйича проректори ёки факультет декани томонидан тасдиқланади.

## 6-§. Буйруқлар ва низомлар.

Мамлакатимизда мустақилликнинг биринчи йилларидан бошлаб таълим соҳасида эски ёндашувлардан бутунлай воз кечилиб, янгича тамойилларга, миллий қадрият ва анъаналаримизга, илғор жаҳон тажрибасига асосланиб, ҳаётимизни тубдан янгилаш, узоқ ва давомли мақсадларимизни амалга ошириш учун таълим ва тарбия соҳасига устувор аҳамият қаратилиб, бор куч ва имкониятлар шу йўлда сафарбар этилиб келинмоқда. Мухтарам Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек “Биз бир ҳақиқатни эсдан чиқаришга ҳаққимиз йўқ, яъни ҳаёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмайди. Ислоҳотлар ва ўзгаришлар йўлида фақатгина эришилган марралар билан чекланиб қолиш асло мумкин эмас. Ислоҳотлар ва ўзгаришлар жараёни ҳеч қачон ниҳоя билмайди. Албатта, бирон бир босқич якунланиши мумкин, аммо ҳаётнинг ўзи янгидан – янги босқич ва вазифаларни ҳали олдимизга қўяверади”.[5]

Республикамизда таълим-тарбия тизимини тубдан ўзгартириш йўлида олиб борилаётган ислоҳотларни амалга ошириш ва бу борада қабул қилинган меъёрий - ҳуқуқий ҳужжатлар моҳиятини кенг жамоатчилик томонидан чуқур англаб олинишига ҳар томонлама шароит яратиш - давлат бошқаруви идоралари, таълим-тарбия

[5] Каримов И.А. “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси” -Т. Халқ сўзи 2010 йил. 13 - ноябрь.

муассасалари ходимларининг энг долзарб вазифаларидан бири хисобланади.

Олий таълим муассасаларида таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришда олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг буйруқлари алохида ўрин тутади. Биз қуйида айрим буйруқлар билан танишиб чиқамиз.

### 6.1. "Олий таълим тўғрисида"ги Низом

"Олий таълим тўғрисида"ги Низом Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 09.02.2003 йилдаги № 9-сонли буйруғи билан тасдиқланган. Олий таълим муассасаси юридик шахс бўлиб, Олий таълим ўқув дастурларини амалга оширади, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда ташкил этилиб, ўзининг устави ва мазкур низом асосида фаолият юритади. Олий таълим муассасаси устави белгиланган тартибда ишлаб чиқилиб, олий таълимни бошқарувчи ваколатли давлат ташкилоти томонидан тасдиқланади ва маҳаллий маъмурий идораларда рўйхатга олинади.

Олий таълимнинг мақсади мамлакатнинг истиқболдаги тараққиётини ҳисобга олиб, юксак маънавий-маърифий сифатларга, мустақил фикрлаш қобилиятига ҳамда жамиятнинг илмий-техникавий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожини таъминлашга қодир юқори малакали рақобатбардош кадрлар етиштиришдир.

**Олий таълимнинг асосий вазифаларига қуйидагилар киради:**

-давлат таълим стандартларига мувофиқ илғор, замонавий таълим ва касб-ҳунар дастурлари асосида юқори самарали ўқитишни ташкил қилиш ва малакали кадрлар етиштиришни таъминлаш;

- олий малакали илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш;

- мамлакатнинг иқтисодий, ижтимоий ривожланиш истиқболлари ҳамда жамият эҳтиёжларидан келиб чиқиб, фан, техника, илғор технология, иқтисодиёт ва маданиятнинг замонавий ютуқлари асосида кадрлар тайёрлашни ташкилий ва услубий жиҳатдан мунтазам такомиллаштириш;

-олий таълимнинг инсонпарварлик йўналишида бўлишини таъминлаш ҳамда ёшларни миллий истиқлол мафкураси ва умуминсоний қадриятлар асосида, Ватанга, жамиятга, оилага ва табиатга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаш;

-ўқув амалиётига интерфаол усулларни, янги педагогик ва ахборот технологияларини ўқитишнинг мустақил таълим ва индивидуал ёндашув методикаси ҳамда воситаларини, масофавий ўқитиш тизимини татбиқ этиш;

-олий таълимнинг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциясини таъминловчи тизимларни ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга татбиқ қилиш;

- илмий-педагогик кадрлар ва талабаларнинг илмий тадқиқотлари ва ижодий фаолиятлари орқали фан, техника ва технологияни ривожлантириш, олинган натижалардан таълим жараёнида ва мамлакат иқтисодиётида фойдаланиш;

-давлат ва нодавлат таълим муассасаларини ривожлантириш асосида таълим хизматлари бозорида рақобат муҳитини шакллантириш;

-олий таълим муассасалари бошқарувини такомиллаштириш ва улар мустақиллигини кенгайтириш;

-васийлар ва назорат кенгашлари шаклида янги жамоатчилик бошқарувини киритиш;

-касбий тайёргарлик бўйича иш билан таъминлашнинг мониторинги ва маркетинг тадқиқотлари, таълим сифатига кадрлар тайёрлаш ва мониторинг назоратини қўллаш;

-олий таълим соҳасида тараққий этган мамлакатлар билан ўзаро фойдали ҳамкорликни ривожлантириш.

Олий таълим иккига бўлинади бакалавриат ва магистратура.

**Бакалавр тайёрланади:**

1.Муайян йўналишлар бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши мумкин бўлган лавозимларга;

2.Бакалариат йўналишига мувофиқ келувчи танланган мутахассислик бўйича магистратурада олий таълимни давом эттиришга;

3.Қайта тайёргарлик ва малака ошириш тизимида қўшимча касбий таълим олишга.

**Магистр тайёрланади:**

1.Аниқ ихтисослик бўйича мустақил илмий-тадқиқот, илмий-педагогик, бошқарув ва касбий фаолиятга;

2.Магистр тайёрлашнинг тегишли мутахассислиги бўйича олий таълимнинг кейинги босқичи докторантурада таълим олишга;

3.Кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимида қўшимча касбий таълим олишга.

**Олий таълим муасасаларининг қуйидаги турлари мавжуд:**

**Университет:**

- билим ва таълимнинг бир қанча соҳалари бўйича олий ва ундан кейинги таълим турлари дастурларини амалга оширади;

-турли соҳа мутахассисларини қайта тайёрлайди ва малакасини оширади;

-фанларнинг кенг қамрови бўйича фундаментал ва амалий тадқиқотлар олиб боради;

-билимларнинг тегишли соҳалари бўйича илмий ва услубий марказ ҳисобланади.

**Академия:**

-билим ва таълимнинг муайян соҳалари бўйича ва ундан кейинги таълим турлари дастурларини амалга оширади;

-билимнинг муайян соҳалари мутахассисларини қайта тайёрлайди ва малакасини оширади;

-фан, маданият ва санъатнинг аниқ соҳалари бўйича фундаментал ва амалий тадқиқотлар олиб боради;

-ўз фаолияти доирасида етакчи илмий ва услубий марказ ҳисобланади.

**Институт:**

-билимнинг бир соҳаси доирасида олий ва ундан кейинги таълим дастурларини амалга оширади;

-муайян соҳа мутахассисларини қайта тайёрлайди ва малакасини оширади;

-амалий ва фундаментал илмий тадқиқотлар олиб боради.

**Ушбу низомда талабаларнинг қуйидаги ҳуқуқлари:**

1.Йўналишлар ва мутахассисликлар таълим дастурларида кўзда тутилган, фан, техника ва технологиялар, иқтисодиёт ва маданият ривожининг замонавий даражасига муносиб билимларни эгаллаш;

2.Ўқув дастурига мувофиқ кўзда тутилган қўшимча курслар ва ўқиш турини танлаш;

3.Таълим муассасаси фаолиятининг муҳим масалаларини муҳокама ва ҳал қилишда қатнашиш, шу жумладан жамоат ташкилотлари орқали ҳам;

4.Таълим муассасаси Уставида жорий қилинган тартибда кутубхона, ахборот фонди, ўқув, илмий, тиббий ва бошқа бўлинмалар хизматларидан текин фойдаланиш;

5.Илмий-тадқиқот ишлари, анжуманлар, симпозиумларда иштирок этиш;

6.Ўз илмий ишларини чоп эттириш;

7.Олий таълим муассасаси маъмурияти қарорлари устидан шикоят қилиш;

8.Белгиланган тартибда ҳарбий мутахассислик бўйича таълим олиш.

**Талабаларнинг қуйидаги мажбуриятлари:**

1. Билим эгаллаш;

2. Кўрсатилган муддатларда ўқув режасида кўзда тутилган барча топшириқларни бажариши;

3. Таълим муассасаси Уставига амал қилиш;

4. Таълим муассасаси ички тартиби қоидаларига амал қилиш;

5. Талабалар турар жойи қоидаларига амал қилиш.

**Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчиларининг қуйидаги ҳуқуқлари:**

1. Қонунда белгиланган тартибда ихтисослигига мувофиқ иш ҳақи олиш ва мукофотланиш;

2. Олий таълим муассасаси (факультет) кенгашига сайланиш ва унга сайлаш;

3.Олий таълим муассасаси фаолиятига тегишли масалаларни муҳокама қилиш ва ҳал этишда қатнашиш;

4.Кутубхоналар, ахборот фондлари, ўқув ва илмий бўлинмалар ҳамда таълим муассасаси Низомида кўрсатилган ёки жамоат келишувига мувофиқ, ижтимоий-маиший, тиббий ва бошқа таркибий бўлинмалар хизматларидан текин фойдаланиш;

5. Ўқув курслари мазмунини олий таълимнинг давлат таълим стандартларига мувофиқ аниқлашда қатнашиш;

6. Ўқув-тарбия жараёнининг юқори сифатини таъминлаш мақсадида, ўзларининг шахсий хусусиятларига жавоб берадиган таълим усуллари ва воситаларини танлаш;

7. Қонунда белгиланган тартибда олий таълим муассасаси маъмурияти буйруқлари ва фармойишларига норозилик билдириш;

8.Ўз касбий фаолиятининг ташкилий ва моддий-техникавий таъминланишини талаб қилиш.

**Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчиларининг қуйидаги мажбуриятлари:**

1.Талабаларда юқори маданият ва маънавиятни, ўз касбига, Ватанига, табиатга муҳаббатни, ватанпарварлик, фуқаролик нуқтаи назарни шакллантириш;

2.Ўқув тарбия ва илмий жараёнларнинг юқори самарадорлигини таъминлаш;

3.Талабаларда танлаган йўналиши (ихтисослиги)га монанд касбий маҳоратни, фуқаролик нуқтаи назарни шакллантириш;

4.Олий таълим муассасаси Уставига амал қилиш;

5.Талабаларда мустақиллик, ташаббускорлик ва ижодий қобилиятни ривожлантириш ва хоказолар ўрин олган.

## 6.2. Талабалар билимини баҳолаш ва назорат қилишнинг “Рейтинг тизими тўғрисида”ги Низом.

Мазкур Низом Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2009 йилдаги №204-сонли буйруғи билан амалга киритилган бўлиб у Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 225-модда) ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида"ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 11-12-сон, 295-модда) қонунларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги 343-сонли "Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2001 й., 15-16-сон, 104-модда) мувофиқ олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизимини тартибга солади.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ ўқув жараёни модул тизимига асосланган олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг ўзига хос хусусиятлари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда тегишли олий таълим муассасаси томонидан белгиланиши мумкин.

Талабалар билимини назорат қилиш ва рейтинг тизими орқали баҳолашдан асосий мақсад таълим сифатини бошқариш орқали рақобатбардош кадрлар тайёрлашга эришиш, талабаларнинг фанларни ўзлаштиришида бўшлиқлар ҳосил бўлишини олдини олиш, уларни аниқлаш ва бартараф этишдан иборат.

**Рейтинг тизимининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:**

- талабаларда Давлат таълим стандартларига мувофиқ тегишли билим, кўникма ва малакалар шаклланганлиги даражасини назорат қилиш ва таҳлил қилиб бориш;
- талабалар билими, кўникма ва малакаларини баҳолашнинг асосий тамойиллари:
- Давлат таълим стандартларига асосланганлик, аниқлик, ҳаққонийлик, ишончлилик ва қулай шаклда баҳолашни таъминлаш;
- фанларнинг талабалар томонидан тизимли тарзда ва белгиланган муддатларда ўзлаштирилишини ташкил этиш ва таҳлил қилиш;

• талабаларда мустақил ишлаш кўникмаларини ривожлантириш, ахборот ресурслари манбаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш;

• талабалар билимини холис ва адолатли баҳолаш ҳамда унинг натижаларини вақтида маълум қилиш;

• талабаларнинг фанлар бўйича комплекс ҳамда узлуксиз тайёргарлигини таъминлаш;

• ўқув жараёнининг ташкилий ишларини компьютерлаштиришга шароит яратиш.

Талабаларнинг билим савияси ва ўзлаштириш даражасининг Давлат таълим стандартларига мувофиқлигини таъминлаш учун қуйидаги назорат турларини ўтказилади:

**жорий назорат** – талабанинг фан мавзулари бўйича билим ва амалий кўникма даражасини аниқлаш ва баҳолаш усули. Жорий назорат фаннинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, семинар, лаборатория ва амалий машғулотларида оғзаки сўров, тест ўтказиш, суҳбат, назорат иши, коллоквиум, уй вазифаларини текшириш ва шу каби бошқа шаклларда ўтказилиши мумкин;

**оралиқ назорат** – семестр давомида ўқув дастурининг тегишли (фаннинг бир неча мавзуларини ўз ичига олган) бўлими тугаллангандан кейин талабанинг билим ва амалий кўникма даражасини аниқлаш ва баҳолаш усули. Оралиқ назоратининг сони (бир семестрда икки мартадан кўп ўтказилмаслиги лозим) ва шакли (ёзма, оғзаки, тест ва ҳоказо) ўқув фанига ажратилган умумий соатлар ҳажмидан келиб чиққан ҳолда белгиланади;

**якуний назорат** – семестр якунида муайян фан бўйича назарий билим ва амалий кўникмаларни талабалар томонидан ўзлаштириш даражасини баҳолаш усули. Якуний назорат асосан таянч тушунча ва ибораларга асосланган “Ёзма иш” шаклида ўтказилади.

Таълим йўналиши ва мутахассисликлари айрим фанларининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда факультет Илмий кенгаши ёки олий таълим муассасаси кенгаши қарори асосида кўпи билан 40% фанлардан якуний назоратлар бошқа шаклларда (оғзаки, тест ва ҳоказо) ўтказилиши мумкин.

Талабаларнинг билим савияси, кўникма ва малакаларини назорат қилишнинг рейтинг тизими асосида талабанинг ҳар бир фан бўйича ўзлаштириш даражаси баллар орқали ифодаланади.

Ҳар бир фан бўйича талабанинг семестр давомидаги ўзлаштириш кўрсаткичи 100 баллик тизимда бутун сонлар билан баҳоланади.

Ушбу 100 балл назорат турлари бўйича қуйидагича тақсимланади:

якуний назоратга – 30 балл;

жорий ва оралиқ назоратларга – 70 балл фаннинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда кафедра томонидан жорий ва оралиқ назоратларга тақсимланади.

Талабанинг рейтинг дафтарчаси ёки талабалар рейтингини ҳисобга олиш электрон тизимига алоҳида қайд қилинадиган курс иши (лойиҳаси, ҳисоб-график ишлари), малакавий амалиёт, фан (фанлараро) бўйича якуний давлат аттестацияси, битирув малакавий иши ва магистратура талабаларининг илмий-тадқиқот ва илмий-педагогик ишлари, магистрлик диссертацияси бўйича ўзлаштириш даражаси - 100 баллик тизимда баҳоланади.

### 6.3. Малакавий амалиёт тўғрисидаги Низом.

Ўзбекистон Республикаси “Олий таълим муассасалари талабаларининг малакавий амалиёти тўғрисида”ги Низом Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1998 йил 30 октябрдаги №305 сонли буйруғи билан тасдиқланган. Хозирги кунда барча олий таълим муассасаларида малакавий амалиётлар ушбу Низом талаблари асосида ўтказилмоқда.

Бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахасисликлари бўйича мутахассислар тайёрлашнинг муҳим қисми бўлган талабалар амалиёти - илғор корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда ўтказилади.

Талабалар амалиёти бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари фанларининг назарий қисмини мустаҳкамлаш учун зарур бўлган, ўқиш жараёнининг бевосита ишлаб чиқариш шароитларида ўтказиладиган давомидир.

Ҳар бир амалиётнинг мақсади, мазмуни ва муддати таълим йўналиши (мутахассислик)нинг ДТС, ўқув режалари ва амалиёт дастурларида белгиланади.

Малакавий амалиётлар бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари давлат таълим стандартларида (ДТС) ва ўқув режаларда кўзда тутилган турли шаклларда, яъни:

- ўқув-танишув;
- ишлаб чиқариш;
- педагогик;
- битирув олди амалиётлари ташкил қилинади.

Олий таълим муассасаси таълим йўналишларининг ўзига хослигини ҳисобга олиб, кадрлар буюртмачилари талабларига биноан, ОТМ Илмий Кенгаши қарорига мувофиқ амалиётнинг бошка турларини киритиш ҳуқуқига эга

Хозирги кунда олий таълим муассасаларининг бакалавриат таълим йўналишларида талабаларни малакавий амалиётлари амалдаги ДТС ва ўқув режаларга асосан 12- хафтадан 24 хафтагача қўйилган.

Амалиётларга ОТМ ректори буйруғи билан кафедраларнинг ишлаб чиқаришни яхши биладиган, тажрибали профессор ўқитувчилари раҳбарлик қилади.

Амалиёт раҳбарининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- зарурий тайёргарлик ташкил этиш учун амалиёт объектларига амалиёт бошланишидан олдин бориш:
- талабаларнинг амалиётга боришидан олдин ташкилий тадбирлар (амалиёт ўтказиш тартиблари, хавфсизлик техникаси ҳақида кўрсатмалар бериш ва ҳ.к) ни ўтказишни таъминлаш;
- талабаларни кафедра топшириқларида кўзда тутилган илмий тадқиқот ишларига раҳбарлик қилиш;
- амалиёт объектларида талабаларни меҳнат шароитлари меъёрдагидек таъминланганлигини назорат қилиш;
- талабаларни ички меҳнат тартиб-қоидаларига риоя қилишларини назорат қилиш;
- амалиёт якунлари бўйича талабалар илмий анжуманлари тайёрланишида ва амалиёт натижалари ҳимоясида иштирок этиш;
- талабаларнинг амалиёт бўйича ҳисоботларини кўриб чиқиш ва тавсиянома бериш;
- Талабалар амалиёт ўтганлиги ва уларнинг амалий тайёргарлигидаги камчиликлари кўрсатилган, амалиётни янада такомиллаштириш бўйича баён этилган таклифлар, ёзма ҳисоботни кафедра мудирига тақдим этиш;
- барча амалиёт билан боғлиқ ишларни амалиётдан бириктирилган раҳбар билан биргаликда амалга ошириш ва хоказолар.

Талабалар амалиётининг умумий раҳбарлиги амалиёт объекти раҳбарининг буйруғи билан масъул ходимларнинг бирига юклатилади. Цех, бўлим, лаборатория кабиларда талабалар амалиётининг бевосита раҳбарлиги амалиёт объекти бошлиғининг буйруғи билан таркибий бўлимнинг юқори малакали мутахассиси зиммасига юкланади.

Талаба амалиёт ўтишда:

- амалиёт дастурида кўзда тутилган топшириқларни тўлиқ бажариши;
- амалиёт объектининг ички меҳнат тартиб қоидаларига бўйсуниши;
- меҳнат муҳофазаси, ҳавфсизлик техникаси ва ишлаб чиқариш санитарияси қоидаларини ўрганиши ва қатъий риоя қилиши;
- бажарилган иш ва унинг натижалари учун шу амалиёт объектлари ишчилари қатори жавобгарлик олиши;
- кундалик дафтар юритиши, чизмалар, тасвирлар ва бошқаларни бажариши;
- амалиёт раҳбарига барча топшириқлар бажарилгани ҳақида ёзма равишда ҳисобот бериши ва амалиёт бўйича якуний хисоботни топшириши лозим.

Амалиёт якунида талаба юқорида айтиб ўтилганидек, ёзма ҳисобот тайёрлайди ва уни бевосита амалиёт объектидан тайинланган рахбар имзолаган кундалик дафтар билан бирга олий таълим муассасасидан тайинланган рахбарга топширади.

Ҳисобот талабанинг амалиёт даврида бажарган муайян ишлари тўғрисидаги маълумотлар, амалиёт обьекти бўлимларининг қисқача изохи, улар фаолиятининг ташкилий асослари, амалиёт натижалари бўйича хулоса ва таклифларни ўз ичига олади.

Амалиёт якунида талаба ўз ҳисоботини факультетда ёки кафедрада тайинланган комиссия олдида ҳимоя қилади.

Амалиёт ҳисоботлари ҳимояси натижалари факультет Илмий Кенгашларида ва олий таълим муассасасининг ўқув-услубий кенгашида муҳокама қилинади.

**Амалиёт ўтган хар бир талаба:**

- биринчидан, амалиёт ўтиш жараёнини янада такомиллаштириш бўйича ўз таклифларини бериши;
- иккинчидан, чет эллардаги ишлаб чиқариш тажрибаларини ўрганиши унинг илғор натижаларини амалиётга жорий этишга эътибор бериши;
- учинчидан, хисобот мазмунини шакллантиришда хар бир талаба ўз мутахассислиги бўйича амалиёт давомида олган маълумотларни олдинги маълумотлар ва интернетдан олинган маълумотлар билан қиёсий тахлил қилиши лозим.

Олий таълим муассасаларида малакавий амалиётлар хусусида юқорида келтирилган фикрлардан келиб чиққан холда қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

1.Олий таълим муассасалари факультетларида жамоатчилик асосида факультет деканининг амалиёт ишлари бўйича муовини лавозимини киритиш.

2.Олий таълим муассасаларида барча таълим йўналишлари ва магистратура мутахасисликлари бўйича малакавий амалиётларни ўтказилишини танқидий ўрганиб чиқиш ва амалиётларни ўтказилишининг оптимал йўлларини ишлаб чиқиш.

3.Олий таълим муасасаларида режалаштирилган малакавий амалиётларни меъёрий-ҳуқуқий хужжатларини қайта кўриб чиқиш хар бир амалиёт тури бўйича махсус дастурларни ишлаб чиқиш.

4.Олий таълим муассасалари ва амалиёт объектлари ўртасида хамкорлик шартномаларини хозирги кун талабидан келиб чиқиб қайта шакллантириш.

5.Факультетларда малакавий амалиётларни ўтказиш бўйича амалиётга қатнашадиган ва амалиётга рахбарлик қиладиган профессор - ўқитувчилар учун махсус семинарлар ташкил қилиш.

6. Битирувчиларни ишга жойлаштириш масаласида амалиёт объектлари билан мутахассис чиқарувчи кафедралар ўртасида узвий алоқани йўлга қўйиш.

7. Хар бир фанга ажратилган умумий соатлар миқдоридан келиб чиқиб амалиёт дастури ишлаб чиқиш ва календар режаси тузиш.

8.Амалиёт раҳбарлари малакавий амалиёт ўтганлиги ва амалиёт ўтказишдаги камчиликлар, ютуқлар хамда амалиётни янада такомиллаштириш бўйича ёзма ҳисоботларни тақдим этиш.

9.Олий таълим муассасаларида амалиётларни молиялаштириш масаласини хозирги кун талабидан келиб чиқиб қайта кўриб чиқиш лозим.

10. Олий таълим муассасаларининг хар бир факультети амалиёт бўлимида қуйидаги хужжатлар шакллантирилиши лозим:

- Амалиёт низомлари
- Амалиёт жадвали
- Амалиёт дастурлари
- Амалиёт рейтинг графиги ва баҳолаш мезонлари
- Амалиёт календар режалари
- Амалиёт техника хавфсизлиги журнали
- Амалиёт кундалиги
- Амалиёт ҳисоботларини қабул қилиш журнали
- Амалиёт хисоботлари
- Амалиёт хисоботи бўйича кафедра баённомалари

- Амалиёт бўйича ОТМ Кенгаш баённомалари
- Амалиёт бўйича ўкув-услубий Кенгаш баённомалари
- Амалиёт бўйича хамкорлик шартномалари
- Амалиёт бўйича буйруқлар ва ҳоказолар.

## 6.4. Вақт меъёрлари тўғрисидаги № 5-2015-сонли буйруқ.

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2015 йил 9 сентябрдаги № 5-2015-сонли буйруғига асосан "Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилар таркибининг ўқув, илмий-методик, илмий-тадқиқот, ташкилий-методик, маънавий-ахлоқий ва тарбиявий ишлар юкламасини аниқлаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида"ги вақт меъёрлари тасдиқланди.

Олий таълим муассасаларида профессор-ўқитувчиларнинг бир йиллик ўқув юкламаларини оптимал расмийлаштиришда ушбу буйруқ билан амалга киритилган олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилар таркибининг ўқув, илмий-методик, илмий-тадқиқот, ташкилий-методик, маънавий-ахлоқий ва тарбиявий ишлар юкламасини аниқлаш қоидалари алохида ўрин тутади.

Ушбу буйрукда профессор-ўқитувчиларнинг юкламаси ўқув ишлари, илмий-методик ишлари, илмий - тадқиқот ишлари, ташкилий-методик ишлар, маънавий-ахлоқий ва тарбиявий ишлардан иборат бўлиши кўрсатиб ўтилган. Хозирги кунда олий таълим муассасалари кафедраларида куйидаги мезонлар асосида юкламалар шакллантирилади.

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 1 августдаги №164-сонли "Республика олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилар таркибининг ўқув, илмий-методик, илмий-тадқиқот, ташкилий-методик, маънавий-ахлоқий ва тарбиявий ишлар юкламасини аниқлашни белгилайди.

Ушбу ҳужжатнинг амал қилиши олий ҳарбий таълим муассасалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси худудида ўз фаолиятини юритаётган халқаро ва хорижий олий таълим муассасаларига нисбатан татбиқ этилмайди.

Профессор-ўқитувчилар таркиби меҳнатини нормалаштириш ҳар йили келгуси ўқув йили учун тузиладиган ва белгиланган тартибда тасдиқланадиган шахсий иш режаларига асосланган.

Йиллик шахсий иш режа мазкур Қоидаларнинг иловасида назарда тутилган Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилар таркибининг ўқув, илмий-методик, илмий-тадқиқот, ташкилий-методик, маънавий-ахлоқий ва тарбиявий ишлар ҳажмини ҳисоблашнинг вакт меъёрларига мувофиқ асосий тадбирлар рўйхатини (тадбирлардан ҳар бири бўйича соатлар миқдорини кўрсатган ҳолда) ўз ичига олади.

Йиллик шахсий иш режа 1540 соат миқдоридаги иш вақтининг жамланган ҳисобидан келиб чиқади.

Иш турлари профессор-ўқитувчиларнинг йиллик шахсий иш режаларида тўла ва аниқ акс эттирилиши керак. Жорий ўқув йили якунида фақат мазкур ўқув йили давомида амалга оширилган ишлар ҳисобга олинади.

Ўқув йили давомида бажарилган қўшимча иш турлари профессор-ўқитувчиларнинг йиллик шахсий иш режаларига киритиб борилиши мумкин.

Иш турлари бўйича ҳисобланган соатлар ҳажми олий таълим муассасасининг штат бирликлари сонини ҳамда профессор-ўқитувчилар таркибининг ойлик маошларини белгилаш учун асос бўлмайди.

Штат бирликлари профессор-ўқитувчиларнинг талабалар сонига нисбати бўйича, ойлик иш ҳақи эса, харажатлар сметаси бўйича тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида белгиланади.

Кафедра профессор-ўқитувчилари ўртасида ишларни нормалаштириш бўйича тавсия этиладиган тақсимот:

- ўқув ишлари — 50% — 70%;
- илмий-методик ишлари — 5% — 10%;
- илмий-тадқиқот ишлари — 15% — 20%;
- ташкилий-методик ишлар — 5% — 10%;
- маънавий-ахлоқий ва тарбиявий ишлар — 10% — 15%.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сон қарори билан тасдиқланган Ижодий таътиллар бериш тартиби ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа асосларга мувофиқ олиб бораётган илмий-методик ва илмий-тадқиқот ишларини рағбатлантириш мақсадида профессор-ўқитувчининг ўқув ишлари юкламаси ҳажми олий таълим муассасаси кенгашининг қарорига кўра ўзгартирилиши мумкин. Бунда профессор-

ўқитувчининг тегишли ўқув ишлари юкламаси қисми кафедранинг бошқа профессор-ўқитувчиларининг юкламасига қўшимча равишда тақсимланади.

Маъруза машғулотлари профессор, доцент, катта ўқитувчи ва илмий даражага эга бўлган ассистент (ўқитувчи)лар томонидан ўтказилади. Зарур ҳолларда (маъруза машғулотлари ҳажми кўп бўлганда, профессор, доцент ва катта ўқитувчилар етарли бўлмаганда ва шу каби бошқа ҳолларда) камида 3 йиллик илмий-педагогик (илмий) иш стажига эга ассистент ёки ўқитувчиларга бир ўқув йилида 100 соатгача бўлган ҳажмда маъруза машғулотларини ўтишга олий таълим муассасаси кенгашининг қарорига асосан рухсат берилади.

Тошкент давлат юридик университетида ассистент ёки ўқитувчиларга, уларнинг илмий-педагогик (илмий) иш стажи муддатидан қатъи назар, бир ўқув йилида 250 соатгача бўлган ҳажмда маъруза машғулотларини ўтишга мазкур таълим муассасаси кенгашининг қарорига асосан рухсат берилади.

Профессор-ўқитувчиларнинг ўқув (маъруза, амалий, семинар ва лаборатория) соатлари ҳажми 400 соатдан кам бўлмаслиги тавсия этилади. Тошкент давлат юридик университетида профессор-ўқитувчиларнинг ўқув (маъруза, амалий, семинар ва лаборатория) соатлари ҳажми мазкур таълим муассасаси томонидан белгиланади.

Профессор-ўқитувчиларнинг йиллик шахсий иш режасининг бажарилиши мунтазам равишда кафедра мудири, факультет декани, декан ўринбосарлари, факультет тузилмаси бўлмаган олий таълим муассасаларида ўқув бўлими (ўқув-услубий бошқарма) томонидан, ҳар семестр якунида эса, тегишли йўналишлар бўйича проректорлар томонидан назорат қилиб борилади.

Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилар таркибининг ўқув, илмий-методик, илмий-тадқиқот, ташкилий-методик, маънавий-ахлоқий ва тарбиявий ишлар ҳажмини ҳисоблашнинг

## ВАҚТ МЕЪЁРЛАРИ

### I. Ўқув ишлари

| Т/р | Иш турлари | Иш турлари учун ажратилган вақт меъёри | Иш турларининг бажарилганлигини аниқлаш |
|---|---|---|---|
| 1 | Ўқув (маъруза, амалий, семинар ва лаборатория) машғулотларини ўтказиш | бир академик соат учун — 1 соат | Ўқув машғулотлари ўқув режага мувофиқ бир академик соатдан (45 минут) ёки танаффуссиз икки академик соатдан (80 минут) ўтказилади. Бунда:<br>амалий ва семинар машғулотлари талабалар сони, одатда, 25 нафаргача талаба бўлган академ гуруҳларда;<br>маъруза машғулотлари, одатда, 150 нафардан ошмаган бирлашган академ гуруҳларда (поток);<br>лаборатория ва чет тилини ўқитиш, тиббиёт олий таълим муассасаларида тиббий-биологик ва гигиеник фанлар (тиббиёт олий таълим муассасалари учун) ўқитиш,<br>нофилологик йўналишларда фанни чет тилида ўқитиш, одатда, 12 нафаргача талаба бўлган кичик гуруҳларда;<br>маданият, санъат ва спорт йўналишларида якка тартибдаги машғулотлар, одатда, 2 — 12 нафаргача талаба бўлган кичик гуруҳларда;<br>тиббиёт олий таълим муассасаларида клиник фанларни ўқитиш, одатда, 8 — 10 нафаргача талаба бўлган кичик гуруҳларда ўтказилади. |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | | Ўқув машғулотларининг ўтказилганлиги гуруҳ журналида қайд этилади. |
| 2 | Якуний давлат аттестацияси белгиланган фанлардан умумлашган маърузалар ва маслаҳатлар ўтказиш | битта фанга (битта поток учун) — 6 соат | Умумлашган маърузалар ва маслаҳатларнинг ўтказилиши якуний давлат аттестациясини ўтказиш жадвалида қайд этилади. |
| 3 | Курс ишлари ва курс лойиҳа-ларига раҳбарлик қилиш, улар бўйича маслаҳат-лар бериш, тақриз ёзиш ва қабул қилиш | бир курс иши учун — 2 соат; бир курс лойиҳаси учун — 3 соат. | Бир профессор-ўқитувчи бир семестр давомида, одатда, 25 нафаргача талабага (кўпи билан 1-2 та академ гуруҳ талабаларига) курс иши (курс лойиҳаси) бериши мумкин.<br>Курс иши (курс лойиҳаси)нинг ҳимояга тақдим этилганлиги билан аниқланади. |
| 4 | Курс иши (курс лойиҳаси) ҳимоясини ўтказиш | Бир курс иши ҳимояси учун — 0,4 соат;<br>Бир курс лойиҳаси ҳимояси учун — 0,6 соат.<br>Бунда профессор-ўқитувчининг бир кунлик иш соати ҳажми 8 соатдан ошмаслиги лозим. | Курс иши (курс лойиҳаси) ҳимоясида камида 2 нафар профессор-ўқитувчи иштирок этади. Жами соатлар ҳимояда иштирок этган профессор-ўқитувчилар сонига бўлинади ва улар ўртасида тенг тақсим-ланади.<br>Профессор-ўқитувчининг курс иши (курс лойиҳаси) ҳимоясини ўтказишда иштирок этиши тегишли қайдномаларда акс эттирилади. |
| 5 | Қонун ҳужжат-ларига мувофиқ ўқув жараёни модуль тизимига асосланган олий таълим муассаса-ларида оралиқ ва якуний назорат-лар бўйича масла-ҳатлар бериш | битта фанга (битта поток учун) — 5 соат | Маслаҳатлар берилганлиги тегишли баённомалар (журналларга киритилган қайдлар) асосида аниқланади. |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 6 | Якуний давлат аттестациясини ўтказиш | ёзма иш шаклида бир поток (академ гурух) учун — 3 соат;<br>оғзаки шаклда битта талаба учун — 0,2 соат, ижодий ишларда битта талаба учун — 0,3 соат;<br>ёзма иш (ижодий иш)ни текшириш учун ҳар бир ишга — 0,2 соат;<br>тест шаклида битта академ гурух учун — 1 соат.<br>Якуний давлат аттестация комиссияси раисига комиссиянинг битта аъзоси учун бериладиган жами соатга қўшимча равишда 20% қўшилади.<br>Комиссия аъзоларига бериладиган бир кунлик ўқув юкламаси ҳажми 8 соатдан ошмаслиги лозим. | Бир поток (академ гурух)да ёзма иш ўтказиш жараёнида иштирок этган комиссиянинг ҳар бир аъзоси (кузатувчи профессор-ўқитувчи)га 3 соатдан берилади.<br>Оғзаки шаклда ўтказилган якуний давлат аттестацияси синовлари жами соати унда иштирок этган комиссиянинг ҳар бир аъзосига берилади.<br>Ёзма иш шаклида ўтказилган якуний давлат аттестацияси синовларининг жами соати ёзма ишни текширишда иштирок этган комиссия аъзолари умумий сонига бўлинади ҳамда комиссия аъзоларига тенг тақсимланади.<br>Тест шаклида ўтказилган якуний давлат аттестацияси синовлари жами соати унда иштирок этган комиссиянинг ҳар бир аъзосига берилади.<br>Якуний давлат аттестациясида иштирок этиш тегишли буйруқ ва қайдномаларда акс эттирилади.<br>Якуний давлат аттестацияси комиссияси таркибини олдиндан аниқлаш имконияти бўлмаган тақдирда, комиссияси аъзолари (кузатувчи профессор-ўқитувчи) га комиссия ўз ишини тугатгандан сўнг, соатбай ҳақ тўланади.<br>Бунда ушбу соатбай иш тури профессор-ўқитувчининг йиллик шахсий иш режасига киритилмайди. |
| 7 | Намунавий ўқув дастурларида кўзда тутилган | битта топшириқ учун — 0,3 соат, бироқ битта фанга | Бир профессор-ўқитувчига кафедра қарорига асосан кўпи билан учтагача академ гурух |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | назорат, ҳисоблаш ва ҳисоб-график ишларини текшириш, маслаҳатлар бериш, тақриз ёзиш ва қабул қилиш | кўпи билан — 1 соат | талабалари бириктирилади.<br>Мазкур ишларнинг бажарилиши талабаларни баҳолаш қайдномаларида акс эттирилади. |
| 8 | Оралиқ ва якуний назоратларни ўтказиш, шунингдек талабанинг қолдирган (ўзлаштирмаган) дарсларини қайта топширишини қабул қилиш | оралиқ назоратда ҳар бир талаба учун — 0,2 соат;<br>якуний назоратда ҳар бир талаба учун — 0,3 соат.<br>Қонун ҳужжатларига мувофиқ ўқув жараёни модуль тизимига асосланган олий таълим муассасалари учун оралиқ ва якуний назорат оғзаки шаклда ўтказилганда, ҳар бир талаба учун — 0,2 соат, ёзма иш шаклида ўтказилганда эса, ҳар бир талаба учун — 0,5 соат.<br>Қолдирилган (ўзлаштирилмаган) дарсларни қайта топширишни қабул қилишда ҳар бир талаба учун — 0,3 соат. Бунда бир ўқув семестри давомида бир профессор-ўқитувчига кўпи билан 20 соат берилади. | Семестр давомида битта фандан кўпи билан 2 тагача оралиқ назорат ўтказилади. Бунда модуль тизимида ўқитилмаётган ва ҳажми (умумий аудитория соати) семестр давомида ҳафтасига тўлиқ 2 академик соатдан кам бўлган фанлардан оралиқ назорат ўтказилмайди.<br>Оралиқ ва якуний назоратлар ўтказилиши тегишли қайдномаларда акс эттирилади.<br>Назоратлар жадвали (графиги) семестр бошланган вақтда талабаларга профессор-ўқитувчи томонидан эълон қилинади.<br>Ёзма шаклдаги назорат ишлар 6 ой сақланади.<br>Қонун ҳужжатларига мувофиқ ўқув жараёни модуль тизимига асосланган олий таълим муассасаларида ёзма иш шаклида ўтказилган оралиқ ва якуний назорат ишларини ўтказиш ва қабул қилиш талаблари мазкур олий таълим муассасалари томонидан белгиланади.<br>Дарсларни қайта топшириш тегишли қайдномаларда акс эттирилади. |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 9 | Бакалавриат таълим йўналиши талабалари амалиётига раҳбарлик қилиш, уларнинг ҳисоботларини текшириш ва қабул қилиш, амалиёт бўйича ёзма иш (синов)ларни ўтказиш ва баҳолаш | Малакавий амалиёт ўтаётган ҳар бир талаба учун бир иш кунига — 0,5 соат. Бунда:<br>ўқув амалиётига раҳбарлик қилиш 1 академ гуруҳ учун бир иш кунига — 6 соат;<br>ишлаб чиқариш ва педагогик амалиётга раҳбарлик қилиш, агар ишлаб чиқариш ва педагогик амалиёт ўталаётган ташкилот олий таълим муассасаси жойлашган ҳудуд доирасида бўлса, бир иш кунига 1 академ гуруҳ учун — 3 соат;<br>агар ишлаб чиқариш ва педагогик амалиёт ўтилаётган ташкилот олий таълим муассасаси жойлашган ҳудуд доирасида бўлмаса, амалиётга раҳбарлик қилиш бир иш кунига — 6 соат.<br>Индивидуал ҳолда ўтказиладиган амалиётларда бутун амалиёт даврига бир талаба учун — 2 соат. | Мазкур иш тури бўйича профессор-ўқитувчининг соатлари ҳажми ўқув ишлари юкламасининг 20% идан ошмаслиги лозим.<br>Қонун ҳужжатларига мувофиқ ўқув жараёни модуль тизимига асосланган олий таълим муассасаларида профессор-ўқитувчининг мазкур ишлар бўйича соатлари ҳажми ушбу олий таълим муассасалари томонидан белгиланади.<br>Мазкур ишларнинг бажарилганлиги амалиёт ўташ бўйича олий таълим муассасаси буйруғи, талабанинг амалиёт кундалиги ва амалиёт учун баҳо қўйилган тегишли қайдномалар асосида аниқланади. |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 10 | Бакалавриат таълим йўналиши талабаларининг битирув малакавий иши (диплом лойиҳаси, диплом иши)га раҳбарлик қилиш, хулосалар ёзиш | бир ўқув йилига ҳар бир талаба учун — 25 соат, техник йўналишларда ҳар бир талаба учун — 30 соат | Бир ўқув йилида битта профессор-ўқитувчига 7 нафаргача талаба бириктирилади. Профессор-ўқитувчининг битирув малакавий иши (диплом лойиҳаси, диплом иши)га раҳбарлик қилганлиги, хулосалар ёзганлиги олий таълим муассасаси буйруғи, ёзилган хулоса ва ишнинг ҳимояга тақдим этилганлиги асосида аниқланади. |
| 11 | Талабаларнинг битирув малакавий иши (диплом лойиҳаси, диплом иши, магистрлик диссертацияси) ҳимояси бўйича якуний давлат аттестацияси комиссиясида иштирок этиш | битта битирув малакавий иши (диплом лойиҳаси, диплом иши) учун — 0,2 соат; битта магистрлик диссертацияси учун — 0,3 соат. Профессор-ўқитувчига бериладиган бир кунлик ўқув ишлари юкламаси ҳажми, одатда, 8 соатдан ошмаслиги лозим. | Аъзоларнинг якуний давлат аттестацияси комиссиясидаги иштироки олий таълим муассасаси буйруғи ҳамда ҳимоя натижалари тўғрисидаги қайдномалар асосида аниқланади. Жами соат якуний давлат аттестацияси комиссиясида иштирок этган ҳар бир аъзога берилади. Якуний давлат аттестацияси комиссияси таркибини олдиндан аниқлаш имконияти бўлмаган тақдирда, комиссия аъзоларига комиссия ўз ишини тугатгандан сўнг, соатбай ҳақ тўланади. Соатбай иш тури профессор-ўқитувчининг йиллик шахсий иш режасига киритилмайди. |
| 12 | Магистратура талабаларининг илмий педагогик фаолияти ва амалиётига раҳбарлик қилиш | бир ўқув йилига битта талаба учун — 50 соат. | Профессор ёки фан доктори 5 нафаргача, доцент, фан номзоди ва мутахассис 3 нафаргача талабанинг илмий педагогик фаолияти ва амалиётига раҳбарликни амалга ошириши мумкин. Талабанинг илмий педагогик фаолиятига раҳбарлик қилганлик талабанинг календарь иш режасидаги топшириқларни бажариши билан аниқланади. |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | | Амалиётга раҳбарлик қилганлик олий таълим муассасасининг амалиёт ўташ бўйича буйруғи, талабанинг амалиёт кундалиги ва амалиёт учун баҳо қўйилган тегишли қайдномалар асосида аниқланади. |
| 13 | Магистратура талабасининг магистрлик диссертацияси ва стажировкасига илмий раҳбарлик (илмий маслаҳатчилик) қилиш | бир ўқув йилига битта талаба учун — 50 соат | Профессор ёки фан доктори 5 нафаргача, доцент, фан номзоди ва мутахассис 3 нафаргача талабанинг магистрлик диссертацияси ва стажировкасига (илмий маслаҳатчилик) раҳбарликни амалга ошириши мумкин.<br>Мазкур иш турининг бажарилганлиги олий таълим муассасаси буйруғи, талабанинг календарь иш режаси ва магистрлик диссертациясининг ҳимояга тақдим этилгани асосида аниқланади. |
| 14 | Бакалавриат таълим йўналишлари бўйича қасбий (ижодий) имтиҳонларни, шунингдек магистратура мутахассисликлари қабули жараёнида кириш синовларини ўтказиш комиссиясида иштирок этиш | ёзма иш шаклида ўтказилганда бир поток (абитуриентлар гуруҳи) учун — 3 соат;<br>оғзаки шаклда ўтказилганда, битта абитуриент учун — 0,1 соат;<br>тест шаклида ўтказилганда, бир поток (абитуриентлар гуруҳи) учун — 1 соат;<br>ҳар бир ёзма иш (ижодий иш)ни текшириш учун — 0,1 соат.<br>Профессор-ўқитувчига | Бир поток (абитуриентлар гуруҳи)да ёзма ишни ўтказиш жараёнида иштирок этган ҳар бир профессор-ўқитувчига 3 соатдан берилади.<br>Ёзма иш шаклида ўтказилган имтиҳон ва синовларнинг жами соати ёзма ишни текширишда иштирок этган комиссия аъзолари сонига тенг бўлинади ҳамда улар ўртасида тенг тақсимланади.<br>Огзаки (тест) шаклида ўтказилган имтиҳон ва синовларнинг жами соати унда иштирок этган комиссиянинг ҳар бир аъзосига берилади.<br>Қабул имтиҳонлари ва синовларида иштирок этганлик олий таълим муассасасининг тегишли буйруғи ва тегишли қайдномалар асосида аниқланади. |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | бериладиган бир кунлик ўқув ишлари юкламаси ҳажми 8 соатдан ошмаслиги лозим. | Комиссия аъзолари таркибини олдиндан аниқлаш имконияти бўлмаган тақдирда, комиссия аъзоларига комиссия ўз ишини тугатгандан сўнг, соатбай ҳақ тўланади.<br>Соатбай иш тури профессор-ўқитувчининг йиллик шахсий иш режасига киритилмайди. |
| 15 | Олий таълим муассасасидаги катта илмий ходим-изланувчи ва мустақил изланувчига илмий маслаҳатчилик қилиш | битта катта илмий ходим-изланувчи учун бир ўқув йилида — 100 соат;<br>битта мустақил изланувчи учун бир ўқув йилида — 50 соат. | Фан доктори, профессор ўзи ишлаётган олий таълим муассасасида 3 тагача катта илмий ходим-изланувчи ва мустақил изланувчига илмий маслаҳатчилик қилиши мумкин.<br>Илмий маслаҳатчи бўлганлик олий таълим муассасасининг тегишли буйруғи, катта илмий ходим-изланувчи ва мустақил изланувчининг якка тартибдаги иш режаси бажарилиши асосида аниқланади. |
| 16 | Очиқ лекциялар ва мастер-классларни ўтказишга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш | Бир академик соат очиқ лекция ва мастер-класс учун — 5 соат.<br>Очиқ лекция учун бир ўқув йилида кўпи билан 30 соат.<br>Мастер-класс: Олий таълим муассасаси миқёсида ўтказилганда, бир ўқув йилида кўпи билан 30 соат; республика миқёсида ўтказилганда, бир ўқув йилида кўпи | Ўтказилган очиқ лекция ва мастер-класслар тегишли режалар ва уларнинг ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида аниқланади. |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | билан 40 соат;<br>халқаро миқёсда ўтказилганда, бир ўқув йилида кўпи билан 60 соат. | |
| **II. Илмий-методик ишлар** | | | |
| 17 | Ўқув (маъруза, амалий, семинар, лаборатория, якка тартибда) машғулотлари ўтказишга тайёргарлик кўриш | ўқув режаси бўйича олдиндан ўқиб келинаётган фан учун — аудитория соати ҳажмининг (фан такрорисиз) 20 % гача;<br>ўқув режасига янги киритилган фан учун ёки профессор-ўқитувчи томонидан биринчи марта ўтилаётган фан учун — 30% гача.<br>Бунда янги киритилган фан деганда, кадрлар истеъмолчиларининг тавсияси билан қўшимча фан ёки танлов фанлари блокига киритилган фан ёхуд ўқув режаси ўзгариши билан жорий этилган фан тушунилади. | Гуруҳ журналидаги қайдлар асосида аниқланади. |
| 18 | Янги маъруза матнлари, машқ (масалалар) тўплами, лаборатория, ижодий ишлари бўйича ус- | ҳар бир босма табоқ учун — 30 соат | Олий таълим муассасаси (факультет) ўқув-услубий (илмий) кенгаши қарори билан нашр этишга тавсия этилган ишланмалар асосида аниқланади. |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | лубий қўлланма-ларни ишлаб чиқиш, ёзиш ва нашр этиш | | |
| 19 | Тарқатма ўқув материаллари, электрон ўқув дастурлар ва видео машғулотлар (фан доирасида), шунингдек тегишли компьютер дастурларидан фойдаланган ҳолда тақдимот слайдлари, ўқитиш дастурларини тайёрлаш (яратиш) | Бир мавзу доирасида: тарқатма ўқув материаллари тайёрлаш учун — 0,3 соат; электрон ўқув дастурлар яратиш учун — 10 соат; видео машғулот-лар тайёрлаш учун — 2 соат. Бир фан доирасида барча мавзуларни қамраб олган ҳолда тайёр-ланган материал-лар (дастурлар) учун бир семестрга — кўпи билан 50 соат. | Олий таълим муассасасида жорий ўқув йилида қўлланилган материаллар (дастурлар) асосида аниқланади. |
| 20 | Дарслик, ўқув қўлланмалар ёзиш ва нашр этишга тайёрлаш | дарсликка ҳар бир босма табоқ учун — 50 соат, нофилология йўналишлари учун инглиз тилида ёзилган дарсликка ҳар бир босма табоқ учун — 60 соат; ўқув қўлланмага ҳар бир босма табоқ учун — 30 соат, нофилология йўналишлари учун инглиз тилида ёзилган ўқув | Дарслик ва ўқув қўлланма ҳаммуаллифликда ёзилганда, жами соатлар ҳаммуаллифлар улушига асосан тақсимланади. Олий таълим муассасаси (факультет) Ўқув-услубий (илмий) кенгаши қарори билан нашр этишга тавсия этилган дарслик ва ўқув қўлланма асосида аниқланади. |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | қўлланмага ҳар бир босма табоқ учун — 40 соат. | |
| 21 | Дарслик, ўқув қўлланмаларни тўлдирган ва ўзгартирган ҳолда қайта нашр этиш | дарсликка ҳар бир босма табоқ учун — 20 соат; ўқув қўлланмага ҳар бир босма табоқ учун — 10 соат. | Дарслик ва ўқув қўлланма ҳаммуаллифликда нашр этилганда, жами соатлар ҳаммуаллифлар улушига асосан тақсимланади.<br>Олий таълим муассасаси (факультет) Ўқув-услубий (илмий) кенгаши қарори билан нашр этишга тавсия этилган дарслик ва ўқув қўлланма асосида аниқланади. |
| 22 | Услубий қўлланма (кўрсатма, рисола)лар тайёрлаш ва нашр этиш | магистрлик диссертацияси ёки битирув малакавий иши бўйича услубий қўлланма (кўрсатма, рисола) тайёрлашга — 50 соат;<br>курс лойиҳаси ва курс иши бўйича услубий қўлланма (кўрсатма, рисола) тайёрлашга — 40 соат;<br>ҳисоб график иши ва мустақил иш (таълим) бўйича услубий қўлланма (кўрсатма, рисола) тайёрлашга — 20 соат;<br>лаборатория иши бўйича услубий қўлланма (кўрсатма, рисола) тайёрлаш учун ҳар бирига — 5 соатдан. | Услубий қўлланма (кўрсатма, рисола) ҳаммуаллифликда тайёрланганда, жами соатлар ҳаммуаллифлар улушига асосан тақсимланади.<br>Олий таълим муассасаси (факультет) Ўқув-услубий (илмий) кенгаши қарори билан нашр этишга тавсия этилган услубий қўлланма (кўрсатма, рисола) асосида аниқланади. |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 23 | Фаннинг ўқув-услубий мажмуасини ишлаб чиқиш ва фаннинг электрон модуль папкасини яратиш | фаннинг битта ўқув-услубий мажмуаси учун — 30 соат; фаннинг битта электрон модуль папкаси учун — 40 соат; нофилология йўналишлари учун инглиз тилида яратилган фаннинг ўқув-услубий мажмуаси (электрон модуль папкаси) учун ҳар бирига — 50 соатдан. | Фаннинг ўқув-услубий мажмуаси ва электрон модуль папкаси ҳаммуаллифликда ишлаб чиқилганда (яратилганда), жами соатлар ҳаммуаллифлар улушига асосан тақсимланади.<br>Қонун ҳужжатларига мувофиқ ўқув жараёни модуль тизимига асосланган олий таълим муассасалари учун фаннинг электрон модуль папкаси бўйича кафедра хулосаси олиниши керак.<br>Ўқув жараёнида қўлланилган ишлар асосида аниқланади. |
| 24 | Фаннинг ўқув-услубий мажмуасини қайта ишлаб чиқиш (электрон модуль папкасини янгилаш) | фаннинг битта ўқув-услубий мажмуаси учун — 5 соат; фаннинг битта электрон модуль папкаси учун — 10 соат; нофилология йўналишлари учун инглиз тилида яратилган фаннинг ўқув-услубий мажмуаси (электрон модуль папкаси) учун ҳар бирига — 15 соатдан. | Фаннинг ўқув-услубий мажмуаси ва электрон модуль папкаси ҳаммуаллифликда қайта ишлаб чиқилганда (яратилганда), жами соатлар ҳаммуаллифлар улушига асосан тақсимланади.<br>Ўкув жараёнида қўлланилган ишлар асосида аникланади.<br>Қонун ҳужжатларига мувофиқ ўқув жараёни модуль тизимига асосланган олий таълим муассасалари учун фаннинг электрон модуль папкаси бўйича кафедра хулосаси олиниши керак. |
| 25 | Мавжуд лаборатория ишини янгилаш | бир лаборатория иши учун — 10 соат | Жами соатлар ҳаммуаллифлар улушига асосан тақсимланади.<br>Кафедра йиғилиши баённомаси ва лаборатория иши бўйича жорий ўқув йилида тайёрланган янги услубий кўрсатмалар асосида аниқланади. |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 26 | Янги лаборатория ишини тайёрлаш ва жорий этиш, шунингдек виртуал лаборатория ишини тайёрлаш ва жорий этиш. | бир янги лаборатория иши учун — 30 соат | Тайёрланган ва жорий этилган янги лаборатория иши бўйича жами соатлар ҳаммуаллифлар улушига асосан тақсимланади. Кафедра йиғилиши баённомаси ва лаборатория иши бўйича жорий ўқув йилида тайёрланган янги услубий кўрсатмалар асосида аниқланади. |
| 27 | Бакалавриат таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги) бўйича малака талаби, намунавий ўқув режа, янги фан учун намунавий ўқув дастурларини ишлаб чиқиш | битта малака талаби ва намунавий ўқув режа учун — 20 соат; битта янги фанга намунавий ўқув дастури учун — 10 соат. | Жами соатлар ҳаммуаллифлар улушига асосан тақсимланади. Жорий ўқув йили учун тасдиқланган малака талаби, намунавий ўқув режа ва дастурлар асосида аниқланади. |
| 28 | Ишчи ўқув режа, фан бўйича ишчи ўқув дастурини ишлаб чиқиш | битта ишчи ўқув режа учун — 10 соат; битта ишчи ўқув дастури учун — 5 соат. | Турли тилларда ишлаб чиқилган ишчи ўқув дастурига ҳар бир тил бўйича алоҳида соат ажратилади. Жами соатлар ҳаммуаллифлар улушига асосан тақсимланади. Кафедра йиғилиши баённомаси ва кафедрада мавжуд бўлган, жорий ўқув йилида тайёрланган ишчи ўқув режа ва дастурлар асосида аниқланади. |
| 29 | Электрон дарсликлар яратишда иштирок этиш | битта электрон дарслик яратиш учун — 100 соат. | Жами соатлар ҳаммуаллифлар улушига асосан тақсимланади. Электрон дарсликларнинг мавжудлиги, жорий ўқув йилида яратилганлиги кафедра баённомаси ҳамда кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан фойдаланаётганлиги асосида аниқланади. |
| 30 | Талабаларнинг илмий-тадқиқот | битта талабага раҳбарлик | Иш турларининг бажарилиши талабанинг илмий-тадқикот ва |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | ва илмий-ижодий ишларига раҳбарлик қилиш | қилганлик учун — 20 соат | илмий-ижодий ишлари (маъруза, мақола, тезис, шеърий тўплам ва бошқалар) нашр этганлиги асосида аниқланади. |
| 31 | Дарслик, ўқув қўлланмалар ва бошқа материалларни таржима қилиш | дарсликнинг ҳар бир босма табоғи учун — 30 соат; ўқув қўлланма ва бошқа материалнинг ҳар бир босма табоғи учун — 15 соат. | Жами соатлар ҳаммуаллифлар улушига асосан тақсимланади. Олий таълим муассасасининг тегишли буйруғи, Ўқув-услубий (илмий) кенгаш қарори билан жорий ўқув йилида тайёрланган таржима материаллари асосида аниқланади. |
| 32 | Ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари учун ўқув-услубий материаллар яратишда иштирок этиш | ҳар бир босма табоқ учун — 30 соат | Жами соатлар ҳаммуаллифлар улушига асосан тақсимланади. Жорий ўқув йилида тайёрланган ўқув-услубий материаллар ва бошқа ҳужжатлар асосида аниқланади. |
| 33 | Фанлар бўйича назорат саволлари (тест, масалалар ва бошқа), оралиқ ва якуний назоратлар учун топшириқларни ишлаб чиқиш | ҳар бир тест топшириғи учун — 0,2 соат, фан доирасида тузилган камида 100 та саволдан иборат тест саволлари тўплами учун кўпи билан — 20 соат | Ишлаб чиқилган ҳамда кафедра баённомаси билан жорий этилган топшириқлар тўплами асосида аниқланади. |
| 34 | Талабалар билимини аниқлаш бўйича назорат турлари (оралиқ ва якуний назорат) учун мантиқий савол-лар, муаммоли масалалар (казуслар), иш юритиш ҳужжатларини мустақил тузишга қаратилган | ёзма шаклдаги оралиқ назоратга 1 та мантиқий савол, иш юритиш ҳужжатларини мустақил тузишга қаратилган вазифалар учун — 0,5 соат, 1 та казус учун — 2 соат; ёзма шаклдаги якуний назоратга 1 та мантиқий савол, иш юритиш | Мазкур иш турининг амалга оширилганлиги кафедра баённомаси ва нашр этилган тўплам (мажмуалар) ҳамда бошқалар асосида аниқланади. |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | вазифалар ишлаб чиқиш | ҳужжатларини мустақил тузишга қаратилган вазифалар учун — 0,5 соат, 1 та казус учун — 2 соат. | |
| 35 | Қонун ҳужжатларига мувофиқ ўқув жараёни модуль тизимига асосланган олий таълим муассасалари учун талабалар билимини аниқлаш бўйича тузилган мантиқий саволлар, муаммоли масалалар (казуслар), иш юритиш ҳужжатларини мустақил тузишга қаратилган вазифаларни ва тестларни экспертизадан ўтказиш | бир фан доирасидаги талабалар билимини аниқлаш бўйича топшириқлар (тест, казус, мантиқий саволлар ва бошқалар)га тақриз (хулоса) ёзганлик учун — 5 соат | Ёзилган тақризлар (хулосалар) ва кафедра баённомаси асосида аниқланади. |
| 36 | Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқиш | 2 ойлик қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқиганлик учун — 288 соат | Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқиганлигини тасдиқловчи ҳужжат асосида аниқланади. |
| | **III. Илмий-тадқиқот ишлари** | | |
| 37 | Илмий мақола, тезис тайёрлаш ва нашр этиш, ихтиро (патент), дастурий воситалар яратиш | олий таълим муассасаси миқёсидаги ҳар бир илмий мақола учун — 10 соат, тезис учун — 5 соат; республика миқёсидаги ҳар бир илмий мақола | Жами соатлар ҳаммуаллифлар улушига асосан тақсимланади. Жорий ўқув йилида тайёрланган ва нашр этилган ишлар асосида аниқланади. Даврий тўпламларда нашр этилган илмий мақолалар республика миқёсидаги мақолаларга тенглаштирилади. Докторлик диссертацияси |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | учун — 30 соат, тезис учун — 20 соат; халқаро миқёсдаги ҳар бир илмий мақола учун — 60 соат, тезис учун — 30 соат. Ҳар бир патент учун — 70 соат. Ҳар бир дастурий восита учун — 30 соат. | мавзуси доирасида тайёрланган (яратилган) илмий мақола, тезис, ихтиро (патент), дастурий воситалар мазкур иш турига киритилмайди. |
| 38 | Монография ва рисола нашр этиш, ахборот таҳлилий материаллар тайёрлаш, ижодий ишлар яратиш | ҳар бир босма табоқ учун — 30 соат; битта ижодий иш яратганлик учун — 30 соат. | Жами соатлар ҳаммуаллифлар улушига асосан тақсимланади. Жорий ўқув йилида нашр этилган (тайёрланган) ишлар асосида аниқланади. Докторлик диссертацияси мавзуси доирасида тайёрланган ва давлат илмий-техник дастурларига мувофиқ бажарилаётган тадқиқот лойиҳалари бўйича нашр этилган ишлар мазкур иш турига киритилмайди. |
| 39 | Шахсий (тематик) ижодий асарлар каталогини нашр этиш, янги лойиҳалар яратиш | ҳар бир шахсий (тематик) ижодий асарлар каталоги (янги лойиҳалари) учун: олий таълим муассасаси миқёсида бўлса — 20 соат; республика миқёсида бўлса — 50 соат; халқаро миқёсда бўлса — 70 соат. | Жами соатлар ҳаммуаллифлар улушига асосан тақсимланади. Жорий ўқув йилида нашр этилган (яратилган) ишлар асосида аниқланади. |
| 40 | Дарслик, монография, рисола ва ўқув | бир босма табоқ учун — 10 соат | Дарслик, монография ва ўқув қўлланмаларнинг жорий ўқув йилида тегишли кенгашда |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | қўлланмаларига илмий муҳаррирлик қилиш | | муҳокама қилинганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар асосида аниқланади. |
| 41 | Ижодий асарлар, лойиҳалар ва кўргазмаларни таҳрир қилиш | ҳар бир ижодий асар, лойиҳа ва кўргазмани таҳрир қилганлик учун — 10 соат | Жорий ўқув йилида тегишли кенгашда муҳокама қилинганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар асосида аниқланади. |
| 42 | Дарслик, ўқув қўлланма, монография, рисола, илмий мақола, диссертация, автореферат ва бошқа ишларга тақриз ёзиш | битта тақриз учун — 10 соат | Жорий ўқув йилида тегишли кенгашда муҳокама қилинганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар ва ёзилган тақризлар асосида аниқланади. |
| 43 | Фан доктори илмий даражасини олиш учун диссертация тайёрлаш ва ҳимоя қилиш | бир ўқув йили учун — 250 соат | Мустақил тадқиқотчи сифатида расмийлаштирилган диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг «ОАК Бюллетени» журналида эълон қилинган бўлиши керак.<br>Якка тартибдаги иш режанинг бажарилиши билан аникланади. |
| 44 | Илмий журналлар таҳририятига аъзо бўлиш | ўқув йили учун — 25 соат | Нашр этилган илмий журналлар ва бошқа ҳужжатлар асосида аниқланади. |
| 45 | Олий таълим муассасаси кенгаши томонидан тасдиқланган мавзу бўйича илмий-тадқиқот ишларини бажариш | ўқув йили учун — 50 соат | Ўқув йили давомида мавзу бўйича амалга оширилган тегишли илмий-тадқиқот ишлари асосида аниқланади.<br>Хўжалик шартномалари доирасида тайёрланган ва давлат илмий-техник дастурларига мувофиқ бажарилаётган тадқиқот лойиҳалари бўйича бажарилган ишлар мазкур иш турига киритилмайди. |

| | | | |
|---|---|---|---|
| **IV. Ташкилий-методик ишлар** | | | |
| 46 | Олий таълим муассасаларига кириш учун ёшлар ўртасида касбга йўналтириш ишларини олиб бориш | бир ўқув йили учун — 20 соат | Олий таълим муассасаси (факультет) кенгаши томонидан тасдиқлаган (режага киритилган) ишлар натижаси бўйича ҳисоботлар асосида аниқланади. |
| 47 | Битирувчиларнинг бандлиги мониторингини ўтказишда иштирок этиш | бир ўқув йили учун — 40 соат | Олий таълим муассасаси раҳбариятининг тегишли топшириғи асосида аниқланади. |
| 48 | Ўзаро дарсларга назоратли кириш | битта ўзаро дарсга назоратли кирганлик учун — 3 соат | Бир ўқув йили давомида кафедра мудири ҳамда профессор (фан доктори) 40 соатгача, доцент (фан номзоди) 20 соатгача бошқа профессор-ўқитувчининг дарсларига кириши керак.<br>Кафедраларнинг тегишли йиғилиш баённомалари асосида аниқланади. |
| 49 | Қабул комиссияси ишида иштирок этиш | ўқув йили учун — 100 соат | Олий таълим муассасасининг тегишли буйруғи асосида аниқланади. |
| 50 | Факультет кенгаши, услубий кенгаш котиби бўлиш | факультет ва услубий кенгаш котибига — 30 соат | Олий таълим муассасасининг факультет кенгаши, услубий кенгаш таркибини тасдиқлаш ҳақидаги ҳужжатлари асосида аниқланади. |
| 51 | Кўргазмаларда ижодий ишлар билан иштирок этиш | шаҳар (вилоят) микёсидаги кўргазмаларда иштирок этганлик учун — 10 соат;<br>республика микёсидаги кўргазмаларда иштирок этганлик учун — 15 соат; | Иштирок этилган тадбирлар натижаси бўйича кафедрага тақдим этилган ҳисобот асосида аниқланади. |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | халқаро миқёсдаги кўргазмаларда иштирок этганлик учун — 20 соат. | |
| 52 | Конференция, семинарлар, шу жумладан илмий семинарлар ташкил этиш | олий таълим муассасаси миқёсида ташкил этганлик учун — 15 соат; республика миқёсида ташкил этганлик учун — 30 соат; халқаро миқёсда ташкил этганлик учун — 50 соат. | Конференция ва семинарларни (илмий семинарларни) ташкил этишни ва уларнинг ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида аниқланади. Жами соатлар ушбу тадбирларни амалга ошириш учун масъул бўлган профессор-ўқитувчилар ўртасида тенг тақсимланади. |
| 53 | Кафедра фаолиятидаги ҳужжатларни юритиш, йиғилишлар ўтказиш, уларни расмийлаштири, топшириқлар ижросини таъминлаш ва назорат қилиш | кафедра мудирига бир ўқув йили учун — 100 соат | Ўқув йили якунлари бўйича кафедранинг ҳисоботи, шунингдек, кафедра йиғилишлари баённомаси ва бошқа тегишли ҳужжатлар асосида аниқланади. |
| 54 | Тошкент давлат юридик университетида талабалар билимини баҳолаш учун ўтказиладиган якуний назорат имтиҳонларида назоратчи сифатида иштирок этиш | битта фан бўйича аудитория раҳбари ёки кузатувчиси сифатида иштирок этганлик учун — 2 соат | Олий таълим муассасасининг тегишли буйруғи асосида аниқланади. Бунда битта академ гуруҳ учун 2 та назоратчи (1 та аудитория раҳбари ва 1 та кузатувчиси) белгиланади. |
| 55 | Тошкент давлат юридик университетида курсга раҳбарлик қилиш | бир ўқув йили учун — 100 соат | Олий таълим муассасасининг тегишли буйруғи асосида аниқланади. |

| | | | |
|---|---|---|---|
| **V. Маънавий-ахлоқий ва тарбиявий ишлар** | | | |
| 56 | Талабалар билан уларнинг ўқишдан бўш вақтларида тарбиявий ишлар олиб бориш | Ўқув йили учун кўпи билан — 30 соат | Олий таълим муассасасининг Маънавият ва маърифат бўлими томонидан ишлаб чиқилган режа ва бажарилган ишлар бўйича тақдим этилган ҳисобот асосида аниқланади. |
| 57 | Академ гуруҳ мураббийси вазифасини бажариш | Ўқув йили учун — 100 соат | Олий таълим муассасаси буйруғи ва бажарилган ишлар бўйича олий таълим муассасасининг Маънавият ва маърифат бўлимига тақдим этилган ҳисобот асосида аниқланади. |
| 58 | Талабаларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендияларига, номли давлат стипендияларига, халқаро ва республика олимпиадалари, танловлари, мусобақаларига тайёрлаш | тайёрланган ҳар бир талаба учун — 40 соат | Бир профессор-ўқитувчига кўпи билан 2 нафар талаба бириктирилади.<br>Мазкур иш турининг бажарилиши жорий ўқув йилида талабанинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендиялари, номли давлат стипендиялари, халқаро ва республика олимпиадалари, танловлари, мусобақалари иштирокчиси бўлганлиги ҳамда унга профессор-ўқитувчининг бириктирилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида аниқланади. |
| 59 | Спорт, маданий-маърифий ва ижодий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш | ҳар бир тадбир учун 10 соат | Олий таълим муассасасининг Маънавият ва маърифат бўлими томонидан ишлаб чиқилган режа ва бажарилган ишлар бўйича тақдим этилган ҳисобот асосида аниқланади. |
| 60 | Талабалар турар жойи, факультет ёки олий таълим муассасаси биносида навбатчилик қилиш | ҳар бир навбатчилик учун — 8 соат, ўқув йили учун кўпи билан — 60 соат | Навбатчилик бўйича тасдиқланган режалар ва тегишли журналлардаги қайдлар асосида аниқланади. |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 61 | Талабаларнинг ижодий ишлари кўргазмаларида уларнинг ишланмалари ва иштирокига раҳбарлик қилиш | ўқув йили учун 30 соат | Талабаларнинг ижодий ишлари кўргазмаларида профессор-ўқитувчининг иштирокини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида аниқланади |
| 62 | Талабалар (ўқувчилар) тўгаракларига раҳбарлик қилиш | ҳар бир машғулот учун — 2 соат, бир ўқув йили учун кўпи билан — 80 соат | Тўгаракларга раҳбарлик қилганликни тасдиқловчи ҳужжатлар асосида аниқланади. |
| 63 | Ташкилотларда маърузалар қилиш, оммавий ахборот воситаларида чиқишлар қилиш, шу жумладан ҳуқуқий тарғибот ишларини амалга ошириш | ҳар бир чиқиш (маъруза) учун — 5 соат, ўқув йили учун кўпи билан — 50 соат | Олий таълим муассасасининг Маънавият ва маърифат бўлимига топширилган чиқишлар (маърузалар) қилинганлиги, шу жумладан ҳуқуқий тарғибот ишлари амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (маълумотлар, видео тасвирлар ва бошқалар) асосида аниқланади. |

### 6.5.“Якуний давлат аттестацияси тўғрисида”ги Низом.

Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисидаги Низом Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2009 йил 22 майдаги №160-сонли буйруғи билан тасдиқланган.

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги қонунлари ва Олий таълимнинг Давлат таълим стандартига мувофиқ олий таълим муассасалари битирувчиларининг якуний давлат аттестациясини ўтказиш тартибини белгилайди.

Олий таълим муассасалари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари ўқув жараёни жадвалига мувофиқ ўтказилади.

Якуний давлат аттестацияси олий таълим муассасасидаги ҳар бир таълим йўналиши (мутахассислиги) бўйича ташкил этиладиган якуний давлат аттестация комиссиялари томонидан амалга оширилади.

Якуний давлат аттестация комиссияларининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

-битирувчининг билим, малака ва кўникма даражасининг давлат таълим стандартлари талабларига мувофиқ келишини комплекс баҳолаш;

-якуний давлат аттестацияси натижалари бўйича битирувчиларга бакалавр (магистр) академик даражасини бериш масаласини ҳал қилиш;

-комиссия фаолияти натижаларини таҳлил қилиш ва улар асосида олий маълумотли кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

Якуний давлат аттестация комиссиялари ўз фаолиятларини мазкур Низом, олий таълимнинг меъёрий ҳужжатлари ҳамда бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича битирувчиларнинг тайёргарлик даражаси ва таълим мазмунига қўйилган Давлат таълим стандартлари талабларини бажаришга йўналтирилган бошқа ҳужжатларга таянган ҳолда олиб борадилар.

Якуний давлат аттестацияси қуйидаги кўринишдаги бир ёки бир неча аттестация синовларидан иборат:

- айрим фан бўйича якуний аттестация синови;
- таълим йўналиши (мутахассислиги) бўйича фанлараро якуний аттестация синови;
- битирув малакавий иш (магистрлик диссертацияси) ҳимояси.

Якуний давлат аттестацияси комиссиялари таркиби мутахассис тайёрловчи олий таълим муассасасининг илмий-педагогик кадрлари, шунингдек мазкур соҳа кадрларининг истеъмолчилари бўлган корхона, ташкилот ва муассасаларнинг юқори малакали мутахассислари, турдош олий таълим муассасаларининг етакчи профессор-ўқитувчи ва илмий ходимлари, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси тизимидаги мувофиқ соҳалар олимларидан иборат бўлади.

Якуний давлат аттестацияси комиссиялари таркиби камида 5 нафар профессор-ўқитувчи ва мутахассислардан шакллантирилади. Якуний давлат аттестациясида васийлик кенгаши, фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органлари ва ота-оналар вакиллари жамоатчилик асосида кузатувчи сифатида қатнашиши мумкин.

Якуний давлат аттестацияси жараёнида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази вакиллари иштирок этишлари мумкин.

Якуний давлат аттестацияси синовлари бошланишидан олдин якуний давлат аттестация комиссияси раислари билан олий таълим муассасаси ректори шахсан якуний давлат аттестацияси комиссияларининг тайёргарлик даражаси, комиссия раислари ва аъзоларининг вазифалари, битирувчиларга қўйилаётган талаблар, тартиб-интизом тўғрисида семинар - кенгаш ўтказади.

Якуний давлат аттестацияси синовлари ёзма ёки оғзаки усулда ташкил этилади ва ушбу тартиб олий таълим муассасаси Илмий кенгаши қарори асосида таълим муассасаси ректори томонидан белгиланади ҳамда якуний давлат аттестацияси бошланишидан олти ой илгари талабалар эътиборига етказилади. Талабалар дастурлар билан таъминланадилар, уларга тайёргарлик кўриш ва маслаҳатлар бериш учун зарур шароитлар яратилади.

Таълим йўналиши (мутахассислиги) бўйича фанлараро якуний аттестация синовларига ва битирув малакавий иш (магистрлик диссертацияси) ҳимоясига тегишли таълим дастурларини тўлиқ тугатган ва ўқув режасида назарда тутилган барча синовлардан муваффақиятли ўтган талабалар қўйилади.

Якуний давлат аттестация комиссияси битирувчиларнинг якуний давлат аттестацияси синовлари натижалари асосида уларга таълим йўналиши (мутахассислиги) бўйича бакалавр (магистр) даражаси бериш ҳақида қарор қабул қилади.

Якуний давлат аттестация комиссияларининг қарорлари очиқ овоз бериш йўли билан, мажлисда иштирок этувчиларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган ҳолда, раиснинг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Олий таълим муассасаси битирувчиси якуний давлат аттестацияси таркибига киритилган аттестация синовларининг барча турларидан муваффақиятли ўтгандан сўнг унга мувофиқ даража ва олий маълумот тўғрисидаги диплом берилади.

Ўқув дастурларини ўзлаштиришда катта ютуқларга эришган ва ўқув режасидаги барча фанларнинг камида 3/4 қисми бўйича 86 балл ва ундан юқори ўзлаштириш кўрсаткичларига эришган, (бошқа фанлар бўйича ўзлаштириш кўрсаткичи 71 баллдан кам бўлмаган), шунингдек, якуний давлат аттестацияси синовларининг ҳар бири бўйича камида 86 балл ўзлаштириш кўрсаткичларига эга бўлган бакалавриат битирувчисига “имтиёзли” диплом берилади.

Якуний давлат аттестацияси синовларидан (ёки аттестация синовлари турларидан бири бўйича) ўта олмаган талаба уч йил ичида

якуний давлат аттестациясига (ўтолмаган аттестация синовларининг ҳар бир тури бўйича бир марта) қайтадан киритилади.

Муддатли ҳарбий хизматда бўлиш ва 3 ёшга тўлмаган бола парвариши бўйича таътил, кўрсатилган 3 йиллик муддатга кирмайди.

Якуний давлат аттестацияси синовидан иккинчи марта ҳам ўта олмаган талабалар масаласи уларнинг аризасига мувофиқ Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан кўриб чикилади.

### 6.6. "Олий таълим муассасаларида мустақил таълимни ташкил этиш тартиби тўғрисида"ги Низом.

Ўзбекистон Республикаси таълим тизимида таълим ва тарбиянинг узвий равишда олиб борилиши нафақат мамлакатнинг интеллектуал жиҳатдан юксалишига, шунингдек, маънавий баркамол бўлишини ҳам таъминлайди. Шу маънода мухтарам Президентимиз И.А.Каримов бу масалага эътибор бериб қуйидагиларни таъкидлайди: "Шуни унутмаслик керакки, келажагимиз пойдевори билим даргоҳларида яратилади, бошқача айтганда, халқимизнинг эртанги куни қандай бўлиши фарзандларимизнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишига боғлиқ".[6]

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг асосий талабларидан бири замон талабларига жавоб бера оладиган, ҳар томонлама етук, рақобатбардош, қўйилган муаммони мустақил ҳал қилиш лаёқатига эга, ўз устида ижодий ишлаб борадиган мутахассислар тайёрлашдир. Бу хусусиятларга эга бўлган кадрларни тайёрлашда мустақил таълим алоҳида ўрин тутади, чунки ахборот ва билимлар доираси жадал суръатлар билан ривожланиб бораётган ҳозирги кунда ҳамма маълумотларни фақат дарс машғулотларида бериб бўлмайди. Қўйилган муаммо ва вазифалар бўйича маълум ечимга келиш ҳамда унинг оптимал вариантини танлаш учун керакли бўлган мустақил фикрлаш кўникмаси мустақил ижодий ишлаш жараёнида шаклланади ва мустаҳкамланиб боради.

Юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг муҳим омилларидан бири - бу таълим сифати ва самарадорлигини оширишдир. Таълим сифати ва самарадорлигини оширишда ўқитишнинг замонавий усуллари, шакл ва воситалари, ўйин технологиялари, муаммоли ўқитиш, хусусан, мустақил таълимнинг ноанъанавий методлари ҳам муҳим ўрин эгаллайди.

Замонавий таълим жараёни бу талабаларга фақат билим бериш, уларда фикрлаш қобилиятини ривожлантириш, олинган билимлардан

[6] Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. -Тошкент., Маънавият., 2008. -Б. 61.

фойдаланиш бўйича ўқув кўникмаларини шакллантиришдан иборат бўлмай, балки уларга мустақил билимларни қидириб топиш, ўзлаштириш шакллари, усуллари, воситаларини ўргатишдан иборат. Талабаларда мустақил билимларни тўлдириб бориш, маълумотлар оқими ичидан кераклигини ажратиб олиш ва маълумотларни қайта ишлаш, тахлил қилиш қобилиятларини шакллантириш, сифатли кадрлар тайёрлаш жараёнининг асосий йўналишларидан бири хисобланади.

Ҳозирги вақтда олий таълим муассасаларида талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2005 йил 21 февралдаги №34-сонли буйруғи билан тасдиқланган "Талабаларнинг мустақил ишини ташкил этиш, назорат қилиш ва баҳолаш тартиби тўғрисида"ги намунавий Низом асосида амалга оширилмоқда.

Талабанинг мустақил иши ўқув режада муайян фанни ўзлаштириш учун белгиланган ўқув соатининг ажралмас қисми бўлиб у услубий ахборот ресурслари билан таъминланади.

Талабанинг мустақил иши рейтинг тизими талаблари асосида назорат қилинади.

Талабаларнинг ҳафталик мустақил ишларининг умумий ҳажми бакалавриат йўналишида - 22 соатни, магистратура мутахасисликларида 18-соатни ташкил этади.

Олий таълим муассасаларида мустақил таълим ҳар бир фаннинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, реферат, уй вазифаси, презентация, курс иши ва шу каби бошқа шаклларда амалга оширилиши мумкин.

**Мустақил таълимни турларига қуйидагилар киради:**

- айрим мавзуларни ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш;
- берилган мавзу бўйича реферат тайёрлаш;
- амалий машғулотлар ва семинарларга тайёргарлик кўриш;
- лаборатория ишларини бажаришга тайёргарлик кўриш;
- курс ишларини бажариш;
- назарий билимларни амалиётда қўллаш;
- мавзу ёки маълум бир боб бўйича тахлилий маълумотлар асосида хулосалар қилиш ва илмий мақола тайёрлаш;
- анжуманларда маърузалар билан қатнашиш;
- битирув малакавий ишини тайёрлаш;
- магистрлик диссертациясини тайёрлаш;

Якуний давлат аттестацияси синовлари бошланишидан олдин якуний давлат аттестация комиссияси раислари билан олий таълим муассасаси ректори шахсан якуний давлат аттестацияси комиссияларининг тайёргарлик даражаси, комиссия раислари ва аъзоларининг вазифалари, битирувчиларга қўйилаётган талаблар, тартиб-интизом тўғрисида семинар - кенгаш ўтказади.

Якуний давлат аттестацияси синовлари ёзма ёки оғзаки усулда ташкил этилади ва ушбу тартиб олий таълим муассасаси Илмий кенгаши қарори асосида таълим муассасаси ректори томонидан белгиланади ҳамда якуний давлат аттестацияси бошланишидан олти ой илгари талабалар эътиборига етказилади. Талабалар дастурлар билан таъминланадилар, уларга тайёргарлик кўриш ва маслаҳатлар бериш учун зарур шароитлар яратилади.

Таълим йўналиши (мутахассислиги) бўйича фанлараро якуний аттестация синовларига ва битирув малакавий иш (магистрлик диссертацияси) ҳимоясига тегишли таълим дастурларини тўлиқ тугатган ва ўқув режасида назарда тутилган барча синовлардан муваффақиятли ўтган талабалар қўйилади.

Якуний давлат аттестация комиссияси битирувчиларнинг якуний давлат аттестацияси синовлари натижалари асосида уларга таълим йўналиши (мутахассислиги) бўйича бакалавр (магистр) даражаси бериш ҳақида қарор қабул қилади.

Якуний давлат аттестация комиссияларининг қарорлари очиқ овоз бериш йўли билан, мажлисда иштирок этувчиларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган ҳолда, раиснинг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Олий таълим муассасаси битирувчиси якуний давлат аттестацияси таркибига киритилган аттестация синовларининг барча турларидан муваффақиятли ўтгандан сўнг унга мувофиқ даража ва олий маълумот тўғрисидаги диплом берилади.

Ўқув дастурларини ўзлаштиришда катта ютуқларга эришган ва ўқув режасидаги барча фанларнинг камида 3/4 қисми бўйича 86 балл ва ундан юқори ўзлаштириш кўрсаткичларига эришган, (бошқа фанлар бўйича ўзлаштириш кўрсаткичи 71 баллдан кам бўлмаган), шунингдек, якуний давлат аттестацияси синовларининг ҳар бири бўйича камида 86 балл ўзлаштириш кўрсаткичларига эга бўлган бакалавриат битирувчисига "имтиёзли" диплом берилади.

Якуний давлат аттестацияси синовларидан (ёки аттестация синовлари турларидан бири бўйича) ўта олмаган талаба уч йил ичида

-таълим сифатини бошқаришда фан, ишлаб чиқариш ва жамоатчилик иштирокини таъминлаш;

-илмий-услубий жихатидан етук лекцияларни тарғибот қилиш;

-ёш бўлажак кадрларни малакасини ошириш;

-илмий унвонларга эга бўлган профессор-ўқитувчиларни, ўз касбий маҳоратини ошириш устида мунтазам ишлашни таъминлаш;

-профессор-ўқитувчиларни ўқув жараёнидаги маъсулиятни ошириш;

-юқори савиядаги лекция муаллифларини рағбатлантириш ва тақдирлаш киради.

Очиқ лекциялар, одатда ўз сохаси бўйича таникли, фанда янги йўналишга асос солган ёки илмий мактаб яратган, илмий даража ёки унвонларга эга бўлган тажрибали профессор – ўқитувчилар томонидан ихтиёрий равишда ўтказилади.

Олий таълим муассасаларида профессор ёки доцент илмий унвонларига ўрнатилган тартибда даъвогарлик қилаётган профессор-ўқитувчилар учун очиқ лекцияларни ўтказиш мажбурий хисобланади.

Очиқ лекцияларни мавзуси, услуби, техник воситалари лектор томонидан ихтиёрий танланади.

Очиқ лекцияларни ўтказиш олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг малака ошириш шаклларига киради.

Олий таълим муассасаларида очиқ лекциялар ўқув режадаги барча фанлардан ўтказилиши мумкин. Умумкасбий ва ихтисослик фанларидан ўтказиладиган очиқ лекцияларга алохида эътибор қаратилиши лозим.

Очиқ лекцияни ўтказиш тўғрисидаги таклиф профессор, доцент ёки айрим холларда катта ўқитувчи лавозимида фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчилар, шунингдек, профессор ва доцент илмий унвонларига даъвогарлик қилаётган педагог кадрлар томонидан ўқув йили бошланишидан олдин кафедра мудирига маълум қилинади. Таклифда ўқув семестри мобайнида ўқув режадаги муайян фан, мавзу, талабалар курси ва академик гурухлари, шунингдек, очиқ лекция ўтказиладиган кун, жойи ва вақти кўрсатилади.

Очиқ лекцияга бошқа олий таълим муассасаларидаги турдош кафедраларнинг тажрибали профессор-ўқитувчилари, ишлаб чиқаришнинг тегишли сохаларида фаолият юритаётган илғор корхоналар, қўшма корхоналарнинг юқори малакали мутахассислари, илмий тадқиқот муассасаларининг етакчи олимлари хамда мутассадди давлат органлари- Фанлар академияси, Фан ва технологиялар маркази, Олий аттестация комиссияси, Давлат тест

- фанлар бўйича уйга берилган топшириқларни бажариш;
- мавзулар бўйича слайдлар, презентациялар тайёрлаш.

Ўқитилаётган фаннинг хусусиятларидан келиб чиққан холда талабалар мустақил ишини ташкил этишда бошқа шакллардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Ўқитиладиган фанлар бўйича ишчи ўқув дастурларида талабалар мустақил ишининг мазмуни, моҳияти, шакли ва хажми хамда манбалари кўрсатилади.

Талаба мустақил иши учун ўқув режада ажратилган вақтга мос равишда ҳар бир фан бўйича тегишли кафедраларда мустақил ишнинг ташкилий шакллари, топшириқ вариантлари ишлаб чиқилади ва факультет ўқув-услубий кенгашида тасдиқланади.

Мустақил ишни бажариш учун ҳар бир фан бўйича талабаларга кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилади хамда тарқатма материал сифатида фан бўйича биринчи машғулотда талабаларга етказилади.

**Мустақил таълимнинг асосий вазифаларига:**

- Билимларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш;
- Ижодий фаолиятга қизиқишни шакллантириш;
- Таълим олиш усулларини эгаллаш;
- Тушуниш ва фикрлаш қобилиятини ривожлантириш;
- Мустақил хулосалар чиқариш кўникмаларини шакллантириш киради.

### 6.7. “Олий таълим муассасаларида очиқ лекцияларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом.

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2004 йил 26 мартдаги “Очиқ лекцияларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида”ги №79 сонли буйруғи билан “Олий таълим муассасаларида очиқ лекцияларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом тасдиқланган.

Очиқ лекцияларни ўтказишнинг мақсади - профессор-ўқитувчиларни тегишли фан, техника ва технологиялар сохалари бўйича жахонда эришилган ютуқ ва янгиликлардан хабардор бўлишларига эришиш ва улар асосида замонавий педагогик ва ахборот комуникация технологияларидан самарали фойдаланган холда лекцияларни тайёрлаш, ўтказиш, таълим сифатини ошириш хамда тайёрланаётган кадрларнинг рақобатбардошлигини таъминлашдан иборат.

**Очиқ лекцияларни ўтказиш вазифаларига:**

-талабаларга фандаги сўнгги ютуқ ва янгиликларни етказиш;

-таълим сифатини бошқаришда фан, ишлаб чиқариш ва жамоатчилик иштирокини таъминлаш;

-илмий-услубий жихатидан етук лекцияларни тарғибот қилиш;

-ёш бўлажак кадрларни малакасини ошириш;

-илмий унвонларга эга бўлган профессор-ўқитувчиларни, ўз касбий маҳоратини ошириш устида мунтазам ишлашни таъминлаш;

-профессор-ўқитувчиларни ўқув жараёнидаги маъсулиятни ошириш;

-юқори савиядаги лекция муаллифларини рағбатлантириш ва тақдирлаш киради.

Очиқ лекциялар, одатда ўз сохаси бўйича таникли, фанда янги йўналишга асос солган ёки илмий мактаб яратган, илмий даража ёки унвонларга эга бўлган тажрибали профессор – ўқитувчилар томонидан ихтиёрий равишда ўтказилади.

Олий таълим муассасаларида профессор ёки доцент илмий унвонларига ўрнатилган тартибда даъвогарлик қилаётган профессор-ўқитувчилар учун очиқ лекцияларни ўтказиш мажбурий хисобланади.

Очиқ лекцияларни мавзуси, услуби, техник воситалари лектор томонидан ихтиёрий танланади.

Очиқ лекцияларни ўтказиш олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг малака ошириш шаклларига киради.

Олий таълим муассасаларида очиқ лекциялар ўқув режадаги барча фанлардан ўтказилиши мумкин. Умумкасбий ва ихтисослик фанларидан ўтказиладиган очиқ лекцияларга алохида эътибор қаратилиши лозим.

Очик лекцияни ўтказиш тўғрисидаги таклиф профессор, доцент ёки айрим холларда катта ўқитувчи лавозимида фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчилар, шунингдек, профессор ва доцент илмий унвонларига даъвогарлик қилаётган педагог кадрлар томонидан ўқув йили бошланишидан олдин кафедра мудирига маълум қилинади. Таклифда ўқув семестри мобайнида ўқув режадаги муайян фан, мавзу, талабалар курси ва академик гурухлари, шунингдек, очиқ лекция ўтказиладиган кун, жойи ва вақти кўрсатилади.

Очиқ лекцияга бошқа олий таълим муассасаларидаги турдош кафедраларнинг тажрибали профессор-ўқитувчилари, ишлаб чиқаришнинг тегишли сохаларида фаолият юритаётган илғор корхоналар, қўшма корхоналарнинг юқори малакали мутахассислари, илмий тадқиқот муассасаларининг етакчи олимлари хамда мутассадди давлат органлари- Фанлар академияси, Фан ва технологиялар маркази, Олий аттестация комиссияси, Давлат тест

маркази таркибидаги Кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасалари аттестация бошқармасининг вакиллари лекция ўтказилишидан икки хафта олдин ёзма равишда таклиф этилади.

Очиқ лекциянинг матни ёки унинг қисқача аннотацияси аввалдан ўрнатилган тартибда барча талабалар ва таклиф этилган экспертларга тарқатилади.

Очиқ лекцияда лекцияни ташкил этаётган кафедранинг ёш педагоглари, магистрантлари, докторантлари ва мустақил изланувчиларининг қатнашиши мажбурий хисобланади.

Очиқ лекцияларнинг мазмун-мохияти ва илмий-услубий савияси бўйича мухокамаси лекциядан сўнг кафедрада давом эттирилади. Очиқ лекциянинг мухокамаси кафедра мажлислари баённомасида қайд этилади.

Профессор-ўқитувчилар томонидан муваффақиятли ўтказилган очиқ лекциялар уларнинг рейтингини аниқлаш, малака ошириш курсларига жалб этиш ва аттестациядан ўтказишда инобатга олинади.

### 6.8. "Иқтидорли талабаларни излаш, аниқлаш ва уларни мақсадли тайёрлаш тўғрисида"ги намунавий Низом.

Давлат истеъдодли ёшларни алоҳида қўллаб-қувватлайди. Ўзбекистон Республикасида давлат ташкилотлари ҳамда жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар истеъдодли ёшларни аниқлашда ва уларнинг ижодий камол топишида кўмаклашишлари шарт. Ана шу мақсадда Ўзбекистон Республикасида фан ва техника, иқтисодиёт, бошқарув, санъат соҳаларида истеъдодли ёшларни қидириб топишни, уларни муҳофаза қилиш ва қўллаб-кувватлашни амалга оширишда моддий-техника базалари билан таъминланган давлат муассасалари, жамоат ташкилотлари ва комиссиялари фаолият кўрсатади. Истеъдодли ёшларни қўллаб-кувватлаш чора-тадбирлари республика ва маҳаллий бюджетлар ҳамда бошқа манбалардан пул билан таъминланади.

Иқтидорли талабаларни излаш, аниқлаш ва уларни мақсадли тайёрлаш тўғрисидаги низом Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1998 йил 10 июлдаги № 185 сонли буйруғи билан тасдиқланган бўлиб унда иқтидорли талабаларни излаш, аниқлаш тартиби хамда улар билан мақсадли ишлашнинг шакл ва услублари белгиланган.

**Иқтидорли талабаларни излаш, аниқлаш ва уларни мақсадли тайёрлашнинг асосий мақсади** - Республиканинг илмий

Кафедрада ўтказилган мажлис кун тартибидаги ҳар бир масала юзасидан тегишли қарор қабул қилиниши ва мажлис баённомасида қайд қилиниши лозим.

**Кафедра таркиби ва тузилмаси:**

Кафедра таркиби профессорлар, доцентлар, катта ўқитувчилар, ўқитувчи ассистентлар, стажёр ўқитувчилар, мустақил тадқиқотчилар, докторантлар ва ўқув ёрдамчи ходимларни бирлаштиради. Кафедра аъзолари ОТМ Уставида кўрсатилган ҳуқуқлардан фойдаланадилар ва мажбуриятларни бажарадилар.

Кафедра қошида ўқув ва илмий лабароториялар, услубий хоналар, тўгараклар ва бошқа тузилмалар ташкил этилиши мумкин. Кафедра тузилмаси ва штатлари ОТМ ректорининг буйруғи билан тасдиқланади.

**Кафедранинг иш фаолияти учун қуйидаги хужжатлар бўлиши тавсия этилади:**

- Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, фармойишлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг қарорлари ва фармойишлари;
- Низомлар ва йўриқномалар;
- Буйруқлар;
- Кафедра режалари;
- ОТМ Кенгаши қарорлари;
- Бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари ДТСлари;
- Ўқув режалар (намунавий ва ишчи ўқув режалар);
- Бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари ўқув дастурлари;
- Бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари ишчи ўқув дастурлари;
- Талабалар ва магистрлар тўғрисида маълумотлар;
- Фанлар бўйича рейтинг назоратлари жадвали ва рейтинг назоратлари натижалари;
- Ўқув юкламалари;
- Илмий ишлар;
- Иқтидорли талабалар ва магистрлар билан ишлаш;
- Кафедранинг хамкорлик алоқалари;
- Битирув малакавий ишлари ва магистрлик диссертациялари мавзулари жамғармаси;

- Топшириқлар ва ижро;
- Профессор-ўқитувчилар ва ходимлар тўғрисида маълумот;
- Мустақил тадқиқотчилар ва докторантлар тўғрисида маълумот;
- Амалиёт;
- Байнномалар;
- Ҳисоботлар ва хоказолар.

## 6.12. Олий таълим муассасаларида таълим соҳалари блоклари ва шакллари бўйича бир нафар ўқитувчи ҳисобига тўғри келадиган талабалар сони нисбатининг нормативлари.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 1 августдаги №164-сонли "Республика олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг “Олий таълим муассасаларида таълим соҳалари блоклари ва шакллари бўйича бир нафар ўқитувчи ҳисобига тўғри келадиган талабалар сони нисбатининг нормативларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 27.08.2014 йилдаги №7-сонли буйруғи қабул қилинган ва унга асосан бир нафар ўқитувчи ҳисобига тўғри келадиган талабалар сони нисбатининг нормативлари иловага мувофиқ тасдиқланган.

**ИЛОВА**

Олий таълим муассасаларида таълим соҳалари блоклари ва циклари бўйича бир нафар ўқитувчи ҳисобига тўғри келадиган талабалар сони нисбатининг

# НОРМАТИВЛАРИ

| Т/р | Таълим соҳалари блоклари | Таълим соҳалари ва йўналишлари номи | Нормативлар | |
|---|---|---|---|---|
| | | | 2017/2018 ўқув йилигача | 2017/2018 ўқув йилидан |
| 1. | Техник | Муҳандислик иши таълим соҳаси;<br>Ишлаб чиқариш технологиялари таълим соҳаси;<br>Математика таълим соҳаси;<br>Компьютер технологиялари ва информатика таълим соҳаси;<br>Архитектура ва қурилиш таълим соҳаси (Архитектура (турлари бўйича) таълим йўналиши бундан мустасно);<br>Алоқа ва ахборотлаштириш, телекоммуникация технологиялари таълим соҳаси;<br>Қишлоқ хўжалиги техникаси таълим соҳаси;<br>Транспорт таълим соҳаси;<br>Ҳаёт фаолият хавфсизлиги таълим соҳаси;<br>Хизматлар соҳаси (фаолият турлари ва йўналишлари бўйича) таълим йўналиши | 10,3 | 12,2 |
| 2. | Гуманитар ва табиий | Гуманитар фанлар таълим соҳаси (Филология ва тилларни ўқитиш (тиллар бўйича) таълим йўналиши (хорижий тилларга оид қисми), шунингдек Таржима назарияси ва | 10,5 | 12,5 |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | амалиёти (тиллар бўйича) таълим йўналиши бундан мустасно);<br>Табиий фанлар таълим соҳаси;<br>Социология ва психология таълим соҳаси;<br>Журналистика ва ахборот таълим соҳаси;<br>Ҳуқуқ таълим соҳаси;<br>Ижтимоий таъминот таълим соҳаси;<br>Атроф-муҳит муҳофазаси таълим соҳаси;<br>Ижтимоий-маданий фаолият таълим йўналиши;<br>Хизмат кўрсатиш техникаси ва технологияси (хизмат кўрсатиш тармоқлари бўйича) таълим йўналиши | | |
| 3. | Тиллар | Филология ва тилларни ўқитиш (тиллар бўйича) таълим йўналиши (хорижий тилларга оид қисми);<br>Таржима назарияси ва амалиёти (тиллар бўйича) таълим йўналиши | 7,9 | 9,4 |
| 4. | Тиббиёт | Соғлиқни сақлаш таълим соҳаси | 6,8 | 8,2 |
| 5. | Санъат | Санъат таълим соҳаси | 3,5 | 4,1 |
| 6. | Спорт | Спорт фаолияти (фаолият турлари бўйича) таълим йўналиши | 7,1 | 8,4 |
| 7. | Педагогика | Педагогика таълим соҳаси | 10,5 | 12,5 |
| 8. | Иқтисодиёт | Иқтисод таълим соҳаси;<br>Меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш таълим йўналиши;<br>Туризм (фаолият йўналишлари бўйича) таълим йўналиши | 10,5 | 12,5 |
| 9. | Қишлоқ хўжалиги | Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги таълим соҳаси;<br>Қишлоқ хўжалигида менежмент таълим соҳаси;<br>Ветеринария таълим соҳаси;<br>Ирригация ва мелиорация таълим соҳаси | 10,3 | 12,2 |
| 10. | Архитектура | Архитектура (турлар бўйича) таълим йўналиши | 6,8 | 8,2 |

ва ижодий салохиятини ривожлантирувчи интелектуал элитани тайёрлаш ва бу борада юксак истеъдод сохибларига, билимнинг тегишли соҳалари ва фаннинг аниқ йўналишлари бўйича ўз табиий қобилиятларини намоён этиш ва ривожлантириш, ўзларидаги ноёб истеъдодни рўёбга чиқариш учун имконият яратиш.

**Иқтидорли талабаларни мақсадли тайёрлаш вазифаларига:**

-иқтидорли талабаларнинг интелектуал салохияти чуқур билим олишга ва қобилиятларини ривожлантиришга алохида эътибор қаратиш;

-малакали профессор-ўқитувчиларни иқтидорли талабалар билан индивидуал ишлашга жалб этиш;

-илм-фан тараққиётининг устивор йўналишлари бўйича илмий тадқиқот ишларига иқтидорли талабаларни кенг жалб этиш;

-иқтидорли талабалар бўйича республика банки ва мониторингини шакллантириш;

-махсус ўқув дастурлари ва прогрессив педагогик технологияларни ишлаб чиқиш;

-буюртмачилар талабларини қондирувчи малакали, ҳар томонлама камол топган кадрларни тайёрлаш ва хоказолар киради.

**Иқтидорли талабаларни мақсадли тайёрлаш дастурларида қуйидаги омиллар назарда тутилади:**

-фанларни юқори даражада ўзлаштириш;

-компьютер билимдонлиги хамда программалаштириш;

-чет тилларидан бирини пухта эгаллаш;

-курс, битирув малакавий ишини хамда магистрлик диссертациясини ёзишда компьютер ва чет тилидан самарали фойдаланиш;

-илмий-ижодий ишларни бажариш жараёнида мустақил фикрлаш, янги фикр ва мулохазаларни билдириш, амлда тадбиқ этиш;

-соха бўйича мустақил билим олишга йўналтириш ва илм-фан сохасидаги янгиликларни тезкорлик билан эгаллаш хусусиятларини шакллантириш;

-давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини тўғри тушунадиган ва уни қўллаб қувватлайдиган, ватанпарвар, баркамол инсон этиб шакллантириш.

Иқтидорли талабаларга дарс бериш ва уларга рахбарлик қилиш учун биринчидан, етарли билим ва тажрибага иккинчидан, ижодий ва услубий ишлаш тажрибасига эга бўлган, учунчидан, ўқув-услубий ва илмий фаолият бўйича рейтинги юқори бўлган профессор ва доцентлар тайинланади.

**Иқтидорли талабалар илмий рахбарларининг асосий вазифаларига:**

-иқтидорли талабаларни мақсадли тайёрлаш дастурларини тузиш ва уни амалга оширишга рахбарлик қилиш;

-иқтидорли талабалар билан ишлаш бўйича етакчи хорижий давлатлардаги илғор тажрибаларни ўрганиш ва уларни ўз фаолиятида қўллаш;

-янги педагогик технология, компьютер технологияси ва видео-аудио техникаларини ўқув жараёнида кенг қўллаш;

-мақсадли дастурни муваффақиятли бажараётган иқтидорли талабаларни моддий ва маънавий рағбатлантириш бўйича таклифлар киритиш киради.

## 6.9. Олий таълим муассасасининг “Илмий кенгаши тўғрисида”ги намунавий Низом.

Олий таълим муассасасининг Илмий кенгаши тўғрисидаги намунавий Низом, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2011 йил 3 декабрдаги №487-сонли буйруғи билан тасдиқланган. Ушбу Низом олий таълим муассасаларида Илмий кенгаш фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

Олий таълим муассасаси фаолиятига тегишли асосий масалаларни кўриб чиқиш учун ОТМ ректори раислигида Илмий кенгаш ташкил этилади.[7]

Илмий кенгаш таркиби ОТМ ректори, проректорлар, факультет деканлари, олий таълим муассасаси таркибига кирувчи мустақил ташкилот ва тармоқлар директорлари, мутахассис чиқарувчи кафедралар мудирлари, бўлим бошлиқлари, шунингдек, жамоат ташкилотлари раҳбарларидан ташкил этилади. ОТМ Илмий кенгашининг ваколат муддати - 5 йил.

Илмий кенгаш таркиби ОТМ ректорининг буйруғи билан тасдиқланади.

**Илмий кенгашнинг мақсади** - олий таълим муассасаси жамоаси сайъ-харакатлари, интелектуал салохияти ва қонун хужжатларида белгиланган вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш, олий таълимнинг давлат таълим стандарти талаблари даражасида мукаммал билим, малака, кўникмаларига эга бўлган профессионал мутахассислар тайёрлашга йўналтиришдан иборат.

**ОТМ Илмий кенгаши:**

---

[7] ОТМ Илмий кенгаши 2013 йилдан бошлаб ОТМ Кенгаши деб номланган.

-олий таълимнинг тегишли қонун хужжатларига мувофиқ ДТС, ўқув режалар ва фан дастурларининг қатъий бажарилишини ўрганиб чиқади ҳамда устивор масалалар бўйича тавсия ва топшириқлар белгилайди;

-ўқув, ўқув-услубий, илмий-тадқиқот, маънавий - маърифий

ишлар режалари ижроси бўйича масалаларни муҳокама қилади ва тегишли қарорлар қабул қилади;

-профессор-ўқитувчиларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш хусусидаги масалаларни муҳокама қилади ва қарорлар қабул қилади;

-факультетларнинг ўқув, ўқув-услубий, илмий-тадқиқот, маънавий - маърифий ишлари тўғрисидаги, академик лицейлар, олий таълим муассасаси қошидаги илмий жамиятларнинг фаолияти тўғрисидаги, шунингдек, маркетинг хизматининг буюртмачиларни битирувчи мутахассисларга бўлган эхтиёжи, буюртмачи ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқалари тўрисидаги ҳисоботларни эшитади ва тегишли қарорлар қабул қилади;

-асосий буюртмачи ташкилотлар, корхоналар ва муассасалар билан корпоратив ҳамкорликни ривожлантириш, моддий – техник базани мустаҳкамлаш хамда талабаларнинг малакавий амалиёти самарадорлигини ошириш масалаларини муҳокама қилади ва уларни яхшилаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқади;

-хорижий мамлакатларнинг олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш бўйича қарорлар қабул қилади ва бошқа масалалар бўйича тегишли тадбирларни белгилайди.

ОТМ Илмий кенгаши ўз фаолиятини ҳар ўқув йили учун ишлаб чиқиладиган режага мувофиқ амалга оширади. Илмий кенгаш режаси Илмий кенгаш томонидан кўриб чиқилади хамда ОТМ ректори томонидан тасдиқланади.

Олий таълим муассасасининг ўқув, ўқув - услубий, илмий-тадқиқот, маънавий – маърифий ва ташкилий ишларга доир барча масалалар бўйича Илмий кенгаш қарорлари очиқ овоз бериш тартибида кўпчиликнинг овози билан қабул қилинади.

Илмий кенгаш қарорлари ОТМ ректори томонидан тасдиқлангандан сўнг кучга киради. Илмий кенгаш мажлиси баённома билан расмийлаштирилади ва баённомалар илмий кенгаш раиси ва илмий котиби томонидан имзоланади.

Илмий кенгаш раиси мунтазам равишда илмий кенгаш қарорларининг бажарилишини ўрганиш бўйича ишчи гурухларини

ташкил этади ва Илмий кенгаш аъзоларига уларнинг натижалари тўғрисида ахборот беради.

## 6.10."Олий таълим муассасасининг факультети тўғрисида"ги намунавий Низом.

"Олий таълим муассасасининг факультети тўғрисида"ги намунавий Низом, олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2011 йил 3 декабрдаги №487 сонли буйруғи билан тасдиқланган. Ушбу Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида"ги қонунларига ҳамда "Олий таълим тўғрисида"ги Низомга мувофиқ олий таълим муассасаларида факультет фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

**Факультет** - ОТМ бошқарув тузилмасининг таркибий бўлинмаси бўлиб, унинг фаолияти тегишли таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича талабаларни ўқитиш, таълим - тарбия жараёнларини узвий ва уйғунлашган ҳолда олиб бориш, илмий - педагогик кадрлар тайёрлаш, малака ошириш ва қайта тайёрлаш, шунингдек, кафедраларда илмий-тадқиқот лойихаларини бажариш ишларини мувофиқлаштирувчи тузилма хисобланади.

Факультет одатда ўз таркибига киритилган бакалариат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларига тааллуқли кафедра ва лабораторияларни, шунингдек ОТМ таркибидаги, фаолият мазмуни бўйича факультет ихтисослигига мос бўлган бошқа кафедраларни бирлаштиради.

ОТМнинг факультети таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш мақсадида йирик корхона ва муассасалар қошида, шунингдек, белгиланган тартибда тузилган битим асосида хорижий таълим муасасалари билан ҳамкорликда ҳам ташкил этилиши мумкин.

Факультет кадрлар тайёрлаш жараёнини ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган ҳолда амалга оширади.

**Факультет** – ОТМ Илмий кенгашининг тавсияси асосида олий таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи билан келишилган ҳолда ОТМ ректорининг буйруғи билан ташкил этилади.

Факультет ишига рахбарликни факультет декани амалга оширади. Факультет декани, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда ОТМ ректори томонидан тайинланади.

Факультет декани ҳар йили ОТМ Илмий кенгашида ўтган ўқув йили давомида амалга оширилган, ўқув, ўқув-услубий, илмий-тадқиқот, маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар бўйича хисобот

беради ҳамда факультет фаолиятининг натижалари бўйича тўла маъсулиятни ўз зиммасига олади.

Факультет фаолиятининг асосий масалаларини кўриб чиқиш учун декан раислигида факультетнинг Кенгаши ташкил этилади.

Бундан ташқари ушбу низомда факультет деканининг бир қатор вазифалари белгилаб қўйилган. Ушбу намунавий низомга асосан хар бир ОТМнинг факультети ўзининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда факультет низомини ишлаб чиқади ва ўрнатилган тартибда тасдиқлайди.

## 6.11.“Олий таълим муассасаси кафедралари тўғрисида”ги Низом.

“Олий таълим муассасаси кафедралари тўғрисида”ги Низом, олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2011 йил 3 декабрдаги № 487-сонли буйруғи билан тасдиқланган. Ушбу Низом олий таълим муассасаларида кафедра фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

**Кафедра** - ОТМ ёки факультет тузилмасининг таркибий қисми бўлиб, унда бир ёки бир неча турдош фанлар бўйича ўқув, ўқув-услубий, илмий тадқиқот ишлари, шунингдек, илмий ва илмий - педагогик кадрлар тайёрлаш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш хамда ташкилий, маънавий -маърифий ва тарбиявий ишларни амалга оширадиган энг асосий механизм.

Кафедра факультет деканига ёки бевосита ОТМ ректорига буйсунади. Кафедра ОТМ Кенгашининг қарори асосида ташкил этилади ва тугатилади.

Кафедра умумий ва махсус фанларни ўқитиш учун камида 7 та профессор ўқитувчи, улардан бири фан доктори илмий даражаси ёки профессор илмий унвонига ва камида иккитаси фан номзоди илмий даражаси ёки доцент илмий унвонига эга бўлганда ташкил этилади.

Кафедра ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Таълим тўғрисида”ги қонуни, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг меъёрий хужжатлари ва ОТМ устави асосида ташкил этади.

**Кафедранинг асосий вазифаларига:**

Барча ўқув шакллари бўйича Олий таълимнинг Давлат таълим стандартлариларига мувофиқ тузилган ўқув режаларида белгиланган маърузалар,семинарлар, амалий машғулотлар, лабараториялар ва бошқа турдаги машғулотларни юксак назарий, илмий услубий ва касбий даражада ўтказиш;

Талабаларнинг малакавий амалиётига, курс лойиҳаларига, битирув малакавий ишларига, магистрлик диссертацияларига раҳбарлик қилиш, талабалар билимини баҳолашнинг рейтинг назоратини жорий этиш ва мустақил ишларни ташкил этиш бўйича тадбирлар ўтказиш;

Кафедра фанлари бўйича ўкув дастурларини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда тасдиққа такдим этиш, шунингдек, турдош кафедралар томонидан тайёрланган ўқув дастурларига тақриз ва хулосалар тайёрлаш;

Дарслик, ўқув қўлланма, услубий ва методик кўрсатмаларни тайёрлаш;

Иқтидорли талабалар билан ишлаш, уларни олимпиада ва танловларда иштирок этишга тайёрлаш;

Белгиланган тартибда профессор-ўқитувчиларнинг малакасини оширишни ташкил этиш ҳамда уларнинг Республика ҳамда ҳалқаро илмий анжуманларда маърузалар билан иштирок этишини таъминлаш;

Тасдиқланган режага мувофиқ илмий тадқиқот ишларини олиб бориш, тугалланган илмий тадқиқот ишларини муҳокамадан ўтказиш ва уларнинг натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, таълим фан ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциясини таъминлаш, талабаларнинг илмий-тадқиқот ишларига раҳбарлик қилиш;

Бюджетдан ташқари маблағларни жалб этиш, шунингдек, илмий-техникавий ёрдам кўрсатиш мақсадида саноат, қишлоқ хўжалиги корхоналари, кооперативлар, деҳқон, фермер ва бошқа хўжаликлар билан алоқа ўрнатиш;

Олий ўқув юртини битирганлар ва мазкур кафедрада мустақил тадқиқотчиликни ўтаганлар мониторингини олиб бориш ва улар билан мунтазам алоқаларни ташкил этиш;

Хорижий ҳамкорлик, илмий ва таълим муассасалари билан халқаро алоқаларни ривожлантириш ва ҳакозолар киради.

**Кафедранинг иш фаолияти:**

Кафедранинг йиллик иш режаси бўлиши, режада ўқув йили давомида профессор-ўқитувчилар томонидан амалга ошириладиган ишлар тўла қамраб олиниши лозим;

Кафедранинг иш режасида кафедра мажлиси бир ойда камида икки марта ўтказилиши белгиланган бўлиши, унинг кун тартиби ва ўтказилиш санаси акс этиши лозим;

**Тест топшириқлари!**

**1. Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонунининг мақсади?**

А.Фуқароларга таълим, тарбия бериш, касб-ҳунар ўргатишнинг ҳуқуқий асосларини белгилаш ҳамда ҳар кимнинг билим олишдан иборат конституциявий ҳуқуқини таъминлаш

В. Ўзбекистон Республикасида таълим соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш

С. Ўзбекистон Республикаси ва Қорақолпағистон Республикасида таълим соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш

Д. Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принципларини белгилаш.

**2. Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тартиби қайси орган томонидан белгиланади?**

А.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан

В.Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан

С. Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш муассасалари томонидан

Д. Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш муассасалари жойлашган ОТМлар томонидан.

**3.Таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини рўёбга чиқариш қайси органнинг ваколати доирасига киради?**

А.Таълимни бошқариш бўйича махсус ваколат берилган давлат органларининг

В. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

С. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг

Д. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг.

**4. Олий ва махсус таълим вазирлигининг қайси хайъат қарорида олий таълим муассасаларида талабалар давомати ва ўзлаштириши хар бир кафедра йиғилиши, факультет илмий кенгаши, олий таълим муассасаси илмий кенгашида кўриб чиқилиши кўрсатилган?**

А.06.09.2008 йилдаги № 8/3 сонли

В. 28.09.2009 йилдаги № 7/1 сонли

С. 26.08.2010 йилдаги № 6/2 сонли

Д. 20.05.2007 йилдаги № 9/3 сонли.

**5. Класификаторда хозирги кунда нечта билим сохаси назарда тутилган?**

А. 8 та

В. 7 та

С. 6 та

Д. 10 та.

**6. Бакалавриат таълим йўналишларида ўқув жараёни неча хафтани ўз ичига олади?**

А. 136 хафта

В. 168 хафта

С. 172 хафта

Д. 204 хафта.

**7. Бакалавриат таълим йўналишларида аттестация жараёни неча фоизни ташкил этади?**

А. 8-10 %

В. 12-16 %

С. 8-25 %

Д. 6-8 %

**8. Бакалавриат таълим йўналишларида назарий таълим неча фоизни ташкил этади?**

А. 40-60 %

В. 50-70 %

С. 63-70 %

Д. 65-70 %

**9. Магистратура мутахассисликларида илмий фаолият неча фоизни ташкил этади?**

А. 40- 55 %

В. 45 -55 %

С. 45- 50 %

Д. 50 -55 %

**10. "Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида"ги Низом қачон қабул қилинган?**

А. 2005 йил

В. 2008 йил

С. 2009 йил

Д. 2010 йил.

**11. Қабул комиссиясида ишлаш ўқув юкламаларини қайси бўлимига киради?**

А. Ўқув-услубий

B. Ўқув

C. Маънавий - маърифий

Д. Ташкилий - услубий.

**12.Математика бакалавриат таълим йўналиши ва математика (йўналишлар бўйича), эҳтимоллар назарияси ва математик статистика магистратура мутахасисликлари қайси билим сохасига киради?**

A. Гуманитар соха

B. Табиий соха

C. Ишлаб чиқариш техник соха

Д. Хизматлар сохаси.

**13.Ижтимоий иш (фаолиятнинг турли соҳалари бўйича) бакалавриат таълим йўналиши қайси билим сохасига киради?**

A. Гуманитар соха

B. Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот

C. Ишлаб чиқариш техник соха

Д. Хизматлар сохаси.

**14. Фан номзоди илмий даражасига ёки доцент илмий унвонига эга бўлган айнан бир шахс кафедра мудири лавозимига танловда кетма кет неча марта сайланиши мумкин ?**

A. 1 марта

B. 2 марта

C. 2 марта фавқулодда холларда

Д. 3 марта.

**15. Доцент лавозимини эгаллаш учун танловда тегишли илмий унвонга ва илмий даражага эга бўлмаган шахслар қатнашиши мумкинми?**

A. Мумкин

B. Мумкин эмас

C. Фавқулодда холларда мумкин

Д. Камида 3 йиллик амалий иш тажрибасига эга бўлган, кафедранинг таълим йўналишлари бўйича дарсликлар ва ўқув қўлланмалари муаллифи бўлган юқори малакали мутахассис қатнашиши мумкин.

**16. Олий таълим муассасаларига ўқитувчи лавозимига қайси шахслар танловсиз, ректор буйруғи билан белгиланган тартибда ишга қабул қилинади?**

A. Проректорлар

B. Деканлар

C. Ўриндошлар

Д. Соатбай ҳақ тўлаш шартлари асосида ишга кираётган шахслар.

**17.Олий таълим муассасасининг кенгашида ёки факультетнинг кенгашида сайланадиган лавозимларни белгилаш ҳуқуқи кимга тегишли?**

А. Олий таълим вазирига

В. Олий таълим муассасасининг ректорига

С. Илмий ишлар проректорига

Д. Илмий котибга.

**18. Ходим меҳнат шартномаси тузилгандан кейин ишга киришиши шарт бўлган муддат томонларнинг келишувига кўра белгиланади ушбу муддат неча ойдан ошиши мумкин эмас?**

А. 1 ойдан

В. 2 ойдан

С. 3 ойдан

Д. Бундай муддат белгиланмаган.

**19.Кафедралар бирлаштирилганда ёки кафедра бўлинганда профессор-ўқитувчилар таркиби бўйича танловлар қачон ўтказилади?**

А. 1 ойдан сўнг

В. 3 ойдан сўнг

С. Янги ўқув йили бошланиши билан

Д. Танловлар ўтказилмайди.

**20. Кафедра мудири билан тузилган меҳнат шартномаси тўхтатилиши мумкинми?**

А.Кафедрага раҳбарлик қилиш бўйича ўз функционал вазифаларини бажармаганлиги сабабли;

В. Меҳнат шартномаси тўхтатилмайди;

С. Бундай холат назарда тутилмаган;

Д.Ўзига юклатилган функционал вазифаларни бажармаганлиги сабабли Кенгаш карорига биноан.

**21.Олий таълим бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари классификатори қайси хужжатга асосан тузилган?**

А.Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунига асосан;

В.Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги Қонунига асосан:

С.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 343-сонли қарорига асосан;

Д.Юнесконинг таълимнинг халқаро стандарт классификацияси принципларига асосан.

**22. Давлат таълим стандарти сифатида Классификатор нималарни тартибга солади?**

А. Ўқишга қабул қилиш ва мутахассислар тайёрлашни бошқаришни;

В.Мутахассислар тайёрлаш ва уларни ишга жойлаштиришнинг статистик ҳисоботини;

С. Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатлар таълим статистикасини таққослашни;

Д. Олий таълимнинг йўналишлари ва мутахассисликларини.

**23.Классификаторда таълим босқичлари, билим ва таълим соҳалари, таълим йўналишлари ва мутахассисликлари қандай белгиланади?**

А. 5 А коди билан;

В. 5 коди билан;

С. Олтита рақамли код билан;

Д. Еттита рақамли код билан.

**24. Олий таълим муассасасининг Илмий кенгаши тўғрисидаги намунавий Низом қайси орган томонидан тасдиқланади?**

А. Олий таълим муассасаси Илмий Кенгашининг қарори билан;

В. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Хайъат қарори билан;

С. ОТМ ректори томонидан;

Д. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан.

25. **Олий таълим муассасалари талабаларини ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги тартиби қайси таълим муассасаларига нисбатан татбиқ этилмайди?**

А. Тиббиёт олий таълим муассасаларига;

В. Юридик кадрлар тайёрлайдиган олий таълим муассасаларига;

С. Ҳарбий олий таълим муассасаларига;

Д. Бундай муассасалар кўрсатилмаган.

26. **Кимлар бакалавриат таълим йўналишлари битирувчиларининг битирув малакавий ишларига рахбарлик қилади?**

А. ОТМ профессор ва доцентлари ёки илмий ходимлари;

В. ОТМ профессор ва доцентлари ёки катта ўқитувчилари;

√С. ОТМ профессор ва доцентлари ҳамда илмий ходимлари, бошқа муассаса ва корхоналарнинг юқори малакали мутахассислари;

Д. ОТМ профессор ва доцентлари, катта ўқитувчилари, ўқитувчилари, бошқа олий ўқув юртларининг юқори малакали мутахассислари;

**27. Олий таълим муассасаларида бакалавриат таълим йўналишлари битирувчиларининг битирув малакавий ишлари кимлар томонидан бажарилади?**

А. ОТМ профессор ва доцентлари томонидан;

В. Илмий раҳбар томонидан;

С. Илмий раҳбар ва талаба билан биргаликда;

√Д. Битирув малакавий иш берилган берилган топшириқ асосида шахсан талаба томонидан.

**28. Олий таълим муассасаларида битирув малакавий ишларининг тушунтириш қисми қанча сўз хажмида белгиланади?**

А. 5-10 минг сўз хажмида;

В. 8-10 минг сўз хажмида;

С. 10-12 минг сўз хажмида;

√Д. 10-15 минг сўз хажмида.

**29. Олий таълим муассасаларида битирув малакавий ишлари неча йил сақланади?**

А. 5 йил муддат;

В. 8 йил муддат;

С. 10 йил муддат;

√Д. Камида 10 йил.

**30. Назорат турлари уни ўтказиш тартиби ва мезонлари қайси кенгашда мухокама этилади ва тасдиқланади?**

А. Факультет Кенгашида;

√В. Факультет ўқув-услубий Кенгашида;

С. Кафедра йиғилишида;

Д. ОТМ Кенгашида.

**31. Олий таълим муассасасида юридик шахс билан тузилган тўлов-контракт асосида таълим олаётган талабаларнинг ўқишини кўчириш мумкинми?**

А. Мумкин;

В. Мумкин эмас;

С. Амалдаги меъёрий хужжатларда бундай холат назарда тутилмаган;

√Д. Юридик шахснинг розилиги билан.

**32.Оралик ва якуний назорат турлари нималарга асосан ўтказилади?**

А. Календар тематик режа асосида кафедра томонидан тузилган рейтинг назорат жадваллари асосида

В. Оралик ва якуний назорат жадваллари асосида

С. Рейтинг графигига асосида

Д. Календарь тематик режага мувофиқ деканат ёки факультет тузилмаси бўлмаган олий таълим муассасаларида ўқув бўлими (ўқув-услубий бошқарма) томонидан тузилган рейтинг назорат жадваллари асосида ўтказилади.

**33. Таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш қайси органнинг ваколати доирасига киради?**

А. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

В.Таълимни бошқариш бўйича махсус ваколат берилган давлат органларининг

С. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг

Д. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг.

**34. Бир ўқитувчи нисбатига тўғри келадиган талабалар сони нисбати тиббиёт таълим йўналишида қанча меъёрни ташкил этади?**

А. 10,3

В. 10,5

С. 7,1

Д. 6,8

**35.Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий таркибий қисмлари сифатида нималар белгиланган?**

А. Шахс, давлат ва жамият

В. Фан ва ишлаб чиқариш

С. Узлуксиз таълим, таълимнинг узвийлиги, ҳамкорлик

Д. Шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан ва ишлаб чиқариш.

**36. Олий таълим муассасаларига талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклашига асос бўлган барча хужжатлар неча йил сақланади?**

А. 1 йил

В. 3 йил

С. 5 йил

Д. 10 йил.

**37.ДТС ҳамда ўқув режаларни бажарилишини кўрсатиб турувчи хужжат нима?**

A. Дарс жадвали

B. Ўқув дастури

C. Ишчи ўқув дастури

Д. Гурух журнали.

**38. Компетенция қайси жавобда тўғри берилган?**

A. Маълум соҳада муваффақиятли фаолият юритиш учун билимлар, амалий малакалар ва шахсий сифатларни қўллаш қобилияти

B. Тегишли сохада муваффақиятли фаолият юритиш учун билимлар, амалий малакалар ва шахсий сифатларни қўллаш қобилияти

C. Тегишли сохада фаолият юритиш учун билимлар, амалий малакалар ва шахсий сифатларни қўллаш қобилияти

Д. Маълум соҳада фаолият юритиш учун билимлар, амалий малакалар ва шахсий сифатларни қўллаш қобилияти.

**39. Модуль қайси жавобда тўғри берилган?**

A.Тарбиялаш, ўқитишга ўрнатилган мақсадлар ва натижаларга нисбатан муайян мантиқий тугалланганликка эга бўлган ўқув фани (курси) ёки ўқув фанлари (курслари) қисмларининг мажмуаси

B. Муайян мантиқий тугалланганликка эга бўлган ўқув фани (курси) ёки ўқув фанлари (курслари) қисмларининг мажмуаси

C. Муайян мантиқий тугалланганликка эга бўлган ўқув фани ёки ўқув фанлари курсларининг мажмуаси

Д.Тарбиялаш, ўқитишга ўрнатилган мақсадлар ва натижаларга нисбатан муайян мантиқий тугалланганликка эга бўлган ўқув фани (курси) ёки ўқув фанларининг мажмуаси.

**40.Ўқув режаси билан назарда тутилган малака амалиётлари ва таътиллар даврида талабаларнинг стипендия олиш ҳуқуқи қандай бўлади?**

A.Стипендия олиш ҳуқуқи сақланади

B. Стипендия олиш ҳуқуқи сақланмайди

C. Айрим холларда сақланади

Д. Қонунда назарда тутилган холларда сақланади.

**41.Пенсия оладиган талабаларга стипендия қандай асосларда тайинланади?**

A. Умумий асосларда тайинланади

B. Стипендия комиссияси қарорига асосан тайинланади

C. Стипендия тайинланмайди

Д. Қонун хужжатларига асосан тайинланади.

**42. Талаба академик таътилдан қайтганидан кейин унга стипендия тўлаш..........................?**

А. Аввалги миқдорларда жорий ўқув семестрининг охирига қадар тикланади

В. Амалга оширилади

С. Амалга оширилмайди

Д. Академ қарздор бўлмаган талабаларга тикланади.

**43.Илгари маъмурият ташаббуси билан Олий таълим муассасасидан чиқарилган талабалар ўқишга тикланганда стипендия тайинланадими?**

А.Мазкур ўқув семестри учун стипендия, стипендия базавий миқдоридан 0,5 коэффициентини қўллаган ҳолда тайинланади.

В.Стипендия базавий миқдоридан 0,5 коэффициентини қўллаган ҳолда тайинланади.

С. Стипендия тайинланмайди

Д.Стипендия, стипендия базавий миқдоридан 1,0 коэффициентини қўллаган ҳолда тайинланади.

**44.Талабаларга стипендияни тўғри тайинлаш ва тўлаш устидан назорат қилиш кимнинг зиммасига юкланади?**

А. Олий таълим муассасасининг стипендия комиссиясига юкланади

В. Олий таълим муассасасининг ректорига юкланади

С. Олий таълим муассасасининг факультет деканига юкланади

Д. Стипендия буйруғини тайёрлайдиган шахсга юкланади.

**45.“Олий таълим муассасалари талабаларига стипендиялар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низом қайси давлат органи томонидан тасдиқланган?**

А. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

В. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

С. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги

Д. Олий таълим муассасалари талабаларига стипендиялар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида Низом тасдиқланмаган.

**46.Талабалар учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендиялари ўн битта таълим йўналишлари учун тайинланиши кўрсатилган? Ушбу таълим йўналишларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш мумкинми?**

А. Мумкин эмас

B. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тавсиясига биноан мумкин

C. Мумкин

Д. Вилоятнинг давлат органларининг буйруғига асосан мумкин

**47. Узлуксиз таълим тизими учун олий ва ўрта махсус ўқув адабиётлари яратиш концепцияси талабларига мувофиқ дарсликлар ва ўқув-методик адабиётлар яратилишини, таржима қилинишини ва нашр этилишини ташкил этиш қайси давлат органининг асосий вазифалари хисобланади?**

А. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

B. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

C. Олий таълим муассасаси

Д Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қошидаги Ривожлантириш маркази.

**48. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўз фаолиятини қандай амалга оширади?**

А.Давлат бошқарувининг бошқа органлари билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади

B.Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади

C.Жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади

Д. Давлат бошқарувининг бошқа органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади

**49.Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг неча нафар ўринбосарлари бўлади?**

А. Тўрт нафар ўринбосари ва икки нафар биринчи ўринбосарлари

B. Тўрт нафар ўринбосари

C. Беш нафар ўринбосари ва бир нафар биринчи ўринбосари

Д. Беш нафар ўринбосари.

**50. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ҳайъатининг аъзолари сони ва шахсий таркиби қайси орган томонидан тасдиқланади?**

А.Вазирнинг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан

B. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан

C. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан

Д. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ҳайъати мажлиси томонидан.

**51. Таълим бериш тили таълим муассасаларида қайси норматив хужжат билан тартибга солинади?**

А. Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили тўғрисида"ги Қонуни билан

В. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси билан

С. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни билан

Д. Таълим бериш тили норматив хужжат билан тартибга солинмайди.

**52.Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига неча соат қилиб белгиланади.**

А. 54 соат

В. 36 соат

С. 32 соат

Д. 28 соат.

**53. Классификатор қайси норматив хужжатларга асосан ишлаб чиқилган?**

А. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунларига асосан

В. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига асосан

С. Давлат даълим стандарти Асосий қоидаларга асосан

Д. ЮНЕСКО томонидан 1997 йил март ойида қабул қилинган Таълимнинг Халқаро Стандарт Классификациясига асосан.

**54.Давлат грантлари асосида таҳсил олган олий таълим муассасалари бакалавр ва магистр талабалари қайси ўқув йилидан бошлаб мажбурий тартибда ишга тақсимланмоқда?**

А. 2005/2006 ўқув йилидан

В. 2004/2005 ўқув йилидан

С. 2006/2007 ўқув йилидан

Д. 2007/2008 ўқув йилидан.

**55.Иш берувчилар кадрларга бўлган эҳтиёжни, мавжуд бўш иш жойлари ҳақидаги маълумотларни ҳар йили қайси вақтга қадар аниқлайдилар?**

А.Ҳар йили 1- апрелга қадар

В. Ҳар йили 1- мартга қадар

С. Ҳар йили 1- майга қадар

Д. Ҳар йили 1- февралга қадар.

**56. Олий таълим муассасаларида битирувчиларни ишга тақсимлаш қачон ўтказилади?**

А. Олий таълим муассасасини битиришидан камида 1 ой олдин

В. Олий таълим муассасасини битиришидан камида 2 ой олдин

С. Олий таълим муассасасини битиришидан камида 3 ой олдин

Д. Олий таълим муассасасини битиргандан кейин.

**57. Олий таълим муассасаси битирувчиларини ишга тақсимланиш жараёнидан олдин қандай тадбир ўтказилади?**

А.Битирувчилардан қаерда ишлашни хоҳлаши тўғрисида сўров-анкеталари тўлдириб олинади.

В. Кадрларга бўлган эхтиёж ўрганилади

С. Кадрларнинг буюртмачилари билан учрашув ўтказилади

Д. ОТМ ректори битирувчилар билан учрашув ўтказади.

**58. Битирувчилар ўқишни тамомлагандан сўнг қанча муддатда иш жойига етиб келишлари ва иш бошлашлари лозим?**

А. Кўпи билан уч ойгача бўлган муддатда

В. Икки ойгача бўлган муддатда

С. Бир ойгача бўлган муддатда

Д. Уч ойгача бўлган муддатда.

**59. Битирув малакавий ишини ҳимоя қилиш тартиби қайси норматив хужжат билан белгиланади?**

А.Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битирувчиларини якуний давлат аттестацияси тўғрисидаги Низом билан

В.Олий таълим муассасаларида бакалавр талабаларнинг битирув малакавий ишини бажариш ва расмийлаштиришга қўйиладиган талаблар билан

С.Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисидаги Низом билан

Д. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонуни билан.

**60. Олий таълим муассасаларида кафедра мудири билан тузилган меҳнат шартномаси тўхтатилиши мумкинми?**

А. Кенгаш қарорига биноан тўхтатилиши мумкин

В. Тўхтатилиши мумкин

С. Тўхтатилиши мумкин эмас

Д.Олий таълим муассасаси ректори буйруғи асосан тўхтатилиши мумкин.

**61.Озодликдан махрум қилиш тариқасида жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган шахсларнинг таълим олиши учун шароитлар яратиладими?**

А.Қонунчиликда белгиланган тартибда шароитлар яратилади

В.Шароитлар яратилади

С.Шароитлар яратилмайди

Д.Шароитлар қисман яратилади.

**62. Ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг ўқувчилари қандай таъминотда бўлади?**

А. Тўла давлат таъминотида бўлади

В. Давлат таъминотида бўлади

С. Қисман давлат таъминотида бўлади

Д. Тегишли давлат органининг таъминотида бўлади.

**63.Етим болаларни, ота-оналарининг ёки бошқа қонуний вакилларининг васийлигисиз қолган болаларни ўқитиш ва уларни боқиш ким томонидан амалга оширилади?**

А.Давлатнинг тўла таъминоти асосида қонун хужжатларига асосан амалга оширилади

В. Давлатнинг таъминоти асосида амалга оширилади

С. Давлатнинг таъминоти асосида қонун хужжатларига асосан амалга оширилади.

Д. Давлатнинг тегишли органлари томонидан амалга оширилади.

**64.Фуқаролар иккинчи ва ундан кейинги олий маълумотни шартнома асосида олишга ҳақлидирлар. Ушбу жумла қайси хужжатдан олинган?**

А. Таълим тўғрисидаги қонундан

В. Кадрлар тайёрлаш миллий дастуридан

С. Иккинчи олий таълим тўғрисидаги низомдан

Д. Давлат таълим стандартидан.

**65. Олий таълим таълим муассасасида илмий ишлар бўйича проректор лавозими талабаларнинг келтирилган контингенти неча нафардан зиёд бўлганда киритилади?**

А. Талабалар контингенти 1000 нафардан зиёд бўлганда

В. Талабалар контингенти 1500 нафардан зиёд бўлганда

С. Талабалар контингенти 2000 нафардан зиёд бўлганда

Д.Илмий ишлар бўйича проректор лавозими талабаларнинг контингентига боғлиқ эмас.

**66. ОТМ Кенгашининг ваколат муддати неча йил?**

А. 5 йил

В. 1 йил

С. 3 йил

Д. Муддатсиз.

**67. ОТМ Кенгаши ўз фаолиятини қайси хужжатга асосан олиб боради?**

А. Ҳар ўқув йили учун ишлаб чиқиладиган иш режасига

В. ОТМ уставига

С. ОТМнинг Кенгаш тўғрисидаги низомига

Д. ОТМ ректори фармойишига.

**68. ОТМ Кенгаши қарорлари қачон кучга киради?**

А. ОТМ ректори томонидан тасдиқлангандан сўнг

В. Қарор қабул қилингандан сўнг

С. ОТМ ректори буйруғи чиққандан сўнг

Д. Қарор қабул қилингандан 10 кундан кейин.

**69. Таълим олиш жараёнида шахс қандай талабларни бажариши шарт?**

А. Давлат таълим стандартларида ифода этилган талабларни

В. Давлат талабларини

С. Таълимга оид меъёрий ҳуқуқий хужжат талабларини

Д. "Таълим тўғрисида"ги қонун талабларини.

**70. ОЎМТВ грифига асосан ўқув қўлланма ёзиш ва нашрга тайёрлаш учун неча соат ажратилади?**

А. Босма табоғи 30 соат

В. Босма табоғи 40 соат

С. Босма табоғи 50 соат

Д. Босма табоғи 60 соат.

71. **ОЎМТВ грифига асосан дарслик ёзиш ва нашрга тайёрлаш учун меъёрий хужжатда неча соат ажратилади?**

А. Босма табоғига 50 соат

В. Босма табоғига 40 соат

С. Босма табоғига 30 соат

Д. Босма табоғига 20 соат.

**72. ОТМ қабул комиссиясида ишлаш учун меъёрий хужжатда неча соат ажратилган?**

А. 100 соат

В. 150 соат

С. 50 соат

Д. Соат ажратилмайди.

**73. ОТМларда ўриндошлик тартибида декан ва декан муовинлари вазифасида фаолият олиб борган шахслар қачондан бошлаб ўз вазифаларидан озод этилган?**

А. 1998 йил 1 ноябрдан

В. 1998 йил 2 мартдан

С. 1998 йил 28 августдан

Д. 1998 йил 1 октябрдан.

**74. Амалдаги меъёрий хужжатларда маъруза, амалий машғулот, семинар ва лаборатория машғулотларига тайёргарлик кўриш учун неча соат ажратилади?**

А. Ўқитилаётган курсга ажратилган жами соатлар миқдорининг 30% миқдорида

В. Ўқитилаётган курсга ажратилган соатлар миқдорининг 30% миқдорида

С. Ўқитилаётган курсга ажратилган аудитория соатлар миқдорининг 30% миқдорида

Д. Ўқитилаётган курсга ажратилган маъруза соатларининг 30% миқдорида.

**75.Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторининг эталонини қайси ваколатли орган олиб боради?**

А. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

В. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси

С. Таянч олий таълим муассасалари

Д. Олий таълимнинг ривожлантириш маркази.

**76. ОТМ факультет декани қайси меъёрий хужжатга асосан соҳавий вазирлик билан келишилган ҳолда ОТМ ректори томонидан тайинланади?**

А. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармойишига

В. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонига

С. Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорига

Д. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига.

**77. Олий таълим муассасалари фанлар блоклари бўйича ўқув дастурини ўзлаштириш учун ажратилган соатлар хажмини неча фоизга ўзгартириши мумкин?**

А. 5 фоиз

В. 10 фоиз

С. 15 фоиз

Д. Ўзгартириш мумкин эмас.

**78. ОТМларнинг штат жадвалига декан ва декан муовинлари штат бирликлари қачон киритилган?**

А. 1998 йил 1 октябрдан

В. 1998 йил 28 августдан

С. 1998 йил 1 мартдан

Д. 1998 йил 1 ноябрдан.

**79.Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими бакалавриат йўналиши қайси билим соҳасига киради?**

А. Гуманитар соҳа

В. Ижтимоий соҳа

С. Иқтисодий ва ҳуқуқ соҳаси

Д. Хизматлар соҳаси.

**80. ОТМларда амалиётни тахлил этиш ва ўтказиш учун жавобгарлик кимнинг зиммасига юкланади?**

А.ОТМ ректори

В. Амалиёт бўлими бошлиғи

С. Факультет декани

Д. Ўқув бўлими бошлиғи.

**81. ОТМлардаги кафедра мудирларининг хонаси қандай майдон жумласига киради?**

А. Ўқув-ёрдамчи майдон

В. Ёрдамчи майдон

С. Ўқув майдони

Д.Умумий майдон.

**82. ОТМлардаги ёпиқ спорт бинолари майдонлари қандай майдон жумласига киради?**

А. Ўқув-ёрдамчи майдон

В. Ёрдамчи майдон

С. Ўқув майдони

Д.Умумий майдон.

**83.ОТМлардаги тиббий пунктлар қандай майдон жумласига киради?**

А. Ўқув-ёрдамчи майдон

В. Ёрдамчи майдон

С. Ўқув майдони

Д. Умумий майдон.

**84. Бошқа олий таълим муассасасига ижарага берилган майдон қандай майдон жумласига киради?**

А. Ўқув-ёрдамчи майдон

В. Ёрдамчи майдон

С. Ўқув майдони

Д. Умумий майдон.

**85. Педагог, илмий кадрларни аттестациядан ўтказиш тартибини белгилаш қайси давлат органнинг ваколати доирасига киради?**

А. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси

В. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

С. Давлат тест маркази

Д. Олий таълим муассасаси.

**86.Педагог ходимларни тайёрлашни, уларнинг малакасини оширишни ва қайта тайёрлашни ташкил этиш қайси давлат органининг ваколати доирасига киради?**

А. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

В. Давлат тест маркази

С. Олий таълим муассасаси

Д. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси.

**87. Нодавлат таълим муассасаларига фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига лицензия берганлик ва унинг амал қилиш муддатини узайтирганлик учун қанча миқдорда давлат божи ундирилади?**

А. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари миқдорида

В. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг ўн беш баравари миқдорида

С. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдорида

Д. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма баравари миқдорида.

**88.Таълим муассасасини аккредитациялаш учун Аттестация комиссияси томонидан Аккредитация комиссиясига қандай ҳужжатлар тақдим этилади?**

А.Ўқув концепцияси, ўқув режалари ва дастурлари, таълим муассасаси аттестацияси хулосаси, нодавлат таълим муассасасига берилган лицензия нусхаси

В.ОТМдаги мавжуд бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахасисликларининг меъёрий хужжатлари

С.ДТС, ўқув режалари ва дастурлари, таълим муассасаси аттестацияси хулосаси

Д. Таълим муассасаси аттестацияси хулосаси.

**89. Тасарруфида таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар аттестация жадвалини ҳамда аттестация текширувига оид хужжатларни аттестация бошланишидан неча ой олдин Давлат тест марказидан оладилар?**

А. 3 ой олдин

В. 1 ой олдин

С. 2 ой олдин

Д. 6 ой олдин.

**90. Қандай лавозимларга танлов эълон қилинмайди?**

А.Ҳомиладор аёллар, шунингдек уч ёшгача болалари бўлган аёллар эгаллаб турган лавозимларга

В. Ҳомиладор аёллар эгаллаб турган лавозимларга

С. Бўш бўлмаган лавозимларга

Д. ОТМ рахбарлари эгаллаб турган лавозимларга.

**91. Олий таълим муассасаларига қандай шахслар танловсиз, ректор буйруғи билан белгиланган тартибда ишга қабул қилинади?**

А. Ўқитувчи лавозимига соатбай ҳақ тўлаш шартларида ишга кираётган шахслар

В. ОТМ рахбарлари

С. Ёш педагог ўқитувчилар

Д. Нафақа ёшидаги педагоглар.

**92. Олий таълим муассасасини битирган мутахассис тақсимот бўйича ўқитувчи лавозимига танловдан ташқари неча йил муддатга тайинланади?**

А. 1 йил муддатга

В. 2 йил муддатга

С. 3 йил муддатга

Д. 5 йил муддатга.

**93. ОТМларда профессор-ўқитувчилар таркиби бўйича муддатидан олдин танловлар ўтказишга қачон йўл қўйилмайди?**

А. Кафедралар бирлаштирилганда ёки кафедра бўлинганда

В. Кафедра тугатилганда

С. Кафедра қўшилганида

Д. Танлов эълон қилинмаганда.

**94. Кафедралар бирлаштирилган тақдирда янгидан ташкил этилган кафедра мудири лавозимини эгаллаш тўғрисидаги масала қандай хал этилади?**

А. Олий таълим муассасасининг илмий кенгашида ҳал қилинади

В. Олий таълим муассасасининг илмий кенгаши олдиндан танлов эълон қилмасдан ҳал қилади

С. Олий таълим муассасасининг илмий кенгаши олдиндан танлов эълон қилиб очиқ овоз бериш йўли билан ҳал қилади

Д. Олий таълим муассасасининг илмий кенгаши олдиндан танлов эълон қилмасдан, яширин овоз бериш йўли билан ҳал қилади.

**95.Таълимни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш қайси давлат органининг ваколати доирасига киради?**

А. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси

В. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

С. Олий таълим муассасаси

Д. Ваколатли давлат органи.

**96.Давлат таълим стандартлари, мутахассисларнинг билим савияси ва касб тайёргарлигига бўлган талаблар бажарилишини таъминлаш қайси давлат органининг ваколати доирасига киради?**

А. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси

В. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

С. Олий таълим муассасаси

Д.Таълимни бошқариш бўйича махсус ваколат берилган давлат органлари.

**97. Таълим муассасалари фаолиятининг минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш эҳтиёжларига мувофиқлигини таъминлаш қайси давлат органининг ваколати доирасига киради?**

А. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси

В. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

С. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари

Д.Таълимни бошқариш бўйича махсус ваколат берилган давлат органлари.

**98. Магистрлик диссертацияси мавзусини белгилаш олий таълим муассасасида ким томонидан расмийлаштирилади?**

А. ОТМ ректори томонидан

В. Факультет декани томонидан

С. Кафедра мудири томонидан

Д. Магистратура бўлими бошлиғи томонидан.

**99. Давлат таълим стандартини билиш .............................?**

А. Профессор-ўқитувчилар учун танлов шарти хисобланади

В. Профессор-ўқитувчилар учун ихтиёрий хисобланади

С. Профессор-ўқитувчилар учун мажбурий хисобланади

Д.Профессор-ўқитувчилар таркибини танлов асосида саралаш шартларидан бири ҳисобланади.

**100. Давлат таълим стандартларини такомиллаштириш бўйича асосий тамойиллардан қайси бири нотўғри?**

А.Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторида кадрларни илдам тайёрлаш, жаҳон тажрибалари, мамлакат ва жамият манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, таълим йўналишлари ва мутахассисликларини тегишли соҳаларга мувофиқлик нуқтаи назаридан имкон даражасида унификациялаш.

В.Бакалавриат таълим йўналиши ва унга тегишли магистратура мутахассисликларининг ДТСлари бир вақтда ишлаб чиқилиши ва биргаликда экспертизадан ўтказилишига амал қилиш.

С.ДТСларни ишлаб чиқишда таълимни демократлаштириш, инсонпарварлаштириш, глобаллашув шароитида ўзига хосликни сақлаш ва жаҳон таълим маконига интеграллаштириш тамойилларига амал қилиш.

Д.Малакавий талабларда келтирилмаган сифатларни шакллантирувчи энг зарур фанларнинг киритилиши, уларнинг ҳажмлари ва кетма-кетлиги узлуксиз таълим турлари билан узвийлигини инобатга олган ҳолда илмий асослаш.

**101. Рейтинг дафтарчаси ва талабалик гувоҳномасининг шаклларига қўйилган талаблар Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг қайси буйруғи билан тасдиқланган?**

А. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2014 йил 31 мартдаги № 114-сонли буйруғи билан тасдиқланган.

В. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2008 йил 26 июлдаги № 185-сонли буйруғи билан тасдиқланган.

С. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2010 йил 29 августдаги № 340-сонли буйруғи билан тасдиқланган.

Д. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1998 йил 23 июлдаги № 200-сонли буйруғи билан тасдиқланган.

**102.Рейтинг дафтарчаси Олий таълим муассасаларида ким томонидан расмийлаштирилади?**

А.Рейтинг дафтарчаси факультет декани томонидан расмийлаштирилади

В.Рейтинг дафтарчаси факультет декани муовини томонидан расмийлаштирилади

С. Рейтинг дафтарчаси ўқув бўлими томонидан расмийлаштирилади

Д.Рейтинг дафтарчаси деканат масъул ходимлари томонидан расмийлаштирилади.

**103.Олий таълим муассасасини тугатганлик ва диплом берилганликни қайд этиш китоби неча йил сақланади?**

А. 25 йил сақланади

В. Заруriят қолмагунча сақланади

С. 75 йил сақланади

Д. Доимий сақланади.

**104. ОТМларда талабалар контингенти ҳаракатини ҳисобга олиш тўғрисида маълумот ким томонидан юритилади?**

А. Талабалар контингентига маъсул бўлган шахс томонидан юритилади

В. Ходимлар бўлими томонидан юритилади

С. Ўқув бўлими томонидан юритилади

Д. Факультет томонидан юритилади.

**105. Малака ошириш курсларига машғулотлар ўтказиш учун соатбай иш ҳақи тўлаш шартлари билан жалб этиладиган шахсларга соатбай иш ҳақи микдори белгиланган микдорларидан неча фоизга кўпайтирилади?**

А. 20 фоизга

В.25 фоизга

С. 50 фоизга

Д. Амалда белгиланган микдорлардан кўпайтирилмайди.

**106. Олий таълим муассасаларида юритиладиган таълим жараёнига тааллуқли асосий ҳужжатларнинг шакллари ва уларни юритиш бўйича йўриқнома қачон тасдиқланган?**

А. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2011 йил 3 декабрдаги № 487-сонли буйруғи билан тасдиқланган.

В. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2010 йил 26 августдаги № 262-сонли буйруғи билан тасдиқланган.

С. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2010 йил 25 июлдаги № 333-сонли буйруғи билан тасдиқланган.

Д. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2014 йил 31 мартдаги № 114- сонли буйруғи билан тасдиқланган.

**107. Катта илмий ходимлар-изланувчилар учун назарий ва илмий-тадқиқот ишлари бўйича ўқув юкламаси ҳажми ҳафтасига неча соат бўлиши керак?**

A. 36 соат
B. 32 соат
C. 28 соат
Д. 12 соат.

**108.Катта илмий ходимлар-изланувчилар учун аудитория машғулотларига неча соат ажратилади?**

A. 12 соат
B. 16 соат
C. 24 соат
Д. 36 соат.

**109. Мустақил изланувчилар учун ўқув юкламаси ҳажми ҳафтасига неча соатни ташкил қилади?**

A. 12 соат
B. 16 соат
C. 8 соат
Д. 4 соат.

**110. Мустақил изланувчилар учун аудитория машғулотларига неча соат ажратилади?**

A. 4 соат
B. 16 соат
C. 8 соат
Д. 12 соат.

**111. Катта илмий ходимлар-изланувчилар диссертацияни ҳимоя қилгунгача таълим муассасаларида неча соат ҳажмида педагогик иш тажрибасига эга бўлиши керак?**

A. Камида 300 соат
B. 100 соат
C. 200 соат
Д. 300 соат.

**112. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги 24.07.2012 йилдаги Фармонида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига неча ой муддат ичида мазкур Фармоннинг ижроси бўйича тегишли Ҳукумат қарорини қабул қилиш юклатилган?**

A. 3 ой муддат ичида

B. 1 ой муддат ичида

C. 2 ой муддат ичида

Д. 6 ой муддат ичида.

**113. Докторлик диссертациясини расмийлаштириш ва уни ҳимоя қилиш қайси тилда амалга оширилади?**

A. Ўзбек, рус, қорақалпоқ ва инглиз тилларида ёхуд ОАК билан келишган ҳолда бошқа тилда амалга оширилади.

B. Ўзбек, рус, қорақалпоқ тилида амалга оширилади

C. Ўзбек, рус, қорақалпоқ ва инглиз тилларида амалга оширилади

Д. ОАК билан келишган ҳолда барча тилларда амалга оширилади.

**114. Республика олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот муассасаларининг олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш бўйича фаолиятини қайси орган мувофиқлаштиради?**

A.Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси

B. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

C. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси

Д. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

**115. Ҳар йили қайси муддатга қадар олимлар, фаол илмий ва илмий-педагогик фаолият олиб бораётган, шу жумладан давлат илмий-техник дастурлари доирасида илмий-техник лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этаётган фан докторлари томонидан докторлик диссертацияларининг тавсия этиладиган мавзулари ишлаб чиқилади?**

A. 1 майгача

B. 1 мартгача

C. 1 апрелгача

Д. 1 июнгача.

**116. Тавсия этилган диссертация мавзулари уларнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор вазифаларига мувофиқлиги юзасидан қайси кенгаш экспертизасидан ўтказилади?**

A.Олий таълим муассасаси кенгашида ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий кенгашида

B. Ихтисослашган кенгашда

C. Диссертацион кенгашда

Д. Илмий кенгашда.

**117.Олий таълим муассасасида катта илмий ходимлар-изланувчилар билан олиб борилган иш учун илмий консультантларга хар бир катта илмий ходимлар-изланувчилар учун бир йилда неча соат вақт ажратилади?**

A. 100 соат

B. 50 соат

C. 150 соат

Д. Камида 100 соат.

**118.Катта илмий ходимлар-изланувчиларнинг ўқиш муддати уларнинг иш стажига қўшиладими?**

A. Умумий стажига қўшилади

B. Педагогик стажига қўшилади

C. Умумий стажига қўшилмайди

Д. Умуман иш стажига қўшилмайди.

**119. Катта илмий ходимлар-изланувчилар қайси холларда ўқишдан четлатилади?**

A. Якка тартибдаги режалар бажарилмаганда, олий таълим муассасаси ёки илмий-тадқиқот муассасасининг ички тартиби ва қоидалари бузилганда

B. Амалдаги қонун хужжатларига асосан катта илмий ходимлар-изланувчилар томонидан тасдиқланган режалар бажарилмаганда

C.Катта илмий ходимлар-изланувчиларнинг ўз мажбуриятларни бажармаганлиги хамда ОТМ ички тартиб ва қоидалари бузилганда

Д. Олий таълим муассасаси ёки илмий-тадқиқот муассасасининг ички тартиби ва қоидалари бузилганда.

**120. Катта илмий ходим-изланувчи сифатида ўқиган, бироқ диссертация ҳимоя қилмаган шахсга нималарга рухсат берилмайди?**

A. Мустақил изланувчи сифатида расмийлаштиришга

B. Диссертация химоя қилишга

C. Педагогик фаолият билан шуғулланишга

Д. Иккинчи марта ўқишга.

**121. Хорижий фуқароларни ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни олий ўқув юртидан кейинги таълим муассасаларига қабул қилиш қандай амалга оширилади?**

A. Қабул квоталаридан ортиқча тўлов-контракт асосида

B. Қабул квоталаридан ташқари

C. Қабул квоталари доирасида

Д. Тўлов - контракт асосида.

**122. Малака ошириш таълим дастури (ўқув режа, фанларнинг дастурлари, ўқув-дидактик воситалар, тарқатма материаллар, саволномалар) кимлар томонидан ишлаб чиқилади?**

А.Малака ошириш таълим муассасаси томонидан МОТМ ташкил этилган базавий олий таълим муассасалари кафедралари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилади

В.Малака ошириш таълим муассасаси профессор-ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилади

С.Малака ошириш таълим муассасаси ва бошқа олий таълим муассасалари кафедралари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилади

Д. Малака ошириш таълим муассасаси томонидан ишлаб чиқилади.

**123. ОТМларда АРМни қайта ташкил этиш ва тугатиш (қўшиш, ажратиш, бўлиш, бирлаштириш, қайта ўзгартириш) қандай тартибда амалга оширилади?**

А. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ҳамда Халқ таълими вазирлиги қарорига кўра, амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

В. Олий таълим муассасасининг кенгаши томонидан амалга оширилади

С. Олий таълим муассасаси томонидан амалга оширилади

Д. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан амалга оширилади.

**124. Профессор ва доцент илмий унвонлари олий таълим ёки кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш таълим муассасаларида қандай тартибда берилади?**

А. Кафедра бўйича

В. Ихтисослик бўйича

С. Йўналиш ва мутахассислик бўйича

Д. Кафедра ва ихтисослик бўйича.

**125. Профессор ва доцент илмий унвонлари олий таълим ёки кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш таълим муассасаларида кимларга берилади?**

А. Педагогик фаолият олиб бораётган шахсларга

В. Профессор-ўқитувчилар ва илмий ходимларга

С. ОТМнинг илмий-тадқиқот тузилмасида ишлаётган ходимларга

Д. Педагогик фаолият олиб бораётган, чуқур касбий билим ҳамда илмий ва педагогик соҳада ютуқларга эришган юксак маънавиятли шахсларга.

**126. Илмий унвон берилган шахсларга қандай хужжат берилади?**

А. Сертификат

В. Диплом

С. Гувохнома

Д. Аттестат.

**127. Катта илмий ходим илмий унвони ўз мақомига кўра қандай илмий унвонга тенглаштирилади?**

А. Ихтисослик бўйича профессор илмий унвонига

В. Кафедра бўйича профессор илмий унвонига

С. Кафедра бўйича доцент илмий унвонига

Д. Ихтисослик бўйича доцент илмий унвонига.

**128. ОАК Раёсатининг илмий унвон бериш тўғрисидаги қарори қабул қилингандан сўнг Аттестат қанча муддат ичида расмийлаштирилади?**

А. 10 кун ичида Аттестат расмийлаштирилади.

В. 2 хафта ичида Аттестат расмийлаштирилади.

С. Икки ой ичида Аттестат расмийлаштирилади.

Д. Бир ой ичида Аттестат расмийлаштирилади.

**129. ОАК Раёсатининг илмий унвон бериш тўғрисидаги қарори неча йил олдин қабул қилинган бўлса, илмий унвондан маҳрум этиш масаласи кўриб чиқиш учун қабул қилинмайди?**

А. 5 йил олдин

В. 10 йил олдин

С. 20 йил олдин

Д. 25 йил олдин

**130. ОАК Раёсатининг апелляция бўйича қабул қилинган якуний қарори неча иш куни ичида апелляция берган шахсларга тақдим қилинади?**

А. 3 иш куни

В. 5 иш куни

С. 7 иш куни

Д. 1 иш куни.

**131. Талабгорнинг аттестация иши Кенгаш томонидан илмий унвонга тақдим этиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган кундан эътиборан қанча муддат ичида ОАКга юборилади?**

А. 1 ой ичида

В. 2 ой ичида
С. 3 ой ичида
Д. 10 кун ичида.

**132. Нодавлат таълим муассасалари фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига лицензия неча йил муддатга берилади?**

А. 1 йил муддатга берилади
В. 3 йил муддатга берилади
С. 5 йил муддатга берилади
Д. Муддатсиз берилади.

**133. Нодавлат таълим муассасаларига фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига лицензия берганлик ва унинг амал қилиш муддатини узайтирганлик учун қанча миқдорда давлат божи ундирилади?**

А. Қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдорида

В. Қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдорида

С. Қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари миқдорида

Д. Қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг ўн беш баравари миқдорида.

**134. Умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлашнинг пулли шакли қайси ўқув йилидан бошлаб жорий этилган?**

А. 1997-1998 ўқув йили 1 сентябрдан
В. 1998-1999 ўқув йили 1 сентябрдан
С. 1999-2000 ўқув йили 1 сентябрдан
Д. 1996-1997 ўқув йили 1 сентябрдан.

**135. Қайси йилдан бошлаб ОТМларда давлат грантлари бўйича ва тўлов-контракт асосида ўқитишнинг кундузги шаклида таълим олаётган барча талабаларни стипендия билан таъминлаш жорий этилган?**

А. 2000 йил 1 сентябрдан бошлаб
В. 2001 йил 1 сентябрдан бошлаб
С. 2002 йил 1 сентябрдан бошлаб
Д. 2003 йил 1 сентябрдан бошлаб.

**136. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг “Олий ўқув юртлари талабаларига стипендиялар тўлаш тартиби ва миқдорлари тўғрисида”ги Қарори қачон қабул қилинган?**

А. 17.08.2000 йил

В. 17.08.2001 йил

С. 17.08.2002 йил

Д. 17.08.2003 йил.

**137. Якуний давлат аттестацияси синовлари бошланишидан олдин ОТМ ректори нима ўтказади?**

А.Якуний давлат аттестация комиссияси раислари билан комиссия раислари ва аъзоларининг вазифалари хамда ОТМ битирувчиларига қўйилаётган талаблар хусусида учрашув ўтказади

В.Кадрларни буюртмачилари билан ОТМ битирувчиларини ишга жойлаштириш хусусида учрашув ўтказади

С.ОТМнинг битирувчи талабалари билан якуний давлат аттестацияси комиссияларининг тайёргарлик даражаси ва битирувчиларга қўйиладиган талаблар бўйича учрашув ўтказади

Д.Якуний давлат аттестацияси комиссияларининг тайёргарлик даражаси, комиссия раислари ва аъзоларининг вазифалари, битирувчиларга қўйилаётган талаблар, тартиб-интизом тўғрисида семинар - кенгаш ўтказади.

**138.“Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг малакасини ошириш ҳақида”ги Низомда олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари нечта йўналишда малака ошириладилар деб кўрсатилган?**

А. Битта йўналишда

В. Иккита йўналишда

С. Учта йўналишда

Д. Тўртта йўналишда.

**139. Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар норматив-ҳуқуқий хужжатлар қабул қилинган кундан эътиборан неча кун ичида уларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тақдим этади?**

А. Бир кун

В. Уч кун

С. Етти кун

Д. Ўн кун.

**140. ОТМ Кенгаши котиби танлов натижалари тўғрисида унда қатнашган шахсларни қанча муддатда ёзма равишда хабардор қилади?**

А. Бир кун

В. Уч кун

С. Етти кун

Д. Ўн кун.

**141. Олий таълим муасасаларида кимлар томонидан снов лекциялари ўтказилади?**

А.Асистент ўқитувчилар томонидан

В. Магистрлар томонидан

С. Ёш мутахассислар томонидан

Д. Илгари кафедрада ишламаған шахслар томонидан.

**142. Давлат таълим стандартини билиш....................................?**

А. Профессор-ўқитувчилар учун мажбурий ҳисобланади.

В. Профессор-ўқитувчилар учун зарурий ҳисобланади.

С. Профессор-ўқитувчилар учун ихтиёрий ҳисобланади.

Д.Профессор-ўқитувчилар таркибини танлов асосида саралаш шартларидан бири ҳисобланади.

**143. Давлат таълим стандартининг амал қилиш муддати неча йил?**

А. Доимий

В. 5 - йил

С. Камида 5 йил

Д.Янги стандарт қабул қилингунича.

**144.ДТСнинг амал қилиш муддати қайси холларда ўзгариши мумкин?**

А. Давлат бошқаруви ваколатли органларининг қарорига асосан.

В. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг буйруғига асосан.

С. Давлат бошқарувининг ваколатли органлари томонидан ДТСни ишлаб чиқиш, такомиллаштириш ва жорий этиш тўғрисида янги тартиб-қоидалар қабул қилинганда.

Д. Янги ДТС амалга киритилган бўлса.

**145. Ўзбекистон Республикасининг Конститутцияси неча бўлимдан иборат?**

А. 4 та бўлимдан

В. 5 та бўлимдан

С. 6 та бўлимдан

Д. 26 та бўлимдан.

**146. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг иккинчи бўлими нима деб номланган?**

А.Инсон ва фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари.

В.Инсон ва фуқароларнинг шахсий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари.

С.Инсон ва фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари.

Д.Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари.

**147. Ўзбекистон халқи номидан ким иш олиб бориши мумкин?**

А. Ўзбекистон Республикаси Президенти

В. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси

С. Ўзбекистон халқи сайлаган Республика Олий Мажлиси ва Президенти

Д. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати.

**148.Бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас. Ушбу норма Конституциянинг қайси моддасида келтирилган?**

А. 14-моддасида

В. 15-моддасида

С. 16-моддасида

Д. 17-моддасида.

**149.Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Ушбу норма Конституциянинг қайси бобида келтирилган?**

А. Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар бобида

В. Сиёсий ҳуқуқлар бобида

С. Ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқлар бобида

Д. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолотлари бобида.

**150. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати ўз ваколатларига киритилган масалалар юзасидан нималар қабул қилади?**

А. Қонунлар қабул қилади

В. Қарорлар қабул қилади.

С. Норматив хужжатлар қабул қилади

Д. Тегишли кўрсатмалар қабул қилади.

**151.Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисларини биргаликда ўтказилиши қайси жавобда тўғри берилган?**

А. Ўзбекистон Республикаси Президенти қасамёд қилганда.

В.Чет давлатларнинг раҳбарлари нутқ сўзлаганда, бош вазир мажлисларда иштирок этганда.

С.Ўзбекистон Республикаси Президенти мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг, ички ва ташқи сиёсатининг энг мухим масалалари юзасидан нутқ сўзлаганда.

Д.Ўзбекистон Республикаси Президенти қасамёд қилганда, Ўзбекистон Республикаси Президенти мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг, ички ва ташқи сиёсатининг энг муҳим масалалари юзасидан нутқ сўзлаганда, чет давлатларнинг раҳбарлари нутқ сўзлаганда.

**152.Ваколат муддати тугагач, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати ўз фаолиятини давом эттирадими?**

А. Давом эттирмайди

В. Ўз фаолиятини тўхтатади

С. Давом эттиради

Д.Тегишинча янги чақириқ Қонунчилик палатаси ва Сенати иш бошлагунига қадар ўз фаолиятини давом эттириб туради.

**153.Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати мажлислари йилнга неча марта ўтказилади?**

А. Камида тўрт марта

В. Тўрт марта

С. Уч марта

Д. Камида уч марта.

**154.Қонунларнинг ва бошқа норматив-хуқуқнй ҳужжатларнинг қўлланилишининг мажбурий шарти қайси жавобда келтирилган?**

А. Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниши

В. Сенат томонидан маъқулланиши

С. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланиши

Д. Матбуотда эълон қилиниши.

**155.Қонунчилик палатаси депутатлари ҳамда Сенатда доимий асосда ишловчи Сенат аъзолари ўз ваколатлари даврида қандай фаолият билан шуғулланишлари мумкин?**

А. Тадбиркорлик фаолияти билан

В. Ўз касбий фаолияти билан

С. Илмий ва педагогик фаолият билан

Д. Ҳақ тўланадиган бошқа турдаги фаолият билан.

**156.Озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўташ муассасаларида сақланаётган шахсларнинг таълим олиши ва мустақил билим олиши учун шароитлар яратиладими?**

А.Шароитлар яратилмайди

В. Шароитлар яратилади

С. Чин кўнгилдан пушаймон бўлганларга шароитлар яратилади.

Д. Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шароитлар яратилади.

**157. Таълим муассасаларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартибини қайси давлат органи белгилайди?**

А. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

В. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари

С. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Д.Таълимни бошқариш бўйича махсус ваколат берилган давлат органлари.

**158.Давлат таълим стандартлари, мутахассисларнинг билим савияси ва касб тайёргарлигига бўлган талаблар бажарилишини қайси давлат органи таъминлайди?**

А. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

В. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари

С.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Д.Таълимни бошқариш бўйича махсус ваколат берилган давлат органлари.

**159. Таълим муассасасини ким бошқаради?**

А. Олий ва ўрта махсус таълим вазири

В. Таълим муассасасини ректори

С. Рахбар лавозимига тайинланган шахс

Д.Таълим муассасасини унинг раҳбари.

**160.Нодавлат таълим муассасаларига қабул қандай амалга оширилади?**

А.Мулкдор томонидан белгиланган тартибда ва муддатларда амалга оширилади.

В. Нодавлат таълим муассасалари рахбарлари томонидан белгиланган тартибда ва муддатларда амалга оширилади.

С. Қонунчиликда назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Д. Давлат ўқув юртлари учун белгиланган тартибда ва муддатларда амалга оширилади.

**161. Таълимни молиялаш қандай амалга оширилади?**

А. Республика ва маҳаллий бюджетлар маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

В. Республика ва маҳаллий бюджетлар маблағлари ва хомийлар маблағи ҳисобидан амалга оширилади.

С. Республика ва маҳаллий бюджетлар маблағлари ва чет эллик юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағи ҳисобидан амалга оширилади.

Д.Республика ва маҳаллий бюджетлар маблағлари, шунингдек бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

**162.Бакалавр тайёргарлигининг зарурий даражаси, таълим дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар, ўқув юкламасининг тўлиқ ҳажми, амалий машғулотлар, тайёрлаш сифатининг назорат механизми қайси хужжат билан белгиланади?**

А. Бакалавриат таълим йўналишлари малака талаблари билан

В.Бакалавриатнинг аниқ йўналиши бўйича тузилган давлат таълим стандарти билан

С.Бакалавриат таълим йўналишлари давлат таълим стандартлари билан

Д. Олий таълимнинг давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар билан.

**163. Магистратура дастурини тугаллаган битирувчиларга нималар топширилади жумлани давом эттиринг?**

А. Давлат аттестацияси якунига кўра таълим йўналишининг муайян мутахассислиги бўйича «магистр» даражаси берилади ва диплом топширилади.

В. Давлат аттестацияси якунига кўра таълим йўналишининг муайян мутахассислиги бўйича «магистр» даражаси берилади ҳамда илова билан давлат намунасидаги диплом топширилади.

С. Давлат аттестацияси якунига кўра таълим йўналишининг муайян мутахассислиги бўйича давлат намунасидаги диплом топширилади.

Д. Давлат аттестацияси якунига кўра таълим йўналишининг муайян мутахассислиги бўйича «магистр» даражаси берилади ва тегишли кўкрак нишони ҳамда илова билан давлат намунасидаги диплом топширилади.

**164.Олий таълимнинг касбий таълим дастурлари қайси шаклларда ўзлаштирилиши мумкин?**

А. Кундузги, сиртқи, кечки таълим олиш шаклларида ўзлаштирилиши мумкин.

В.Кундузги, сиртқи, экстернат таълим олиш шаклларида ўзлаштирилиши мумкин.

С. Кундузги, махсус сиртқи, таълим олиш шаклларида ўзлаштирилиши мумкин.

Д. Кундузги, ишлаб чиқаришдан ажралган, экстернат ва масофавий таълим олиш шаклларида ўзлаштирилиши мумкин.

**165.Қайси ҳолларда талабаларни ўқув вақти ҳисобига ўқув жараёни билан боғлиқ бўлмаган бошқа ишларга жалб этиш ман этилади?**

А. ОТМ ректор буйруғи бўлмаганда

В. Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг буйруги бўлмаганда

С.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори бўлмаганда

Д. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорларида кўзда тутилган вазиятлардан бошқа ҳолларда.

**166.Кундузги бўлимда ўқийдиган талабаларга ишлашга рухсат бериладими тўғри жавобни топинг?**

А. Ишлашга рухсат берилмайди.

В. Ишлашга рухсат берилади.

С.Ўқишдан бўш вақтларида - куннинг иккинчи ярмида меҳнат шартномаси асосида таълим муассасасининг ўзида ишлашга рухсат берилади.

Д.Ўқишдан бўш вақтларида - куннинг иккинчи ярмида меҳнат шартномаси асосида таълим муассасасининг ўзида ёки ундан ташқари жойларда ишлашга рухсат берилади.

**167. Нодавлат олий таълим муассасаси проректори ва деканлари қандай тайинланади?**

А.Ваколатли давлат органлари билан келишган холда нодавлат олий таълим муассасаси ректори томонидан амалдаги қонун хужжатларига асосан тайинланади.

В.Нодавлат олий таълим муассасаси ректори томонидан амалдаги қонун хужжатларига асосан тайинланади.

С. Нодавлат олий таълим муассасаси ректори томонидан тайинланади.

Д.Нодавлат олий таълим муассасаси ректори томонидан таъсисчи билан келишилган ҳолда тайинланади.

**168.Олий таълим муассасаларида йўналишлар бўйича нималар шаклланади?**

А. Факультетлар ва кафедралар шаклланади.

В. Факультетлар, кафедралар, ўқув ва илмий лабараториялар шаклланади

С. Факультетлар, кафедралар, ўқув ва илмий лабараториялар, ўқув, илмий, хўжалик ва бошқа бўлимлар шаклланади.

Д. Факультетлар, кафедралар, ўқув ва илмий лабараториялар, турли бўлимлар шаклланади.

**169.Олий таълим муассасаларини аккредитатлаш тартиби қайси ваколатли орган томонидан белгиланади?**

А.Давлат тест марказининг кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасаларини аттестатлаш бошқармаси томонидан

В.Махсус ваколатли давлат органлари томонидан

С. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан

Д. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан.

**170.Магистратура таълимнинг давомийлиги ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда қанча муддатга узайтирилади?**

А.Олти ойдан кам бўлмаган муддатга

В. Олти ой муддатга

С. Бир йил муддатга

Д. Бир йилдан кам бўлмаган муддатга.

**171.Магистратура дастурини тугаллаган битирувчиларга давлат аттестацияси якунига кўра таълим йўналишининг муайян мутахассислиги бўйича ........................................ жумлани давом эттиринг?**

А. “Магистр” даражаси берилади

В. “Магистр” даражаси ва диплом берилади

С. “Магистр” даражаси, давлат намунасидаги диплом ва диплом иловаси топширилади

Д. “Магистр” даражаси берилади ва тегишли кўкрак нишони ҳамда илова билан давлат намунасидаги диплом топширилади.

**172.Магистр тайёргарлигининг зарурий даражаси, таълим дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар, ўқув юкламасининг тўлиқ ҳажми, амалий машғулотлар, тайёрлаш сифатининг назорат механизми қайси хужжатда белгиланади?**

А. Олий таълим тўғрисидаги Низомда белгиланади.

В.Магистратура мутахассислиги давлат таълим стандарти билан белгиланади.

С.Олий таълимнинг давлат таълим стандарти. Класификатор билан белгиланади.

Д. Олий таълимнинг давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар билан белгиланади.

**173.Талабаларга тайинлаш учун белгиланган Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендияси нечта таълим йўналишига берилади?**

А. 6 та

В. 8та

С. 10 та

Д. 11 та

**174. Беруний, Ибн Сино, Навоий, Улуғбек ва Имом ал-Бухорий номидаги давлат стипендиялари давлат олий таълим муассасаларининг қайси курс талабаларига тайинланади?**

А. 2 -курс талабаларига

В. 3 -курс талабаларига

С. Барча курс талабаларига

Д. Охирги икки курс талабаларига.

**175. Номли давлат стипендияларига сазовор бўлган талабалар бакалавриат босқичини тугатганидан сўнг неча йил мобайнида, тегишли мутахассислик бўйича магистратурага кириш имтиҳонларисиз, грант асосида қабул қилинадилар?**

А. Муддат кўрсатилмаган

В. 5 йил мобайнида

С. 3 йил мобайнида

Д. 1 йил мобайнида.

**176.Талабаларни кундалик дарсларни ўзлаштирмаганлик, ўқув интизомини ва илмий одоб-ахлоқни бузганлик учун ўқув йили мобайнида номли давлат стипендияларидан маҳрум қилиш мумкинми?**

А. Мумкин

В. Мумкин эмас

С.Давлат олий таълим муассасалари Кенгашининг қарорига асосан ректорнинг буйруғи билан маҳрум қилиш мумкин.

Д.Давлат олий таълим муассасалари тақдимномаларига биноан тегишли вазирликлар ва идоралар буйруқлари билан амалга оширилиши мумкин.

**177.Таълим муассасасини давлат аккредитациясидан ўтказиш ҳақидаги қарор қанча муддатда қабул қилинади?**

А. Хужжатлар топширилгандан кейин 3 кун муддатда

В. Хужжатлар топширилгандан кейин 5 кун муддатда.

С. Хужжатлар топширилгандан кейин 10 кун муддатда

Д. Хужжатлар топширилгандан кейин 1 ой муддатда.

**178.Таълим муассасасини давлат аккредитациясидан ўтганлиги ҳақидаги сертификат неча йил муддатга берилади?**

А. 5 йил

В. 1 йил

С. Камида 5 йил

Д.Доимий.

**179.Таълим муассасаси қайта ташкил этилган ёки тугатилган тақдирда давлат аккредитацияси ҳақидаги сертификат нима бўлади?**

А. Бундай холат амалдаги қонунчиликда белгиланмаган

В. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига топширилади

С. Ўз кучини йўқотмайди

Д. Ўз кучини йўқотади.

**180.Давлат аккредитациясидан ўтган таълим муассасалари ..................... жумлани давом эттиринг?**

А. Таълим фаолиятини олиб боради

В. Кадрлар тайёрлаш ҳуқуқига эга бўлади

С.Оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади ва тегишли ҳуқуқларга эга бўлади

Д.Давлат тест марказида рўйхатга олинади ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

**181.Таълим олувчиларни аккредитация қилинган бир таълим муассасасидан бошқасига ўтказиш тартибини белгилаш қайси ваколатли орган томонидан амалга оширилади?**

А.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси

В. Махсус ваколатли давлат органлари

С.Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Д.Тегишли вазирликлар ва идоралар.

**182.Давлат таълим стандартлари, мутахассисларнинг билим савияси ва касб тайёргарлигига бўлган талаблар бажарилишини таъминлаш қайси ташкилот ваколатига киради?**

А. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси

В. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

С. Давлат тест маркази

Д. Олий таълим муассасалари.

**183. Олий таълим муассасасининг “Васийлик кенгаши” таркиби**

А.Кенгашнинг таркиби ОТМ Васийлик кенгаши томонидан тасдиқланади

В.Кенгашнинг таркиби олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланади

С.Кенгашнинг таркиби олий таълим муассасаси томонидан тасдиқланади.

Д. Кенгашнинг таркиби тасарруфида тегишли олий таълим муассасаси бўлган вазирлик ва идора томонидан тасдиқланади.

**184. Ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқуқ билим сохасида “Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар” блокига неча фоиз ажратилган?**

А. 15-20%

В. 15-17%

С. 23-25%

Д. 20-25%

**185. Хизматлар сохасида “Математик ва табиий-илмий фанлар” блокига неча фоиз ажратилган?**

А. 10-15%

В. 15-17%

С. 20-25%

Д. 8-25%

**186.Баҳолашнинг ўрнатилган талаблар асосида белгиланган муддатларда ўтказилиши ҳамда расмийлаштирилиши қайси жавобда тўғри келтирилган?**

А. Факультет декани, кафедра мудири томонидан назорат қилинади.

В. Факультет декани, кафедра мудири, ўкув бўлими томонидан назорат қилинади.

С. Факультет декани, кафедра мудири, ўкув бўлими, ички назорат ва мониторинг бўлими ҳамда олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан назорат қилинади.

Д. Факультет декани, кафедра мудири, ўқув бўлими ҳамда ички назорат ва мониторинг бўлими томонидан назорат қилинади.

**187.Якуний назорат натижаларига кўра фан ўқитувчиси...............................................?**

А. Талабаларнинг фан бўйича рейтингини аниқлайди ва талабаларга эълон қилади.

В. Талабаларнинг фан бўйича рейтингини аниқлайди ҳамда рейтинг қайдномасини тўлдиради.

С. Талабаларнинг фан бўйича рейтингини рейтинг дафтарчасига расмийлаштиради.

Д. Талабаларнинг фан бўйича рейтингини аниқлайди ҳамда рейтинг дафтарча ва қайдноманинг тегишли қисмини тўлдиради.

**188. Талабалар умумий рейтинги қачон эълон қилинади?**

А. Ўқишнинг норматив муддати якунлангандан сўнг.

В. Ҳар ўқув йили якунлангандан сўнг.

С. Ҳар бир семестр якунлангандан сўнг.

Д. Ҳар бир семестр ва ўқув йили якунлангандан сўнг.

**189.Ҳимоя қилинган магистрлик диссертациялари олий таълим муассасасида неча йил давомида сақланади?**

А. 1 йил давомида

В. 10 йил давомида

С. 5 йил давомида

Д. 3 йил давомида.

**190. Магистр ўқиётган олий таълим муассасасида ишламайдиган илмий раҳбар меҳнатига ҳақ тўлаш қандай амалга оширилади?**

А. Белгиланган тартибда меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш шартлари бўйича

В. Соатбай ҳақ тўлаш шартлари бўйича

С. Олий таълим муассасаси харажатлар сметаси бўйича

Д. Иқтисод қилинган маблағлар хисобидан.

**191. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2012 йил 29 декабрдаги №371-сонли қарори билан тасдиқланган "Олий таълим муассасалари рейтинги тузилмаси"да олий ўқув юртлари фаолиятини баҳолаш учун "Олий ўқув юртининг илмий салоҳиятига" неча фоиз ажратилган?**

А. 10%

В. 20%

С. 30%

Д. 35%

**192. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 29 декабрдаги №371-сонли қарори билан тасдиқланган "Олий таълим муассасалари рейтинги тузилмаси"да олий ўқув юртлари фаолиятини баҳолаш учун "Ўқитиш сифати даражасининг индексига" неча фоиз ажратилган?**

А. 10%

B. 20%
C. 30%
Д. 35%

**193. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 29 декабрдаги №371-сонли қарори билан тасдиқланган “Олий таълим муассасалари рейтинги тузилмаси”да олий ўқув юртлари фаолиятини баҳолаш учун “Талабалар ва битирувчилар малакасининг индексига” неча фоиз ажратилган?**

A. 10%
B. 20%
C. 30%
Д. 35%

**194. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 25.08.2015 йилда №246-сонли Қарори билан тасдиқланган Олий таълим муассасаларининг педагог ходимлари фаолиятини ўрганиш мезонларида профессор ўқитувчининг ўқув-методик фаолияти учун неча бал ажратилган?**

A. 10 бал
B. 20 бал
C. 30 бал
Д. 40 бал.

**195. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 25.08.2015 йилда №246-сонли Қарори билан тасдиқланган Олий таълим муассасаларининг педагог ходимлари фаолиятини ўрганиш мезонларида профессор ўқитувчининг илмий фаолияти учун неча бал ажратилган?**

A. 10 бал
B. 20 бал
C. 30 бал
Д. 40 бал.

**196. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 25.08.2015 йилда №246-сонли Қарори билан тасдиқланган Олий таълим муассасаларининг педагог ходимлари фаолиятини ўрганиш мезонларида профессор ўқитувчининг олий таълим муассасасини ривожлантиришга қўшган улуши учун неча бал ажратилган?**

A. 10 бал
B. 20 бал
C. 30 бал
Д. 40 бал.

**197. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 25.08.2015 йилда №246-сонли Қарори билан тасдиқланган Олий таълим муассасаларининг педагог ходимлари фаолиятини ўрганиш мезонларнда профессор ўқитувчининг шахсий фазилатлари учун неча бал ажратилган?**

А. 10 бал
В. 20 бал
С. 30 бал
Д. 40 бал.

**198. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 25.08.2015 йилда №246-сонли Қарори билан тасдиқланган Олий таълим муассасаларининг педагог ходимлари фаолиятини ўрганиш мезонларида профессор ўқитувчининг тарбиявий фаолияти учун неча бал ажратилган?**

А. 10 бал
В. 20 бал
С. 30 бал
Д. 40 бал.

**199.Аттестациядан муваффақиятли ўтган қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари тингловчиларига қандай хужжат берилади?**

А. Сертификат
В. Аттестат
С. Малака аттестати
Д. Тегишли гувохнома.

**200. Олий таълим муассасасининг “Васийлик Кенгаши” таркиби қайси жавобда тўғри берилган?**

А.Ҳомийлар, олий таълим муассасаси фаолиятини такомиллаштириш ва ривожлантирищдан манфаатдор бўлган юридик ва жисмоний шахслар.

В.Давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг вакиллари.

С.Олий таълим муассасаси фаолиятини такомиллаштириш ва ривожлантиришдан манфаатдор бўлган юридик ва жисмоний шахслар.

Д.Давлат органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг вакиллари, ҳомийлар, шунингдек, олий таълим муассасаси фаолиятини такомиллаштириш ва ривожлантиришдан манфаатдор бўлган бошқа юридик ва жисмоний шахслар.

## Глоссарий !

**1. Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти** - таълимнинг муайян бакалавриат йўналиши ёки магистратура мутахассислигига қўйиладиган малака талаблари, таълим мазмуни, бакалавр ёки магистр тайёргарлигининг зарурий ва етарли даражасини, кадрлар тайёрлаш сифатини баҳолаш даражаларини белгилайдиган эталон даража.

**2.Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори** - олий маълумотли кадрлар тайёрлаш учун бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг тизимлаштирилган рўйхати.

**3.Таълим хизмати** – маълум бир билим ва кўникмаларга, интеллектуал ва касбий салоҳиятга эга бўлиш мақсадида ахолига таклиф қилинган ва яратилган у ёки бу таълим эҳтиёжларини қондириш учун мақсадга йўналтирилган ҳамда таълим берувчи томонидан таълимнинг маълум бир даражасига эга бўлганликни тасдиқловчи якуний ҳужжат бериладиган фаолиятдир.

**4.Малака талаблари** - узлуксиз таълимнинг тегишли босқичи битирувчисининг умумий билим ва касб тайёргарлиги даражасига қўйиладиган талаблар.

**5.Ўқитишнинг меъёрий муддати** - таълим олувчилар томонидан таълим дастури ўзлаштирилиши учун белгиланган муддат.

**6. Таълим дастури** - ўқув фанларининг бакалавриат йўналишлари ёки магистратура мутахассисликларига қўйилган малака талабларига мувофиқ кадрларнинг зарурий ва етарли даражадаги тайёргарлигини таъминловчи, блокларга жамланган рўйхат.

**7.Ўқув фанлари блоки** - таълим дастурининг кадрлар тайёрлаш жараёнида аниқ мақсад ва вазифаларга эришиш учун муайян билим соҳаси ёки фаолиятнинг ўзлаштирилишини таъминлайдиган ўқув фанларини бирлаштирувчи таркибий қисми.

**8.Ўқув режаси** - олий таълимнинг муайян йўналиши ёки мутахассислиги бўйича ўқув фаолияти турлари, ўқув фанлари ва курсларининг таркиби, уларни ўрганишнинг изчиллиги ва соатлардаги ҳажмини белгилайдиган норматив ҳужжат.

**9.Ўқув фани** - таълим муассасасида ўрганиш учун фан, техника, санъат, ишлаб чиқариш фаолиятининг муайян соҳасидан саралаб олинган билимлар, укув ва кўникмалар тизими.

**10.Ўқув йили** - олий таълим муассасасида бир таълим курсини якунлашга мўлжалланган ўқув фаолият даври.

**11.Ўқув семестри** - олий таълим муассасасида ўқув йилининг ярмини ташкил этувчи ўзаро боғланган фанларнинг маълум мажмуини ўзлаштиришга мўлжалланган ва улар бўйича якуний назорат билан тугалланадиган қисми.

**12. Фан дастури** - таълим мазмуни, уларнинг талабалар томонидан ўзлаштирилишининг энг мақбул усуллари, ахборот манбалари кўрсатилган норматив ҳужжат.

**13.Малака амалиёти** - ўқув жараёнининг назарий билимларни мустаҳкамлаш, амалий кўникма ва уқув ҳосил қилиш, таълим дастурининг маълум (якуний) қисмидаги мавзу бўйича материаллар тузиш учун ўтказиладиган қисми.

**14. Якунловчи давлат аттестацияси** - бакалавр ёки магистр даражасига қўйиладиган малака талабларига мувофиқ ҳолда, маълум талаб ва тартиботлар воситасида (фанлар бўйича давлат аттестацияси, битирув иши ёки магистрлик диссертацияси ҳимояси) битирувчи томонидан олий таълим дастурининг бажарилиши сифатини баҳолаш.

**15. Ўқитиш сифатини назорат қилиш** - талабанинг билим савиясини текшириш ва унинг ўқув дастурини ўзлаштириш даражасини аниқлаш.

**16.Таълим сифатини назорат қилиш** - ўқитиш мазмуни ва натижаларининг давлат таълим стандартлари талабларига мувофиқлигини текшириш.

**17.Олий таълим муассасаси аттестацияси** - олий таълим муассасасида кадрлар тайёрлаш мазмуни, даражаси ва сифатининг ОТ ДТС талабларига мувофиқлигини аниқловчи тадбир.

**18.Олий таълим муассасаси аккредитацияси** - олий таълим муассасаси фаолияти даражасининг Олий таълим ДТС мезон ва талабларига жавоб беришининг давлат томонидан эътироф этилиши.

**19. Касбий фаолият тури** - касбий фаолият тури бу уни ўзгартириш, унга ўзгартишлар киритиш мақсадида касбий фаолият объектига таъсир қилишнинг методлари, усуллари, услублари ва тавсифи.

**20. Компетенция** - маълум соҳада муваффақиятли фаолият юритиш учун билимлар, амалий малакалар ва шахсий сифатларни қўллаш қобилияти.

**21.Модуль** - тарбиялаш, ўқитишга ўрнатилган мақсадлар ва натижаларга нисбатан муайян мантиқий тугалланганликка эга бўлган

ўқув фани (курси) ёки ўқув фанлари (курслари) қисмларининг мажмуаси.

**22.Мутахассислик** - муайян касбий фаолият доирасидаги турли даражадаги таълим дастурларининг мажмуи.

**23. Касбий фаолият объекти** - предметлар, воқеликлар, жараёнлар ва фаолият доирасида ҳаракатга йўналтирилган тизимлар.

**24. Касбий фаолият соҳаси** - илмий, ижтимоий, иктисодий, ишлаб чиқаришда намоён бўладиган касбий фаолият объектларининг мажмуи.

**25.Магистратура дастури** - таҳсил олаётганлар тарбияси ва тайёргарлик даражаси сифатини таъминловчи, ўз ичига ўқув режаси, ўқув курслари, предметлари, фанлари (модуллари)нинг дастурлари, малакавий амалиётлар дастурлари, календар ўқув графиги ва мос равишдаги таълим технологияларини амалга оширишни таъминловчи ўқув-услубий мажмуалари методик материаллар.

**26. Дарслик** - давлат таълим стандарлари, ўқув дастури, услубияти ва дидактик талаблари асосида, миллий ғоя ва маънавий қадриятларимиз сингдирилган, муайян ўқув фанининг мавзулари тўлиқ ёритилган, тегишли фан асосларини мукаммал ўзлаштирилишига қаратилган холда, фанга тегишли билимларни талабалар томонидан мустақил ўзлаштириб олишга, уларда кўникма ва малакаларни шакллантиришга, керакли ўқув материалини мустақил излаш ва топишга, ҳамда амалий фаолиятда қўллашни ўргатиш ҳамда ижодий қобилиятларни ривожлантиришга йўналтирилган ва тегишли таълим турлари учун Мувофиқлаштирувчи Кенгаш (ёки ваколатли Кенгашларнинг грифи) томонидан ўқув адабиётига берилган гувоҳнома, ўқув режаларда кўрсатилмаган (танлов ва қўшимча) фанлари учун таълим муассасасининг Илмий кенгаши қарори асосида чоп этиладиган нашр.

**27.Ўқув қўлланма** - дарсликни қисман тўлдирувчи, муайян фан дастури бўйича тузилган ва фан асосларининг чуқур ўзлаштирилишини таъминловчи, айрим боб ва бўлимларни кенг тарзда ёритишга ёки амалий машқ ва машғулотлар ечимига мўлжалланган тегишли таълим турлари учун Мувофиқлаштирувчи Кенгаш (ёки ваколатли Кенгашларнинг грифи) томонидан ўқув адабиётига берилган гувоҳнома, ўқув режаларда кўрсатилмаган (танлов ва қўшимча) фанлари учун таълим муассасасининг Илмий кенгаши қарори асосида чоп этиладиган нашр.

**28. Луғат** - аниқ бир тартибда жойлашган сўзлар (ёки сўз бирикмаси ва ҳоказо) тўплами, уларнинг мазмуни, ишлатилиши,

келиб чиқиши, бошқа тилдаги таржимаси тўғрисида маълумот берувчи ёки сўзнинг тушунчаси, у билан белгиланувчи предметлар ҳақида ахборот берувчи таълим муассасаларининг илмий (педагогик) кенгаши тавсияси асосида чоп этиладиган нашр.

**29.Изоҳли луғат** - сўзларнинг мазмунини изоҳлайдиган, ҳар бир сўзнинг грамматик, этимологик ва стилистик тавсифи берилган, уларни қўллашга оид мисоллар ва бошқа маълумотлар келтирилган, қўшимча адабиёт сифатида фойдаланиладиган таълим муассасаларининг илмий (педагогик) кенгаши тавсияси асосида чоп этиладиган нашр.

**30.Маълумотлар тўплами** - фойдаланишга қулай шаклда яратилган муайян фанни ёки таълим йўналишини ўзлаштириш учун зарур бўлган, исбот талаб қилмайдиган маълумотлар, илмий кўрсаткич ва ўлчамлар, турли белги ва рақамлардан, илмий, ижтимоий-сиёсий, амалий, иқтисодий, маданий ва бошқа соҳалардаги қисқа маълумотлардан ташкил топган таълим муассасаларининг илмий (педагогик) кенгаши тавсияси асосида чоп этиладиган нашр.

**31.Маърузалар курси** - фаннинг ўқув дастури бўйича маърузалар курсининг номи тегишли фан номи билан аталган, ундаги барча мавзуларнинг асосий мазмуни қисқа ёритилган, бирламчи янги билимларни олишга қаратилган, фойдаланиладиган асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар кўрсатилган, ўз-ўзини назорат қилишга оид саволлар туркуми, мавзуга тегишли таянч атама ва иборалар келтирилган таълим муассасаларининг илмий (педагогик) кенгаши тавсияси асосида чоп этиладиган нашр.

**32. Маърузалар тўплами** - муайян фаннинг ўқув дастури бўйича ундаги айрим мавзуларнинг асосий мазмуни қисқа ёритилган, бирламчи янги билимларни олишга қаратилган, фойдаланиладиган асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар кўрсатилган, ўз-ўзини назорат қилишга оид саволлар туркуми, мавзуга тегишли таянч атама ва иборалар келтирилган, даврий равишда илмий-тадқиқот изланишлар асосида янгиланиб туриладиган, таълим муассасаларининг илмий (педагогик) кенгаши тавсияси бўйича чиқариладиган кичик ададда нашр қилинган тарқатма материал.

**33. Услубий кўрсатма** - муайян фаннинг ўқув дастури бўйича курс ишлари (лойиҳалари), лаборатория ва амалий ишларни бажариш тартиби аниқ ва батафсил ифодаланган ҳамда ушбу фан бўйича талабаларда зарур амалий кўникмалар ҳосил қилишга мўлжалланган, таълим муассасаларининг илмий (педагогик) кенгаши тавсияси асосида нашр этиладиган кичик ададли тарқатма материал.

**34.Услубий қўлланма** - ўқитувчилар ва билим олувчилар учун мўлжалланган бўлиб, унда бир дарснинг мақсади, дарс ўтиш воситалари ва улардан фойдаланиш усуллари, дарснинг мазмуни, амалий машғулотлар, қўшимча топшириқлар ва бошқалар ҳақида тавсиялар баён қилинадиган, таълим муассасаларининг илмий (педагогик) кенгаши тавсияси асосида чоп этиладиган нашр.

**35.Шарҳ** - жамият тараққиёти учун муҳим аҳамият касб этадиган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни, шунингдек, баҳсга лойиқ асарларни, ғояларни, фикрларни ва таърифларни изоҳловчи, муайян масалалар ечимини кўрсатувчи, кенг оммага мўлжалланган қўшимча адабиёт сифатида фойдаланиладиган нашр.

**36. Дайжест** - илмий, илмий-услубий, ўқув, даврий адабиётлар, ҳукумат ва турли ташкилотлар фаолиятига тегишли қонунлар, қарорлар, низомлар мазмунининг қисқача баёни ва шарҳи келтирилган, соҳаларга оид маълумотлар тўплами сифатида фойдаланиладиган доимий нашр.

**37.Маълумотлар банки** - ахборот технологияларнинг имконияти ва воситалари асосида яратилган. Статик ва динамик режимда тузилган, товуш ва рангли тасвирлар билан таъминланган, катта ҳажмдаги ахборотларни ўз ичига қамраб олган ва уларни турли кўринишда (жадвал, диаграмма, гистограмма, матн, расм ва ҳоказо) бера оладиган, ўқув жараёнида билим олувчилар томонидан ўз устида мустақил ишлаши ва ўз билимларини назорат қилиши учун қўлланиладиган, доимий равишда тўлдириб бориладиган, кенг доирада фойдаланишга мўлжалланган, тегишли ваколатли давлат ташкилотида қайд этилган соҳалар бўйича маълумотлар тўплами.

**38.Методик тавсиялар** - таълим ва тарбиянинг самарали усулларини амалда татбиқ этиш бўйича қиска ва аниқ баён этилган таклифлар мажмуидан иборат методик нашр.

**39.Монография** - илмий тадқиқотлар натижалари асосида яратилган босма нашр.

**40.Электрон нашр** - графикли, матнли, рақамли, нутқли, мусиқали, видеофото ва бошқа ахборот объектларидан иборат бўлган жамланма.

**41.Электрон ўқув нашри** - таълим олувчилар томонидан билимлар, кўникмалар ва махоратларни ижодий ва фаол эгаллашларини таъминлайдиган илмий-амалий билим соҳасига мос равишдаги тизимлаштирилган ўқув материалга эга бўлган электрон нашр.

**42.Электрон услубий қўлланма** - педагогик тажрибани умумлаштириш ва узатиш ҳамда таълим фаолиятининг янги моделларини шакллантириш ва тарқатиш шакли.

**43.Электрон ўқув қўлланма** - фаннинг ўқув ҳажмини кисман ёки тўлиқ қамраган ва ахборотнинг адаптация блокини ўз ичига олган бўлиб, масофавий ўқитиш ва мустақил ўрганиш учун мўлжалланган манба.

**44.Электрон маъруза** - интерактив элементлар ва гипер узатишларни қўллаб, ўқув фани маъруза материалини намойиш қилувчи мультимедик тизим.

**45.Норматив-ҳуқуқий ҳужжат** - норматив-ҳуқуқий ҳужжат Қонунга мувофик қабул қилинган, умум мажбурий давлат кўрсатмалари сифатида ҳуқуқий нормаларни белгилашга, ўзгартиришга ёки бекор қилишга қаратилган расмий ҳужжат.

**46.Стипендия** - олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича ва пулли - контракт асосда кундузги ўқийдиган, давомати яхши бўлган талабаларига, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа тўловлардан қатъи назар, тўланадиган ойлик пул таъминоти.

**47.Стипендия комиссияси** - олий таълим муассасаларида талабаларга стипендиялар тайинлаш учун ўқув ишлари бўйича проректор раислигида бир ўқув йилига факультетларнинг деканлари, касаба уюшмаси ва ёшлар ташкилотлари, академик гуруҳлар, бухгалтерия вакилларидан ташкил этиладиган ва Олий таълим муассасасининг ректори тасдиқлайдиган комиссия.

**48.Рейтинг назорати** - олий таълим муассасасида давлат таълим стандартларига кирадиган фанлар бўйича талабаларнинг билим ва маҳоратларининг аттестацион синовлари.

**49.Ўқув режа** - олий таълим муассасаларининг аниқ бир таълим йўналиши ёки магистратура мутахассислиги учун ўрнатилган тартибда Давлат таълим стандартларига асосан таянч олий таълим муассасаларининг тегишли кафедрасининг етук профессор-ўқитувчилари томонидан турдош олий таълим муассасаларининг шу соха бўйича юқори малакали мутахассисларини хамда кадрларни буюртмачиларини жалб этган ҳолда ишлаб чиқиладиган - норматив ҳуқуқий хужжат.

**50.Ишчи ўқув режа** - олий таълим муассасасининг аниқ бир таълим йўналиши ёки магистратура мутахассислиги учун Давлат таълим стандартларига асосан таянч олий таълим муассасалари томонидан ишлаб чиқилган ўқув режага асосан хар ўқув йили учун

ишлаб чиқиладиган ва ўрнатилган тартибда ОТМнинг ўқув ишлари бўйича ректори (проректори) томонидан тасдиқланадиган ўқув жараёнининг норматив хужжати.

**51.Ўқув дастури** - ўқув режадаги аниқ фанлар бўйича давлат таълим стандартларига асосан таянч ОТМларининг тегишли кафедралари томонидан ишлаб чиқиладиган, ўқув материалларни ўзлаштиришга ва ўқитиш мазмунига қўйиладиган мажбурий талабларни ўз ичига оладиган Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланадиган, ОТМлари бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари талабалари учун тавсия этиладиган меъёрий хужжат.

**52.Ишчи ўқув дастури** – олий таълим муассасасининг аниқ бир бакалавриат таълим йўналиши ёки магистратура мутахассислиги талабалари учун ўқув режадаги аниқ хар бир фан бўйича ўқув дастурига асосан профессор-ўқитувчи томонидан ишлаб чиқиладиган, фаннинг мазмунига қўшимча ва ўзгартиришлар киритилган, мавзуларнинг ўқитиш кетма-кетлигига риоя қилинган холда фанга ажратилган соатлар аниқ кўрсатилган меъёрий хужжат.

**53.Магистрлик диссертацияси** – магистрлик диссертацияси магистратурада таълим олаётган талабанинг □□иш даврида эгаллаган назарий ва амалий билимлари асосида бажарган илмий тад□и□от ишларининг натижаси.

**54.Кафедра** – олий таълим муассасаси ёки факультет тузилмасининг таркибий қисми бўлиб, унда бир ёки бир неча турдош фанлар бўйича ўқув-услубий, илмий-услубий, илмий тадқиқот ишлари шунингдек илмий ва илмий- педагогик кадрлар тайёрлаш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш хамда ташкилий, маънавий маърифий ва тарбиявий ишларни амалга оширувчи асосий тармоқ.

**55.Факультет** - олий таълим муассасаси бошқарув тузилмасининг таркибий бўлинмаси. Унинг фаолияти тегишли таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича талабаларни ўқитиш, таълим ва тарбия жараёнларини узвий ва уйғунлашган ҳолда олиб бориш, илмий-педогогик кадрлар тайёрлаш, малака ошириш ва қайта тайёрлаш, шунингдек, кафедраларда илмий-тадқиқот лойихаларини бажариш ишларини мувофиқлаштиришга йўналтирилган.

**56.Ихтисослик фанлари** - юқори малакали кадрлар тайёрлашни ажралмас қисми бўлиб, талабалар томонидан танланган мутахассисликни турли сохаларида янада чуқуррок билим ва

кўникмаларни эгаллаш, шунингдек, магистратура босқичида ўқишини давом эттиришни назарда тутадиган ўқув режасидаги блок.

**57.Қўшимча фанлар** - талабаларнинг таълим фанлари бўйича қўшимча равишда билим олишга бўлган эҳтиёжини қондириш, таълим сифатига қўйилаётган талаблар ва меҳнат бозори канъюктураси тез ўзгараётган шароитида бакалавриат йўналишлари бўйича таълим дастурларининг сафарбарлиги ва мослашувчан бўлишини таъминлашни назарда тутадиган ўқув режасидаги блок.

**58.Йўналиш** - 5-босқичнинг таълим дастури бўйича олий таълим муассасаси битирувчиси томонидан эгалланган ва бериладиган "бакалавр" академик даражаси доирасида касбий фаолиятнинг муайян турини бажаришни таъминловчи таянч ва фундаментал билимлар, укувлар ва кўникмалар мажмуаси.

**59.Мутахассислик** - 5А-босқичнинг таълим дастури бўйича олий таълим муассасаси битирувчиси томонидан эгалланган ва бериладиган "магистр" академик даражаси доирасида касбий фаолиятнинг муайян турини бажаришни таъминловчи аниқ мутахассислик бўйича билимлар, уқувлар ва кўникмалар мажмуаси.

**60.Битирув малакавий иши** - бакалавриат йўналишида таълим олаётган талабанинг ўқиш даврида эгаллаган назарий ва амалий билимлари асосида бажарган илмий тадқиқот ишларининг натижаси.

**61.Узлуксиз таълим** - таълим турлари (мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, ўрта махсус касб ҳунар таълими, олий таълим, олий таълимдан кейинги таълим ва малака ошириш, мактабдан ташқари таълим,) бўйича таълим-тарбиянинг мазмунан кетма-кетликда ва мантиқий узвийликда амалга оширилиши.

**62. Модернизация** - янгилаш, янги тузилмавий, мазмуний ўзгаришлар қилиш.

**63.Давлат таълим стандартлари** - стандарт тушунчаси (инглизча sandart) меъёр, намуна, ўлчов маъноларини билдиради. Давлат таълим стандарти – талаба томонидан ўзлаштирилиши керак бўлган билим, кўникма, малакаларнинг зарурий миқдор ва сифат даражаси.

**64.Интеграция** - таълимда интеграциялаш ўқув режадаги турдош фанлар, бошқа фанлар таркибидаги бўлим, мавзуларни узвийлаштириш.

**65.Табақалаштириш** - талаба (ўқувчи)ларнинг ёш хусусиятлари, психофизиологик имкониятлари, қобилиятлари ва

шахсий сифатлари асосида гурухлаштириб ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш.

**66.Ихтисослаштирилган таълим** - талаба (ўқувчи)ларнинг қобилиятлари, истеъдодларини, иқтидорларини ривожлантириш ва рўёбга чиқаришга, маълум фанлар туркуми ёки соҳаларни чуқур ўрганишга йўналтирилган таълим.

**67.Таълимда мониторинг** - таълим сифати ва ўзгариш тенденцияларини таҳлил қилиш, бўшлиқларни аниқлаш, уларни тўлдириш бўйича хулосалар бериш ва истиқбол йўналишларини прогнозлаш комплекси.

**68. Касбий салоҳият** - педагогнинг ўз касби бўйича илмий-назарий, амалий-услубий тайёргарлиги ва касб маҳорати даражаси.

**69.Рейтинг тизими** - талаба (ўқувчи)ларнинг Давлат таълим стандартилари асосида эгаллаган билим, кўникма ва малакаларини баҳолашнинг кўп балли тизими.

**70.Масофавий таълим** - замонавий ахборот-комуникация технологиялари воситасида масофадан туриб маълумотларни узатиш, қабул қилиш орқали маълум фан ёки соҳа бўйича ўқитиш.

**71.Қонун** - Ўзбекистон Республикасида энг муҳим ва барқарор ижтимоий муносабатларни тартибга соладиган масалалар бўйича, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан ёки референдум ўтказиш йўли билан қабул қилинадиган олий юридик кучга эга бўлган норматив хужжат.

**72.Фармон** - турмушда, ҳаётда, халк хўжалигида, иктисодиётда, таълимда, ишлаб чиқаришда ва бошқа сохаларда жуда катта ўзгаришларга олиб келадиган ўта мухим масалаларни тартибга солиш ва мустаҳкамлаш юзасидан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари асосида ҳамда уларни ижро этиш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинадиган норматив хужжат.

**73. Фармойиш** – кечиктириб бўлмайдиган ва тезда бажарилиши лозим бўлган масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинадиган норматив хужжат.

**74.Қарор** -Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари асосида ҳамда уларни ижро этиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинадиган норматив хужжат.

**75.Буйруқ**-Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари асосида ҳамда уларни ижро этиш учун вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар томонидан қабул қилинадиган норматив хужжат.

**76.Таълим** – инсонни илм олишга бўлган эхтиёж ва қизиқишларини оила, жамият ва давлат манфаатларидан келиб чиққан холда жамият фаровонлиги, шунингдек, инсоннинг интелектуал, маънавий-маърифий, ижодий, жисмоний ва касбий ривожланиши мақсадида кўникма ва билимларнинг зарур ҳажмини беришга мақсадли йўналтирилган ўқитиш ва тарбиялаш жараёни.

**77.Тарбия** - жамиятда қабул қилинган қонун ва қоидалар хамда маънавий-маърифий қадриятлар асосида инсон, оила, жамият ва давлат фаровонлигига йўналтирилган шароитда шахсни шакллантиришга қаратилган фаолият.

**78.Таълим сифати** - таълим фаолияти ва таълим олувчини тайёрлашнинг Давлат таълим стандартлари талабларига мос равишда жисмоний ва юридик шахсни эхтиёж ва қизиқишларини инобатга олган холда амалга ошириладиган фаолиятни таълим дастурларида режалаштирилган натижаларга эришиш даражаси.

**79.Илмий унвон** - профессор, доцент ва катта илмий ходим илмий мақоми.

**80.Талабгор** - илмий ва педагогик фаолият олиб бораётган ҳамда илмий унвон олишга даъвогар шахс.

**81.Аттестация** - талабгорларнинг малакасини тизимли равишда аниқлаш жараёни.

**82.Аттестация иши** - талабгорнинг аттестацияга оид ҳужжатлари тўплами.

**83.Илмий иш стажи** - шахснинг меҳнат шартномаси асосида илмий ходим лавозимида ишлаган ҳамда катта илмий ходим-изланувчилар институтида ўқиган муддати.

**84.Педагогик иш стажи** - шахснинг меҳнат шартномаси асосида олий таълим, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш таълим муассасаларида педагог лавозимида ишлаган муддати.

**85.Ўқув адабиёти** - муайян таълим тури, йўналиши ёки мутахассислигининг ўқув режасида белгиланган фанлар бўйича

тегишли ўқув дастурлари асосида зарур билимлар мажмуаси келтирилган, ўзлаштириш услублари ёритилган манба.

**86.Профессор** - тегишли малакавий ва аттестация талабларини бажарган ҳамда профессор илмий унвонига эга бўлган шахс.

**87.Доцент** - тегишли малакавий ва аттестация талабларини бажарган ҳамда доцент илмий унвонига эга бўлган шахс.

**88.Катта илмий ходим** - тегишли малакавий ва аттестация талабларини бажарган ҳамда катта илмий ходим илмий унвонига эга бўлган шахс.

**89.Профессор, доцент ёки катта илмий ходим аттестати** - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсати қарори билан профессор, доцент ёки катта илмий ходим илмий унвонига эга бўлган шахсларга бериладиган давлат намунасидаги ҳужжат.

**90.Апелляция** - илмий унвон бериш ёки илмий унвон беришни рад қилиш ёхуд ундан маҳрум этиш ёки уни тиклаш тўғрисидаги қарорлар юзасидан берилган шикоят аризаси.

**91.Ҳомийлар** - ҳомийликни амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар.

**92.Ҳомийлик** - юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик мақсадларида бошқа юридик ва жисмоний шахсларга мол-мулкни, шу жумладан, пул маблағларини қайтармаслик шарти билан ёки имтиёзли шартларда беришда, улар учун ишлар бажаришда, уларга хизматлар кўрсатиш ва уларни бошқача шаклда қўллаб-қувватлашда ифодаланадиган ихтиёрий беғараз ёрдами.

**Иловалар:**

**Олий таълим муассасаси ректорининг мажбуриятлари!**

1. Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармонлари ва фармойишлари, Олий Мажлис ва Вазирлар Маҳкамасининг таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасидаги қарорларини амалга оширишни ташкил этиш;

2. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури тадбирларини босқичма босқич амалга оширишда ДТСлари бажарилишини таъминлаш;

3.Ўзбекистон Республикаси қонунларига биноан таълим муассасаси номидан фаолият кўрсатиш, барча идораларда, муассасаларда, корхоналарда ОТМнинг манфаатини ҳимоя қилиш;

4.Таълимни ривожлантириш ва янада такомиллаштириш бўйича стратегик ахамиятга эга бўлган дастурлар ишлаб чиқиш;

5.ОТМ мулкини бошқариш, шартномалар тузиш, ишонч қоғози топшириш;

6.Банкда таълим муассасаси ҳисобини очиш ва Низомга асосан кредитларнинг бошқарувчиси бўлиш;

7.Олий таълим муасасасининг барча ходимлари, талабалари ва бошқалар учун мажбурий бўлган буйруқ ва топшириқлар бериш;

8. Ходимларнинг мехнатини, таълим олувчиларнинг ўқишини ташкил этиш, ўқиш сифатини ошириш ҳамда мехнат унумдорлигини юксалтириш;

9. Мехнат, ижро ва ўқув интизомини, мехнатни мухофаза қилиш шарт-шароитини таъминлаш;

10.ОТМ проректорларининг аниқ вазифалари ва жавобгарлигини белгилаб бериш;

11.Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартиб асосида таълим муассасаси ишчи ва ходимлари ҳамда илмий-педагогик ходимларни ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатиш;

12.Олий таълим муассасаси таркибига кирувчи илмий-тадқиқот, тажриба - синов ва бошқа ташкилотлар ҳамда бўлимларнинг ваколатини белгилаш, уларнинг Низомларини тасдиқлаш;

13. Олий таълим муассасаси ходимларининг лавозим маошларига устама ҳақ, қўшимча ҳақ миқдорини белгилаш;

14. Касаба уюшмаси ёки бошқа ваколатли ташкилот билан келишган холда ходимларнинг ички тартиб - қоидаларини белгилаш;

15.Олий таълим муассасаси қошида очилган академик лицейлар фаолиятининг ўқув-услубий бошқарувини ва тегишли йўналишдаги касб-хунар коллежлари патронатини амалга ошириш;

16.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги 12-сонли "Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ муассаса ходимлари томонидан ижро интизомига қаъий риоя этилишини таъминлаш;

17.Амалдаги қонунчиликка асосан бошқа мажбуриятларни амалга оширади.

**Олий таълим муассасаси ўқув ишлари бўйича проректорининг функционал мажбуриятлари!**

1.Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармонлари ва фармойишлари, Олий Мажлис ва Вазирлар Маҳкамасининг таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасидаги қарорларини, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг норматив - ҳуқуқий хужжатларини, кўрсатмаларини амалга ошириш;

2. Давлат таълим стандартлари асосида таълим жараёнини ташкил этиш ва малакали кадрлар тайёрлашни таъминлаш, давлат таълим стандартларига мувофиқ билимлар мазмуни ва тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар мажмуасини ОТМнинг барча деканлари, кафедра мудирлари ва педагог кадрлари томонидан тўлиқ ўзлаштирилишини ташкил этиш;

3. Илғор мамлакатлар таълим тизимининг ривожланиш тенденцияларини ўрганиш, "Таълим тўғрисида"ги, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва бошқа таълимга оид норматив - ҳуқуқий хужжатларда кўрсатилган вазифаларни амалга ошириш борасидаги услуб ва воситаларни ишлаб чиқилишини ташкил этиш ва уларни амалга оширилишини таъминлаш;

4. Ўқув йилига тайёргарлик кўриш ва олий таълим муассасаси ўқув жараёнининг йиллик иш режасини тузиш;

5. Олий таълим муассасаси ўқув йили графигини ишлаб чиқишни назорат қилиш;

6. Олий таълим муассасасида ўқув жараёнини такомиллаштириш бўйича истиқболли дастурлар ишлаб чиқиш;

7. Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчиларини штатлар жадвалини шакллантиришни назорат қилиш;

8. Олий таълим муассасасида ўқув юкламаларини хисоб китобини ва кафедраларда проф-ўқитувчиларга ўқув юкламаларини тўғри ва мавжуд меъёрий хужжатларга асосан тақсимланишини назорат қилиш;

9. Олий таълим муассасасида аудитория фондини ишлатиш, фойдаланиш ва уларни тақсимлашни назорат қилиш;

10. Олий таълим муассасасида соатбай фондни ишлатилишини назорат қилиш;

11. Олий таълим муассасасида малакавий, ўқув-танишув, педагогик ва ишлаб чиқариш амалиётларини ўтказиш ва уларни бажарилиши устидан назорат қилиш;

12. Олий таълим муассасасида талабалар билимини бахолашнинг рейтинг тизимларини татбиқ этиш, талабаларни билимларини объектив бахолашни ташкил этиш, талабаларни ўзлаштириши тўғрисида маълумотларни олиш ва уларни тахлил қилиш;

13. Узлуксиз таълим тизими учун янги авлод ўқув адабиётларини яратиш концепцияси талабларига мувофиқ дарсликлар, ўқув-методик адабиётлар яратилиши, таржима қилиниши, дарслик, ўқув-услубий мажмуалар таъминоти бўйича нашриёт ишларини ташкил этиш;

14. Олий таълим муассасасида бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича ишчи ўқув режаларини бажарилишини назорат қилиш;

15. Олий таълим муассасасида талабалар контингентини доимий харакатини назорат қилиш;

16. Олий таълим муассасасида ўқув жараёнига тегишли ҳужжатларни сақланиши ва зарурий ҳужжатларни сўралган пайтда тақдим қилишни амалга ошириш;

17. Ўқув жараёнини ташкил этиш бўйича ОТМ Кенгаши қарорлари ва олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг фармойишлари, хайъат қарорлари, буйруқлари, модемограммалари ва йўриқномаларини бажарилишини назорат қилиш;

18. Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчиларини турли хил комиссиялар таркибида қатнашишини таъминлаш;

19. Ўқув-услубий ишлар бўйича Олий таълим муассасасини буйруқ ва фармойишларини тайёрлашни назорат қилиш;

20. Факультет деканлари ва кафедра мудирларига олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига маълумотлар тайёрлаш бўйича топшириқлар бериш;

21. Олий таълим муассасасида профессор-ўқитувчиларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича режаларни бажарилишини назорат қилиш;

22. Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилари ва ўқув-ёрдамчи ходимларини аттестациядан ўтказиш;

23. Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилари ва ўқув-ёрдамчи ходимларини рағбатлантириш;

24. Олий таълим муассасасида ўқув жараёнини такомиллаштиришга доир тегишли шартномаларни тузиш;

25. Олий таълим муассасаси факультетлари, кафедралари ва бошқа тузилмаларида ички тартиб қоидаларга риоя қилишни назорат қилиш;

26. Олий таълим муассасаси билан бошқа олий ўқув юртлари ўртасидаги хамкорлик ва халқаро алоқаларда ўқув жараёни билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш;

27. Олий таълим муассасаси Кенгашида, ўқув-услубий Кенгашида, факультет Кенгашларида ҳамда ДАК ишида қатнашиш;

28. Олий таълим муассасасида ички тартиб қоидаларни бузганлик учун профессор-ўқитувчилар, ходимлар ва талабалар устидан интизомий чора кўриш;

29. Ўқув ишларига тааллуқли масалалар бўйича талабалар, ходимлар ва профессор-ўқитувчиларни қабул қилиш;

30. Олий таълим муассасаси ректори билан келишилган ҳолда ОТМ тузилмасини ва штатлар жадвалини шакллантириш;

31. Ўқув жараёнига тегишли бўлган фармойишлар чиқариш;

32. Фанларни ўзлаштира олмаётган талабаларни олий таълим муассасасидан четлаштириш, ўқишдан четлаштирилганларни ўрнатилган тартибда қайта тиклаш, талабаларни курсдан курсга ўтказиш, талабаларга стипендия тайёрлаш ишларини ташкил этиш ва доимий назоратини олиб бориш;

33. Олий таълим муассасасини ўрнатилган тартибда доимий ички аттестациядан ўтказиш, ташқи аттестацияга тайёрлаш ва ўтказишда фаол иштирок этиш;

34. Берилган ҳуқуқлар доирасида иш юритиш бўйича хизмат ёзишмаларини амалга ошириш ва бошқалар.

## Олий таълим муассасаси факультет деканининг функционал мажбуриятлари!

1. Факультет Кенгашига раҳбарлик қилиш, кафедралараро йиғилишлар, илмий-амалий конференцияларни ташкил этиш;
2. Факультетда ўқув, ўқув-услубий, илмий, илмий-тадқиқот ва маънавий-маърифий ишларга бевосита раҳбарлик қилиш;
3. Ўқув -тарбиявий жараён хамда талабаларнинг битирув малакавий иши ва амалиёти устидан назоратни амалга ошириш;

4. Ўқув машғулотлари жадвалини тузишга раҳбарлик қилиш, унинг бажарилишини назорат қилиш;

5. Талабаларнинг мустақил иши, шунингдек, уларнинг билимини рейтинг тизими асосида баҳолаш устидан назоратни ташкил этиш;

6. Талабаларни курсдан курсга ўтказиш, талабалар сафидан четлатиш, давлат аттестациясига ва битирув малакавий ишларини ҳимоя қилишга киритиш, академ таътил бериш ва стипендия комиссияси қарорига асосан стипендиялар тайинлаш тўғрисидаги буйруқларни лойихаларини тайёрлаш;

7. Олий таълим муассасининг маркетинг хизмати билан ҳамкорликда корхона ва муассасаларнинг факультет чиқараётган малакали мутахассисларга бўлган эҳтиёжини ва мехнат бозорини ўрганиш;

8. Педагог кадрлар, талабалар ва илмий ахборотлар билан ўзаро алмашиш учун бошқа таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларни ўрнатиш;

9. Таълим хизматларини ташкил этиш ва амалга оширишга жавоб бериш, бюджетдан ташқари маблағларни топиш ва улардан ўқув мақсадларида фойдаланишни амалга ошириш;

10. Факультетни тамомлаганлар билан алоқа ўрнатиш;

11. Факультет ихтисослиги бўйича халқ хўжалигида банд бўлган олий маълумотли мутахассисларнинг малака оширишини ташкил этиш;

12. Ўз ваколати доирасида, факультетнинг барча ходимлари, талабалари учун мажбурий бўлган фармойиш, йўриқнома ёки кўрсатмалар чиқариш;

13. Таълим мазмунини мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиёти истиқболлари, жамият эҳтиёжлари, фан, маданият, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқларини эътиборга олган ҳолда ишлаб чиқилган таълим стандартлари асосида шакллантириш;

14. Факультетда ўқитиладиган фанларни мазмунан ва ўқув аудитория соатлари хажми бўйича ривожланган чет эл мамлакатлари даражасида мувофиқлаштириш учун фанларнинг анъанавий мазмунини сақлаган ҳолда замонавий ахборот, услублар, янгиликлар ва бошқалар билан бойитиш чораларини кўриш;

15. Таълим тизимида кадрлар тайёрлаш сифатига таъсир кўрсатадиган асосий омиллардан бири бўлган ахборот-ресурс манбалари базасини кенгайтириш чораларини кўриш;

16. Таълимни ривожлантириш бўйича устувор илмий-тадқиқотларни ривожлантириш ва истиқболли режаларни тузиш;

17. Талабалар турар жойларида яшаётган ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш ва ҳамда фойдали меҳнат машғулотлари билан шуғулланишларини таъминлашга йўналтирилган тадбирлар ташкил этиш, талабаларни ҳар хил норасмий оқимларга қўшилиб қолишларининг олдини олади;

18. Олий таълим вазирлигининг меъёрий хужжатлари талаблари асосида талабаларнинг ҳафталик ўқув юкламалари ва мустақил иш соатлари ҳажмини ўқитиладиган фанлар тизимига мувофиқлаштириш;

19. Талабалар орасида ўқув интизомини яхшилаш механизмини янада такомиллаштириш, фаоллигини оширишга қаратилган тадбирларни амалиётга татбиқ қилиш;

20. Иқтидорли талабаларни Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендияси, номли стипендиялар, "Истеъдод жамғармаси", фанлар бўйича ўтказиладиган олимпиадалар ва бошқа танловларда иштирок этишга тайёрлаш билан боғлиқ бўлган тадбирларни ташкил этиш;

21. Факультет бошқарув кадрлари захирасини яратиш, тайёрлаш ва ўқитишни амалга ошириш;

22. Касбий этикани шакллантириш масалаларига кенгроқ эътибор бериш, адолатли, фидойи, ватанпарвар ва эътиқодли ёш кадрларни тайёрлашни таъминлаш;

23. Факультет жамоаси ва талабалари орасидаги расмий ва норасмий муносабатларда ўзаро ишонч ва хурмат, самимийлик ҳамда меҳр-оқибат туйғуларини шакллантириш;

24. Ўқув-тарбия тизимига янги ахборот технологияларини жорий этилишини назорат қилиш;

25. Докторантлар, мустақил изланувчилар, профессор-ўқитувчиларнинг малакасини ошириш бўйича ишларни мувофиқлаштириш;

26. Факультет таркибига кирувчи кафедраларнинг фанлари бўйича, бошқа ОТМ профессор-ўқитувчилари ва хорижий олимлар билан хамкорликда, дарслик ўқув қўлланмаларни тайёрлашга рахбарлик қилиш;

27. Профессор-ўқитувчиларни компютер саводхонлиги ва инглиз тилида сўзлашув нуткини шакллантириш учун машғулотлар ташкил этиш;

28. “Йилнинг энг яхши факультети” учун ўтказиладиган кўрик танловда факультет иштирокини таъминлаш;

29. Факультет ўқув-услубий Кенгаши қошида устозлар тажрибасини ўрганиш, янги педагогик технологияларни жорий қилиш ва малака ошириб келган профессор-ўқитувчиларнинг ҳисоботларини муҳокама қилиш бўйича семинарлар ташкил этиш;

30. Декан муовинларини тайинлаш бўйича олий таълим муассасаси ректорига тавсиялар бериш ва бошқалар.

**Олий таълим муассасаси кафедра мудирининг функционал мажбуриятлари!**

1. Кафедра ишига раҳбарлик қилиш, ўқув йилига тайёргарлик кўриш, кафедранинг йиллик иш режасини тузиш, кафедранинг йиғилишларини ўтказиш;
2. Йиллик ўқув юкламаларини хисоб китобини ва кафедрада проф-ўқитувчиларига ўқув юкламаларини тўғри ва бир текис тақсимлаш;
3. Кафедрада соатбай фондни ишлатилишини назорат қилиш;
4. Малакавий, ўқув-танишув, педагогик ва ишлаб чиқариш амалиётларини ўтказиш ва уларни бажарилиши устидан назорат қилиш;
5. Талабаларни ўзлаштириши бўйича маълумотларни олиш ва уларни тахлил қилиш;
6. Бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахасисликлари бўйича ишчи ўқув режалари ва ишчи ўқув дастурларини бажарилишини назорат қилиш;
7. Ўқув жараёнига тегишли ҳужжатларни сақланиши ва зарурий ҳужжатларни тезда тақдим қилишни амалга ошириш;
8. Ўқув жараёнини ташкил этиш бўйича олий таълим муассасаси ва факультет Кенгашлари қарорлари ва олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг фармойишлари, хайъат қарорлари, буйруқлари, модемограммалари ва йўриқномаларини бажариш;
9. Кафедра профессор-ўқитувчилари таркибини турли хил комиссияларда қатнашишини таъминлаш;
10. Кафедра ходимларига олий таълим муассасаси рахбариятига маълумотлар тайёрлаш бўйича топшириқлар бериш;
11. Профессор-ўқитувчиларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича режаларни бажарилишини назорат қилиш;
12. Кафедрада ички тартиб қоидаларга риоя қилишни назорат қилиш;

13. Кафедра билан бошқа олий ўқув юртлари кафедралари ўртасидаги хамкорлик ва халқаро алоқаларда ўқув жараёни билан боғлиқ масаларни кўриб чиқиш;

14. Факультет Кенгашида ҳамда ДАК ишида қатнашиш;

15. Кафедрага тааллуқли масалалар бўйича талабалар, ходимлар ва профессор-ўқитувчиларни қабул қилиш;

16. Факультет декани билан келишилган ҳолда кафедра тузилмасини ва штатлар жадвалини шакллантириш;

18.Кафедра иштирокини "Йилнинг энг яхши кафедраси" учун ўтказиладиган кўрик танловда таъминлаш;

19.Қайта тайёрлаш ва малака оширган профессор-ўқитувчиларнинг ҳисоботларини муҳокама қилиш;

20.Берилган ҳуқуқлар доирасида иш юритиш бўйича хизмат ёзишмаларини амалга ошириш ва бошқалар.

**Олий таълим муассасаси профессор – ўқитувчиларининг функционал мажбуриятлари!**

1.Бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг ишчи ўқув режалари, ишчи ўқув дастурлари, магистрлар тайёргарлигининг шахсий режаларини тузиш;

2. Ўқув жараёнини таъминлашда фаол қатнашиш, дарслик, ўқув, ўқув - услубий қўлланмалар ва маъруза матнларини ёзиш;

3. Тегишли фан ёки фанлар бўйича дастурлар, курс ишлари, битирув малакавий ишлари, магистрлик диссертациялари устида ишлаш бўйича кўрсатмалар ва услубий қўлланмаларни ишлаб чиқиш;

4. Ўқув жараёнига илғор педагогик ва ахборот технологияларни жорий этиш;

5. Юқори илмий-услубий савияда талабалар ўқишини амалга ошириш;

6. Битирув малакавий ишига ва магистрлик диссертациясига раҳбарлик қилиш;

7. Таълим, фан, техника интеграциясининг ташкилий, илмий-услубий асосларини ишлаб чиқишда қатнашиш;

8. Илмий йўналиш ва илмий мактаблар очиш;

9.Магистрлар, катта илмий ходим изланувчилар, мустақил изланувчилар, стажёр ўқитувчиларга раҳбарликни амалга ошириш;

10.Ўқитувчи ва талабаларнинг илмий ўқув-тадқиқот ишларини ташкил қилиш ва уларнинг натижаларини ўқув жараёнини ишлаб чиқишга татбиқ этиш;

11.Маъруза, семинар, амалий ва лабаратория машғулотларни олиб бориш;

12.Фанлар бўйича ишчи ўқув дастурларни ишлаб чиқиш, уларга тақризлар бериш;

13. Илмий, ўқув-услубий иш натижаларини нашр қилдириш;

14. Фанларни методик жиҳатидан таъминлашни назорат қилиш;

15.Кафедранинг илмий-тадқиқот мавзуси бўйича муаллифлик курсларини ўқиш;

16. Олий таълим муассасаси, факультет ва кафедра ички тартиб қоидаларига риоя қилиш;

17.Кафедра ўқитувчиларининг малакасини оширишда фаол иштирок этиш ва уларнинг педагогик маҳорат ва касбий малакага эга бўлиши учун методик ёрдам кўрсатиш;

18.Талабаларда юқори маданият ва маънавиятни, ўз касбига, Ватанига, табиатга муҳаббатни, ватанпарварлик, фуқаролик нуқтаи назарни шакллантириш;

19.Ўқув тарбия ва илмий жараёнларнинг юқори самарадорлигини таъминлаш;

20.Илмий - техник, ижтимоий - гуманитар, иқтисодий ва ҳуқуқий билимларни ташвиқот қилишда қатнашиш ва бошқалар.

## Олий таълим муассасаларида дарс жадвалларини шакллантириш ТАРТИБИ!

**Дарс жадвали** - олий таълим муассасаси ва факультетларда ўқув жараёнини тартибга соладиган меъёрий хужжатлардан бири бўлиб у хафта кунлари ва семестр давомида, йўналишлар, мутахасисликлар хамда курслар кесимида, талабалар гурухини асосий ва қўшимча таълим дастурларини бажарилишини таъминлайди.

Дарс жадвали - талабаларни ўқув ишларини оптимал ташкил этиш ва профессор - ўқитувчилар фаолиятини самарадорлигини ошириш учун хизмат қилади

**Олий таълим муассасаларида жадвалларни қуйидаги турлари амалда қўлланилади:**

- ўқув жараёни жадвали;
- дарс жадвали;
- жорий назоратлар жадвали;
- оралиқ назоратлар жадвали;
- якуний назоратлар жадвали;
- академ қарзларни бартараф этиш жадвали;
- амалиёт жадвали;
- якуний давлат аттестацияси жадвали.

Ўқув жараёнининг дарс жадвали олий таълим муассасаси бўйича ишчи ўқув режалар асосида тасдиқланган ўқув жараёни графигига асосан таълимнинг кундузги, махсус сиртқи шакллари бўйича хар бир семестр учун алохида тузилади.

**Дарс жадвалини тузишнинг асосий вазифаларига:**

- ДТС талабларига амал қилиш;
- ўқув жараёни графиги ва ишчи ўқув режаларни бажариш;
- талабаларни семестр, хафта ва кунлар бўйича оптимал ишлаш тартибини ташкил этиш, ўқув машғулотларини кун давомида узлуксизлигини таъминлаш ва хафта давомида ўқув юкламаларини бир текис тақсимлаш;
- професcор-ўқитувчилар томонидан ўз лавозимий вазифаларини бажариш учун оптимал шарт-шароитлар яратиш;
- санитария-гигиена талабларини таъминлаш;
- талабалар учун ўқув ахборотларини олишга рухсат бериш;
- ОТМ аудитория фондларидан куннинг биринчи ва иккинчи ярмида аудиторияларнинг бандлик даражасидан тўғри ва самарали фойдаланиш.
- фанларни ўқитишда узвийлик, мантиқий кетма-кетликни таъминлаш ва хоказолар киради.

Дарс жадвали - ОТМ ректори томонидан тасдиқланган ўқув жараёни графиги ва ўқув ишлари бўйича проректор томонидан тасдиқланган ишчи ўқув режалар асосида таълим дастурларига мос ҳолда тузилади.

Дарс жадвалини тузиш ва унга амал қилишни назорат қилиш мансаб йўриқномасига асосан ушбу ишга маъсул бўлган шахс ёки шахсларнинг (декан ёки ўқув ишлари бўйича декан муовинларининг) мажбурияти хисобланади.

Дарс жадвали кафедра мудирларининг таклифлари асосида дарс жадвалини тузишга маъсул бўлган шахс томонидан факультет декани билан келишилган ҳолда тузилади ОТМ кенгашида кўриб чиқилади ва ўқув ишлари бўйича проректор томонидан тасдиқланади хамда ОТМ ёки факультетда дарс жадваллари учун ажратилган жойга ва факультетлар Web-сайтига ўқув жараёни бошланишидан 2 хафта олдин жойлаштирилади.

Факультетлар томонидан тузилган дарс жадваллари проректор томонидан тасдиқланишидан олдин ОТМ ўқув-услубий бошқармаси мутахасисларига амалдаги ишчи ўқув режа талабларига мослигини текшириш учун тақдим этилади.

Дарс жадвалини тузишда айрим профессор-ўқитувчиларни фикрлари у ўкув жараёни графигини бузилишига олиб келмаса инобатга олиниши мумкин, яъни уларни оилавий ахволи, илмий, ўкув - услубий, маънавий-маърифий, ташкилий ишлари ёки бошқа муассасаларда ўриндошлик асосида ишлаш холларида.

Дарс жадвалига амал қилиш жараёнида қуйидагилар таъқиқланади:

- факультет деканатининг рухсатисиз ўтиладиган дарсларни вақтини ва аудиториясини (жойини) ўзгартириш;

- амалий машғулотларда бир неча гурухларни қўшиб дарс ўтиш;

- дарс жадвалида бошқа дарс учун ажратилган аудиторияларни банд қилиш.

Дарс жадвали асосида талабаларни ўқув машғулотларини бир маромда таълимнинг узвийлигини хисобга олиб кун ва хафта давомида ишчи ўқув режа асосида ўқув юкламалари текис тақсимланган холда ташкил этиш.

Тасдиқланган дарс жадвали бўйича ўқув машғулотларининг ўтказилиши ва мослигига факультет декани шахсан жавобгар хисобланади.

ОТМда дарс жадвали икки смена учун тузилади. Биринчи сменада машғулотлар 9 $^{00}$ дан иккинчи сменада машғулотлар 14 $^{00}$ дан бошланади. Академ соатнинг давомийлиги 40 дақиқа.

Талабалар учун аудитория машғулотлари бир кунда 8 академик соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Дарс жадвалига бир кунда 4 академ соатдан ортик амалий машғулот қўйиш мақсадга мувофиқ эмас.

Дарс жадвалига маъруза дарсларини ўқув кунини бошланишига қўйиш мақсадга мувофиқ бўлиб бир кунда 6 академ соатга маъруза қўйиш таъқиқланади.

Ўқув машғулотлари барча гуруҳларда бир вақтда бошланади.

Дарс жадвалини тузиш жараёнида машғулотларни бир текис тақсимлаш ва машғулотлар орасида бўш вакт бўлмаслиги лозим.

Факультатив фанлар бўйича дарс машғулотлари куннинг биринчи ва иккинчи ярмини сўнги параларига режалаштирилиши лозим.

Кундузги бўлим талабаларнинг кузги семестр бўйича дарс жадвали 25 августгача, иккинчи бахорги семестр бўйича дарс жадвали 1 февралга қадар тасдиқланиши шарт. Махсус сиртқи бўлим талабаларининг дарс жадвали семестр бошланишидан 2-хафта олдин тасдикланади.

Тузилган дарс жадвали билан барча проф-ўқитувчилар таништирилиши лозим хамда дарс жадвалининг кўчирмалари хар бир кафедрага етказилиши шарт.

Баъзи бир холатларда истисно тарзида тасдиқланган дарс жадвалига ўқув машғулотлари бошлангандан сўнг икки хафта ичида факультет рахбарияти тавсиясига кўра ва ўқув-услубий бошқарма бошлиғи билан келишилган холда ОТМ рахбариятининг розилиги билан ўзгартириш киритиш мумкин.

Дарс жадвалида ўқув йили, семестр, йўналиш, мутахассислик, курс, гурух, гурух номери, фаннинг номи ва дарснинг (маъруза, амалий машғулот ёки семинар, лаборатория) шакли, машғулотни олиб борувчи профессор-ўқитувчининг исми шарифи ва отасининг исми, илмий унвони, илмий даражаси, дарснинг ўтказилиш жойи, аудитория номери кўрсатилиши лозим.

Дарс жадвали таълимнинг меъёрий-хуқуқий хужжатларига асосланган холда ўрнатилган тартибда тузиладиган ва ДТС хамда ўқув режаларни бажарилишини кўрсатиб турувчи хужжат бўлиб унинг ижроси устидан назорат факультет декани зиммасига юклатилади. Дарс жадвалига таълимнинг барча субъектлари амал қилишлари лозим.

# ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ


## I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари.

1. Каримов И.А. Ўзбекистон ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. – Тошкент: Ўзбекистон. 1992. -22 б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Тошкент: Ўзбекистон, 1996. Т.1. -364 б.
3. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. – Тошкент: Ўзбекистон, 1994. Т.2. -380 б.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. – Тошкент: Ўзбекистон, 1995. -269 б.
5. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. – Тошкент: Ўзбекистон, -Т. 3. 1996.
6. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. - Тошкент: Ўзбекистон, 1997. Т.5. -384 б.
7. Каримов И. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Т.7. –Тошкент: Ўзбекистон, 1999.
8. Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. Т.8. -528 б.
9. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. - Тошкент: Ўзбекистон, 2001. Т.9. -439 б.
10. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. Т.10. -432 б.
11. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. – Тошкент: Ўзбекистон, 2003. Т.11. -320 б.
12. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. - Тошкент: Ўзбекистон, 2005. -64 б.
13. Каримов И.А. Жамиятни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш-барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. -Тошкент: Ўзбекистон, 2007, Т. 15. -126 б.
14. Каримов И.А. Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш – барча демократик янгиланиш ва иқтисодий ислоҳотларимизнинг пировард мақсади. –Тошкент: Ўзбекистон, 2007.

15. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. -Тошкент: Маънавият, 2008. -176 б.

16. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби // “Халқ сўзи “ 2009 йил 14 февраль.

17. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. // Ўзбекистон овози. 2010 йил 28 январь.

18. Каримов И.А. Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтарилиш сари. Т.18. -Тошкент.: Ўзбекистон, 2010. -280 б.

19. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” номли маърузаси // Халқ сўзи. 2010 йил 13 ноябрь.

20. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги “Амалга ошираётган ислоҳотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш – ёруғ келажагимизнинг асосий омилидир” маърузаси. -Тошкент., 2013 йил 6 декабр.

21. Каримов И.А. Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтариш сари. -Тошкент: Ўзбекистон, 2013.

22. Каримов И.А. Мамлакатимизни демократик янгилаш ва мадернизация қилишга қаратилган тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириш – бош мақсадимиздир. // Халқ сўзи, 2014 йил 6 декабр.

23. Каримов И.А. Ўзбекистон эришган ютуқ ва марралар - биз танлаган ислоҳотлар йўлининг тасдиғидир. Т.22. – Т.: Ўзбекистон, 2014.

24. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш - энг олий саодатдир. – Т.: Ўзбекистон, 2015.

**II. Норматив - ҳуқуқий хужжатлар.**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т., 2014.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил. 9-сон, 225-модда.

3. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил. 11-12-сон, 295-модда.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 28 июлдаги “Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 2 ноябрдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1426-сонли Қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1533- сонли Қарори.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-4456-сон Фармони.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 12.06. 2015 йилдаги № 4732 -сонли Фармони.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим хамда олий малакали илмий ва илмий педагогик кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги № 365 - сонли Қарори.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2001 йил 16 августдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандарти. Асосий қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида”ги № 343 сонли Қарори.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2001 йил 17 августдаги “Олий ўқув юртлари талабаларига стипендиялар тўлаш тартиби тўғрисида”ги № 344 - сонли Қарори.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 25 июлдаги №283-сонли қарори билан тасдиқланган “Хорижий

давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ва нострификациялаш (эквивалентлигини қайд этиш)” Тартиби.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 26 июлдаги №318-сон қарори билан тасдиқланган “Олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисида”ги Низом// Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари тўплами, 2001., № 7, 43-модда.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 мартдаги №100-сон қарори билан тасдиқланган “Нодавлат таълим муассасалари фаолиятини лицензиялаш тўғрисида”ги Низом// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004, 9-сон, 107-модда.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралдаги № 21-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006, 6-7-сон, 37-модда.

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил
10 январдаги “Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги № 3-сонли Қарори.

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги № 242-сонли Қарори.

### III. Махсус адабиётлар.

1. Олий таълим. Меъёрий - ҳуқуқий ва услубий хужжатлар тўплами. “Истиқлол” -Т., 2004.

2. Олий таълимнинг меъёрий - ҳуқуқий хужжатлари тўплами. - Т., 2013.

3. Краснова Г.А. Открытое образование: цивилизационные подходы и перспективы. -М.: РУДН. 2002.

4. Регион: Управление образованием по результатам Теория и практика / Под редакцией П.И.Третьякова. -М.: Новая школа. 2001.

5. Семеусов В. Предпринимательская деятельность в вузе // Российская юстиция. -М.: 2000.

6. Галаган А.И. Финансирование образования в развитых зарубежных странах. -М., 2003. -С. 23

7. Запесоцкий А. Платное образование - не услуга, студент - не клиент // Высшее образование в России. -М,: 2002. -№ 2. -С. 48.

8. Болюбаш Я.Я. Организация учебного процесса в высших учебных заведениях. - К.: Компас, 1997.

## IV. Электрон таълим ресурслари.

1. http://www.lex.uz
2. http://www.ziyonet.uz
3. http://www.gov.uz
4. http://www.nopma.uz

## Мундарижа

**Кириш..........................................................................................................3**

**I-модул. Таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этишнинг қонун хужжатлари.........................................................................7**

1-§.Меъёрий-ҳуқуқий хужжатлар тушунчаси ва турлари................. 7

2-§.Ўзбекистон Республикаси Конституцияси таълим ва тарбия жараёнларининг асосий қонун хужжати сифатида.............................10

3-§. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни.16

4-§. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури...........................................23

5-§.Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари………………………………………………………………37

**II-модул. Таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этишнинг қонун ости хужжатлари.................................................................43**

1-§.Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари..........................................................................................43

2-§ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари .58

**III-модул. Таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этиш бўйича олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг буйруқлари...........114**

1-§.Таълим соҳасининг Давлат таълим стандартлари.......................114

2-§. Бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари..............118

3-§. Магистратура мутахассислигининг малака талаблари...............119

4-§.Ўқув режалар ва уларни шакллантириш тартиби........................121

5-§.Фан дастурлари ва уларни тузиш тартиби..................................125

6-§.Буйруқлар ва низомлар.................................................................129

**Тест топшириқлари..........................................................................181**

**Глоссарий..........................................................................................222**

**Иловалар............................................................................................233**

**Фойдаланилган адабиётлар.............................................................245**

Босишга рухсат этилди 11. 11.2015. Ҳажми 15.75 босма табоқ.
Бичими 60×84 1/16. Адади 200 нусха. Буюртма 161.
М.Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети
босмахонасида чоп этилди.